ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 34

2026 йил 24 - 29 август

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ БЎЛИМ

861. «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш ва божхона маъмурчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 августдаги ПФ-174-сон Фармони

862. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 августдаги ПФ-175-сон Фармони

863. «Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликларни қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 27 августдаги ПФ-176-сон Фармони

864. «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 28 августдаги ПФ-177-сон Фармони

865. «Халқаро тан олинган визаларга эга бўлган хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 29 августдаги ПФ-180-сон Фармони

866. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 августдаги ПҚ-302-сон қарори

867. «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 августдаги ПҚ-303-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

868. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 августдаги 456-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

869. “Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 24-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3301-2-son)*

870. “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish qoidalarini tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 24-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3930-son)*

871. ““Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 25-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3263-4-son)*

872. “Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2608-3-сон)*

873. “«Ватан таянчи» отрядининг аъзосига, «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиладиган «Шижоат ва ғайрат» мусобақаларининг республика босқичи ғолибларига олий ҳарбий (ҳарбийлаштирилган) таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3931-сон)*

874. “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 27-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3078-7-son)*

875. “O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 27-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3294-4-son)*

876. “Markaziy bankning banklararo to‘lov tizimi orqali elektron to‘lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 28-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1545-7-son)*

877. “O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 4-bobi, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida” O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 28-avgust ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2684-6-son)*



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «_27_» _август_ _ПФ–174_-son

Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш ва божхона маъмурчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат божхона хизмати органларини замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали “Интеллектуал божхона”га трансформация қилиш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан холи тизимга айлантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида божхона тартиботларини соддалаштириш ва **бюрократик тўсиқларни бартараф этиш**;

(б) 2030 йилга қадар:

(i) рақамли технологияларни ривожлантириш орқали инсон омилисиз божхона расмийлаштируви кўламини **60 фоизга етказиш**;

(ii) божхона тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **4,4 фоизга етказиш**;

(iii) божхона расмийлаштируви вақтини **икки баробарга қисқартириш;**

(в) божхона хизматлари сифатини яхшилаш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона органларига бўлган **ишончини мустаҳкамлаш**.

II. “Янги Ўзбекистон божхонаси – 2030” стратегияси

2. 2026–2030 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон божхонаси – 2030” стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ **тасдиқлансин** ҳамда **қуйидагилар Стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгилансин**:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(а) божхона жараёнларида тадбиркорлик субъектларига ва жисмоний шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш;

(б) божхона органлари инфратузилмасини яхшилаш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш;

(в) божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш;

(г) божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш;

(д) халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

III. Божхона жараёнларида тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш

3. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги талаблар **бекор** қилинади:

(i) ташқи савдо шартномасини тузмасдан инвойс асосида импортни амалга оширишда хорижий ҳамкорга **олдиндан тўлов ўтказиш чеклови**;

(ii) ташқи савдо шартномасини тузмасдан инвойс асосида экспортни амалга оширишда **олдиндан 50 фоиз тушумни таъминлаш**;

(iii) товарлар экспортини миллий валютада амалга оширишда **олдиндан тўловни таъминлаш** ёки **тўловнинг кафолатли шаклларини** (аккредитив, банк кафолати, суғурта полиси) **тақдим этиш**;

(iv) озиқ-овқат маҳсулотларини синовдан ўтказиш учун маҳсулот намунаси етарли бўлмаганда, **санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш**. Бунда ваколатли орган томонидан маҳсулотлар миқдори синов учун етарли эмаслиги тўғрисида **хат тақдим этилади;**

(v) божхона расмийлаштируви жараёнида биологик актив ва янги кимёвий моддалар, озиқ-овқат қўшимчалари, полимер, парфюмерия-косметика маҳсулотларини олиб кириш учун рухсатнома, шунингдек, дори воситалари ҳамда тиббий жиҳозлар давлат рўйхатидан **ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиш**.

Бунда рухсатнома ва гувоҳнома мавжудлиги мажбурий **мувофиқликни баҳолаш** ҳамда **санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш вақтида назорат қилинади**;

(б) 2026 йил 1 октябрдан бошлаб:

(i) солиқ органларида хавф даражаси паст ҳамда қўшилган қиймат солиғи гувоҳномаси фаол бўлган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига товарларни импорт қилишда тўланадиган **қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имконияти** яратилади;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(ii) товарлар экспортида назорат жараёнларининг рақамлаштирилиши ва такомиллаштирилиши ҳисобига божхона расмийлаштируви, фитосанитария сертификати ва фумигация ҳамда товарнинг келиб чиқиш сертификати учун йиғим ва тўловлар миқдори **30 фоизга камайтирилади;**

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб товарларнинг божхона қийматини назорат қилиш тартибини **соддалаштиришга қаратилган қуйидаги чоралар кўрилади:**

(i) хавф даражаси паст ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини **товарлар эркин муомалага чиқарилгандан кейин назорат қилиш**;

(ii) божхона қийматини назорат қилиш мақсадида товарлар учун **қатъий божхона қийматини** белгилашни тақиқлаш;

(iii) божхона қиймати бўйича дастлабки қарор қабул қилиш амалиётини жорий этиш;

(iv) товарларнинг божхона қийматини назорат қилишда расмий диллер ва дистрибьюторларнинг **нарх маълумотларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш;**

(г) 2027 йил 1 июндан бошлаб жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларда олиб ўтиладиган товарлар бўйича ягона божхона тўлови миқдори тўланиши лозим бўлган божхона йиғимлари миқдоридан кам бўлган тақдирда, **ушбу йиғимлар ундирилмайди**;

(д) 2028 йил 1 январга қадар тадбиркорларга божхона органлари томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар ва тўловларни бир жойдан амалга ошириш имкониятига эга бўлган **мобил илова жорий этилади**.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 июндан** бошлаб:

(а) божхона назорати жараёнида товарнинг келиб чиқиш сертификати ва тақдим этилган ҳужжатлар ўртасида товарнинг хусусиятига таъсир этмайдиган кичик тафовутлар аниқланганда, ушбу тафовутлар **сертификатни рад этишга асос бўлмайди**;

(б) экспорт қилишда экологик сертификат экспорт қилувчининг **ихтиёрий мурожаатига асосан расмийлаштирилади**;

(в) ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги аризани тақдим этиш, кўриб чиқиш ва жавоб йўллаш жараёнлари марказлашган ҳолда **электрон тарзда амалга оширилади**;

(г) божхона юк декларациясини тўғридан-тўғри қайта расмийлаштириш орқали:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(i) реэкспорт қилишда қонунчиликда белгиланган талаблар бажарилган ҳамда товарлар бўйича чегара божхона постида божхона назорати якунланган тақдирда, **илгари тўланган божхона божи ва солиқлар қайтарилади**;

(ii) товарлар божхона тўловлари тўланишини назарда тутувчи божхона режимига қабул қилинган санадан бошлаб бир йил ичида лозим даражада расмийлаштирилган келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги сертификат тақдим этилган тақдирда, **энг кўп қулайлик бериш режими ёки эркин савдо режими тикланади**;

(д) товарлар эркин муомалага чиқарилганидан кейинги божхона назоратида келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги сертификат лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги аниқланганда, божхона расмийлаштируви амалга оширилган санадан бошлаб уч йил давомида тўғри сертификат тақдим этилганда **тариф преференцияларини тиклаш ҳуқуқи берилади** (бундан халқаро нормаларда назарда тутилган ҳоллар мустасно);

(ж) транзит декларацияларини транспорт воситалари чегара божхона постига етиб келишидан **олдин тақдим этиш тартиби жорий этилади**;

(з) дастлабки божхона юк декларациясини тақдим этишнинг қуйидагиларни ўз ичига олган **янги соддалаштирилган амалиёти жорий этилади**:

(i) дастлабки божхона юк декларацияси ваколатли идоралар томонидан товарларга сертификат ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун **ариза сифатида қабул қилинади**;

(ii) ваколатли идоралар томонидан дастлабки божхона юк декларацияси асосида хавф даражаси паст бўлган товарларга **сертификат ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олдиндан берилади**;

(iii) якуний декларацияда ваколатли идоралар томонидан берилган сертификат ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни **акс эттириш амалиёти бекор қилинади**;

(iv) дастлабки божхона юк декларацияси асосида олиб киришга рухсат берилган товарлар чегара божхона постига етиб келганда, уларнинг **хавф даражаси асосида тезлаштирилган тартибда чиқарилади**;

Мазкур кичик бандда белгиланган талабларни қўллаш тартиби ва унинг босқичлари **Божхона қўмитаси томонидан белгиланади**;

(и) экспорт операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун молиявий жарималар **ваколатли иқтисодий операторларга нисбатан қўлланмайди**.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

IV. Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш

5. Божхона қўмитаси 2028 йил 1 январдан бошлаб божхона органлари ахборот тизимлари орқали товарлар эркин муомалага чиқарилгандан кейин аниқланган тафовутлар бўйича тадбиркорни автоматик равишда хабардор этиш ва уларни ўз ихтиёри билан бартараф этишга қаратилган текширувдан олдинги **"AI-таҳлил" шаклини жорий этсин**.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2027 йил 1 январдан бошлаб:

(i) божхона ҳудудида қайта ишлаш муддати ўтган товарлар 30 кун ичида олиб чиқилмаган ёхуд бошқа божхона режимларига жойлаштириш билан тугалланмаган ҳолларда уларни қайта ишлаш муддатининг охирги кунидан кейинги кунда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилганда, **тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммаси сўзсиз тартибда ундириб олинади**;

(ii) товарлар божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида амалда қайта ишланмаган ёки фақат содда операциялар (қадоқлаш, ўраш, саралаш, тозалаш ва бошқа товарларга мослаштириш) бажарилган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилганда, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида бўлган ҳар бир календарь кун учун қайта ҳисоб-китоб қилинган божхона тўловлари суммасидан Марказий банкнинг **асосий ставкаси миқдорида фоизлар ундирилади**;

(б) 2027 йил 1 апрелдан бошлаб импорт билан шуғулланувчи субъектларга нисбатан сайёр шаклдаги солиқ ва божхона текширувларини **биргаликда ўтказиш амалиёти жорий этилади**.

7. Белгилансинки, **инсон омилисиз расмийлаштирув кўламини** ошириш мақсадида **хавф даражаси паст бўлган** тадбиркорлар учун "**Post Clearance**" шартларига риоя этган ҳолда **2027 йил 1 январдан** бошлаб қуйидагилар жорий этилади:

(а) Жаҳон божхона ташкилотининг Хавфларни бошқариш тавсиялари асосида **қуйидаги шартлар бир вақтда бажарилганда** божхона юк декларацияси **автоматик тарзда расмийлаштирилади:**

(i) товарлар бир шартнома доирасида **бир неча бор олиб келинганда**;

(ii) Хавфларни бошқариш ахборот тизими томонидан аниқланган қўшимча божхона тўловлари миқдори **БҲМнинг 10 бараваригача бўлганда**;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(iii) божхона органларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари учун **етарли маблағ мавжуд бўлганда**;

(iv) декларант аниқланган қўшимча божхона тўлови тизим томонидан **автоматик ундириб олинишига розилик билдирганда**;

(б) ахборот алмашинуви йўлга қўйилган эркин савдо зонаси ёки эркин савдо режими тўғрисидаги битим иштирокчиси бўлган давлатларда ишлаб чиқарилган ҳамда олиб кирилган товарлар юзасидан тақдим этилган маълумотлар ўртасида тафовут аниқланмаган ва божхона юк декларациясида экспортёр давлатнинг божхона декларацияси реквизитлари қайд этилганда, мазкур товарлар **автоматик тарзда божхона расмийлаштирувидан ўтказилади**;

(в) декларант божхона юк декларациясини автоматик расмийлаштиришга розилик берганда, мазкур божхона юк декларацияси **божхона ходими аралашувисиз расмийлаштирилиши мумкин**. Бунда декларант томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича **бош таъминотни тақдим этиш мажбурий ҳисобланади**.

V. Божхона тўловлари ва имтиёзларини тартибга солиш

8. 2027 йил 1 январдан бошлаб ягона божхона тўлови ставкаси товарнинг божхона қийматидан **20 фоиз**, лекин ҳар бир килограмми учун **2 АҚШ долларидан кам бўлмаган** миқдорда белгилансин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Божхона қўмитаси билан биргаликда 2027 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этиш бўйича **қонун лойиҳасини уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин**:

(а) амалда божхона божидан озод этиш ва ноль ставкани қўллаш бўйича тақдим этилган имтиёзларни уларнинг амал қилиш **муддати тугагунига қадар сақлаб қолиш**;

(б) божхона божи бўйича муддатсиз берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддатини **2029 йил 1 январь этиб белгилаш**.

Бунда Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиянинг ташқи савдодаги тариф чораларини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида вақтинча тартибга солиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатлари 2028 йил 1 январга қадар сақлаб қолинади.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

VI. Божхона органлари инфратузилмасини яхшилаш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш

10. Божхона қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизликни таъминлаш **бошқармаси негизида** божхона органларининг умумий чекланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган **Рақамли технологиялар марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда божхона органлари фаолиятида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш, киберхавфсизликни таъминлаш, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда техник қўллаб-қувватлаш, вазирлик, идоралар ва хорижий давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро интеграциялашган ахборот алмашинувини ташкил этиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш **Марказнинг асосий вазифалари** этиб белгилансин.

11. Божхона қўмитасининг **“Божхона-сервис” давлат муассасаси** хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда **масъулияти чекланган жамият сифатида** қайта ташкил этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** “Божхона-сервис” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини ташкил этиш, унинг инвестиция ва молиялаштириш механизмларини, ваколатлари ҳамда хизмат кўрсатиш тартибини белгилаш, шунингдек, “Safe Customs” ягона рақамли ахборот экотизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилсин.

12. Белгилансинки:

(а) Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий давлатларнинг божхона хизматлари ва ташкилотларига ахборот технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатиш ҳамда дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

(б) Марказнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармонига мувофиқ амалга оширилади;

(в) Марказнинг ахборот технологиялари соҳасидаги юқори малакали мутахассисларига қўшимча устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар Божхона қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган тартиб ва мезонлар асосида Марказ бошлиғи томонидан белгиланади. Бунда

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

мазкур устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

(г) Марказ фаолиятини таъминлаш учун ахборот технологиялари соҳасидаги алоҳида билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар шартнома асосида жалб этилиши мумкин. Бунда мазкур мутахассисларни жалб этиш тартиби ва мезонлари, шунингдек, уларга тўланадиган ҳақ миқдори Божхона қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади ҳамда харажатлар Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

13. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

(б) Божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

(в) халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотларининг грантлари;

(г) чегара божхона постларида автотранспорт воситаларининг вазн ва габарит параметрларини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган ўлчаш воситалари билан жиҳозланган замонавий назоратни ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтиши учун йиғим суммасининг **10 фоизи**;

(д) божхона органлари томонидан транспорт воситасини божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш учун божхона йиғимларининг **100 фоизи**;

(ж) фитосанитария ва ветеринария назорати объектларига кўрсатилган хизматлар учун ундирилган йиғимларнинг Божхона қўмитасига ўтказилиши белгиланган миқдори;

(з) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Божхона қўмитаси **уч ой муддатда** Марказ фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи **қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин**.

15. 2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ва уларга олиб борувчи йўлларда транспорт воситаларининг тартибли ҳаракатини ташкил этиш, ташувчилар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда чегара постларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида ушбу ўтказиш пунктларига яқин (туташ) ҳудудларда **автотураргоҳ ва логистика инфратузилмаларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қуйидаги чоралар кўрилсин**:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

а) Андижон, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари томонидан **уч ой муддатда** Божхона қўмитасига ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида **ер участкалари ажратиш**;

б) лойиҳалар учун танланган ер участкалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчилик ўрнини қоплаш бўйича **тўловлардан озод этиш**;

в) ажратиладиган ер майдонларида Божхона қўмитасининг муассасаси томонидан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида **божхона терминаллари ва автотураргоҳларни босқичма-босқич ташкил этиш**.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

16. Божхона қўмитаси **бир ойлик муддатда** Стратегияни амалга ошириш бўйича Божхона қўмитаси раҳбарияти бошчилигида бошқарув мониторинг гуруҳини тузсин ва мониторинг механизмини ишлаб чиқсин.

17. Божхона соҳасини янада ислоҳ қилиш, айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва жараёнларни рақамлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Қуйидагилар:

вазирлик ва идоралар раҳбарлари – Стратегияда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда натижаси бўйича ҳар ой якунида **Божхона қўмитасига маълумотларни тақдим этиш учун**;

Божхона қўмитаси раиси (А.Ю.Мавлонов) – Стратегияни амалга оширилиши учун **шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин**.

19. Божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–174-сон Фармонига
1-илова

2026–2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНАСИ – 2030” СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

2026–2030 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон божхонаси – 2030” стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминловчи божхона ва ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда – ТИФ) соҳасини ривожлантиришнинг ўрта ва қисқа муддатли мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

Стратегия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПФ–201-сон Фармони ва 2025 йил 29 декабрдаги ПҚ–394-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати сифатида ишлаб чиқилган.

Стратегиянинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

божхона жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш;

божхона соҳасига сунъий интеллектни кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш;

божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш;

божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш;

халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида фискал барқарорликни таъминлаш, транспорт ва логистика тизимини ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадларини изчил амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, 46-мақсадда фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш назарда тутилган.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

2-боб. Жорий ҳолат таҳлили

Сўнгги йилларда божхона органларини ислоҳ этиш, самарадорлигини ошириш ва фаолиятига илғор ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, шунингдек, халқаро алоқаларни яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

4 та йирик чегара божхона постларига ёндош ҳудудларда божхона терминаллари барпо этилиб, юк транспорт воситалари оқими 2 бараварга ортди;

чегара божхона постлари замонавий техника воситалари билан жиҳозланиб, рентген ускуналаридан фойдаланиш самарадорлиги 3 баробарга ошди;

тадбиркорлар учун янги ахборот платформалари яратилиб, транзит, юк операциялари ва экспорт жараёнлари соддалаштирилди ва декларациялар ҳажми 2,5 бараварга ортди;

божхона расмийлаштируви масофавий тарзга ўтказилиб, тадбиркорлик субъекти ва божхона ходими ўртасида юзма-юз мулоқот чекланди ва божхона расмийлаштирувининг ўртача вақти 3 бараварга қисқарди;

соҳага хавфларни бошқариш ахборот тизими жорий этилиб, декларацияларнинг 79 фоизи соддалаштирилган тартибда (“сариқ” ва “яшил” йўлак) ва 10 фоизи инсон омилисиз автоматик тарзда, қолган 11 фоизи эса тўлиқ назорат тартибида (“қизил” йўлак) расмийлаштирилди;

2025 йилда Давлат бюджетига божхона тўловлари тушуми 76,2 триллион сўмга етказилиб, 2024 йилга нисбатан 21 фоизга ошди;

8 та давлатнинг божхона хизматлари билан экспорт қилинган товарлар бўйича, 41 та халқаро ва миллий авиакомпаниялардан учиб келувчи йўловчилар ва уларнинг багажлари ҳақида олдиндан ахборот алмашинуви йўлга қўйилиши натижасида маълумотларни қайта ишлаш ва хавфларни олдиндан баҳолаш имконияти яратилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Жаҳон банкининг 2024 йилги ҳисоботига мувофиқ Логистика самарадорлиги халқаро индексининг Божхона самарадорлиги субиндикаторида мамлакатимиз 140 ўриндан 74 ўринга кўтарилди.

Бундан ташқари, Божхона қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида “Давлат муассасалари учун гендер тенглик нишони” дастурида иштирок этиб, кумуш медаль соҳиби бўлди ва “Гендер чемпиони” деб эътироф этилди.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Бироқ амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларга қарамай, глобал геосиёсий ва иқтисодий беқарорлик, шу жумладан, халқаро савдо йўлакларидаги узилишлар шароитида божхона соҳасида қатор тизимли муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

(а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рақамли ва барқарор савдони енгиллаштириш бўйича глобал тадқиқоти таҳлили:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2025 йилги рақамли ва барқарор савдони енгиллаштириш бўйича глобал тадқиқотида мамлакатимизнинг савдони енгиллаштириш кўрсаткичи 92,4 фоизни ташкил этган.

Шундан шаффофлик – 100 фоиз, расмиятчиликлар – 95,8 фоиз, институционал келишув ва ҳамкорлик – 66,6 фоиз, қоғозсиз савдо – 96,3 фоиз ҳамда чегараларарo қоғозсиз савдо 88,8 фоизни ташкил этган.

Мазкур кўрсаткичлар идоралараро ҳамкорликни кучайтириш зарурати ва чегараларарo қоғозсиз савдони ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда;

(б) Халқаро валюта жамғармаси томонидан ўтказилган ўрганишларда берилган тавсиялар:

2025 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сўровига асосан, Халқаро валюта жамғармасининг Божхона қўмитаси фаолияти бўйича ўтказилган диагностик ҳисоботида божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор тавсиялар берилган.

Жумладан, божхона тизимида корпоратив бошқарув ва операцион жараёнларни рақамлаштиришни қайта кўриб чиқиш, ташкилий тузилма ва молиялаштириш моделини янгилаш, хавфни бошқариш, товарлар чиқариб юборилгандан кейинги назорат (аудит) ва ҳуқуқни қўллаш соҳаларида ходимлар салоҳиятини ошириш ҳамда коррупцияга қарши қатъий курашиш сиёсатини юритиш зарурлиги қайд этилган.

Шунингдек, тадбиркорга божхона расмийлаштируви жойини танлаш ва жисмоний кўрикда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш, чегарада кўрикларни чеклаш, трансчегаравий электрон савдода қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг келгуси моделини муҳокама қилиш ва дастлабки қарорлар функциясини марказлаштириш таклиф этилган.

Операцион ва ҳуқуқни қўллаш йўналишида хавфни бошқаришни кенгайтириш, уни аудит жараёнларига интеграция қилиш, аудиторлар малакасини ошириш, аниқ хавфларга асосланган йиллик аудит режаларини ишлаб чиқиш ҳамда хусусий сектор билан ҳамкорликда ваколатли иқтисодий операторлар дастурида иштирокни кенгайтириш тавсия этилган.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Шу билан бирга солиқ ва божхона органлари ўртасида маълумот алмашинувини кучайтириш, техник муаммоларни ҳал этиш учун халқаро маслаҳатчиларни жалб этиш ва икки идора ходимларини ўқитиш самарадорлигини ошириш тавсия этилган;

(в) сунъий интеллектнинг қўлланиши таҳлили:

2025 йилнинг октябрь ойида Жаҳон божхона ташкилотининг (кейинги ўринларда – ЖБТ) сунъий интеллект бўйича эксперти томонидан божхона органларида сунъий интеллектнинг қўлланиши ўрганилди ва бир қатор тавсиялар берилди.

Жумладан, божхона органлари томонидан синов тариқасида қўлланаётган товарларнинг ТИФ товарлар номенклатураси (кейинги ўринларда – ТН) бўйича кодларини аниқлаш, рентген тасвирларини ҳамда ҳужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилиш, овозли ёрдамчи хизматидан фойдаланиш бўйича сунъий интеллект лойиҳалари юқори техник имкониятга эга бўлсада, келгусида алоҳида лойиҳалар кўринишида эмас, бутун тизимда мувофиқлаштирилган ҳолда сунъий интеллектни қўллаш лозимлиги таъкидланган.

Шу билан бирга божхона органларида сунъий интеллектни қўллаш бўйича бир нечта алоҳида гуруҳлар бир-биридан мустақил равишда иш олиб бораётганлиги, бу эса самарадорликни пасайтириб, вазифаларнинг такрорланишига олиб келаётганлиги билдирилган.

Мазкур масаланинг ечими сифатида Божхона қўмитаси таркибида сунъий интеллект лабораториясини ташкил этиш, уни малакали мутахассислар ва сифатли маълумотлар билан таъминлаш тавсия этилган;

(г) Жаҳон банкининг "Business Ready 2025" ҳисоботи таҳлили:

Жаҳон банкининг "Business Ready 2025" ҳисоботининг Халқаро савдо индикаторида божхона соҳасига алоқадор айрим кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Республикаси балларни йўқотган.

Жумладан, рақамли валюталарда ҳисоб-китоб қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида (кейинги ўринларда – чегара пунктлари) мавжуд инфратузилма ва хизматлар, уларнинг техник жиҳозланганлиги, ахборот тизимларининг бошқа идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялашганлиги, мувофиқлаштирилган назоратнинг амалга оширилиши каби кўрсаткичлар бўйича балл йўқотилган.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Бундан ташқари, қўшни мамлакатларнинг давлат идоралари билан ҳамкорликда назорат амалга оширилмаслиги ва ишончли тадбиркорлик субъектлари – ваколатли иқтисодий операторларни давлатнинг бошқа идоралари тан олмаслиги мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган;

(д) Жаҳон банкининг "Connecting to Compete 2025" ҳисоботи таҳлили:

Жаҳон банкининг "Connecting to Compete 2025" ҳисоботида Ўзбекистон ва унга ўхшаш денгизга чиқиш имконияти чекланган давлатлар учун бир нечта муҳим муаммоли нуқталар кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, ҳисоботдаги янги LPI 2.0 методологияга биноан (катта ҳажмдаги маълумотларга асосланган) қуйидаги тизимли муаммолар кўрсатиб ўтилган.

Ҳисоботдаги энг асосий хулосалардан бири шуки, денгизга чиқиш имконияти чекланган давлатлар учун асосий муаммо юк машиналари ёки поездларнинг йўлдаги тезлиги эмас, балки уларнинг тўхтаб туришидир.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги сусткашлик, божхона назоратининг мураккаблиги ва инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти пастлиги сабабли юк ташиш умумий вақтининг катта қисми портларда, терминалларда ва чегара масканларида "статик" ҳолатда ўтади.

Шу билан бирга LPI 2.0 индикаторлари чегара пунктларидаги самарадорлик пастлигини алоҳида кўрсатади. Жумладан, чегара пунктидаги идоралараро мувофиқлаштиришнинг сустлиги ва жисмоний текширувларнинг ҳаддан ташқари кўплиги бунга асосий сабаб этиб кўрсатилган.

Ҳисоботда хавфни бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва чегара назоратини тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги келтирилган.

Бундан ташқари, рақамли кўринувчанликнинг (Digital Visibility) йўқлиги, таъминот занжирининг барча иштирокчилари (ташувчи, божхона, омбор, мижоз) учун юкнинг қаердалиги ва ҳолати ҳақида реал вақт режимида маълумот олиш имконияти чекланганлиги, маълумот алмашинувидаги узилишлар жараёнларни мувофиқлаштиришга имкон бермаслиги ҳамда қўшимча харажатлар талаб этилиши кўрсатиб ўтилган;

(ж) SWOT таҳлил натижалари:

Ахборот тизимларининг кўплиги ва ўзаро интеграция даражасининг пастлиги фойдаланувчиларга ортиқча маъмурий юклама юзага келтириб, вақт ва ресурс сарфига сабаб бўлмоқда.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Айрим божхона постларининг инфратузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, уларнинг ўтказиш қобилияти ва хизмат кўрсатиш тезлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тариф сиёсатининг узоқ муддатли ва барқарор ҳуқуқий асосларда шакллантирилмаганлиги, шу жумладан, тариф эскалацияси принципларининг тизимли равишда ҳисобга олинмаганлиги тадбиркорлик субъектлари учун прогнозлилик даражасини пасайтиради.

Ваколатли идоралар томонидан нотариф тартибга солиш чораларини қўллашда замонавий ёндашувларнинг етарли даражада татбиқ этилмаганлиги божхона расмийлаштируви муддатларининг узайишига сабаб бўлмоқда.

Импорт товарлари бўйича олдиндан тақдим этиладиган маълумотларнинг сифат даражаси пастлиги хавфни бошқариш тизимидан самарали фойдаланиш имкониятини чекламоқда.

Маълумотларни бошқариш (data governance) ва таҳлилий воситалардан фойдаланиш тизимли йўлга қўйилмаган.

3-боб. Стратегиянинг мақсад ва йўналишлари

Стратегиянинг асосий мақсади 2030 йилга қадар божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва ташқи савдо жараёнларини енгиллаштириш орқали божхона органларини сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланадиган, фаолияти рақамлаштирилган ва шаффоф йўлга қўйилган минтақадаги етакчи ташкилотга айлантириш.

Таъсир кўрсаткичлари (Impact):

божхона тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **4,4 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш**;

инсон омилисиз божхона расмийлаштируви кўламини **60 фоизга етказиш**;

божхона расмийлаштируви вақтини ўртача **импортда 2 соат**, **экспортда 30 дақиқага қисқартириш**.

1-йўналиш (а). Божхона жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш.

1.1-вазифа: ТИФ билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш.

Натижа кўрсаткичлари:

божхона қийматини ҳисоблашда асосий усулни қўллаш улушини **89 фоизга етказиш**;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари улушини **3 млрд АҚШ долларига етказиш**;

ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилган ТИФ иштирокчилари сонини **500 тага етказиш.**

2-йўналиш (б). Божхона соҳасига сунъий интеллектни кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш.

2.1-вазифа: замонавий ахборот тизимлари, шу жумладан, сунъий интеллектни кенг жорий этиш.

Натижа кўрсаткичлари:

“Ягона дарча” божхона ахборот тизимида кўрсатиладиган электрон хизматлар сонини **49 тага етказиш**.

3-йўналиш (в). Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш.

3.1-вазифа: фискал вазифаларни самарали амалга ошириш ва божхона тартиботларини такомиллаштириш.

Натижа кўрсаткичлари:

декларацияни тақдим этиш жараёнида хавфларни бошқариш ахборот тизими ёрдамида таҳрирлаш орқали қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари миқдорини **2 трлн сўмга етказиш**;

божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилган ташкилотлар сонини **800 тага етказиш**;

божхона органлари томонидан қабул қилинадиган дастлабки қарорлар сонини **100 тага етказиш**.

3.2-вазифа: божхона органларида уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавий техника воситалари билан таъминлаш орқали қонунчилик бузилишининг олдини олиш.

Натижа кўрсаткичлари:

божхона органларини замонавий назорат техника воситалари билан таъминлаш орқали товарларни ноқонуний олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва қонунбузилиши ҳолатида аниқланган товарлар қийматини **450 млрд сўмга етказиш**;

транспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигида кузатувни амалга оширишда электрон пломбаларни қўллаш улушини **30 фоизга етказиш**;

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль Давлат чегара ўтказиш пунктларида товарларни олиб ўтиш ҳажмини **30,6 млн тоннага етказиш**;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

4-йўналиш (г). Божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш.

4.1-вазифа: ходимлар билан ишлаш, касбий маҳоратини ошириш ва комплаенс механизмларини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантириш тизимини яхшилаш.

Натижа кўрсаткичлари:

хорижий мутахассислар иштирокида **25 та ўқув курсларини** ташкил этиш;

Миллий кинология маркази томонидан божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун **210 нафар кинологларни тайёрлаш** ва уларнинг малакасини ошириш;

ЖБТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан аккредитациядан ўтказилган ҳамда малака тоифасига (мастер тренер) эга бўлган божхона ходимлари сонини **7 нафарга етказиш**;

5-йўналиш (д). Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

5.1-вазифа: халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Натижа кўрсаткичлари:

товарлар ва транспорт воситалари бўйича онлайн ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган хорижий давлатлар сонини **18 тага етказиш**;

ваколатли иқтисодий операторларни ўзаро тан олиш амалиёти йўлга қўйилган хорижий давлатлар сонини **7 тага етказиш**;

жалб этилган халқаро грант маблағлари миқдорини **800 минг АҚШ долларига етказиш**.

4-боб. Стратегиянинг мақсадларига эришиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар

Божхона жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ташқи савдо шартномасини тузмасдан инвойс асосида экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш;

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига божхона тўловларини 120 кунгача муддатга таъминот асосида бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

товарлар божхона ҳудудига етиб келингунга қадар дастлабки божхона юк декларациясини тақдим этишнинг янги соддалаштирилган амалиётини жорий этиш;

чегара пунктлари орқали товарларни эркин муомалага чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ошириш чораларини кўриш;

тадбиркорларга товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратида келиб чиқиш тўғрисидаги сертификат лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги аниқланганда, божхона расмийлаштируви амалга оширилган санадан бошлаб уч йил давомида тўғри сертификат тақдим этилганда тариф преференцияларини тиклаш ҳуқуқини бериш;

товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришда божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг энг юқори миқдорини ошириш;

ваколатли иқтисодий операторлар учун қўшимча енгилликлар яратиш;

ТИФ иштирокчиларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган маълумотлар асосида уларнинг хавф даражасини белгилаш амалиётини йўлга қўйиш;

божхона юк декларациясини тўлдириш тартибини соддалаштириш;

вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш тартиботларини халқаро конвенциялар талаби асосида қайта кўриб чиқиш;

хорижий валютани республикадан олиб чиқиш тартибини соддалаштириш;

божхона юк декларацияларини расмийлаштириш вақтини қисқартиришга хизмат қилувчи навбат модулини яратиш;

барча нотариф чораларнинг реестрини ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш;

ТИФ иштирокчилари учун божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг кафолат турини соддалаштириш;

халқаро ташувларни амалга оширишда товар-транспорт юкхатларини тўлдириш тартибини аниқ белгилаш;

божхона назорати зонаси режимини бузиш ва божхона органига ҳисоботларни тақдим этмаслик каби божхонага оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини биринчи маротаба содир этган ТИФ иштирокчиларига нисбатан маъмурий огоҳлантиришни қўллаш амалиётини жорий этиш.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Божхона соҳасига сунъий интеллектни кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Божхона қўмитаси таркибида божхона органлари фаолиятида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг жорий этишга ихтисослаштирилган Рақамли технологиялар марказини ташкил этиш;

темир йўл транспортида контейнер ташувларини амалга оширишда темир йўл юк хатини электрон расмийлаштириш тартибини йўлга қўйиш;

ҳаво транспортида ташиладиган ташқи савдо юкларини расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштириш;

юридик шахсларга ваколатли иқтисодий оператор мақомини бериш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш жараёнларини рақамлаштириш;

жисмоний шахсларга божхона органлари томонидан қўлланган жарима солиш ҳақидаги қарорлар билан танишиш, жаримани имтиёзли тўлаш муддатларидан хабардор бўлиш, улар юзасидан тўловларни амалга ошириш имконини берувчи “Customs fine” мобил иловасини яратиш;

сунъий интеллект ёрдамида товарнинг божхона қийматини назорат қилиш моделини жорий этиш;

“Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш орқали унинг янги талқинини ишлаб чиқиш;

ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш жараёнларини рақамлаштириш бўйича “Божхона тўловларини қайтариш” интерактив хизматини жорий этиш;

маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган хорижий давлатлардан Ўзбекистонга экспорт қилинган товарлар ҳақидаги маълумотларни автоматик таҳлил қилиш имкониятини яратиш;

ТИФ иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни рақамлаштиришга қаратилган “ТИФ иштирокчилари рўйхати” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

божхона органлари томонидан кўрсатиладиган барча хизматларни бир жойдан, шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлган мобил иловани жорий этиш;

божхона юк декларациясига илова қилинган инвойс ва бошқа ҳужжатларни “OCR” технологиялари ёрдамида ўқиш амалиётини

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, улардаги маълумотларни рақамлаштириш ҳамда автоматик солиштириш имкониятини яратиш;

сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда транспорт воситасининг ўлчамлари (габаритлари) асосида унинг турини автоматик аниқлаш моделини яратиш;

сунъий интеллект функцияларига эга видеокузатув тизими – юзни таниш, давлат рақам белгиларини автоматик ўқиш (ANPR), транспорт оқимини таҳлил қилиш ва шубҳали ҳаракатларни автоматик аниқлаш имкониятига эга “Smart CCTV” тизимларини босқичма-босқич жорий этиш.

Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ТИФ ТН кодларини манипуляция қилиш хавфи мавжуд бўлган товарлар рўйхатини шакллантириш ва божхона божи ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

ташқи савдо операциялари мониторинги жараёнларини такомиллаштириш;

дастлабки қарорларни қабул қилиш жараёнларини такомиллаштириш;

товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириш жараёнларини соддалаштириш;

божхона юк декларациясини божхона органига малака сертификати асосида тақдим этиш амалиётини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг ТИФ ТН кодларини белгилаш;

товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини кичик субпозициялар даражасида деталлаштириш жараёнлари юзасидан аниқ мезонларни белгилаш;

товарларни ташиш харажатларини сунъий интеллект асосида автоматик ҳисоблаш модулини такомиллаштириш ва барча етказиб бериш шартларига (жумладан, C ва D гуруҳларига) татбиқ этиш ҳамда йўналиш, масофа, транспорт ва товар тури, оғирлиги, ҳажми каби мезонлар асосида аниқ ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўйиш;

халқаро курьерлик жўнатмалари тезкор ва сифатли етказилишини таъминлаш мақсадида соҳага “Экспресс ташувчи” институтини жорий этиш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

электрон тижоратни ривожлантириш ва ушбу йўналишдаги тартиботларни янада соддалаштиришга қаратилган жўнатмалар декларациясини жорий этиш;

товарларни қайта ишлашга рухсат этиш ва бошқа соҳаларда хавфни бошқариш тизимини қўллаш амалиётини жорий этиш;

божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш тартибини Солиқ кодекси талабларига мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг ягона ҳужжат тамойили остида товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодлари, улар юзасидан ЖСТ доирасида келишилган максимал миқдорлар (bound rate) ҳамда амалиётда қўлланаётган импорт божхона божи ставкаларини қонун билан белгилаш;

сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда товарларни божхона кузатуви остида ташиш жараёнларида “GPS” электрон пломбаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган хорижий транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг тўғри ундирилишини божхона органларининг ахборот тизимлари орқали мониторинг қилиш;

ваколатли иқтисодий операторлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши ёхуд талабларга риоя этилмаслигининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш;

Божхона кодексида белгиланган товарлар чиқариб юборилгандан кейинги назорат тартибларини соддалаштириш ва имтиёзларни қўллаш шаффофлигини таъминлаш;

божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган фуқароларга нисбатан хавфларни барвақт аниқлаш, олдини олиш ва самарали бошқариш бўйича сунъий интеллект элементларига асосланган рақамли хавф-профил моделини яратиш;

Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаларини босқичма-босқич бирлаштириш орқали ҳудудлараро божхона бошқармаларини ташкил этиш, хусусан, “Ягона ТИФ” тамойили асосида синов тариқасида Тошкент шаҳри ҳудудидаги ТИФ божхона постларини бирлаштириш;

чегара божхона постларида уч ва тўрт сменали хизматни ташкил этиш орқали самарали божхона назоратини ташкил этиш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Халқаро валюта жамғармаси кўмагида Божхона қўмитаси раисига божхона ислоҳотлари самарадорлигини ошириш бўйича доимий маслаҳатчи – экспертни жалб этиш;

республикада бўлиш муддати ўтган транспорт воситаларини аниқлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

жиноятларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Божхона қўмитасининг таргетлаш ва хавфларни мониторинг қилиш бошқармасига Ички ишлар вазирлигининг "Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази дастурий таъминотининг барча элементларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

фитосанитария, ветеринария, экология, санитария ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаларида хавфларни бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ягона транзит сиёсатини амалга ошириш ва давлат назорати органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича институционал механизмларни такомиллаштириш;

карантин назорати остидаги товарларни республика ҳудудидан транзит олиб ўтиш тартибини такомиллаштириш;

ишончли тадбиркорлик субъектлари – ваколатли иқтисодий операторларнинг бошқа вазирлик ва идоралар томонидан тан олиниши ва улар томонидан қўшимча енгиллик ва имтиёзлар берилишини жорий этиш;

Марказий божхона лабораторияси таркибида товарларни республика бўйича жойига чиққан ҳолда экспресс таҳлил қилиш учун мобил сайёр (автомобилга ўрнатилган) лаборатория хизмати фаолиятини йўлга қўйиш;

Марказий божхона лабораториясида ноаниқ кимёвий моддалар, янги психоактив моддалар (NPS), синтетик наркотиклар ва фентанил аналогларини тезкор аниқлашга қаратилган юқори аниқликдаги масс-спектрометрия технологияларини жорий этиш;

терговга қадар текширув ва суриштирув жараёнларини рақамлаштириш;

чегара божхона постларини инспекцион кўрик мажмуалари, электрон тарозилар, "Body scanner", рентген қурилмалар, "GPS" пломбалар, дронлар, боди-камералар, интеллектуал кузатув камералари ва бошқа турдаги зарур назорат-техник воситалар билан таъминлаш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Марказий божхона лабораториясининг экспертизага оид ҳужжатларини рақамлаштириш, улар асосида электрон эталон маълумотлар базасини (Digital Reference Library) босқичма-босқич шакллантириш ҳамда ундан товарларнинг ТИФ ТН бўйича таснифланишини ўрганишда хавфни бошқариш тизимида қўлланадиган сунъий интеллект маълумотлар базасини такомиллаштириш;

Рақамли ҳукумат маълумотлар маркази базасида Божхона қўмитасининг захира (резерв) маълумотлар марказини ташкил этиш учун зарур сервер ускуналари, аппарат ва дастурий таъминот воситалари билан таъминлаш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш бўйича SOC (Security Operations Center) мониторинг тизимини жорий этиш;

чегара пунктларига туташ ҳудудларда транспорт воситалари учун автотураргоҳлар ва божхона терминалларини ташкил этиш;

чегара божхона постларида сунъий интеллект асосида ишловчи интерактив роботлардан фойдаланиш орқали янги рақамли ечимлар асосида йўловчиларга божхона қоидалари, декларация тўлдириш тартиби ва назорат жараёнлари бўйича тезкор маълумот беришни йўлга қўйиш.

Божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

халқаро ташкилотлар кўмагида божхона аудити, хавфларни бошқариш ва сунъий интеллект бўйича ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил этиш;

ходимларни ахборот технологиялари инфратузилмасининг барқарорлиги, юқори даражадаги ахборот хавфсизлиги ҳамда рақамли хизматларнинг узлуксизлигини таъминлаш бўйича “DevOps” ва “Pentest” йўналишларида ўқитиш;

Миллий кинология маркази кинологлари ва хизмат итларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ва бу борада кадрлар салоҳиятини юксалтириш чораларини кўриш;

олий таълим муассасалари битирувчи курс талабаларининг божхона органларида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси билан ҳамкорликда хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари битирувчилари ҳамда хорижда таҳсил олаётган талабалар билан доимий равишда учрашувлар ташкил этиш ва уларни божхона органларига ишга қабул қилиш чораларини кўриш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

божхона органлари томонидан ташкил этиладиган инновацион лойиҳалар, китобхонлик, ижодкорлик, спорт ва маънавий тадбирлар совриндорларини моддий ва идоравий мукофотлар билан рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

Божхона қўмитасида Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари (ISO 37001:2025) халқаро стандартини босқичма-босқич жорий этиш;

“Integrity monitoring” тизими орқали юқори коррупцион хавфга эга лавозимларда хизмат олиб борувчи ходимларнинг турмуш тарзини таҳлил қилиш амалиётини жорий этиш;

халқаро ташкилотлар томонидан эксперт сифатида тан олинган, аккредитациядан ўтказилган божхона ходимларини қўллаб-қувватлашга қаратилган рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

божхона соҳасини ривожлантириш бўйича алоҳида ташаббус кўрсатган божхона ходимларини ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш тартибини белгилаш;

ходимлар учун хизмат уйлари ва ипотека субсидиялари ажратилишини кенгайтириш;

маҳаллий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда божхона органларида фаолият юритаётган IT-мутахассисларининг замонавий ахборот технологиялари, киберхавфсизлик, дастурлаш ҳамда сунъий интеллект йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Арманистон, Таиланд ва Индонезия давлатлари билан божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаларини имзолаш чораларини кўриш;

Бирлашган Араб Амирликлари билан статистик маълумотлар алмашиш йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш;

қўшни давлатларнинг назорат органлари билан ҳамкорликда “Ягона тўхташ” (one-stop border post) тамойили асосида фаолият кўрсатувчи чегара божхона постлари фаолиятини йўлга қўйиш;

Халқаро темир йўлларда юк ташиш қатновлари тўғрисидаги битимга аъзо давлатлар темир йўл идоралари билан темир йўл транспорти юк хатини электрон алмашиш тартибини йўлга қўйиш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Божхона қўмитаси Марказий божхона лабораториясини ЖБТнинг минтақавий лабораторияси мақоми ҳамда имижини мустаҳкамлаш мақсадида “Товарларни таснифлашда божхона лабораторияларининг ўрни ва уйғунлашган тизимни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида минтақавий семинар ўтказиш;

Осиё тараққиёт банкининг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) доирасида Рақамли божхона ва логистика альянси (CAREC Advanced Transit System – CATS) лойиҳасида Ўзбекистон иштирокини таъминлаш;

ЖБТнинг Товарларнинг чиқиш вақти тадқиқ қилиш услубиётидан (WCO Time Release Study – TRS) фойдаланиш орқали импорт-экспорт жараёнларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш;

Божхона институтини ЖБТнинг минтақавий ўқув марказига айлантириш бўйича ЖБТ билан музокаралар ўтказиш;

ЖБТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ТИФ ТНнинг янги 2027 йилги талқинини ишлаб чиқиш;

ЖБТнинг “ClikC!” платформасидаги дарсларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда унда божхона ходимларининг таълим олиши ва сертификатларни қўлга киритишини таъминлаш;

Ўзбекистон божхона органлари ходимларининг ЖБТ томонидан ташкил этиладиган инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастур ва танловларида (WCO Fellowship Programme ва WCO-Japan Career Development Programme) иштирок этиши;

Божхона қўмитасининг ЖБТ бошқарув органлари, қўмиталари ва ишчи гуруҳларидаги иштирокини кенгайтириш;

халқаро грантлар ва техник кўмак лойиҳаларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳамда божхона ходимларининг хорижий таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш;

Миллий кинология марказининг халқаро нуфузини оширишга қаратилган халқаро кўргазма, семинар, мусобақа ва форумларни ташкил этиш;

ЖБТ томонидан ташкил этиладиган технологик конференция ва кўргазмаларда Божхона қўмитаси ходимларининг иштирокини таъминлаш;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

ваколатли иқтисодий операторларни ўзаро тан олиш бўйича битимлар имзоланган ҳамкор давлатлар сонини кўпайтириш.

5-боб. Стратегияни амалга оширишнинг асосий тамойиллари

Стратегияни самарали ва тизимли амалга ошириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида қуйидаги тамойилларга асосланилади:

Инсон манфаатларини таъминлаш тамойили – ҳар бир чора-тадбир тадбиркорлик субъектлари учун хизматларнинг қулайлиги ва тезкорлигини таъминлашга қаратилади.

Мувофиқлик (уйғунлик) тамойили – мақсадлар "Ўзбекистон – 2030" стратегияси, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳамда халқаро келишувларга мос келади.

Иқтисодий самарадорлик тамойили – инвестициялар аниқ иқтисодий фойда келтириши ва харажатларни қисқартириш орқали ўзини оқлаши лозим.

Молиявий барқарорлик тамойили – барча мақсадлар бюджетлаштириш жараёни билан уйғун ҳолда етарли ресурслар билан режалаштирилади.

Ҳисобдорлик тамойили – ҳар бир вазифа бўйича аниқ масъул ижрочи белгиланади ва натижалар мунтазам баҳолаб борилади.

Шаффофлик тамойили – ислоҳотлар, инвестиция дастурлари ва давлат харидларида очиқлик таъминланади.

Узлуксиз режалаштириш тамойили – режалаштириш, мониторинг ва баҳолаш жараёнлари бир-бирини узвий давом эттиради.

Имкониятлар тенглиги тамойили – барча ҳудудлар ва ТИФ иштирокчилари учун тенг шарт-шароитлар яратилади.

6-боб. Мақсадли аудитория ва унинг сегментларига ёндашув

Стратегиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ТИФ иштирокчиларининг ўзига хос эҳтиёжлари, иқтисодий фаолияти, бозордаги роли ва функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги сегментлар билан манзилли ишлаш назарда тутилади:

давлат органлари ва назорат идоралари – "Ягона дарча" тамойили асосида ўзаро ахборот алмашинувини ривожлантириш, мувофиқлаштирилган чегара бошқарувини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматларини интеграциялаш мақсад қилинган;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

жисмоний шахслар (йўловчилар ва фуқаролар) – божхона хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш ва рақамлаштириш, чегара орқали ҳаракатланишда қулайлик ва тезкорликни таъминлаш, божхона қонунчилигига ихтиёрий риоя этиш маданиятини шакллантириш ҳамда рақамли хизматлардан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсад қилинган;

экспортёрлар ва импортёрлар – ТИФни амалга оширишда вақт ва харажатларни қисқартириш, божхона расмийлаштирувини рақамлаштириш, прогноз қилинадиган ва шаффоф тартиб-таомилларни жорий этиш ҳамда ташқи савдо рақобатбардошлигини ошириш мақсад қилинган;

микро, кичик ва ўрта бизнес субъектлари – ташқи савдо фаолиятига киришни енгиллаштириш, маслаҳат ва ахборот хизматларини кучайтириш, соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсад қилинган;

йирик солиқ тўловчилар ва ҳалол ТИФ иштирокчилари – ишончга асосланган ҳамкорликни, шу жумладан, ваколатли иқтисодий оператор институтини ривожлантириш ҳамда товарлар чиқариб юборилгандан кейинги божхона назорати механизмларини кенг қўллаш орқали божхона тартиботларини енгиллаштириш мақсад қилинган;

божхона брокерлари, божхона ташувчилари, божхона омборлари, эркин ва махсус иқтисодий зоналар, логистика ва транспорт ташкилотлари – логистика занжирининг узлуксизлигини таъминлаш, рақамли маълумотлар алмашинувини ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва давлат-хусусий шериклик асосида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсад қилинган;

электрон тижорат иштирокчилари, курьерлик ва почта операторлари – тезкор ва хавфларга асосланган божхона назоратини ташкил этиш ва электрон маълумотлар алмашинувини тўлиқ йўлга қўйиш орқали трансчегаравий электрон савдо учун замонавий божхона ечимларини жорий этиш мақсад қилинган;

халқаро ташкилотлар ва хорижий божхона маъмуриятлари – ахборот алмашинувини кенгайтириш, ўзаро тан олиш механизмларини ривожлантириш, чегараларо ҳамкорликни кучайтириш ва халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий этиш мақсад қилинган;

инвесторлар ва хорижий компаниялар – инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қулай божхона муҳитини шакллантириш, ҳуқуқий кафолатлар ва хизматлар шаффофлигини таъминлаш орқали мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсад қилинган;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

божхона органлари ходимлари – профессионал компетенциялар, рақамли кўникмалар ва хизмат маданиятини ривожлантириш, ҳалоллик ва меритократия тамойилларини мустаҳкамлаш, замонавий меҳнат шароитларини яратиш ҳамда инсон капитали салоҳиятини ошириш мақсад қилинган;

жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари – божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, жамоатчилик билан мулоқотни кучайтириш, ҳуқуқий онг ва қонунларга итоаткорлик маданиятини юксалтириш мақсад қилинган.

Мақсадли аудитория билан ишлашда уларнинг ҳуқуқий мақоми билан бир қаторда қонунчиликка риоя қилиш даражаси, хавф профили ва ишонч индекси асосий мезонлардан бири сифатида қўлланади.

Шунга мувофиқ:

ишончли иштирокчилар учун хизматлардан фойдаланишни максимал даражада соддалаштириш, автоматлаштирилган расмийлаштириш, устувор хизмат кўрсатиш ва божхона назоратидан кейинги назоратга асосланган ёндашув қўлланади;

умумий тоифадаги иштирокчилар учун рақамли хизматлар, хавфларни бошқариш тизимига асосланган стандарт назорат ва профилактик маслаҳатлар таъминланади;

хавф даражаси юқори бўлган иштирокчилар бўйича сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлили ва замонавий хавфларни бошқариш воситаларига асосланган кучайтирилган божхона назорати амалга оширилади.

Мақсадли аудиториянинг барча сегментлари билан муносабатлар “Мижозга йўналтирилган божхона хизмати”, “Рақамли биринчи (Digital First)”, “Хавфларни бошқариш” ва “Ишончга асосланган ҳамкорлик (Compliance Partnership)” тамойиллари асосида ташкил этилади.

7-боб. Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури

Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ амалга оширилади. Дастур Стратегияни амал қилиш муддати (2026–2030 йиллар) билан мувофиқ.

Стратегиянинг самарадорлик кўрсаткичлари (таъсир ва натижа) ва Дастурдаги тадбирлар ва уларнинг бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари ўзаро узвий ва мантиқий боғлиқликда амалга оширилади.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Масъулиятни аниқ тақсимлаш мақсадида ҳар бир чора-тадбир бўйича қуйидаги роллардан фойдаланилади:

бажариш учун масъул – чора-тадбирни бевосита амалга оширувчи орган;

жавобгар – Божхона қўмитаси (бош мувофиқлаштирувчи);

маслаҳатлашувчи – Стратегик режалаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш.

Дастур динамик хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқиш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади ҳамда ўрнатилган тартибда ўзгартириш киритилади:

мониторинг ва таҳлил натижаларига кўра айрим тадбирларнинг самарадорлиги паст деб топилганда;

ТИФ иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва ташқи муҳитдаги (иқтисодий, технологик) ўзгаришлар янги ёндашувларни талаб этганда;

қўшимча молиявий ресурслар ёки халқаро грантлар жалб қилинганда.

8-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали 2030 йилга қадар божхона органларини фаолияти рақамлаштирилган, самарали ва халқаро стандартларга мувофиқ тизимга айлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

савдони енгиллаштириш соҳасида расмийлаштирув жараёнлари тезлашади, ТИФ иштирокчилари учун вақт ва харажатлар қисқаради. Ягона рақамли платформа ва онлайн тўлов тизимлари жорий этилиши орқали давлат органлари ва бизнес ўртасидаги муносабатлар содда ва шаффоф шаклга келтирилади;

хавфларни бошқариш ва рақамли таҳлил воситалари қўлланиши натижасида назорат самарадорлиги ошади, ортиқча текширувлар камаяди, қонунбузарликларни аниқлаш даражаси ортади. Божхона аудити ва пост-аудит механизмлари кучайиши орқали Давлат бюджетига тушумлар барқарор таъминланади;

чегара инфратузилмасининг модернизация қилиниши ўтказувчанлик қобилиятини оширади, инсон омилини камайтиради ва хавфсизликни мустаҳкамлайди. Инсон капитали соҳасида кадрлар салоҳияти, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик даражаси ҳамда ҳалоллик тамойиллари кучаяди.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

9-боб. Стратегияни амалга оширишдаги эҳтимолий хавф-хатарлар ва уларни юмшатиш

Стратегияни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ички ва ташқи хавф-хатарларни олдиндан прогноз қилиш ҳамда уларнинг божхона соҳаси ва ТИФни ривожланишига салбий таъсирини минималлаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар белгиланади:

Иқтисодий хавфлар: глобал иқтисодий беқарорлик, ташқи савдо ҳажмининг пасайиши, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш манбалари чекланиши натижасида инвестиция фаоллигининг сусайиши.

Юмшатиш чоралари: молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш, халқаро молия институтлари маблағлари ва грантларини фаол жалб этиш, юқори иқтисодий самарадорликка эга устувор лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Геосиёсий ва ташқи савдо хавфлари: геосиёсий зиддиятлар, санкциялар, ташқи савдо чекловлари ёки айрим транспорт йўлакларида узилишлар юзага келиши натижасида ташқи савдо ҳажмларининг қисқариши.

Юмшатиш чоралари: қўшни давлатлар билан транспорт ва транзит соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, янги ташқи бозорлар ва логистика йўналишларини шакллантириш.

Институционал хавфлар: давлат органлари ва соҳадаги иштирокчилар ўртасида мувофиқлаштириш даражасининг пастлиги, бюрократик тўсиқлар ҳамда айрим ислоҳотларни амалга оширишда институционал салоҳиятнинг етарли эмаслиги.

Юмшатиш чоралари: идоралараро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, давлат назорати жараёнларини рақамлаштириш, инсон омилини қисқартириш.

Технологик ва киберхавфсизлик хавфлари: рақамли платформалар, электрон навбат ва божхона тизимларида техник носозликлар, маълумотлар хавфсизлигига таҳдидлар ҳамда кибержиноятчилик ҳолатларининг юзага келиши.

Юмшатиш чоралари: киберхавфсизлик тизимини халқаро стандартлар асосида кучайтириш, рақамли инфратузилмани мунтазам техник аудитдан ўтказиш, маълумотларни ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда захира рақамли инфратузилмаларни шакллантириш.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

10-боб. Стратегияни амалга оширишнинг ресурс ва молиявий таъминоти

Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун молиявий, моддий-техник, инфратузилмавий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қуйидаги тизими жорий этилади:

10.1. Умумий молиялаштириш ҳажми

Стратегияни 2026–2030 йилларда амалга ошириш учун зарур жами капитал қўйилма 1,7 трлн сўм этиб баҳоланган. У манбалар кесимида қуйидагича тақсимланади (Стратегияда келтирилган молиялаштириш ҳажмлари дастлабки ҳисоб-китоблар бўлиб, лойиҳаларнинг якуний қиймати техник-иқтисодий асослар ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг белгиланган тартибда аниқлаштирилади):

(млрд сўм)

Манба	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил	Жами
Давлат бюджети	0	40	35	34	0	109
Божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари	175	324	292	367	371	1 529
Рақамли технологиялар маркази	0	23	25	4	26	78
ЖАМИ	**175**	**387**	**352**	**405**	**397**	**1 716**

10.2. Манбалар таснифи

Молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси, Божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси, Божхона қўмитасининг Рақамли технологиялар маркази маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шу билан бирга музокараларда эришилган келишувларга асосан халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар грантлари ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

10.3. Шаффофлик ва назорат

Стратегия доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва инвестиция лойиҳаларининг молиявий ҳамда натижавий кўрсаткичлари бўйича доимий мониторинг тизими жорий этилади.

Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари ва грантлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида назарда

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

тутилган маълумотлар асосида аудит ва баҳолаш натижалари эълон қилиб борилади.

Давлат харидлари, тендер ва лойиҳаларни молиялаштириш жараёнларида рақамли технологияларга асосланган шаффоф бошқарув механизмлари кенг жорий этилади.

11-боб. Стратегияни амалга оширишни мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш тартиби

Стратегия ижросини мониторинг қилиш қонунийлик, холислик, очиқлик ва ишончлилик тамойиллари асосида Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси ҳамда “Ijro.gov.uz” тизими орқали амалга оширилади.

Божхона қўмитаси умумий мониторингни амалга оширади ва умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлайди.

Масъул ташкилотлар маълумотларни 2-иловадаги намунага мувофиқ тақдим этади.

Ҳисобот бериш муддатлари ягона тартибда белгиланади:

бевосита натижа (output) ва натижа (outcome) кўрсаткичлари – ҳисобот йилидан кейинги йил март ойининг 20-санасига қадар;

таъсир (impact) кўрсаткичлари – ҳисобот йилидан кейинги йил апрель ойининг 10-санасига қадар.

12-боб. Стратегияни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш механизми

Стратегиянинг мақсадларига эришилганлик даражаси, ривожланиш динамикаси ва уларга эришиш жараёнида ресурслардан фойдаланиш натижадорлиги, қўйилган мақсадларнинг стратегик аҳамияти ҳамда улар орқали эришилган натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва барқарорлигини аниқлаш мақсадида оралиқ ва якуний баҳолаш ўтказилади.

Баҳолаш тизими ва даражалари:

Божхона қўмитаси Стратегия якунлангунга қадар (заруратга кўра 2028 йилда) Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги билан биргаликда оралиқ баҳолашни ўтказади. Бунда муайян мақсадларни ўзгартириш ёки уларга эришиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Оралиқ баҳолаш натижаларига асосан аниқланган камчиликлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш усул ва воситаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан, заруратга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига Стратегияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритилади.

Божхона қўмитаси Стратегия муддати якунлангандан сўнг Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги билан биргаликда якуний баҳолашни ўтказади.

Якуний баҳолашда Стратегияда белгиланган мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо берилади ҳамда келгусидаги муайян стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Якуний баҳолаш натижаларига асосан ишлаб чиқилган таклифлар Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритилади.

13-боб. Якунловчи қоидалар

Стратегия божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва ташқи савдо жараёнларини енгиллаштириш орқали божхона органларини сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланадиган, фаолияти шаффоф ва рақамлаштирилган минтақадаги етакчи ташкилотга айлантиришнинг асосий мақсад ҳамда механизмларини белгилайди.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати
органлари ва ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини
2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясига
1-илова

2026–2030 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистон божхонаси – 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ва ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини 2030 йилга қадар ривожлантириш мақсади ва самарадорлик кўрсаткичи		46-мақсад: Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш ҳамда унинг 46.3-самарадорлик кўрсаткичи					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг умумлашган ҳисоботи учун масъул ташкилот		Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг мақсади:		Барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминловчи божхона ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасини ривожлантиришнинг ўрта ва қисқа муддатли мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг таъсир (impact) кўрсаткичи	**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
Божхона тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **4,4 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш**.	Фоиз	Ҳисобот йилида божхона тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	4,1	2026 йил – 4,3 2027 йил – 4,3 2028 йил – 4,4 2029 йил – 4,4 2030 йил – 4,4	Божхона тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4,4 фоиз	**Божхона қўмитаси**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Ҳар йил якуни бўйича апрель ойининг 10-санасига қадар
Инсон омилисиз божхона расмийлаштирувини **60 фоизга етказиш**.	Фоиз	Ҳисобот йилида инсон омилисиз божхона расмийлаштируви ҳажми	20	2026 йил – 26 2027 йил – 30 2028 йил – 35 2029 йил – 50 2030 йил – 60	Инсон омилисиз божхона расмийлаштируви ҳажми – 60 фоиз	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича апрель ойининг 10-санасига қадар
Божхона расмийлаштируви вақтини ўртача импортда 2 соат, экспортда 30 дақиқага қисқартириш	Соат	Ҳисобот йилида расмийлаштирув *(импорт/экспорт)* ўртача вақти	4:10/2:20	2026 йил – 4:00/2:00 2027 йил – 3:30/1:30 2028 йил – 3:00/1:00 2029 йил – 2:30/0:45 2030 йил – 2:00/0:30	Расмийлаштирув ўртача вақти импортда 2 соат, экспортда 30 дақиқага қисқаради	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича апрель ойининг 10-санасига қадар
1-йўналиш (а). Божхона жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш							

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Стратегиянинг 1.1-вазифаси		**Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи	**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
Божхона қийматини ҳисоблашда асосий усулни қўллаш улушини **89 фоизга етказиш**.	Фоиз	Ҳисобот йилида божхона қийматини ҳисоблашда асосий усулни қўллаш улуши	80	2026 йил – 85 2027 йил – 86 2028 йил – 87 2029 йил – 88 2030 йил – 89	Божхона қийматини ҳисоблашда асосий усулни қўллаш улуши 89 фоиз	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари улушини **3 млрд АҚШ долларига етказиш**.	Млн АҚШ доллари	Ҳисобот йилида божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари улуши	1	2026 йил – 1,5 2027 йил – 2 2028 йил – 2,3 2029 йил – 2,6 2030 йил – 3	Божхона ҳудудида қайта ишлаш операциялари улуши 3 млн АҚШ доллари	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилган ТИФ иштирокчилари **сонини 500 тага етказиш**.	Нафар	Ҳисобот йилида ваколатли иқтисодий операторлар сони	150	2026 йил – 200 2027 йил – 250 2028 йил – 300 2029 йил – 400 2030 йил – 500	Ваколатли иқтисодий операторлар сони 500 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)							
Чора-тадбирлар номи	**Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Якуний кўрсаткич**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаси**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Бажариш муддати**
Тадбиркорларга товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратида келиб чиқиш тўғрисидаги сертификат лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги аниқланганда, божхона расмийлаштируви амалга оширилган санадан бошлаб **уч йил давомида тўғри сертификат тақдим этилганда тариф преференцияларини тиклаш** ҳуқуқини бериш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалда мавжуд	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришда божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг энг юқори миқдорини **200 минг евро эквиваленти этиб белгилаш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон қарори амалда мавжуд	Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил март
Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларида олиб келинган (номига келган) товарлар бўйича ягона божхона тўлови ёхуд божхона божи ва солиқлар миқдори **тўланиши лозим бўлган божхона йиғимлари миқдоридан кам бўлса, ушбу йиғимларнинг ундирилмаслик** тартибини белгилаш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалда мавжуд	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь
Ваколатли иқтисодий оператор мақомини беришда қуйидагиларни инобатга олиш: юридик шахснинг ташқи савдо шартномалари бўйича дебитор қарздорлиги билан боғлиқ мезонлар қўлланилмаслиги; мурожаатчи барқарорлик рейтингида юқори ёки ўрта даражани эгаллаган бўлиши.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 500-сон қарори амалда мавжуд	Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил сентябрь
ТИФ иштирокчилари томонидан товарлар етказиб берувчиларнинг идентификация рақамлари **"LEI" (Legal entity identifier, ISO 17442) идентификация кодини ихтиёрий тақдим этишни** хавфни бошқариш тизимида ижобий баҳолаш мезони сифатида инобатга олиш.	"Хавфларни бошқариш" ахборот тизимида баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш	–	"Хавфларни бошқариш" ахборот тизими амалда мавжуд	Баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил сентябрь
Божхона статистикаси, тўловлари, божхона назорати ва расмийлаштирувига ҳамда нотариф чораларга боғлиқ бўлмаган маълумотларни киритишни бекор қилиш орқали **божхона юк**	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Божхона қўмитаси қарори амалда мавжуд (рўйхат рақами 2773, 06.04.2016 й.)	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2028 йил февраль

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

декларациясини тўлдириш тартибини соддалаштириш.								
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган транспортларни божхона тўловлари тўланиши таъминланган ҳолда нотижорат мақсадларида **вақтинчалик олиб кириш имкониятини яратиш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалда мавжуд	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Жисмоний шахслар томонидан республикадан нақд валютани олиб чиқиш меъёрини **10 минг АҚШ доллари эквиваленти этиб белгилаш** ва фақатгина ушбу миқдордан ошганда декларациялаш лозимлиги тизимини яратиш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалда мавжуд	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Божхона юк декларацияларини расмийлаштиришда **навбат модулини яратиш**.	Навбат модулини ишлаб чиқиш	–	Амалда мавжуд эмас	Навбат модули яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2028 йил декабрь
2-йўналиш (б). Божхона соҳасига сунъий интеллектни кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш								
Стратегиянинг 2.1-вазифаси			**Замонавий ахборот тизимлари, шу жумладан, сунъий интеллектни кенг жорий этиш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи		**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
"Ягона дарча" электрон хизматлари сонини **49 тага етказиш**.		Дона	Ҳисобот йилида "Ягона дарча" платформасида кўрсатиладиган электрон хизматлар сони	41	2026 йил – 42 2027 йил – 43 2028 йил – 45 2029 йил – 47 2030 йил – 49	"Ягона дарча" платформасида кўрсатиладиган электрон хизматлар сони 49 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								
Чора-тадбирлар номи	**Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Якуний кўрсаткич**	**Молиялаштириш ҳажми ва манбаси**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Бажариш муддати**

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Контейнер ташувларида темир йўл юк хатини **электрон расмийлаштириш тартибини йўлга қўйиш**.	Расмийлаштириш тизимини рақамлаштириш	–	Мавжуд эмас	Жараён рақамлашади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Транспорт вазирлиги,** "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ	Божхона қўмитаси	2026 йил ноябрь
Ҳаво транспортида ташиладиган ташқи савдо юкларини **транзит декларацияси асосида ҳисобга олиш**.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш	Ахборот тизими	Мавжуд эмас	Ахборот тизими ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь
Ваколатли иқтисодий оператор мақомини бериш (ариза тақдим этиш ва кўриб чиқиш) **жараёнларини рақамлаштириш**.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш	Ахборот тизими	Мавжуд эмас	"VIO" ахборот тизими яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь
Жисмоний шахслар учун божхона органлари томонидан қўлланилган жарима солиш ҳақидаги қарорлар билан танишиш, жаримани имтиёзли тўлаш муддатларидан хабардор бўлиш, улар юзасидан тўловларни амалга ошириш жараёнларини **"Customs fine" мобил иловаси** орқали рақамлаштириш.	Мобил иловасини ишлаб чиқиш	Ахборот тизими	Мавжуд эмас	Мобил илова жорий этилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь
Сунъий интеллект ёрдамида товарнинг **божхона қийматини назорат қилиш моделини** яратиш. Бунда божхона расмийлаштирувига тақдим этилган товарлар тўғрисидаги маълумотларни (тавсифи, техник параметрлари, товар коди ва бошқалар) интеллектуал таҳлил қилинади.	Сунъий интеллект моделини ишлаб чиқиш	–	Мавжуд эмас	Сунъий интеллект модели яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил июль
ТИФни амалга оширишда барча иштирокчилар учун қулай бўлган тартиботлар ва хизматларни ўз ичига олган **ягона ахборот платформасини ишлаб чиқиш**. Бунда хизматларни мақбуллаштириш, уларни композит ва проактив шаклга ўтказиш, ортиқча босқичларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашинуви орқали маълумотларни бир марта	1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш 2. Ахборот платформасини ишлаб чиқиш	1. Норматив ҳуқуқий ҳужжат 2. Ахборот платформаси	Мавжуд эмас	1. Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади 2. Ахборот платформаси яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси,	Божхона қўмитаси	2028 йил декабрь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

тақдим этиш тамойилини жорий этиш (once only principle). ТИФ иштирокчилари учун “шахсий кабинет” орқали қуйидаги имкониятларни назарда тутиш: ташқи савдо шартномаларини шакллантириш ва рўйхатга олиш; божхона декларацияларини тўлдириш ва божхонага тақдим этиш; барча тўловларни тўлаш; сертификат, хулоса ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун ягона ариза шаклини яратиш ва рақамли шаклда расмийлаштириш; дастлабки қарорлар учун ариза бериш ва расмийлаштириш; халқаро ташувчилар томонидан босқичма-босқич транспорт логистика хизматларини кўрсатиш; суғурта хизматларини кўрсатиш; божхона экспертизаси хулосаларини олиш; божхона ва юк операцияларини амалга ошириш; божхона хизматларини кўрсатиш; божхона қонунбузарликлари тўғрисида ахборот олиш; интеллектуал мулк объектлари божхона реестрини юритиш; ТИФ иштирокчилари фаолиятига тааллуқли ҳисобот шаклларини олиш. Ушбу ахборот платформаси функцияларини такрорловчи ахборот тизимлари, порталлар орқали ариза, декларация ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш механизмларини жорий этиш тақиқланишини белгилаш.						Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар		
Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш	Интерактив хизмат ишлаб чиқиш ва Ягона интерактив	Интерактив хизмат	Мавжуд эмас	“Божхона тўловларини қайтариш”	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,**	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

бўйича **“Божхона тўловларини қайтариш” интерактив хизматини** ишлаб чиқиш ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириш.	давлат хизматлари порталида жойлаштириш			интерактив хизмати ишлаб чиқилади		Рақамли технологиялар вазирлиги		
Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган барча турдаги халқаро **йўловчи ташиш вагонларида ҳаракатланаётган фуқароларни “Хавфни бошқариш тизими”дан фойдаланган ҳолда** назоратдан ўтказиш.	Ахборот тизимини такомиллаштириш	–	“Хавфларни бошқариш” ахборот тизими амалда мавжуд	Ахборот тизими такомиллаштирилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил октябрь
ТИФ иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни рақамлаштиришга қаратилган **“ТИФ иштирокчилари рўйхати” ахборот тизимини амалиётга жорий этиш**.	Ахборот тизимини амалиётга жорий этиш	Ахборот тизими	Мавжуд эмас	Ахборот тизими амалиётга жорий этилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил ноябрь
Маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган хорижий давлатлардан экспорт қилинган товарлар ҳақидаги маълумотларни **автоматик таҳлил қилиш имкониятини яратиш**.	Ахборот тизимини такомиллаштириш	Ахборот тизими	“Хавфларни бошқариш” ахборот тизими амалда мавжуд	Ахборот тизими такомиллаштирилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил ноябрь
Божхона органлари томонидан кўрсатиладиган барча хизматларни “бир ойна”дан амалга ошириш имкониятига эга бўлган **ягона мобил иловани жорий этиш**.	Мобил иловани ишлаб чиқиш	Ахборот тизими	Мавжуд эмас	Мобил илова яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2028 йил январь
Божхона юк декларациясига илова қилинган инвойс ва бошқа ҳужжатларни **“OCR” технологиялари ёрдамида ўқиш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш**, шунингдек, улардаги маълумотларни рақамлаштириш ҳамда автоматик солиштириш имкониятини яратиш.	Ахборот тизимини такомиллаштириш	–	Мавжуд эмас	Ҳужжатлар автоматик таҳлил қилинади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2029 йил октябрь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда транспорт воситасининг **ўлчамлари (габаритлари) асосида унинг турини автоматик аниқлаш** моделини яратиш.	Ахборот тизими моделини ишлаб чиқиш	–	Мавжуд эмас	Сунъий интеллект ёрдамида транспорт тури аниқланади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2029 йил октябрь
Сунъий интеллект функцияларига эга **"Smart CCTV" видеокузатув тизимини** (юзни таниш, давлат рақам белгиларини автоматик ўқиш (ANPR), транспорт оқими таҳлили ва шубҳали ҳаракатларни автоматик аниқлаш) босқичма-босқич жорий этиш.	Ахборот тизимини ишлаб чиқиш	Ахборот тизими ва зарур техника воситалари	Мавжуд эмас	Ахборот тизими ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2030 йил декабрь
3-йўналиш (в). Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш								
Стратегиянинг 3.1-вазифаси			**Фискал вазифаларини самарали амалга ошириш ва божхона тартиботларини такомиллаштириш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи	**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**	
Декларацияни тақдим этиш жараёнида хавфларни бошқариш ахборот тизими ёрдамида қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари миқдорини **2 трлн сўмга етказиш**.	Трлн сўм	Ҳисобот йилида хавфларни бошқариш ахборот тизими ёрдамида қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари миқдори	1,4	2026 йил – 1,5 2027 йил – 1,6 2028 йил – 1,8 2029 йил –1,9 2030 йил – 2	Қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари миқдори 2 трлн сўм	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар	
Божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилган ташкилотлар сонини **800 тага етказиш**.	Сон	Ҳисобот йилида божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имкониятига эга ташкилотлар сони	544	2026 йил – 600 2027 йил – 650 2028 йил – 700 2029 йил – 750 2030 йил – 800	Ташкилотлар сони 800 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар	
Божхона органлари томонидан божхона қиймати бўйича қабул қилинадиган дастлабки қарорлар сонини **100 тага етказиш**.	Дона	Ҳисобот йилида қабул қилинадиган дастлабки қарорлар сони	0	2027 йил – 10 2028 йил – 30 2029 йил – 60 2030 йил – 100	Дастлабки қарорлар сони 400 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар	
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Чора-тадбирлар номи	Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	Якуний кўрсаткич	Молиялаштириш ҳажми ва манбаси	Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора	Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот	Бажариш муддати
Ўзбекистон Республикасининг тариф жиҳатдан тартибга солиш сиёсатига мувофиқ равишда, ТИФ ТН кодларини манипуляция қилиш хавфи мавжуд бўлган товарларга **бир-бирига яқин бўлган товарлар учун бир хил ставкаларни қўллаш** тамойили асосида божхона божи ставкаларини белгилаш.	Товарлар рўйхатини шакллантириш ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиясига киритиш	–	Амалда мавжуд эмас	ТИФ ТН кодларини манипуляция қилиш хавфи мавжуд бўлган товарлар ставкалари қайта кўриб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
Ташқи савдо операциялари мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартибини мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори амалда мавжуд	Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Марказий банк, Солиқ қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
Жисмоний шахслар томонидан қиймати **беш минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган тижорат мақсадидаги товарларни** олиб чиқиш ва ҳисобини юритишнинг шаффоф тартибини ишлаб чиқиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
Божхона қиймати бўйича дастлабки қарор қабул қилиш тартибини жорий этиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил январь
Давлат фойдасига воз кечилган товарларнинг **реализацияси жараёнларини соддалаштириш**. Бунда давлат фойдасига воз кечилган мол-мулкнинг божхона расмийлаштируви жараёнларида **нотариф чоралар қўлланилмаслиги** (реализация қилишдан олдин қўллаш) ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш, баҳолаш	Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Қонун ва Ҳукумат қарори лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил март

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

ва унинг қийматини пасайтириш тартибини белгилаш.								
Божхона юк декларациясини тўлдириш бўйича хизматлар сифатини ошириш мақсадида, божхона юк декларациясини божхона органига **малака сертификати асосида тақдим этиш** тартибини жорий этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил март
Импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни **ТИФ ТН кодларини белгилаш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,** Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил апрель
Товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодларини кичик субпозициялар даражасида деталлаштириш жараёнлари юзасидан **аниқ мезонларини белгилаш тартибини ишлаб чиқиш**.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил апрель
Товарларни ташиш харажатларини сунъий интеллект асосида **автоматик ҳисоблаш модулини такомиллаштириш** ва барча етказиб бериш шартларига (C ва D гуруҳларига) татбиқ этиш ҳамда йўналиш, масофа, транспорт ва товар тури, оғирлиги, ҳажми каби мезонлар асосида аниқ ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўйиш.	Ахборот тизимини такомиллаштириш	–	Мавжуд эмас	Товарларни ташиш харажатлари сунъий интеллект асосида аниқ ҳисоб-китоб қилинади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил июнь
Халқаро курьерлик жўнатмаларини тезкор ва сифатли етказилишини таъминлаш мақсадида **“Экспресс ташувчи” институтини жорий этиш.**	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил август
Электрон тижорат йўналишидаги тартиботларни соддалаштиришга	Ўзбекистон Республикаси	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Қонун лойиҳаси Вазирлар	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,	Божхона қўмитаси	2027 йил август

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

қаратилган **жўнатмалар декларациясини жорий этиш**.	қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш			Маҳкамасига киритилади		Адлия вазирлиги		
Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона **режими талабларини такомиллаштириш**. Бунда: а) хавф даражаси **юқори баҳоланган товарларга** нисбатан дифференциал тарзда; б) охирги бир йил давомида товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш билан боғлиқ қоидабузарлик учун икки ва ундан ортиқ жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан **божхона тўловлари тўланишини таъминлаш талаб этилишини белгилаш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Божхона кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 сентябрдаги 555-сон қарори амалда мавжуд	Қонун ва Ҳукумат қарори лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Божхона қонунчилиги талабларини инобатга олган ҳолда божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш тартибини **Солиқ кодекси талабларига мувофиқлаштириш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг ягона ҳужжат тамойили остида товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодлари, улар юзасидан ЖСТ доирасида келишилган максимал миқдорлар (bound rate) ҳамда амалиётда қўлланилаётган **импорт божхона божи ставкаларини Қонун билан белгилаш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Амалда мавжуд эмас	Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Стратегиянинг 3.2-вазифаси			**Божхона органларининг инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавий техника воситалари билан таъминлаш орқали қонунчилик бузилишини олдини олиш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи		**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
		Млрд сўм		342,7	2026 йил – 170			

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Божхона органларини замонавий назорат техника воситалари билан таъминлаш орқали товарларни ноқонуний олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва қонунбузилиш ҳолатида аниқланган товарлар қийматини **450 млрд сўмга етказиш**.		Ҳисобот йилида аниқланган ноқонуний товарлар қиймати		2027 йил – 180 2028 йил – 200 2029 йил – 210 2030 йил – 220	Аниқланган ноқонуний товарлар қиймати 220 млрд сўм	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Транспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигида кузатувни амалга оширишда электрон пломбаларни қўллаш улушини **30 фоизга етказиш**.	Фоиз	Ҳисобот йилида электрон пломбалар улуши	0	2029 йил – 20 2030 йил – 30	Электрон пломбалар улуши 30 фоиз	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Ўзбекистон Республикасининг автомобиль Давлат чегара ўтказиш пунктларида товарларни олиб ўтиш ҳажмини **30,6 млн тоннага** етказиш.	Млн. тонна	Ҳисобот йилида ўтказиш пунктининг ўтказувчанлик ҳажми	21,3	2028 йил – 22,8 2029 йил – 26,5 2030 йил – 30,6	Ўтказиш пунктининг ўтказувчанлик ҳажми 30,6 млн тонна	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)

Чора-тадбирлар номи	**Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Якуний кўрсаткич**	**Молиялаштириш манбаси ва ҳажми**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Бажариш муддати**
Терговга қадар текширув ва суриштирув жараёнларини рақамлаштириш мақсадида божхона органлари суриштирув ходимларининг ишчи ўринларини **Бармоқ изларини сканерлаш ҳамда электрон рақамли имзодан фойдаланиш имкониятига эга 32 та планшетлар** билан жиҳозлаш.	Бармоқ изларини сканерлаш ҳамда электрон рақамли имзодан фойдаланиш имкониятига эга 32 та планшетлар харид қилиш	Дона	Мавжуд эмас	2028 йил – 32	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси ҳамда бошқа донорлар грантлари ва техник кўмак маблағлари Дастлабки қиймати 320 млн. сўм	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2028 йил декабрь
Чегара божхона постларини **12 та инспекцион кўрик мажмуалари** ва уларнинг марказлашган сервер тизими билан жиҳозлаш.	12 та янги инспекцион кўрик мажмуасини харид қилиш	Дона	29 та инспекцион кўрик мажмуаси амалда мавжуд	2027 йил – 2 2028 йил – 5 2029 йил – 9 2030 йил – 12	Давлат бюджети ва Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 660 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Чегара божхона постларини **35 та электрон тарози** билан жиҳозлаш.	35 та янги электрон тарозини харид қилиш	Дона	50 та электрон тарози амалда мавжуд	2026 йил – 4 2027 йил – 14 2028 йил – 24 2029 йил – 30 2030 йил – 35	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 24,5 млрд сўм.	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **100 та транспорт воситалари давлат рақам белгиларини аниқлаш камераси** билан жиҳозлаш.	100 та видеокузатув камерасини харид қилиш	Дона	107 та давлат рақамларини аниқлаш камералари амалда мавжуд	2027 йил – 50 2029 йил – 100	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 1 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2027–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **7 та "Body scanner"** билан жиҳозлаш.	7 та "Body scanner" харид қилиш	Дона	21 та инсон танасини сканер қилувчи "Body scanner" амалда мавжуд	2026 йил – 0 2027 йил – 0 2028 йил – 3 2029 йил – 7	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 18 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **5 000 та "GPS" пломбалари ва уларни зарядлаш станцияси** билан жиҳозлаш.	5 000 та "GPS" пломбаларини харид қилиш	Дона	205 та "GPS" пломбалари амалда мавжуд	2026 йил – 2000 2027 йил – 4000 2028 йил – 5000	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 20 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Маълумотлар чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида **2 500 та** хизмат компьютерини лицензияланган **DLP (Data Loss Prevention) тизими** билан таъминлаш.	DLP лицензияланган дастурий таъминотини харид қилиш	Дона	450 та хизмат компьютерида лицензияланган DLP тизими амалда мавжуд	2027 йил – 1500 2028 йил – 2500	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 6 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **3 000 та лицензияли антивирус** дастурий таъминоти билан жиҳозлаш.	3 000 та лицензияли антивирус дастурий таъминоти харид қилиш	Дона	3 000 лицензияланган антивирус амалда мавжуд *(лицензия ҳар 3 йилда янгиланади)*	2027 йил – 3000	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 12 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2027–2028 йиллар
Чегара божхона постларини **1 000 та замонавий компьютер техникаси** билан жиҳозлаш.	1 000 та компьютер техникасини харид қилиш	Дона	3 200 та хизмат компьютерлари амалда мавжуд	2027 йил – 200 2028 йил – 400 2030 йил – 1000	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 25 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2027–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Чегара божхона постларини **20 та маршрутизатор** ва **80 та коммутатор** билан жиҳозлаш.	Маршрутизатор ва коммутатор қурилмаларини харид қилиш	Дона	175 та маршрутизатор ва 1 200 та коммутатор амалда мавжуд	2028 йил – 100	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 4 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **4 та сунъий интеллектни қўлловчи GPU серверлар** билан жиҳозлаш.	4 та сунъий интеллектни қўлловчи GPU серверлар харид қилиш	Дона	Мавжуд эмас	2027 йил – 1 2028 йил – 2 2029 йил – 2 2030 йил – 4	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 28 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларини **3 та юқори қувватли илова серверлар** (процессор ядролари сони 200 тадан кам бўлмаган) билан жиҳозлаш.	Юқори қувватли илова серверлари харид қилиш	Дона	25 та илова серверлар амалда мавжуд	2029 йил – 2 2030 йил – 3	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 15 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2029–2030 йиллар
Электрон ҳукумат Дата-марказида захира маълумотлар базасини яратиш учун жами **22 та қурилмалар** билан таъминлаш.	Сервер ускуналари, аппарат ва дастурий таъминот воситаларини харид қилиш	Дона	Мавжуд эмас	2029 йил – 16 2030 йил – 22	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси Рақамли технологиялар маркази маблағлари Дастлабки қиймати 200 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2028–2030 йиллар
Маълумотлар маркази учун “IBM FlashSystem 5600 NVMe” русумли **1 та маълумотларни сақлаш тизими** билан таъминлаш.	Маълумотларни сақлаш тизимини харид қилиш	Дона	Мавжуд эмас	2027 йил – 1	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 12 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Божхона постларини фуқароларнинг қўл-юк багажларини сканерловчи **44 та интераскоп қурилмалари** билан таъминлаш.	44 та интераскоп қурилмаларини харид қилиш	Дона	201 та интераскоп амалда мавжуд	2027 йил – 10 2028 йил – 33 2029 йил – 33 2030 йил – 44	Давлат бюджети ва Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 61,6 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “O‘ztextreyd” ДМ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
3 та маъмурий бинони реконструкция (мукаммал	3 та маъмурий бинони	Дона	22 та маъмурий бино амалда мавжуд	2026 йил – 1	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси	**Божхона қўмитаси,**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

таъмирлаш, қўшимча иншоотларни қуриш) қилиш.	реконструкция қилиш			2030 йил – 3	маблағлари Дастлабки қиймати 98 млрд сўм	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ		
8 та чегара божхона постларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш.	Чегара божхона постларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш	Дона	61 та чегара божхона постлари амалда мавжуд	2026 йил – 5 2027 йил – 6 2028 йил – 8	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 232 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Чегара божхона постларига туташ ва яқин ҳудудларда **3 та автотураргоҳлар** қуриш.	Автотураргоҳлар қуриш	Дона	2 та автотураргоҳ амалда мавжуд	2028 йил – 1 2029 йил – 2 2030 йил – 3	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 147 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
1 та божхона омборини реконструкция қилиш.	Божхона омборини реконструкция қилиш	Дона	3 та божхона органларига тегишли божхона омборлари амалда мавжуд	2026 йил – 1	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 5 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Жами **5 та хизмат уйлари** ва ётоқхона биноларини қуриш ҳамда мукаммал таъмирлаш.	Хизмат уйлари ва ётоқхона биноларини қуриш ҳамда мукаммал таъмирлаш	Дона	70 та хизмат уйи ва 4 та ётоқхона бинолари амалда мавжуд	2026 йил – 2 2027 йил – 4 2028 йил – 5	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 82 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, "O'ztextreyd" ДМ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ	Божхона қўмитаси	2026–2028 йиллар
Жами **200 та хизмат автотранспорт воситасини харид қилиш.**	Божхона органи хизмат автопаркини янгилаш	Дона	503 та хизмат автотранспорт воситалари амалда мавжуд	2027 йил – 50 2028 йил – 100 2029 йил – 150 2030 йил – 200	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 38 млрд сўм	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027–2030 йиллар
4-йўналиш (г). Божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш								
Стратегиянинг 4.1-вазифаси			**Ходимлар билан ишлаш, касбий маҳоратини ошириш ва комплаенс механизмларини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантириш тизимини яхшилаш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи	**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**	
Хорижий мутахассислар иштирокида **25 та ўқув курсларини** ташкил этиш.	Дона	Ҳисобот йилида	0	2026 йил – 4 2027 йил – 5	Хорижий мутахассислар	**Божхона қўмитаси**		

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

		ўтказилган ўқув курслари сони		2028 йил – 5 2029 йил – 5 2030 йил – 6	иштирокида ташкил этилган ўқув курслари сони 25 та		Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Миллий кинология маркази томонидан божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун **220 та кинологларни тайёрлаш** ва уларнинг малакасини ошириш.	Нафар	Ҳисобот йилида тайёрланган ва малакаси оширилган кинологлар сони	204	2029 йил – 210 2030 йил – 220	Тайёрланган ва малакаси оширилган кинологлар сони 220 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан аккредитациядан ўтказилган ҳамда малака тоифасига (мастер-тренер) эга бўлган божхона ходимлари сонини **7 тага етказиш**.	Нафар	Ҳисобот йилида аккредитацияланган ва малака тоифасига эга ходимлар сони	2	2027 йил – 1 2028 йил – 1 2029 йил – 1 2030 йил – 2	Малака тоифасига эга ходимлар сони 7 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар

Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)

Чора-тадбирлар номи	**Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Якуний кўрсаткич**	**Молиялаштириш манбаси ва ҳажми**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Бажариш муддати**
Халқаро ташкилотлар кўмагида божхона аудити, хавфларни бошқариш ва сунъий интеллект бўйича **ўқув семинарлари**, **малака ошириш курсларини ташкил этиш**.	Ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил этиш	–	Мавжуд эмас	Ўқув семинарлари, малака ошириш курслари ташкил этилади	Халқаро ташкилотлар гранти Келишув асосида	**Божхона қўмитаси,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Ходимларни ахборот технологиялари инфратузилмаси барқарорлиги, ахборот хавфсизлиги ҳамда рақамли хизматларнинг узлуксизлиги бўйича **"DevOps" ва "Pentest" йўналишларида ўқитиш**.	Ўқув курсларини ташкил этиш	–	Мавжуд эмас	Ўқув курслари ташкил этилади	Рақамли технологиялар маркази маблағлари Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Миллий кинология маркази кинологлари ва хизмат итларини **тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш** ва бу борада **кадрлар салоҳиятини юксалтириш** чораларини кўриш.	Ўқув курсларини ташкил этиш	–	Ўқув курслари амалда мавжуд	Ўқув курслари ташкил этилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талабаларини божхона органларида **амалиёт ўташ тартибини жорий этиш**.	Амалиёт ўташ тартибини белгилаш	–	Мавжуд эмас	Кадрлар захираси яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
"Эл-юрт умиди" жамғармаси билан хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари битирувчилари ҳамда хорижда таҳсил олаётган талабалар билан **доимий равишда учрашувлар ташкил этиш** ва уларни божхона органларига **ишга қабул қилиш** чораларини кўриш.	Учрашувлар ташкил этиш ва номзодларни саралаш	–	Мавжуд эмас	Кадрлар захираси яратилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Божхона органлари томонидан ташкил этиладиган китобхонлик, ижодкорлик, спорт ва маънавий тадбирлар **совриндорларини моддий ва идоравий мукофотлар билан рағбатлантиришни** йўлга қўйиш.	Ички идоравий ҳужжатни қабул қилиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Мавжуд эмас	Рағбатлантириш тизими жорий этилади	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати ўртача йилига 6 млрд сўм	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил январь
Божхона соҳасини ривожлантириш бўйича алоҳида ташаббус кўрсатган божхона, бошқа ҳамкор республика ва халқаро ташкилотлар ходимлари, жамоат вакиллари ҳамда фуқароларни рағбатлантириш мақсадида "Божхона ифтихори", "Божхона хизмати фидойиси", "Божхона хизмати ривожи учун" **кўкрак нишонларини таъсис этиш**.	Ички идоравий ҳужжатни қабул қилиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Мавжуд эмас	Рағбатлантириш тизими жорий этилади	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати ўртача йилига 120 млрд сўм	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Божхона қўмитасида "Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари" **ISO 37001:2025 халқаро стандартини** босқичма-босқич жорий этиш.	ISO 37001:2025 халқаро стандартини жорий этиш	–	Мавжуд эмас	ISO 37001:2025 халқаро стандарти жорий этилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
Коррупция хавфларини қисқартириш бўйича қуйидаги чораларни амалга ошириш: ходим ва тадбиркор ўртасида бевосита **мулоқотни камайтириш**; қарорларни QR-код орқали **текшириш имкониятини яратиш**;	Чора-тадбирларни амалга ошириш	–	Мавжуд эмас	Коррупция хавфлари қисқартирилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2029 йил ноябрь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

ходимларнинг ҳаракатларини **“Digital log” орқали қайд этиш**; “Integrity monitoring” тизими орқали **юқори коррупцион хавфга эга лавозимларда** хизмат олиб борувчи ходимларнинг **турмуш тарзи таҳлилини жорий этиш**.								
5-йўналиш (д). Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш								
Стратегиянинг 5.1-вазифаси			**Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш**					
Стратегик режалаштириш ҳужжатининг натижа (outcome) кўрсаткичи		**Ўлчов бирлиги**	**Ҳисоблаш формуласи**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Оралиқ кўрсаткичлар** *(йиллар кесимида)*	**Стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш якунидаги мақсадли кўрсаткич**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Маълумот тақдим этиш даврийлиги**
Товарлар ва транспорт воситалари бўйича онлайн ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган хорижий давлатлар сонини **18 тага етказиш**.		Дона	Ҳисобот йилида ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган хорижий давлатлар сони	15	2028 йил – 1 2029 йил – 1 2030 йил – 1	Ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилган хорижий давлатлар сони 18 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Ваколатли иқтисодий операторларни ўзаро тан олиш амалиёти йўлга қўйилган хорижий давлатлар сонини **7 тага етказиш**.		Та	Ҳисобот йилида ўзаро тан олиш амалиёти йўлга қўйилган хорижий давлатлар сони	4	2028 йил – 1 2029 йил – 2 2030 йил – 3	Томонлар келишувига кўра хорижий давлатлар сони 7 та	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Жалб этилган халқаро грант маблағлари миқдорини **800 минг АҚШ долларига етказиш**.		Минг АҚШ доллари	Ҳисобот йилида жалб этилган грант маблағлари миқдори		2026 йил – 400 2027 йил – 100 2028 йил – 100 2029 йил – 100 2030 йил – 100	Жалб этилган грант маблағлари миқдори 800 минг АҚШ доллари	**Божхона қўмитаси**	Ҳар йил якуни бўйича март ойининг 20-санасига қадар
Чора-тадбирлар ва бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output)								
Чора-тадбирлар номи	**Мазкур чора-тадбирни амалга оширишнинг якуний натижаси**	**Ўлчов бирлиги**	**Амалдаги кўрсаткич** *(энг охирги долзарб кўрсаткич)*	**Якуний кўрсаткич**	**Молиялаштириш манбаси ва ҳажми**	**Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот/идора**	**Маълумот манбаси ва тақдим этишга масъул ташкилот**	**Бажариш муддати**
БАА билан статистик маълумотлар алмашиш йўналишида **ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар ўтказиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил октябрь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Хорижий давлатлар (БАА, Грузия, Корея, Латвия, Литва, Туркия) божхона хизмати билан товар ва транспорт воситалари ҳақида **ўзаро ахборот алмашиш йўналишида ҳамкорлик ўрнатиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
"Риштон", "Водил", "Оққия" ва "Чашма" автомобиль ҳамда "Хонобод" темир йўл Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида **"Ягона тўхташ" тамойили асосида давлат назоратини амалга ошириш** бўйича қирғиз томони билан музокаралар ўтказиш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, ДХХ Чегара қўшинлари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
Халқаро темир йўлларда юк ташиш қатновлари тўғрисидаги битимга аъзо давлатлар темир йўл идоралари билан **темир йўл юк хатини электрон алмашишни йўлга қўйиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Транспорт вазирлиги**, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
ЖБТ минтақавий лабораториялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, **WCO Regional Customs Laboratory Professionals дастурида** Ўзбекистон божхона органлари ходимларининг иштирокини таъминлаш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026 йил декабрь
Арманистон, Таиланд ва Индонезия давлатлари билан божхона ишларида **ўзаро ҳамкорлик битим лойиҳаларини ишлаб чиқиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил июль
Товарларни таснифлашда божхона лабораторияларининг ўрни ва ТИФ ТНни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари мавзусида **минтақавий семинар ўтказиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 100 млн сўм	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия,	Божхона қўмитаси	2027 йил сентябрь

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

						Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги		
Осиё тараққиёт банкининг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) доирасида **“Рақамли божхона ва логистика альянси” CATS** (CAREC Advanced Transit System) лойиҳасида Ўзбекистон иштирокини таъминлаш ва кўп томонлама **Битим имзолаш** чораларини кўриш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил ноябрь
Жаҳон божхона ташкилотининг **Товарларни чиқиш вақти тадқиқоти** (WCO Time Release Study – TRS) дан фойдаланиш орқали импорт-экспорт жараёнларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш.	Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиш	Ахборот хати	–	Вазирлар Маҳкамасига ахборот хати киритилади	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси** Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Божхона қўмитаси	2028 йил март
Ўзбекистон Республикаси Божхона институтини **ЖБТнинг минтақавий ўқув марказига айлантириш** бўйича Жаҳон божхона ташкилоти билан музокаралар ўтказиш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027 йил декабрь
ЖБТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ТИФ товар номенклатурасининг **янги 2027 йилги талқинини ишлаб чиқиш**.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Божхона қўмитаси	2028 йил сентябрь
ЖБТнинг “CLiKC!” платформасидаги **дарсларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда унда божхона ходимларининг таълим олиши** ва сертификатларни қўлга киритишини таъминлаш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Ўзбекистон божхона органлари ходимларининг ЖБТ томонидан ташкил этиладиган **инсон капиталини ривожлантириш дастур ва танловларида**	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(WCO Fellowship Programme ва WCO-Japan Career Development Programme) иштирок этиш.								
Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг **ЖБТ бошқарув органлари, қўмиталари ва ишчи гуруҳларидаги** иштирокини кенгайтириш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026-2030 йиллар
Халқаро грантлар ва техник кўмак лойиҳаларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳамда божхона ходимларининг **хорижий таълим муассасаларида малака ошириши** ва стажировка ўташини ташкил этиш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
Миллий кинология марказининг халқаро нуфузини оширишга қаратилган **халқаро кўргазма, семинар, мусобақа ва форумларни** ташкил этиш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Молиялаштириш талаб этилмайди	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2026–2030 йиллар
ЖБТ томонидан ташкил этиладиган **Технологик конференция ва кўргазмаларда** Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ходимларининг иштирокини таъминлаш.	Музокаралар ўтказиш	–	Мавжуд эмас	Томонлар келишувига кўра	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати 100 млн сўм	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2027–2030 йиллар
Ваколатли иқтисодий операторларни ўзаро тан олиш бўйича битимлар имзоланган ҳамкор давлатлар сонини кўпайтириш мақсадида хорижий томон билан музокаралар ўтказиш.	Музокаралар ўтказиш	–	4 та хорижий давлатлар билан битимлар имзоланган (Хитой, Россия, Беларус, Озарбайжон)	Томонлар келишувига кўра	Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари Дастлабки қиймати ўртача йилига 100 млн сўм	**Божхона қўмитаси**, Ташқи ишлар вазирлиги	Божхона қўмитаси	2028–2030 йиллар

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

2026–2030 йилларга мўлжалланган
“Янги Ўзбекистон божхонаси – 2030” стратегиясига
2-илова

Чора-тадбирлар ижросига масъул ташкилот (идора) томонидан Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериш шакли

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочи	Ижро ҳолати бўйича маълумот
1.				
2.				

Изоҳ: чора-тадбирлар ижроси учун масъул ташкилотлар (идоралар) Дастурда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан маълумотларни тасдиқланган намунага мувофиқ тайёрлайди ҳамда ҳисоботларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун белгиланган ижро муддатларида мувофиқлаштирувчи ташкилотга тақдим этади.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–174-сон Фармонига
2-илова

Божхона соҳасини янада ислоҳ қилиш, айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва жараёнларни рақамлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича

“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
Божхона жараёнларида тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш				
1.	Товарлар экспортида назорат жараёнларининг рақамлаштирилиши ҳисобига божхона расмийлаштируви, фумигация, фитосанитария сертификати, экология рухсатномаси ва сертификати ҳамда товарнинг келиб чиқиш сертификати учун **йиғим ва тўловлар миқдорини 30 фоизга камайтириш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(А.Урунов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Б.Хайдаров)*
2.	Мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни кучайтириш орқали импортда **сертификат ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни товар** (озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари) эркин муомалага чиқарилганидан сўнг, лекин **реализация қилинишидан олдин олиш тартибини белгилаш бўйича** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Ахборот хати	2026 йил октябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*,

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(А.Урунов)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*
3.	Транспорт вазирлигининг расмий веб-сайтида ёки алоҳида электрон платформада хорижий автотранспорт воситалари учун халқаро юк ташишда рухсатнома талаб этилиши ёки этилмаслиги, шунингдек, йиғимлар тўланиши ёхуд халқаро шартномаларга мувофиқ йиғимлардан озод этилганлигини онлайн текшириш имкониятига эга **"Рухсатнома ва йиғимни онлайн текшириш" хизматини жорий этиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил декабрь	Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
4.	Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташиш учун рухсатнома расмийлаштиришда товарнинг хусусиятлари, техник тавсифи ҳамда унинг бўлинмайдиган юк эканлигини **ўрганиш тартибини жорий этиш**. Бунда: 1. Рухсатнома беришда халқаро ташувга оид товарнинг кузатув ҳужжатларини мажбурий тарзда тақдим этиш талабини белгилаш. 2. Рухсатнома бериш жараёнида халқаро ташувга оид товарнинг кузатув ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали товарнинг хусусиятлари ва унинг бўлинмайдиган юк эканлигини баҳолаш тартибини белгилаш. 3. Рухсатномани чегара божхона постига келгунга қадар олдиндан олиш тартибини жорий этиш. 4. Рухсатнома олмасдан ёки нотўғри маълумотлар асосида чегара божхона постига кириб келган автотранспорт воситалари бўйича жавобгарлик чораларини, шу жумладан, лицензия талабларини бузилганлик учун аниқ чораларни белгилаш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2026 йил декабрь	Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
5.	Импортда сертификат ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этиш хизматлари учун тўловларни ҳақиқий сарф-харажатлар ҳажмига мутаносиб белгилаш орқали уларни оптималлаштириш, шунингдек, тўловлар миқдорини **очиқ эълон қилиб бориш ҳамда давлат назорати механизмини жорий этиш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил январь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(А.Урунов)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*
6.	Божхона назорати жараёнида товарнинг келиб чиқиш сертификати ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлар ўртасида кичик тафовутлар аниқланганда, агар сертификатдаги маълумотлар товар хусусиятларига мос келса, **сертификатни расмийлаштирувга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил июнь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Л.Кудратов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*
7.	Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларида олиб келинган (номига келган) товарлар бўйича ягона божхона тўлови ёхуд божхона божи ва солиқлар миқдори тўланиши лозим бўлган божхона йиғимлари миқдоридан кам бўлса, **ушбу йиғимлар ундирилмаслик тартибини белгилаш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2027 йил июнь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
8.	Товарларни божхона тўловларига таъсир этувчи хавфлар бўйича чегара божхона постларида божхона кўригидан ўтказиш амалиёти **бекор қилиниши муносабати билан тегишли тартиботларни белгилаш**.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил июнь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Бунда хавфсизликни таъминлаш мақсадида божхона кўриги ўтказилиши мумкин бўлган **истисно ҳолатларни белгилаш**.			
9.	Товарнинг **ТИФ ТН кодини аниқлаш жараёнини** қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш: а) аввал қабул қилинган дастлабки қарорларни очиқ эълон қилиб боришни йўлга қўйиш; б) ТИФ ТН кодлари бўйича баҳсли ҳолатларни кўриб чиқувчи Ягона талқин қилиш комиссияси қарорларини ТИФ иштирокчиларига етказиб бориш; в) ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ТИФ ТН бўйича интерактив қўлланма ва фото-каталог яратиш; г) таснифлаш қарорларини тақдим этиш жараёнларига товарлардан намуналар олиш механизмини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил июль	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
10.	Ташқи савдо шартномалари ижросида дебитор ва кредитор қарздорликлар юзага келишининг **аниқ тартиботлари, муддатлари ва мезонларини белгилаш**.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил сентябрь	Марказий банк *(Т.Ишметов)*, Солиқ қўмитаси *(Ф.Пулатов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
11.	Тадбиркорлик субъекти томонидан товарларни декларация қилмаслик ва бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар биринчи маротаба содир этилганида, уларга нисбатан ҳисобланган божхона тўловлари ихтиёрий тўланганлиги учун иш юритишни тугатиш назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича **божхона органларининг ўзида иш юритишни тугатиб, товарларни тадбиркорлик субъектига қайтариб бериш** тартибини жорий этиш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2027 йил ноябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Олий суд *(Р.Махмудова)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
12.	Жисмоний шахслар томонидан республикадан нақд валютани **олиб чиқиш меъёрини 10 минг АҚШ доллари эквиваленти этиб белгилаш** ва фақатгина ушбу миқдордан ошганда декларациялаш тизимини яратиш.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2027 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*,

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Марказий банк *(Т.Ишметов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
13.	Тадбиркорлар божхона тўловларини тўлаётганида тижорат банклари томонидан **фоизлар ундирилиши амалиётини бекор қилиш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2027 йил ноябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Марказий банк *(Т.Ишметов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
14.	Вақтинча олиб кириш божхона режимида олиб кирилиб, кейинчалик эркин муомалага чиқариш божхона режимига жойлаштирилаётган **транспорт воситаларига утилизация йиғимини** ушбу транспорт воситалари вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилгандаги ишлаб чиқарилган муддати асосида ҳисоблаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил ноябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
15.	Божхона тўловларини тўлаш бўйича берилган **имтиёзлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш механизмини** қуйидагиларни инобатга олган ҳолда белгилаш: божхона тўловларини тўлаш бўйича берилган имтиёзлар бериш шартларига мувофиқ фойдаланиш мақсадларини аниқлаш; божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилганлиги муносабати билан фойдаланилиши ва тасарруф этилиши чекланган товарларни шартли чиқариб юбориш тартибини белгилаш; божхона тўловларини тўлаш бўйича берилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланганлигини назорат қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар маълумотлари билан интеграция қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2028 йил январь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Солиқ қўмитаси *(Ф.Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
16.	Тадбиркорларга **хизмат кўрсатиш сифатини** қуйидагилар орқали ошириш: а) интерактив видео қўлланмалар ва "AI-chatbot" жорий этиш; б) импорт ва экспорт жараёнлари бўйича "step-by-step" электрон гид тизимини яратиш; в) тадбиркорлар учун бепул онлайн семинарлар ўтказиш; г) божхона қоидаларидаги ўзгаришлар ҳақида ТИФ иштирокчисининг электрон шахсий кабинети орқали автоматик хабар бериш (SMS/email) тизимини жорий этиш.	Чора-тадбирлар дастури	2028 йил март	Божхона қўмитаси (А.Мавлонов)
17.	Тадбиркорларга улар томонидан тақдим этилган дастлабки божхона юк декларацияси асосида товарларни "эркин муомалага чиқариш" божхона режимига жойлаштириш учун электрон божхона юк декларациясини **проактив тарзда (онлайн) автоматик шакллантириб бериш** амалиётини жорий этиш. Бунда божхона юк декларациясида акс эттирилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун жавобгарликни декларант зиммасига юклатиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2030 йил март	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
	Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш			
18.	Товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган **қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш** тартибини ишлаб чиқиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Солиқ қўмитаси *(Ф.Пулатов)*
19.	Халқаро ташувларда **ўққа тушадиган оғирликни ўлчаш** тартиботини қайта кўриб чиқиш. Бунда чегара божхона постлари орқали ҳаракатланиш ҳажмини ошириш ва тирбандликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида: автотранспорт воситаларининг вазн параметрлари бўйича умумий оғирлиги божхона органлари;	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2026 йил декабрь	Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	автотранспорт воситаларининг ўққа тушувчи рухсат этилган оғирлик меъёрлари назорати ички ҳудудда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси томонидан назорат қилиш тартибини белгилаш.			
20.	Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда **божхона қийматини назорат қилишда ягона амалиётни** жорий этиш: Божхона расмийлаштируви маркази таркибида божхона қиймати бўлимини ташкил этиш; божхона расмийлаштируви жараёнидаги муаммоли ва хавфи юқори бўлган товарлар бўйича коллегиал тарзда ечим топиш; божхона қиймати бўйича онлайн апелляция механизмини ишга тушириш; сунъий интеллект асосида хавфли операцияларни автоматик саралаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил январь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
21.	Божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизимини халқаро стандартлаш ташкилот(лар)и кўрсатма ва тамойилларига мувофиқлиги бўйича **сертификатлаштириш чораларини кўриш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2028 йил январь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
22.	Ўзбекистон Республикаси **Божхона кодексида қуйидаги шарт ва талабларни белгилаш** бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратини айни бир контракт (шартнома, келишув) бўйича кўпи билан бир марта ўтказилишини бекор қилиш; товарлар чиқариб юборилгандан кейинги божхона назоратини бир божхона юк декларацияси бўйича айни бир асосларга кўра бир марта ўтказилишини белгилаш; декларант томонидан товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш ҳамда ўлчаш, уларнинг намуналари ва нусхаларини олиш тартиботини аниқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2027 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	божхона тўловлари бўйича имтиёзлар индивидуал хусусиятга эга бўлмаслиги; божхона расмийлаштируви жараёнида божхона органи томонидан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш учун монелик қилувчи сабаблар аниқланганда, имтиёзларни қўллаш вақтинча тўхтатиб турилиши ва божхона органи раҳбари томонидан қабул қилинган дастлабки қарор асосида амалга оширилиши; инсонпарварлик ёрдами сифатида ҳамда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар томонидан хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан, техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб чиқиладиган товарларга тариф имтиёзларини қўллаш; божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилишида ноаниқликлар юзага келганда, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ёзма тушунтиришларига амал қилиш шартлиги; тижорат банклари томонидан тўловчиларнинг божхона органларининг шахсий ғазна ҳисобварағига тўланадиган пул маблағларидан хизмат кўрсатилганлик учун ҳақ ундирмаслик тартибини белгилаш (бундан чегара ўтказиш пунктларидаги банк шохобчалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар мустасно).			
23.	Замон талабларидан келиб чиқиб ҳамда шаҳар ҳудудидаги автомобиль йўлларида тирбандликларнинг олдини олиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш мақсадида божхона **омборларига қўйилган талабларни такомиллаштириш**. Бунда: божхона омбори ҳажми ва унга жойлаштирилиши мумкин бўлган товарлар миқдоридан келиб чиқиб, божхона назорати зоналари майдони ўлчамларини аниқ белгилаш (унда юк транспорт воситаларини сақлаш учун зарур майдон бўлишини назарда тутиш);	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	юк операцияларини (ортиш, тушириш, саралаш, ўлчаш ва бошқа) амалга ошириш учун зарур техника воситалари рўйхатини тасдиқлаш; божхона омборларини хавф даражасидан келиб чиқиб, тоифаларга ажратиш (тоифадан келиб чиқиб жойлаштирилиши мумкин бўлган товарлар рўйхатини белгилаш).			
24.	Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаларини босқичма-босқич бирлаштириш орқали **ҳудудлараро божхона бошқармаларини ташкил этиш** масаласини ўрганиб чиқиб, Ҳукуматга таклиф киритиш.	Ахборот хати	2028 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*
25.	Божхона кодексида божхона аудити тартиботларининг **ҳуқуқий асосларини белгилаш**.	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2030 йил январь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(А.Ташкулов)*
Божхона органлари инфратузилмасини яхшилаш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали рақамлаштириш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш				
26.	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Миллий кинология марказининг буюртманомаси бўйича ўқув макети сифатида фойдаланиш учун бир дона **“Mercedes-Benz” русумли йўловчи автобусни беғараз ажратиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ *(А.Хужанов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
27.	Божхона органлари балансидаги иккита 12 метр (40 куб) контейнер жамланмаси ва уларнинг таркибига кирувчи товар-моддий бойликлари билан бирга, биттасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси балансига, иккинчисини **Сергели тумани ҳокимлиги балансига белгиланган тартибда бепул ўтказиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, Бош прокуратура *(Н.Йўлдошев)*, Сергели тумани ҳокимлиги *(Д.Исматов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
28.	"Uzbekistan Airways" АЖ томонидан Миллий кинология марказида мавжуд бўлган ва ўқув макети сифатида фойдаланилаётган "ЯК-40" русумли самолётни таъмирлаш ва "Uzbekistan Airways"нинг корпоратив ливрея элементларини қўллаган ҳолда **бўёқлаш ишларини беғараз амалга ошириш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	"Uzbekistan Airways" АЖ *(Ш.Худайкулов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
29.	**Рақамли технологиялар маркази** фаолиятини ташкил этиш. Бунда Рақамли технологиялар маркази ташкил этилгунга қадар Ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизликни таъминлаш бошқармаси ўз фаолиятини давом эттириб, ходимларнинг пул, устама, озиқ-овқат таъминоти ва бошқа компенсацияларни Божхона қўмитаси томонидан таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
30.	Божхона тизимида жамоатчилик билан ишлашни кучайтириш ҳамда **"Замонавий ва халқчил божхона" брендини шакллантириш** мақсадида: 1. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими негизида Коммуникациялар ва контент тайёрлаш бошқармасини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш: а) "очиқ божхона" медиа лойиҳасини шакллантириш орқали қисқа ва тушунарли видеоконтентларни тизимли тайёрлаш, жонли эфирлар ва савол-жавоблар ўтказиш; б) коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини кенг ёритиш; в) ОАВ ва ижтимоий тармоқларда божхона органлари фаолиятига доир материалларнинг мунтазам мониторингини олиб бориш ва жамоатчиликда кучли резонанс уйғотган воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдириш; г) тадбиркорлар ва жамоатчилик билан самарали "PR" алоқани амалга ошириш; д) сунъий интеллектга асосланган замонавий визуал контентлар тайёрлаш;	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	ж) “Божхона – мамлакат қалқони” тарғибот концепциясини амалга ошириш. 2. Соҳага SMM + copywriter, Videographer + монтажёр ва PR координатор каби янги замонавий лавозимларни жорий этиш.			
31.	Миллий кинология маркази тасарруфидаги 1985 йилда ишлаб чиқарилган “АН-2” русумли ҳаво кемаси (борт рақами UK40940, завод рақами 1Г21640) ва авиация двигатели “АШ-62ИР”ни (К16395246) **Арнасой тумани ҳокимлиги балансига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин ўтказиб бериш**. Бунда ҳаво кемаси ва авиация двигателини Арнасой туманига ташиш ва ўрнатиш билан боғлиқ барча ишларни туман ҳокимлиги маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2026 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Жиззах вилояти ҳокимлиги *(У.Мустафоев)*
32.	“Яллама”, “Ғишкўприк”, “Навоий”, “С. Нажимов”, “Ойбек”, “Бекобод”, “Жартепа”, “Учтурғон” ва “Қўшқанд” чегара божхона постларида электр таъминотида узилишлар билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларни олдини олиш мақсадида **қўшни давлатларнинг электр тармоқларидан захира линияларини ташкил этиш**. Мазкур йўналишда зарур техник ва ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ҳамда идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил декабрь	Энергетика вазирлиги *(Ш.Ходжаев)*, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(С.Исакулов)*
33.	“Ўзбекистон-Туркманистон” давлат чегарасидаги Бухоро вилояти Олот тумани ҳудудида жойлашган “Олот” чегара божхона постига туташ, ўрмон хўжалиги тоифасидаги 1 гектар ер майдони тоифасини ўзгартириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловларидан озод қилган ҳолда Бухоро вилояти божхона бошқармасига ажратиш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон хўжалиги ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил декабрь	Бухоро вилояти ҳокимлиги *(Б.Зарипов)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(И.Абдураҳмонов)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*, Ўрмон агентлиги *(Э.Мухитдинов)*, Кадастр агентлиги *(С.Турдиев)*, Божхона қўмитаси

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.			*(А.Мавлонов)*
34.	Янгийўл тумани “Қўштепа” МФЙ ҳудудида жойлашган “Халқобод” Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктига олиб борувчи **янги автомобиль йўлини қуриш бўйича лойиҳани молиялаштириш** манбасини белгилаган ҳолда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Ахборот хати	2026 йил декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Тошкент вилояти ҳокимлиги *(З.Мирзаев)*
35.	“Сирдарё” темир йўл чегара ўтказиш пунктида давлат назорати органлари хизмат олиб боришлари учун **зарур шарт-шароитлар яратиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил январь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ *(З.Нарзуллаев)*, Сирдарё вилояти ҳокимлиги *(Э.Турдимов)*
36.	Марказий божхона лабораторияси таркибида товарларни республика бўйича жойига чиққан ҳолда экспресс таҳлил қилиш учун **мобиль (автомобилга ўрнатилган) лаборатория хизмати фаолиятини йўлга қўйиш**. Бунда божхона органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мобил лабораторияни портатив экспресс таҳлил ускуналари ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, малакали мутахассислар учун штат ажратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
37.	Республика аэропорт ва автомобиль чегара божхона постларида фуқаролар ҳамда транспорт оқимини самарали бошқариш, шунингдек, божхона назоратини амалга оширишда кинология хизматидан самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш ва инсон омилини оптималлаштириш мақсадида сунъий интеллектга асосланган инфо-роботлар, **ўзи ҳаракатланувчи навигация роботлар ҳамда интерактив ахборот киоскларини жорий этиш чораларини кўриш**. Бунда инфо-роботлар, ўзи ҳаракатланувчи навигация роботлари ҳамда интерактив ахборот киоскларини ишлаб	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ *(Б.Намазов)*, Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*, “Uzbekistan Airports” АЖ *(Ж.Умарходжаев)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	чиқарувчи хорижий давлатлардаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказиш ҳамда уларни харид қилиш (етказиб бериш ва жорий этиш) ишларини белгиланган тартибда амалга ошириш.			
38.	Марказий божхона лабораториясида ноаниқ кимёвий моддалар, янги психоактив моддалар (NPS), синтетик наркотиклар ва фентанил аналогларини тезкор аниқлашга қаратилган **юқори аниқликдаги масс-спектрометрия технологияларини жорий этиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027–2029 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
39.	Чегара божхона постлари ва унга туташ ҳудудларда юк транспорт воситалари учун **автотураргоҳлар ва божхона терминалларини ташкил этиш**. Бунда: 1) қуйидаги ер майдонларини божхона органларига ажратиш: Андижон вилояти Хонобод шаҳрида жойлашган “Хонобод” чегара божхона постига яқин ҳудудда 5 га; Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган “Айритом” чегара божхона постига туташ ҳудудда 27 га; Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “С.Нажимов” чегара божхона постига туташ ҳудудда 20 га;	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	Андижон вилояти ҳокимлиги *(Ш.Абдурахманов)*, Тошкент вилояти ҳокимлиги *(З.Мирзаев)*, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги *(У.Қосимов)*, вазирлик ва идоралар
	2) лойиҳалар учун танланган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлардан озод этиш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига тақдим этиш;		2026 йил октябрь	Андижон вилояти ҳокимлиги *(Ш.Абдурахманов)*, Тошкент вилояти ҳокимлиги *(З.Мирзаев)*, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги *(У.Қосимов)*
	3) ажратилган ер майдонларида Божхона қўмитаси муассасаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан, босқичма-босқич божхона		2027–2030 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Андижон вилояти ҳокимлиги *(Ш.Абдурахманов)*,

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	терминаллари ва автотураргоҳларни “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳалаштириш ва қурилиш тадбирларини амалга ошириш.			Тошкент вилояти ҳокимлиги *(З.Мирзаев)*, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги *(У.Қосимов)*
40.	Божхона органларининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан хизмат автопаркини босқичма-босқич маҳаллий ишлаб чиқарилаётган замонавий, энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан барқарор автотранспорт воситалари, шунингдек, хизмат фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб автобуслар, микроавтобуслар ва махсус **транспорт воситаларини харид қилиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*, “Ўзавтосаноат” АЖ *(У.Розукулов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
41.	Божхона органлари ходимларининг жанговар тайёргарлик даражасини такомиллаштиришда моддий-техника базани **босқичма-босқич замонавий типдаги махсус ҳамда ҳимоя воситалари билан таъминлаш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
42.	Чегара божхона постларида сунъий интеллект асосида ишловчи **интерактив роботларни жорий этиш**. Бунда янги рақамли ечимлар асосида йўловчиларга божхона қоидалари, декларация тўлдириш тартиби ва назорат жараёнлари бўйича тезкор маълумотларни беришни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*
43.	Марказий божхона лабораториясининг экспертизага оид ҳужжатларини рақамлаштириш, улар асосида электрон эталон маълумотлар базасини (Digital Reference Library) босқичма-босқич шакллантириш ҳамда ундан товарларни ТИФ ТН бўйича таснифланишини ўрганишда хавфни бошқариш тизимида қўлланиладиган **сунъий интеллект маълумотлар базасини такомиллаштириш учун фойдаланиш**. Бунда электрон эталон маълумотлар базаси имкониятларидан фойдаланиб, товарларни фото маълумотлари ёки калит (тег) сўзлар асосида хавфни бошқариш тизимида дастлабки идентификация қилиш ҳамда зарур ҳолларда экспертизани тайинлаш имкониятини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2030 йил декабрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Ш.Шерматов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
44.	Ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш бўйича **SOC (Security Operations Center) мониторинг тизимини жорий этиш**. Бунда божхона органларини ушбу тизимни жорий этиш учун зарур аппарат ва дастурий воситалар билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2028–2029 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, "O'ztextreyd" ДМ *(О.Рустамов)*, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ *(Б.Намазов)*
Божхона органларида кадрлар билан ишлаш ҳамда комплаенс тизимини ривожлантириш				
45.	26 январь Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини нишонлаш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши	2026 йил октябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*
46.	Дунёнинг топ-300 рейтингига (QS World University Rankings) киритилган олий таълим муассасаларининг битирувчи босқич талабалари ёки битирувчиларининг **божхона органларида стажировка ўташ тартибини белгилаш**. Бунда: стажировкани уч ойдан бир йилгача муддатда иш ҳақи тўланмаган ҳолда ташкил этиш; стажёрлар божхона органлари фаолиятига оид назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши учун зарур ташкилий ва методик шарт-шароитларни яратиш; стажировка меҳнат муносабатлари ҳисобланмаслиги ва стажёрлар божхона органларининг штат бирлигига киритилмаслигини белгилаш; стажёрлар томонидан иш берувчининг меҳнат функцияларини бажармаслиги ва улар ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунмаслигини назарда тутиш; стажировкани фақат таълим (ўқув-амалий) мақсадларда амалга ошириш; стажёрлар билан ўқув (стажировка) шартномасини тузиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил ноябрь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
47.	Божхона органларининг ахборот тизими маълумотлари асосида хорижий транспорт воситаларидан Ўзбекистон	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил июнь	Транспорт вазирлиги *(И.Махкамов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларни ҳар бир транспорт воситаси учун ҳисоблаш, шунингдек, **ундирилиши лозим бўлган йиғимлар суммаларини божхона органларига онлайн тақдим этиш механизмини** жорий этиш.			
48.	Божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлардан ташқари ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда божхона кўриги, божхона назорати остидаги товарларни декларант томонидан кўздан кечируви, **юк операцияларини амалга оширганлик учун йиғимнинг 10 фоизини Божхона қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ушбу операцияларни амалга оширган (иштирок этган) ТИФ божхона пости ходимига тўлаб бериш** тартибини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил июнь	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(И.Норқулов)*
49.	Рақамли технологиялар марказининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда божхона органларида фаолият юритаётган IT мутахассисларининг замонавий ахборот технологиялари, **киберхавфсизлик, дастурлаш ҳамда сунъий интеллект йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш бўйича ўқув курслари ҳамда амалиёт ўташини ташкил этиш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Ш.Шерматов)*
Хорижий мамлакатларнинг божхона органлари, халқаро ташкилотлар, давлат идоралари ҳамда бизнес вакиллари билан ҳамкорликни кенгайтириш				
50.	Республикада бўлиш **муддати ўтган автотранспорт воситаларини қидириб топиш** ишларини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидаги йўналишларда Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликни, шу жумладан, “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали йўлга қўйиш:	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил март	Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

T/p	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	а) божхона органлари республикада бўлиш муддати ўтган автотранспорт воситалари бўйича маълумотларни ички ишлар органларига электрон тарзда юбориш; б) автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситалари (камералар) орқали республикада бўлиш муддати ўтган хорижий автотранспорт воситаларини аниқлаш ва божхона органларига онлайн хабар бериш; в) ички ишлар органлари томонидан аниқланган хорижий автотранспорт воситаларини вақтинча жарима майдончасига жойлаштириш ва божхона органларига электрон хабар бериш амалиётини йўлга қўйиш.			
51.	Жиноятларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Божхона қўмитасининг тегишли ахборот тизимларига **“Хавфсиз шаҳар” платформасини интеграция қилиш ҳамда белгиланган тартибда “Қалқон” платформаси маълумотларидан фойдаланиш** имкониятини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил март	Ички ишлар вазирлиги *(А.Ташпулатов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
52.	Карантин назорати остидаги товарлар республика ҳудудидан транзит карантин рухсатномаси асосида транзит олиб ўтилаётганда, **ушбу товарлар билан амалга оширилиши мумкин бўлган операцияларни аниқ белгилаш**. Бунда ушбу товарларни бошқа режимга жойлаштириш тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил март	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(А.Урунов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
53.	Божхона қўмитасининг ахборот тизимларида ва расмий веб-саҳифасида божхона органлари фаолияти ва божхона тартиб-таомилларини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш имкониятини берувчи **“Feedback” модулини ишлаб чиқиш**. Бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган баҳо асосида божхона бошқармалари, божхона постлари ва ходимларининг рейтингини юритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил июль	Божхона қўмитаси (А.Мавлонов)
54.	**Экология, озиқ-овқат маҳсулотлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаларида хавфларни бошқариш**	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(А.Урунов)*,

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Т/р	Амалий чора-тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	тизимини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бунда маълумотлар алмашинуви, хавф профилларини шакллантириш ва назорат объектларини хавфга асосланган танлаш механизмларини ўзаро уйғунлаштириш.			Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(А.Жуманазаров)*, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси *(А.Абдухакимов)*, Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*
55.	Тадбиркорлик субъектлари, соҳавий уюшмалар ва бизнес вакиллари иштирокида доимий **маслаҳатлашув амалиётини йўлга қўйиш**. Бунда тегишли соҳавий уюшмалар ва бизнес ассоциациялари вакиллари орқали институционал мулоқотни таъминлаш. Амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳокамасига бизнес жамоатчилигини кенг жалб этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*
56.	Тадбиркорлар учун **“Customs Open Dialogue” платформаси** ва ҳар ойлик очиқ мулоқотларни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	Божхона қўмитаси *(А.Мавлонов)*, Савдо-саноат палатаси *(Д.Вахабов)*

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–174-сон Фармонига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–93-сон Фармонида:

(а) 7-бандниng “б” кичик банди учинчи хатбошисидан “таъминотсиз ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

(б) 1-илова 3-позициясининг “б[1]” кичик бандидан “таъминотсиз ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 мартдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–57-сон Фармонида:

(а) 5-банд “амалга ошириш имконияти” сўзларидан кейин “босқичма-босқич” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Белгилансинки, божхона режими муддати ўтган ҳолда божхона омборида сақланаётган товарлар 90 кун ичида талаб қилиб олинмаган ҳолларда улар суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этилади”;

(в) 1-иловaнинг 23-позицияси “Чора-тадбирлар номи” устунидаги “Божхона-сервис” давлат муассасасига” сўзлари “Рақамли технологиялар марказига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 2-иловада:

(i) 5-позиция чиқариб ташлансин;

(ii) 7-позицияда:

“Чора-тадбирлар номи” устунидаги “5300” рақами “5600” рақами билан алмаштирилсин;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“Ижро муддати” устунидаги “2025-2026 йиллар” сўзлари “2026–2027 йиллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–232-сон Фармони 9-бандининг “а” кичик бандидаги “ички ишлар” сўзларидан кейин “ва божхона” сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги ПФ–246-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини мониторинг қилиб бориш режасининг 2.2.2-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 декабрдаги “Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–250-сон Фармонига 5-иловада:

(а) 33-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

33.	Ундирилиши божхона органлари зиммасига юклатилган тўловлар бўйича қарздорликни аниқлаш ва ундиришда ҳамда товарларни божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари, шу жумладан муомаладан чиқарилган ва (ёки) муомаласи чекланган ашёларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда иштирок этган божхона ходимларини электрон платформа орқали рағбатлантириш механизмини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	Божхона қўмитаси (А.Мавлонов)

”.

(б) 57-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

57.	Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификатлари ҳақидаги маълумотларни алмашиш чораларини кўриш. Бунда:	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

	Беларусь давлати билан имзоланган техник шартларга асосан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;		2026 йил октябрь	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги (Б.Хайдаров)
	Россия ва Тожикистон давлатлари билан техник шартларни имзолаш;		2026 йил ноябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
	Россия ва Тожикистон давлатлари билан имзоланган техник шартларга асосан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;		2026 йил декабрь	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги (Б.Хайдаров)
	Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия ва Хитой давлатларига таклифлар киритиш.			Божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов)

".

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 мартдаги "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–47-сон Фармони 9-бандининг "а" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"(а) ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш мақсадида лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинган товарлар, дарахт, бута кўчатлари ва уруғлари, махсус ва технологик асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар:

(i) мажбурий мувофиқликни баҳолаш тартиботларидан ўтишдан;

(ii) белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар асосида божхона божидан".

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3351-сон қарорида:

(а) 1-бандда:

"б" кичик бандининг биринчи хатбошисидан "хорижий валютага" сўзлари чиқариб ташлансин;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“г” кичик банддаги “хорижий валютадаги тушумнинг тушиши” сўзлари “валюта тушумининг тушиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 2-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига товарларни (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контракти тузмасдан, инвойслар асосида, ушбу қарорнинг 1-банди “б” кичик бандида белгиланган тартибда ва ТСОЯЭА тизимига инвойс тўғрисидаги тегишли маълумотларни киритиш шарти билан, экспорт қилиш ҳуқуқи берилсин”;

(в) илованинг номланишидан “хорижий валютага” сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–4508-сон қарорида:

(а) 2-бандниng иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

(б) 3-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“товарнинг божхона қийматидан 20 фоиз, лекин ҳар бир килограми учун 2 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ва “Ғамхўрлик” марказлари фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–365-сон қарорида:

(а) 1, 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 5-банд “давлат даромадига” сўзларидан кейин “ёки давлат эгалигига” сўзлари билан тўлдирилсин;

(в) 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(г) 13-банддан “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

(д) 15-банддан “ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси А.Ю.Мавлонов” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 ноябрдаги “Тўмарис” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги ПҚ–422-сон қарорининг 3 ва 4-бандлари ҳамда 1-илованинг 2-банди “Давлат хавфсизлик

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

хизмати,” сўзларидан кейин “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси,” сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорида:

(а) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Божхона қўмитаси (А.Мавлонов):

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи ва уларнинг эҳтиёт қисмлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

белгиланган стандарт талабларига мос келмайдиган қуёш панеллари республика ҳудудига олиб кирилишининг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрсин;

б) бир ҳафта муддатда қуёш панелларини импорт қилишни соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин”;

(б) қуйидаги мазмундаги 19^1-банд билан тўлдирилсин:

“19^1. Энергетика вазирлиги (Ш.Ходжаев):

а) фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйларга қуёш панелларининг сифатли ўрнатилишини доимий назоратга олсин;

б) мазкур қарорнинг 18-бандида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

в) амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳамда фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб борсин”.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–431-сон қарори 4-бандининг “а” ва “д” кичик бандларидан “, солиқ ва божхона имтиёзлари ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 февралдаги ПҚ–44-сонли қарори билан тасдиқланган 2025–2026 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни амалга оширишга қаратилган “йўл харитаси”нинг 15-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

15.	Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси тасарруфидаги “божхона омбори”ни қайта қуриш ва ҳудудини ободонлаштириш. Бунда объект фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида “Божхона сервис” МЧЖга бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш.	1. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларни “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ экспертизадан ўтказиш. 2. Белгиланган тартибда тендер савдоси орқали бош пудрат ташкилоти аниқлаш. 3. Объектда қайта қуриш ишларини амалга ошириш. 4. “Божхона сервис” МЧЖга объектдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш.	2026–2027 йиллар	“Божхона сервис” МЧЖ маблағлари	Божхона қўмитаси (А.Мавлонов), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М.Азимов), вазирлик ва идоралар

”.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 мартдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–122-сон қарорида:

(а) 12-бандниг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 16-бандда:

(i) “а” кичик банддаги “2026 йил” сўзлари “2027 йил” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “б” кичик банддаги “Божхона-сервис” давлат муассасаси” сўзлари “Рақамли технологиялар маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) қуйидаги мазмундаги 19^1-банд билан тўлдирилсин:

“19^1. Давлат хавфсизлиги, мудофаа, божхона ва давлат чегараси хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиладиган махсус рентген-назорат

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

қурилмаларига тиббий ва саноат рентген ускуналарига нисбатан белгиланган рухсат бериш ва давлат ҳисобидан ўтказиш тартиб-таомиллари татбиқ этилмаслиги белгилансин";

(г) 1-иловада:

(i) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. Божхона қўмитасида Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) ташкил этилади.

Махсус жамғарма божхона йиғимлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тарзидаги тушумлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Махсус жамғармани ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Махсус жамғарма тушумларининг камида 30 фоизи божхона органлари инфратузилмасини яхшилаш ва замонавий техник воситалари билан жиҳозлаш учун йўналтирилади.

Божхона қўмитаси махсус жамғармаси ҳисобидан ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига асосан амалга оширилади";

(ii) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

а) божхона органлари:

Божхона қўмитаси марказий аппарати;

Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар);

божхона постлари;

Божхона қўмитасининг Божхона институти;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

Марказий божхона лабораторияси;

Божхона расмийлаштируви маркази;

Рақамли технологиялар маркази;

Миллий кинология маркази;

б) божхона органлари муассасаси – “Бахт” спорт-соғломлаштириш мажмуаси” давлат муассасаси”;

(iii) 10-банд “Божхона расмийлаштируви маркази,” сўзларидан кейин “Рақамли технологиялар маркази,” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iv) 11-бандning иккинчи хатбошисидаги “ва “Божхона-сервис” давлат муассасалари” сўзлари “давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(v) 15-бандning йигирманчи хатбошиси “Божхона расмийлаштируви маркази” сўзларидан кейин “, Рақамли технологиялар маркази” сўзлари билан тўлдирилсин;

(vi) 17-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан, давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари ҳамда халқаро жамоатчилик вакилларини қўмитанинг идоравий мукофотлари билан рағбатлантириш ваколатига эга”;

йигирма саккизинчи ва йигирма тўққизинчи хатбошилар тегишинча йигирма тўққизинчи ва ўттизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(д) 2-иловада:

(i) 2-бандда:

иккинчи хатбоши “Божхона расмийлаштируви маркази,” сўзларидан кейин “Рақамли технологиялар маркази,” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги “ва Божхона расмийлаштируви маркази” сўзлари “, Божхона расмийлаштируви маркази ва Рақамли технологиялар маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(ii) 162-банднинг учинчи хатбошиси “Божхона расмийлаштируви маркази,” сўзларидан кейин “Рақамли технологиялар маркази,” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) 221-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:


“Календарь ҳисобдаги хизмат муддати йигирма йилдан ошиб, божхона органларидаги хизматдан бўшатилган ходимларга пенсияни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикасининг давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида бир кун ўқиш муддати бир кун хизмат муддати ҳисобида божхона органларидаги хизмат стажига қўшиб ҳисобланади”;

(ж) 3-илованинг 36-банди биринчи хатбошиси “Божхона расмийлаштируви маркази” сўзларидан кейин “, Рақамли технологиялар маркази” сўзлари билан тўлдирилсин;

(з) 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



”.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

(и) 7-иловада:

(i) 25-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “2026 йил декабрь” сўзлари “2027 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 28-позиция чиқариб ташлансин;

(iii) 32-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “2026 йил декабрь” сўзлари “2027 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) 33-позиция чиқариб ташлансин;

(v) 36-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “2026 йил январь” сўзлари “2027 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vi) 42, 45 – 47 ва 50-позициялар чиқариб ташлансин;

(vii) 51-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

51.	Божхона институти ҳамда Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетини Янги Тошкент шаҳрида ягона комплекс сифати қуриш. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан вазирлик ва идораларни Янги Тошкент шаҳрига кўчириш бўйича белгиланган тартиботларни мазкур объектга татбиқ этилади.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2029 йиллар	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Д.Адилов), Божхона қўмитаси (А.Мавлонов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Муродов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов)

”;

(viii) 54-позиция чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги “2025–2026 йилларда саноат учун муҳим минераллар хомашёси базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–128-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. “Ўзбекистон ТМК” АЖга ва унинг иштирокида ташкил этилган юридик шахсларга 2028 йил 1 январга қадар, истисно тариқасида, Дастур доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар асосида импорт қилинадиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш материаллари божхона божидан озод қилинади”.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги "Ал-Хоразмий университетини ташкил этиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–160-сон қарорининг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"17. 2028 йил 1 июнга қадар Университет томонидан белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар асосида олиб келинадиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган қурилма, дастурий ва техник воситалар, бутловчи қисмлар республикага олиб киришда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади".

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 октябрдаги "Тошкент метрополитенининг янги линияларини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–307-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошисидаги "импорт қилинаётган барча" сўзлари "белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар асосида олиб кириладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган" сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги "Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик хўжаликлари озуқа базасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–334-сон қарорида:

(а) 2-бандниг "а" кичик банди хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"(а) белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар асосида олиб кириладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган янги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари";

(б) 1-илова изоҳ қисмининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 13 ноябрдаги "Янги Тошкент ҳудудида замонавий спорт объектини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–341-сон қарори 6-банди "а" кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"(а) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат асосида импорт қилинадиган барча товарлар, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, инвентарлар, техникалар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни".

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон қарори билан тасдиқланган 2026 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатидан 63-позиция чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 7 апрелдаги “Сирдарё вилоятини 2026 йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–132-сон қарорининг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Белгилансинки, рақобатбардош полимер маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни сифатли ва арзон хомашё билан таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган пропилен сополимерлари (ТИФ ТН коди – 3902 30 000 0) учун импорт божхона божи ставкаси 1 фоиз миқдорида қўлланилади”.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низомда:

(а) 39-бандниng биринчи хатбошиси “тугайдиган товарлар,” сўзларидан кейин “бундан ташқари чорва моллари ва уй паррандалари,” сўзлари билан тўлдирилсин”;

(б) 52-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“52. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмаси ҳамда мобил қурилманинг IMEI-кодини рўйхатга олиш учун харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда, сотилишига қараб савдо ташкилоти ёхуд “Божхона сервис” МЧЖ томонидан тегишли Бюро органларининг махсус ҳисоб рақамига 3 кундан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади”.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 150-сон қарорининг 1-банди "Ички ишлар вазирлиги," сўзларидан кейин "Миллий гвардия," сўзлари билан тўлдирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 163-сон қарори билан тасдиқланган Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6. Экспорт қилувчилар экспорт контракти тузмасдан инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларини ТСОЯЭАТга инвойс тўғрисидаги тегишли маълумотларни киритиш шарти билан экспорт қилиш ҳуқуқига эга";

(б) 11-бандниng иккинчи хатбошисидан "хорижий" сўзи чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 6-бандда:

(i) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) учинчи – олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 17-бандниng биринчи хатбошисидан "товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати тўлиқ тўлангандан кейин ва экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобрақамларига маблағлар тушгандан сўнг" сўзлари чиқариб ташлансин;

(в) 18-бандниng биринчи хатбошисидан "товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати 50 фоиз тўлангандан кейин ва экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобрақамларига маблағлар тушгандан сўнг" сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори билан тасдиқланган Инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низом қуйидаги мазмундаги 5^1-банд билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“5[1]. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит олиб ўтиладиган юкларнинг инсонпарварлик ёрдамига тегишлилиги бўйича ёзма тасдиқнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилади”.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида низом қуйидаги мазмундаги 4[2]-банд билан тўлдирилсин:

“4[2]. Божхона қийматини назорат қилишда қатъий белгиланган минимал базавий божхона қийматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди”;

(б) қуйидаги мазмундаги 14[1]-боб билан тўлдирилсин:

“14[1]-боб. Дастлабки ва даврий декларациялашда товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби

109[1]. Дастлабки ва даврий декларацияланаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда ушбу низомнинг 3-8-боблари қоидалари қўлланади. Бундай товарларнинг божхона қиймати божхона юк декларациясида маълум қилинади.

109[2]. Мазкур товарларнинг божхона қийматини аниқлашда товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш учун сотилган санадан фойдаланилади.

Бунда товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш учун сотилган сана жўнатувчи мамлакатнинг божхона хизмати томонидан расмийлаштирилган экспорт декларациясида кўрсатилган сана асосида, агар ушбу турдаги ҳужжат мавжуд бўлмаса, ҳисобварақ-фактура тузилган (инвойс) сана асосида белгиланади.

109[3]. Дастлабки ва даврий декларациялашнинг бошқа ўзига хос тартиботлари қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади”.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“23. Божхона кодексининг 329 – 333-моддаларида белгиланган тартибда божхона тўловларини фоизсиз қуйидаги муддатларга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – 60 кун;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – 90 кун;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – 120 кун муддатга”.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 январдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш тўғрисида”ги 13-сон қарорида:

(а) 3-бандниng учинчи хатбошисидаги “Божхона қўмитаси” сўзлари “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-иловада:

(i) 1-банддан “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган” сўзлари чиқариб ташлансин;

(ii) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“Яшил энергия” ахборот тизими – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилган ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияси (қувват) бўйича маълумотларни масофадан турган ҳолда киритиш ҳамда ўрнатилган қуёш панелларининг реал вақт режимида ҳисобини юритиш орқали мониторинг қилиш имконини берадиган ахборот тизими;

“Яшил энергия” ахборот тизимига киритиладиган маълумот – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва улар ўрнатилган объектлар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияси (қувват) тўғрисидаги маълумотлар;

ваколатли органлар – “Яшил энергия” ахборот тизимига маълумотни ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ киритиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар (ҳокимликлар) ва ташкилотлар;

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

масъул шахс – “Яшил энергия” ахборот тизимига маълумотни ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ киритиш учун ваколатли орган томонидан тайинланган шахс;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг масъул шахси – “Яшил энергия” ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини текшириб, тасдиқлаш учун “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тайинланган шахс;

вазирлик администратори – тизимга киритилган барча маълумотларни кўриш, таҳрир қилиш, ўчириш ва ҳисоботларни олиш имкониятига эга Энергетика вазирлиги ходими;

“Ҳудудий электр тармоқлари”АЖ администратори – тизимга киритилган барча маълумотларни кўриш, таҳрир қилиш ва ҳисоботларни олиш имкониятига эга “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ходими;

“Яшил энергия” ахборот тизими администратори – давлат органлари ва хўжалик жамиятларининг масъул ходимларига тизимга ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари тўғрисидаги маълумотларни киритишига рухсат бериш, турли рукндаги маълумотларни ўзгартириш, тизимга ўзгартиришлар киритиш, таклифлар асосида такомиллаштириш имкониятига эга шахс (Энергетика вазирлиги ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ходими);

ҳудудий фойдаланувчи – тизимга ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари тўғрисидаги маълумотларни “Яшил энергия” ахборот тизимига ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ киритиш ҳамда киритган маълумотларни таҳрир қилиш ваколатига эга шахс (давлат ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар ходими);

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ фойдаланувчиси – “Яшил энергия” ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини текшириб, тасдиқлаш ҳуқуқига эга “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тайинланган шахс;

фойдаланувчи (объект эгаси) – тизимга ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари тўғрисидаги маълумотларни “Яшил энергия” ахборот тизимига киритиш ва ҳисоботларни кўриш имкониятига эга шахс (давлат ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар ходими)”;

(iii) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

“3. Тизим базасига маълумотларни киритиш, янгилаш, ўзгартириш ҳамда уни такомиллаштириш қуйидаги мақомдаги фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади:

вазирлик администратори;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ администратори;

“Яшил энергия” ахборот тизими администратори;

ҳудудий фойдаланувчи;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ фойдаланувчиси;

фойдаланувчи (объект эгаси).

Бунда тизимга киритилаётган маълумотлар “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ масъул шахси томонидан текширилиб, тасдиқланиши шарт”;

(iv) 4, 13 ва 14-бандлардаги “Божхона қўмитаси” сўзлари “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ” сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 мартдаги “Вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларни Янги Тошкент шаҳрига кўчириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сон қарорида:

(а) 1-илованинг “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” бўлими қуйидаги мазмундаги 3.1 ва 3.2-позициялар билан тўлдирилсин:

“

3.1.	Божхона институти
3.2	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети

”;

(б) 2-илованинг “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” бўлими қуйидаги мазмундаги 3.1 ва 3.2-позициялар билан тўлдирилсин:

“

3.1.	Божхона институти	Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Қозирабод кўчаси, 118-уй	55 236
3.2	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети	Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, 5-мавзе Қурувчи кўчаси, 5-уй	4 982

”.

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 13 апрелдаги 168-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан Дастурга қўшимча киритиладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатининг 61-позицияси чиқариб ташлансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларида:

(а) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси	Кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ва тўловлар шаклидаги тушумлар	100*
		Божхона органлари ва чегара қўшинлари томонидан олиб қўйилган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	25**
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун божхона органлари томонидан ундирилган жарима	25**
		Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан бузилгани учун ундирилган жарима: тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб икки йил давомида; тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан икки йил ўтган кундан бошлаб	 5 7,5
		Божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан божхона органлари томонидан қўлланган жарима	50
		Транспорт воситаларини олиб чиқиб кетиш ҳамда товар ва транспорт воситаларини	100***

”

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

		етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган кунлар учун ундирилган йиғимлар	

(б) 11-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	11.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	Йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун жарималар, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун жаримадан ташқари	39
			Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун жарима (тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ҳамда тегишли оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун ҳамда божхона органлари томонидан ундирилган жарима бундан мустасно)	48,5
			Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун Божхона қўмитаси томонидан ундирилган жарима	23,5
			Автомототранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлик учун тўлов	8
			Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	8
			Ички ишлар органларининг ташаббуси билан аниқланган ер тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатлари бўйича давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундиришдан тушган маблағлар	10
			Чиқиш ва кириш визалари берилгани, улар муддатининг узайтирилгани, яшаш жойи ёки турган жой бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божлари	8
			Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд	

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

		этган йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун ундирилган жарима (бундан хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан бузилгани учун мустасно): тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб икки йил давомида; тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан икки йил ўтган кундан бошлаб	 8,5 13,5
		Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан бузилгани учун ундирилган жарима: тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб икки йил давомида; тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан икки йил ўтган кундан бошлаб	 3,5 6
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар (“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатларда)	5
		Оз миқдорда талон-торож қилиш учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар	25
		Ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режимини бузиш ёки ушбу объектларнинг қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар	25
		Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофида балиқ овлаш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш соҳасида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар	100
		Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан аниқланган	100

QMMB: 06/26/174/0881-son
01.09.2026-y.

		ҳуқуқбузарликлар бўйича олиб қўйилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	
		Айдар-Арнасой кўллар тизимини муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича етказилган зарарларни ундиришдан тушган маблағлар	100

".

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 5 июндаги 287-сон қарори билан тасдиқланган Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида инвестициялар ва савдо йўналишида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси йўл харитасининг 30-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

30.	Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида Янгийўл туманидаги "Ҳалқобод-Карабай Конисбаев" иккитомонлама юк автомобиль йўли чегара ўтказиш пункти фаолиятини қайта тиклаш. Лойиҳа қиймати: 220 млн АҚШ доллари. *(2 та ўтказиш пунктини ташкил этиш билан)* Лойиҳа жойлашуви: Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти; Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти.	1. Чегара ўтказиш пунктини ташкил этиш лойиҳа ҳужжатларини икки давлат ваколатли идоралари билан келишиш. 2. Чегара ўтказиш пунктини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва хорижий ҳамкорни аниқлаш.	2027 йил декабрь 2027 йил март	Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик қўмитаси	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Божхона қўмитаси (А.Мавлонов), Чегара қўшинлари (С.Хусанов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов) Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов)

".



QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «27» август ПФ–175 -son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ҳар йилги **анъанавий очиқ мулоқоти** ҳамда уни ташкил қилиш доирасида **ўтказилган учрашувларда** келиб тушган **14 мингга яқин** мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Бизнесга ортиқча аралашув ва текширишларни камайтириш чоралари

1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини **ҳар қандай текширишга уч йил муддатга мораторий эълон қилинсин**, бундан жиноят иши доирасида, инсон соғлиғига таъсирини ўрганиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан, шунингдек, фуқаролар мурожаатлари, қўшилган қиймат солиғини қоплаш (қайтариш) ва тадбиркорлик субъекти тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар мустасно.

2. Белгилансинки, **мораторий амал қилиш даврида**:

(а) кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини **текшириш ноқонуний ҳисобланади** ва ушбу ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахслар белгиланган тартибда **жавобгарликка тортилади**;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – Бизнес-омбудсман) томонидан “**Самарали назорат**” тадбири ўтказилади. Бунда:

(i) назорат органларининг **охирги уч йиллик текширув материаллари** жойига чиққан ҳолда тўлиқ ўрганиб чиқилади;

(ii) ўрганиш якунлари бўйича назорат органлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар бўйича ўз ваколатлари доирасида тегишли **чоралар кўрилади**;

(iii) текширув ўтказиш тартиби бузилган ҳамда ноқонуний текширувлар аниқланган ҳолларда **фаолияти текширилган тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш** чоралари кўрилади.

3. Бизнес-омбудсман:

(а) ҳар олти ойда "**Самарали назорат**" **тадбири** бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(б) 2028 йил 1 декабрга қадар "**Самарали назорат**" **тадбири** натижалари асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишнинг **ишчан**, **профилактик** ва **натижага йўналтирилган** механизмларини жорий қилиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, **2027 йил 1 январдан** бошлаб:

(а) 2028 йил 31 декабрга қадар ҳуқуқий эксперимент тариқасида **ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектлари** томонидан ўз фаолиятини аудиторлик ташкилотини жалб қилган ҳолда солиқ ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш бўйича **ташаббус тарзидаги аудитдан ўтказиш** ҳамда **аудиторлик хулосасини солиқ органи томонидан тан олиш** механизми жорий этилади. Бунда:

(i) аудит ўтказилган давр учун солиқ органлари томонидан **солиқ аудити ўтказилмайди**, бундан аудит хулосаси билан қамраб олинмаган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар мустасно;

(ii) аниқланган хато ва **камчиликлар 30 кун муддатда** бартараф этилганда тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий **жарималар қўлланмайди**;

(iii) мазкур эксперимент доирасида аудит ўтказиши мумкин бўлган **ташкилотлар реестри Солиқ қўмитаси томонидан юритилади** ва расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

(iv) аудиторлик хулосасини тан олиш оқибатида тўланмай қолган солиқ ва йиғимлар аниқланган ҳолатлар бўйича **аудиторлик ташкилоти жавобгар бўлади**;

(б) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида **бир йил давомида** ўтказиладиган **ҳар қандай такрорий текширув** фақат **Бизнес-омбудсман рухсати** билан амалга оширилади, бундан камерал солиқ текшируви мустасно;

(в) тадбиркорлик субъектларига молиявий жарималар қўллашда **"Биринчи хато учун – огоҳлантириш" қоидаси** жорий этилади ва унинг доирасида биринчи марта қоида бузган, лекин **фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулкига зарар етказмаган** тадбиркорларга жарима қўлламасдан, дастлаб **камчиликни бартараф этиш учун ўн кун муддат** берилади.

5. 2027 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектлари **фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб туриш** сабаб ва омилларини **доимий тадқиқ қилиш** тизими йўлга қўйилсин. Бунда:

(а) тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш бўйича ариза тақдим этилганда, унда тугатиш ва тўхтатишнинг сабаблари қайд этиб борилади;

(б) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида ушбу сабабларни автоматик таҳлил қилиб бориш тизими жорий этилади.

6. Адлия вазирлиги **уч ой муддатда** мазкур Фармоннинг 5-бандида назарда тутилган имкониятлар Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида яратилишини таъминласин.

II. Тадбиркорлик субъектларининг харажатларини камайтириш чоралари

7. 2026 йил 31 декабрга қадар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун қуйидагиларни назарда тутувчи **"Иккинчи имкон" иқтисодий амнистияси** эълон қилинсин:

(а) иқтисодий амнистия эълон қилингунга қадар юзага келган **солиқ қарзи** (бундан пеня мустасно) **2026 йил 31 декабрга қадар тўлиқ тўланганда**, ушбу қарздорлик бўйича ҳисобланган **пеня ҳисобдан чиқарилади** ва улар билан боғлиқ **ижро ишлари тугатилади**;

(б) аввал тақдим этилган солиқ ҳисоботларига солиқ тўловчи томонидан **мустақил равишда тузатиш киритилиб, қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси 2026 йил 31 декабрга қадар тўлиқ тўланганда** ушбу суммага нисбатан пеня ҳисобланмайди;

(в) ушбу бандниng **"а" кичик бандида** назарда тутилган тартиб тадбиркорлик субъектида **2027 йил 1 январь ҳолатига солиқ қарзи** (бундан пеня мустасно) **мавжуд бўлмаслик шарти билан қўлланади**;

(г) тадбиркорлик субъектлари солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини банкка тақдим этмаганлик учун **маъмурий жавобгарликдан озод қилинади**;

(д) иқтисодий амнистия доирасида йўл қўйилган хатоларни мустақил равишда бартараф этганларнинг **Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидаги баллари туширилмайди**;

(ж) 2026 йил 1 январга қадар шаклланган қуйидаги қарздорликлар ҳисобдан чиқарилади:

(i) солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун қўлланган маъмурий жариманинг тўланмаган қисми;

(ii) қатъий белгиланган миқдордаги **айланмадан олинадиган солиқни тўловчи субъектларга қўлланган** молиявий жарималарнинг тўланмаган қисми;

(з) аввал расмийлаштирилган меҳнат шартномалари **Ягона миллий меҳнат тизимига киритилишига рухсат берилади** ҳамда кечиктириб киритилганлиги сабабли **жарима қўлланмайди**.

8. 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб:

(а) Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭҲНАТ) ҳамда Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига (ТГНҲАТ) уланган, масофадан ўчириш (ёқиш) имкониятига эга ҳисоблагичи бўлган **тадбиркорлик субъектлари** томонидан:

(i) электр энергияси ва табиий газнинг ойлик истеъмоли учун **олдиндан тўланадиган ҳақ миқдори 15 фоиз этиб белгилансин** (охирги икки ой давомида тўлов интизомига риоя қилмаганлар бундан мустасно);

(ii) электр энергияси ва газ сарфи тўғрисидаги ёзма ҳисоботларни ҳудудий электр ва газ таъминоти корхоналарига топшириш **мажбурияти бекор қилинсин**;

(б) истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномаларини электрон тузиш орқали уларни **қоғозда расмийлаштириш тартиби бекор қилинсин**.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) қиймати **200 миллиард сўмдан** (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм учун – 50 миллиард сўмдан) **ошадиган инвестиция лойиҳаларида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўз ҳисобидан қурган** тадбиркорлик субъектлари харажатини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;

(б) давлат харидларида товарлар (ишлар, хизматлар) қабул қилинганлигини солиқ органларининг ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида тасдиқлаш ҳамда ижрочининг закалат ва қўшимча закалат маблағларини **бир иш куни ичида автоматик равишда қайтариш**;

(в) Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги даражасидан қатъи назар, солиқ тўловчига тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш ҳамда солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш;

(г) меҳмонхона ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан сув ва салқин ичимликлар, пиво ва тамаки маҳсулотлари харид қилинганда **рақамли маркировка кодлари** ушбу субъектларда **якуний истеъмолга реализация қилинган** деб эътироф этиш;

(д) товар ва хизматлар учун тўловларни нақд пул шаклида амалга ошириш мумкин бўлган чегаравий миқдорни **базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 баравари этиб белгилаш**, бундан тўловлари фақат нақдсиз шаклда амалга ошириладиган товар ва хизматлар мустасно.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Бизнес-омбудсман билан биргаликда уч ой муддатда барча турдаги молиявий ва маъмурий жарималарни тўлиқ хатловдан ўтказиб, мутаносиблик принципидан келиб чиққан ҳолда уларнинг **миқдорини ўртача икки баробар камайтириш** бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

III. Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

11. Белгилансинки, давлат органи ва тадбиркорлик субъекти ўртасида юзага келадиган оммавий ҳуқуқий муносабатларда **"тадбиркорлик субъектининг ҳақлилик презумпцияси"** амал қилади. Унга кўра:

(а) давлат органи томонидан **акси исботланмагунча** тадбиркорлик субъекти (унинг мансабдор шахси) **қонунчиликка мувофиқ ҳаракат қилган** ва ўз мажбуриятларини **лозим даражада бажарган** ҳисобланади;

(б) судда ёки низони ҳал қиладиган бошқа маъмурий органда давлат органи томонидан тадбиркорлик субъектига (унинг мансабдор шахсига) нисбатан қўлланадиган ҳуқуқий таъсир чорасининг ёки қабул қилинган қарорнинг **асосли**, **қонуний** ва **мутаносиб эканлигини**, шунингдек, **ҳуқуқбузарлик** содир этилгани фактини **исботлаш мажбурияти тўлиқ давлат органи зиммасига** юклатилади;

(в) қонунчиликда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган **зиддиятлар**, **ноаниқликлар** ва **тушунмовчиликлар**, шунингдек, низо доирасида давлат органи томонидан тақдим этилган **далилларнинг етарли эмаслиги** сабабли юзага келадиган **ҳар қандай шубҳалар сўзсиз ва тўғридан-тўғри тадбиркорнинг фойдасига талқин қилинади**.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ маъмурий суд ҳал қилув қарорларида давлат органи зиммасига ўз қарорини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юкланганда, **суд ўзининг ҳуқуқий позициясини баён этади** ва ушбу позиция қарорни қайта кўриб чиқишда давлат органи томонидан **инобатга олиниши мажбурий** ҳисобланади. Бунда:

(а) **қайта кўриб чиқиш натижаси** тадбиркорлик субъектининг ҳолатини давлат органининг аввалги қарорига нисбатан **оғирлаштириши мумкин эмас**;

(б) давлат органи суд қарори кучга кирган кундан бошлаб **ўттиз кун ичида** ўз қарорини қайта кўриб чиқиши шарт. Ушбу муддат тугагандан кейин давлат органи томонидан мазкур иш бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳар қандай **ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тақиқланади**.

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

13. Мазкур Фармоннинг 11 ва 12-бандларида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги **уч ой муддатда**:

(а) Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган **қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;**

(б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилаётган **кафолат ва талабларга тўлиқ мувофиқлаштирсин**.

IV. Кичик ва ўрта бизнесда инновацияларни жорий этиш ва стартапларни рағбатлантириш

14. 2027–2030 йилларда устувор ва юқори салоҳиятга эга **саноат тармоқларида стартап лойиҳалар "UzVC" миллий венчур фонди** (кейинги ўринларда – Фонд) томонидан молиялаштириладиган **"Келажак тадбиркори" дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) амалга оширилсин. Бунда:

(а) мазкур Фармонга **1-иловага** мувофиқ **8 та** устувор **йўналиш**да жами **30 тагача стартап лойиҳалар** очиқ танлов асосида молиялаштирилади ва уларга **"тартибга солиш қумдони"** махсус ҳуқуқий режими татбиқ этилади;

(б) ҳар бир лойиҳага **5 миллиард сўмгача** маблағ **инвестиция шаклида** (3 йил муддатга фоизсиз ва гаровсиз келгусида корхонанинг **улушига алмаштириладиган қарз** ёки SAFE (Simple Agreement for Future Equity) шаклида) киритилади. Бунда:

(i) давлат улуши **49 фоиздан оширилмайди** ҳамда таъсисчиларга давлат улушини бозор қийматида сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади;

(ii) киритилган **улушлар Фонд тасарруфида** қолдирилади;

(iii) давлат улушларини конвертация қилиш ва сотишдан **келиб тушган маблағлар** Фонд томонидан Дастур доирасида **янги стартап лойиҳаларни молиялаштиришга** йўналтирилади.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзбеккосмос" агентлиги, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖ, Ўзсаноатқурилишматериаллари ва Ўзэлтехсаноат уюшмалари Дастур иштирокчиларига тегишли **соҳадаги корхоналар билан** тажриба-синов ишларини амалга оширишга оид ва буюртма **шартномаларини тузишда кўмаклашиб борсин**.

16. Стартап лойиҳаларга **хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки**, унга мувофиқ:

(а) Стартап экотизимининг ягона электрон платформасида рўйхатдан ўтган стартап лойиҳанинг устав капиталига пул маблағи, шу жумладан, SAFE ёки конвертацияланадиган қарз шартномаси асосида **инвестиция киритган** жисмоний шахсларга **"Стартап инвестори"** (Business Angel) мақоми берилади;

(б) **"Стартап инвестори"** мақомидаги инвесторларнинг улушларни сотишдан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғидан озод** этилади (бундан ушбу улушларни ўз эгалигида **3 йилдан кам сақлаган** ҳоллар мустасно).

V. Тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш

17. "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ (кейинги ўринларда – Компания) томонидан **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги қўшимча механизмлари** жорий этилсин:

(а) тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар, банк кафолатлари, аккредитивлар ва лизинг бўйича **75 фоизгача кафиллик** тақдим этиш;

(б) давлат харидларида ижобий иштирок этаётган тадбиркорлик субъектларига шартномани бажариш ва авансни қайтариш учун **2,5 миллиард** сўмгача **кафолат** бериш;

(в) **интизомли** тадбиркорлик субъектларига **5 миллиард** сўмгача **имтиёзли кредитлар** ажратиш;

(г) давлат тасарруфидаги фойдаланилмаган бино, иншоот ва бошқа активларни сотиб олувчи тадбиркорлик субъектларига мазкур активларни харид қилишга **15 миллиард** сўмгача **хизматлар ипотекаси** бериш.

18. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан тақдим этиладиган **қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

19. Компания муассислигида қуйидагилар ташкил этилсин:

(а) хусусий инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш орқали тадбиркорлик лойиҳаларига инвестиция киритувчи “**Бизнес фонд**” акциядорлик жамияти;

(б) микромолия ташкилотларига кредит линиялари бериш учун маблағ билан таъминлашга ҳамда уларни ривожлантиришга ихтисослашган “**Микромолиялаш хизматларини ривожлантириш**” масъулияти чекланган жамияти.

20. Компания **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг 19-бандида назарда тутилган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва устав капиталини шакллантириш чораларини кўрсин.

VI. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида халқаро стандартларга жавоб берадиган инфратузилмани ривожлантириш чоралари

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига **меҳмонхона қуриш** учун **50 миллиард** сўмгача ва **меҳмонхонани реконструкция қилиш** ва **жиҳозлаш** учун **20 миллиард** сўмгача 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатгача ажратилган кредитларнинг:

(а) миллий валютада 16 фоиздан ошган қисми;

(б) хорижий валютада SOFR, **EURIBOR** ёки **SHIBOR** ставкаларидан ошган қисми **фоиз харажат**лари Компания томонидан **қоплаб берилади**.

22. Қуйидаги **имтиёзларнинг** амал қилиш **муддатлари узайтирилсин**:

(а) уч, тўрт ва **беш юлдузли** меҳмонхона қуришга субсидиялар бериш муддати **2029 йил 1 январга қадар**;

(б) меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларининг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан **0,1 коэффициентни қўллаш** муддати **2030 йил 1 январга қадар**;

(в) туризм соҳаси субъектлари учун импорт қилинадиган **автобус, электробус** ва **микроавтобуслар** учун божхона божидан озод этиш муддати **2028 йил 1 январга қадар**.

23. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 январдан**:

(а) Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган туроператорларнинг хорижий сайёҳларга кўрсатган хизматларига **қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкаси** қўлланади;

(б) юлдузли меҳмонхонага субсидия олиш учун унинг тоифасини тасдиқлашда хорижий компаниялар **хулосаси талаб этилмайди**.

VII. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

24. Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ҳамда Бизнес-омбудсманнинг жиноят процессида жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришни назарда тутувчи қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) жиноят иши доирасида киритилган **гаров суммаларини қайтариш** тартибини соддалаштириш. Хусусан:

(i) гаров суммаларини қайтариш ҳақидаги суд ҳужжатини **дарҳол ижро этилиши лозим бўлган талаблар** тоифасига киритиш;

(ii) қонунчиликда белгиланган муддатларга риоя этмасдан **гаров суммаларини қайтариш кечиктирилганда, гаров суммаларини ҳар бир кечиктирилган кун учун** тегишли пул маблағлари сақланаётган идорадан Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида **йиллик фоизлар (пеня) ҳисоблаган ҳолда қўшиб ундириш**;

(б) зарарни қоплаш бўйича Давлат бюджети фойдасига ундирилган пул маблағларини суд қарори асосида **фуқаро ёки тадбиркорга қайтариш** белгиланган тақдирда, ушбу пул маблағларини Иқтисодиёт ва молия вазирилиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фуқаро ёки тадбиркорга қайтариш;

(в) реабилитация қилинган шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарарни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан суд қарори асосида **Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** маблағларидан қоплаш;

(г) мазкур бандниng “б” ва “в” кичик бандларига асосан:

(i) судлар томонидан суд ҳужжатлари ва ижро варақаларини ижро этиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига электрон тарзда юбориш;

(ii) суднинг қонуний кучга кирган қарори тақдим этилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида ижро этилмаганда, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида **фоизлар (пеня) ҳисоблаш** тизимини белгилаш.

25. Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги **уч ой муддатда** тадбиркорлик субъектларини асоссиз **жиноий таъқибдан ҳимоя қилишга қаратилган**, шунингдек, мазкур Фармоннинг 24-бандида назарда тутилган тартибларни белгиловчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

VIII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **VI очиқ мулоқотида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида қуйидагилар:

(а) ишлаб чиқиладиган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) 3-иловага мувофиқ;

(б) амалий тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

27. Мазкур Фармонга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ:

(а) қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва ўрнатилган тартибда киритилиши, шунингдек, тадбирлар сўзсиз бажарилиши юзасидан **шахсий жавобгарлик вазирлик ва идоралар раҳбарларига юклансин**;

(б) топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки ижросини таъминламаган вазирлик ва идоралар раҳбар ва масъул ходимларига топшириқ ижро муддати тугаган кундан бошлаб ижроси таъминлангунга қадар бўлган муддатда **барча рағбатлантириш тўловлари тўхтатилиши** белгилансин.

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

28. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2027 йилги Давлат бюджети** параметрларини шакллантиришда:

(а) "Келажак тадбиркори" дастурини дастлабки босқичда молиялаштириш учун Фондга жами **150 миллиард** сўм;

(б) мазкур Фармон билан жорий этилаётган янги қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун Компанияга **400 миллиард** сўм маблағ ажратилишини инобатга олсин.

Бунда қўшимча талаб этиладиган маблағлар Компания ва Фонднинг ҳисоб-китоблари асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ажратиб борилади.

29. Мазкур Фармоннинг 9-банди "в" кичик бандида белгиланган қоидалар ушбу Фармон кучга киргунга қадар юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин**.

31. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Адлия вазирлиги **ҳар ойда** Рўйхат ва амалий тадбирлар режасидаги вазифалар ижроси ҳолати ҳақида батафсил ахборотни Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга ижро қилинмаган топшириқлар бўйича маълумотлар киритиб боради;

(б) Рўйхат ва амалий тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳолати **ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати** мажлисларида кўриб чиқилади, юзага келаётган муаммолар ечими бўйича ҳамда йўл қўйилган камчиликлар учун тегишли масъулларга чоралар кўриб борилади;

(в) Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси Рўйхат ва амалий тадбирлар режасидаги вазифалар ижроси ҳолати, камчиликларга йўл қўйган тегишли масъулларга кўрилган чоралар ҳақида **ҳар ойда** батафсил ахборотни ҳамда топшириқлар ижросида юзага келаётган масалалар ечими бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

32. Давлат органлари тегишли қонуности ҳужжатлари ва идоравий кўрсатмалар қабул қилинишини кутмасдан мазкур Фармон нормалари кучга кирган пайтдан эътиборан **сўзсиз** ва **тўғридан-тўғри амалда қўлланишини** таъминласин.

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

34. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев белгилансин.

35. Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–175-сон Фармонига
1-илова

“Келажак тадбиркори” дастури доирасида молиялаштириладиган йўналишлар РЎЙХАТИ

1. Электротехника *(компонентлар, электроника, саноат сенсорлари, “ақлли” ҳисоблагичлар ва ускуналар, “ақлли” уй ва “ақлли” шаҳар ечимлари).*

2. Машинасозлик ва **ускунасозлик** *(компонентлар, робототехника, машинани кўриш технологиялари, саноат автоматлаштируви, автоном транспорт воситалари, агротехника, учиш аппаратлари ва уларнинг қисмлари).*

3. Фармацевтика *(биотехнологиялар, фармацевтик субстанциялар, тайёр дори воситалари, тиббий буюмлар ва ускуналар).*

4. Кимё саноати *(янги авлод ўғитлари, биополимерлар, наноматериаллар, батарея кимёси, функционал қопламалар, электрон саноат учун кимёвий материаллар).*

5. Қурилиш материаллари *(энергия самарадор ва композит материаллар, қурилиш робототехникаси).*

6. Сув ва энергия тежовчи технологиялар *(сунъий интеллект асосида суғориш, сув оқиб кетишини аниқлаш, сувни тозалаш ва қайта фойдаланиш, “ақлли” тармоқ, батарея технологиялари, қуёш панелларини мониторинг қилиш, энергия самарадор ускуналар, қайта тикланувчи энергетика).*

7. Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар *(автоном тизимлар, таҳлилий технологиялар, ресурс тежамкор маҳсулот етиштириш технологиялари).*

8. Аэрокосмос *(дрон, аэрокосмик учиш аппаратлари ва уларнинг компонентлари, сунъий йўлдош технологиялари ва унинг компонентлари, геоинформацион тизимлар, масофавий зондлаш технологиялари).*

Изоҳ: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ–50-сон Фармони билан тузилган Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–175-сон Фармонига
2-илова

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан тақдим этиладиган қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари РЎЙХАТИ

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
1.	**Интизомли тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш**	Кетма-кет **икки йил солиқ** ва **кредит** мажбуриятларини **ўз вақтида бажарган, иш ўринларини сақлаган** ҳамда **соф фойда билан якунлаган** кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари	**120 ойдан ошмаган** муддатга	Тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга ошириш учун **5 миллиард сўмгача асосий ставкадан икки фоиз паст ставкада** кредит ажратиш. Бунда: Давлат бюджетидан ҳар йили “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖга (кейинги ўринларда – Компания) асосий ставкадан 8 фоиз паст ставкада 4 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга 200 миллиард сўмгача бюджет ссудаси ажратилади; Компания томонидан тижорат банклари ва микромолия банкларига асосий ставкадан 6 фоиз паст ставкада 4 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга кредит ресурси ажратилади.	Тижорат банклари, микромолия банклари, Компания
2.	**Туризм соҳасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш**	**Меҳмонхона қуриш, реконструкция** қилиш ва **жиҳозлашни** амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари	Ажратилган кредитлар даврида	Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига меҳмонхона қуриш учун **50 миллиард сўмгача** ва меҳмонхонани реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш учун **20 миллиард сўмгача** марказий банк асосий ставкасининг **2 баравар**идан ошмаган ставкада ёки хорижий валютада **мазкур суммалар эквивалентида** АҚШ долларида 6 ойлик SOFR+8 фоиздан, еврода 6 ойлик EURIBOR+7 фоиздан, Хитой юанида	Тижорат банклари, Компания, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
				6 ойлик SHIBOR+7 фоиздан кўп бўлмаган фоиз ставкада ажратилган кредитларнинг **миллий валютада 16 фоиздан** ошган қисми ёки **хорижий валютада** SOFR, EURIBOR ёки SHIBOR ставкаларидан ошган қисмида **фоиз харажатлари қоплаб берилади**.	
		Санаторий, тиббий ва соғломлаштириш маркази, йирик туристик комплексни ташкил этиш ва **жиҳозлаш** ҳамда **туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини** харид қилувчи тадбиркорлик субъектлари	**120 ойдан ошмаган** муддатга	Хорижий туристларни жалб қилиш режаси мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига **30 миллиард сўмгача** асосий ставкадан 2 фоиз паст ставкада мақсадли ссуда ажратиш Бунда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ҳар йили Компанияга асосий ставканинг 50 фоизи ставкасида 4 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга 400 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.	Компания таъсисчилигидаги "ТРК инвест" МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	**Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш**	Охирги **12 ой давомида экспорт ҳажми олган кредит ҳажмидан юқори** бўлган **экспортни амалга ошируви** тадбиркорлик субъектлари	Ажратилган кредитлар даври якуни билан	Тижорат банклари томонидан экспортчиларга **3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда**, АҚШ долларида 6 ойлик SOFR+8 фоиздан, еврода 6 ойлик EURIBOR+7 фоиздан, Хитой юанида 6 ойлик SHIBOR+7 фоиздан кўп бўлмаган фоиз ставкада 12 ой муддатгача ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг **35 фоизи кредит тўлиқ сўндирилгандан кейин** Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик субъектининг тоифаси, барқарорлик рейтинги ва ҳудуд тоифасидан қатъи назар қоплаб берилади.	Компания, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
				Бунда тадбиркорга ажратилган кредит бўйича экспорт тушуми тижорат банки томонидан юритилади ва тасдиқланган ҳолда тақдим этиладиган реестрга асосан компенсация тўлаб берилади.	
4.	**Тадбиркорлик лойиҳаларига кафолат тақдим этишни кенгайтириш**	**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган** тадбиркорлик субъектлари *(Бунда Компания томонидан тадбиркорлик субъектларининг айланмасига талаб ўрнатилади)*	Ажратилган кредитлар, микрокредитлар, банк кафолатлари, аккредитивлар ва лизинглар давригача	Тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига ажратилган кредитлар, микрокредитлар, банк кафолатлари, аккредитивларнинг **75 фоиз**игача, бироқ **10 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда** кафолат тақдим этиш. Бунда: “Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси” АЖ томонидан 75 фоизгача кафолат тақдим этилади; кафолат таваккалчилигининг 15 фоизи тижорат банки, 30 фоизи “Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси” АЖ ҳамда 30 фоизи Давлат бюджети ўртасида тақсимланади; кафолат тўлови юзага келганда Давлат бюджети таваккалчилиги Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан қопланади; кафолат тақдим этишдан олинган хизмат ҳақининг 30 фоизи Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармасига ўтказилади.	Тижорат банклари, Компания таъсисчилигидаги “Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
5.	**Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш**	**Ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ўсишига таъсир қилувчи, ишлаб чиқариш, туризм ва хизматлар йўналишида амалга ошириладиган лойиҳалар учун фойдаланилмай турган бино, иншоот ва бошқа активларни сотиб олувчи** тадбиркорлик субъектлари *(Бунда Компания томонидан тадбиркорлик субъектларига камида 3 ва ундан ортиқ иш ўрни яратиш талаби белгиланади)*	**120 ойдан ошмаган** муддатга	Бино, иншоот ва бошқа активларнинг **80 фоизигача**, бироқ **15 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда** асосий ставкада **хизматлар ипотекаси орқали олиб бериш**. Бунда: Компания томонидан унинг таъсисчилигидаги “ТРК инвест” МЧЖга асосий ставканинг 50 фоизидан паст бўлмаган ставкада молиявий қарз ажратилади; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари лойиҳанинг ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ўсишига таъсири ҳамда бино, иншоот ва бошқа активларнинг фойдаланилмай турганлиги, лойиҳада камида 3 та иш ўрни яратилганлиги бўйича Компанияга хулоса беради.	Компания, Компания таъсисчилигидаги “ТРК инвест” МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	**Хусусий инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш орқали тадбиркорлик лойиҳаларига инвестиция киритиш**	**Маҳаллий** ва **хорижий** тадбиркорлик субъектлари	Инвестиция келишув битимига асосан	Инвестиция фондлари, бошқарув компаниялари ва профессионал инвестиция жамоалари билан биргаликда тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция киритиш. Бунда инвестиция киритиш шарти ва муддатлари Компания томонидан белгиланади.	Компания таъсисчилигидаги “Бизнес фонд” АЖ

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
7.	**Микромолиялаш бозорида микрокредитлашни кенгайтириш**	**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган кичик** тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахслар	**36 ойдан ошмаган** муддатга	Микромолия ташкилотларига мақсадли ва қайта тикланувчи кредит линиялари ажратиш ва кредит портфелларини қайта молиялаштириш, кафолат тақдим этиш ҳамда техник кўмак кўрсатиш. Бунда: киритилган инвестициялар шарти ва муддатлари Компания томонидан белгиланади; Компаниянинг асосланган буюртмасига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2028 йилдан бошлаб ҳар йили Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга бюджет ссудаси маблағлари ажратилади.	Микромолия ташкилотлари, тижорат банклари, Компания таъсисчилигидаги “Микромолиялаш хизматларини ривожлантириш” МЧЖ
8.	**Давлат харидлари иштирокчилари учун кафолат тақдим этиш**	**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган** кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари *(Тадбиркорлик субъектлари бир йилда камида 5 та харид шартномасини тўлиқ ва ўз вақтида бажарган бўлиши лозим)*	Келишув асосида	Давлат харидини амалга оширувчиларга харид иштирокчиси, шу жумладан, биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан, товар (иш, хизмат)ларни бажариш ва (ёки) аванс қайтариш учун бажариладиган товар (иш, хизмат)лар миқдорида, бироқ **2,5 миллиард сўмдан ошмаган қисмигача** кафолат тақдим этиш.	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Компания таъсисчилигидаги “Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси” АЖ

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
9.	**Тадбиркорлик субъектларининг айланмасига шериклик асосида молиялаштириш** (Revenue-based financing)	**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган** кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари *(Бунда Компания томонидан тадбиркорлик субъектларига айланмасини ошириш талаби белгиланади)*	Келишув асосида	Тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга ошириш учун **3 миллиард сўмгача** айланмага шериклик асосида қарз ажратиш. Бунда: Давлат бюджетидан ҳар йили Компанияга асосий ставкадан 8 фоиз паст ставкада 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 200 миллиард сўмгача бюджет ссудаси ажратилади; Компания томонидан унинг таъсисчилигидаги "ТРК инвест" МЧЖга асосий ставканинг 50 фоизидан паст бўлмаган ставкада молиявий қарз ажратилади; олинадиган даромад тадбиркорлик субъекти билан келишган ҳолда, бироқ асосий ставкадан 2 фоиз паст бўлмаслиги белгиланади.	Компания, Компания таъсисчилигидаги "ТРК инвест" МЧЖ, Тадбиркорлик тармоқ уюшмалари
10.	**Тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини илмий асосланган ҳолда қўллаб-қувватлашни кенгайтириш**	**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган** кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари	Келишув асосида	Компания томонидан профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ҳамда талабаларни жалб қилган ҳолда уларга ҳақ тўлаш шарти асосида **"Ёш бизнес таҳлилчилар дастури"**ни ишга тушириш. Бунда: тадбиркорлик субъектлари фаолиятини илмий асосланган ҳолда ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқилади; тадбиркорлик лойиҳаларини таҳлил қилиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, саноатлаштириш даражасини ошириш ҳамда сунъий интеллект ва рақамли технологиялар орқали ечимлар таклиф қилиш ишлари олиб борилади;	Компания

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Т/р	Инструмент номи	Инструментлардан фойдаланувчилар	Фойдаланиш муддатлари/ шартлари	Инструментлар тавсифи ва молиялаштириш манбаси	Тақдим этувчи ташкилотлар
				профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабаларга Компания ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробаригача ҳақ ва стипендиялар тўланади; мазкур мақсадлар учун олий таълим муассасалари билан тузиладиган ҳамкорлик шартномалари, талабаларга стипендия тўлаш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларни жалб қилиш билан боғлиқ муносабатлар давлат харидлари объекти ҳисобланмайди.	

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–175-сон Фармонига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқиладиган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Қонунчилик ҳужжати лойиҳаси	Қонунчилик ҳужжати лойиҳасида назарда тутилган тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Тадбиркорлик субъектларининг барқарор ўсишини таъминлаш				
1.	Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини соддалаштиришнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) 30 дан зиёд лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини бекор қилиш ва тартибга солишнинг муқобил усулига ўтказиш; (б) лицензия ва рухсат беришдаги бюрократик жараёнларни бекор қилиш, муддатларни ҳамда тўловларни камайтириш; (в) лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат талаблари ва шартларининг бузилиши муайян бир филиал, алоҳида объект ёки фаолият йўналиши (линияси) доирасида содир этилган бўлса, ҳуқуқий таъсир чорасини фақатгина ушбу қонунбузарлик аниқланган объект ёки фаолият йўналишига нисбатан қўллаш; (г) талаб ва шартларда **ҳуқуқий аниқликни** таъминлаш ҳамда рақобатни чеклашга қаратилган **шартларни бекор қилиш**; (д) “Лицензия” ахборот тизими имкониятларини кенгайтириш.	2026 йил сентябрь	Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Рақобат қўмитаси *(Турахужаев)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

2.	Товар-хомашё биржалари савдоларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) товар-хомашё биржалари савдоларини такомиллаштириш; (б) юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига чиқариш графикларини жойлаштириш учун ягона платформа (Dashboard) яратиш; (в) товар деривативлари бозорини ривожлантириш; (г) муайян сотувчи томонидан айни бир хил хусусият ва хоссаларга эга бир хил турдаги товарларни ваколатли товар-хомашё биржалари савдоларига бир хил бошланғич нархларда қўйиш.	2026 йил октябрь	Рақобат қўмитаси *(Турахужаев)*
3.	Тадбиркорлик субъектларини барча босқичларда қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) “бизнес старт” дастури асосида лойиҳа ва кредитга ҳужжат тайёрлаш, ҳисобот юритиш бўйича дастлабки кўникмаларни сунъий интеллект ёрдамида ўргатишни назарда тутиш; Бунда мазкур босқичда бизнесга тайёрлаш учун Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилади; (б) “бизнес лифт” дастури доирасида тадбиркорларга бозор топиш, давлат харидида қатнашиш, йирик компаниялар билан кооперация бўйича яхлит қўллаб-қувватлаш занжири яратишга кўмаклашиш; (в) “бизнес юксалиш” дастури доирасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларга чиқиш учун қўшимча муқобил инвестиция механизмларини кенгайтиришни назарда тутиш.	2026 йил декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ *(Махаматов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

4.	Солиқ имтиёзларидан фойдаланишни соддалаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) солиқ тўловчиларга улар фойдаланиши мумкин бўлган солиқ имтиёзлари тўғрисида хабарнома юбориш тизимини жорий этиш; (б) солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларидан уларнинг аризасига асосан автоматик равишда фойдаланиш имкониятини яратиш; (в) айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларнинг реализациядан олинган тушумга тааллуқли бўлмаган бошқа даромадларини солиққа тортишдан озод қилиш ҳамда мазкур солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбуриятини бекор қилиш.	2026 йил ноябрь	Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
5.	Маҳаллий корхоналарни капитал бозорига олиб чиқишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ҳар йили йиллик даромади 1 триллион сўмдан юқори бўлган 50 та маҳаллий корхонани танлаб, уларни капитал бозорига чиқаришга тайёрлаш бўйича “IPO акселерация дастури”ни жорий этиш; (б) корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини IFRS халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, аудитдан ўтказиш, юридик ва молиявий due diligence ҳамда IPO учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш харажатларининг 50 фоизини давлат томонидан қоплаш; (в) дастур доирасида танланган корхоналарга инвестиция банки, аудиторлик ва юридик компанияларни танлашда амалий кўмак кўрсатиш чораларини белгилаш.	2027 йил март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги *(Пак)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*

6.	Баҳолаш ва гаровни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) e-baholash.uz автоматик онлайн баҳолаш тизими хулосасидан гаровга қўювчи норози бўлганда мустақил баҳоловчи хулосасини қўшимча асос сифатида қабул қилиш; (б) гаровни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва давлат ахборот тизимларига интеграцияни кенгайтириш; (в) баҳолаш ҳисоботини қайта экспертизадан ўтказишнинг аниқ ва истисно ҳолатларини белгилаш.	2026 йил октябрь	Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Ишметов)*
7.	Жаҳон банкининг “B-Ready” ҳисоботидаги Ўзбекистон кўрсаткичларини ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган чораларни амалга оширишга оид **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Иқтисодиёт ва молия вазирлигини ишбилармонлик муҳитини ҳамда “B-Ready” ҳисоботида Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилашга масъул этиб белгилаш; (б) “B-Ready” ҳисоботи асосида миллий рейтинг тизимини жорий этиш; (в) кичик тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишда тижорат банкларини рағбатлантириш чораларини жорий этиш; (г) “B-Ready” ҳисоботида Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Тадбиркорлик субъектларида такрорий текширувларни чеклаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада йил давомида ўтказиладиган ҳар қандай такрорий текширувларни Бизнес-омбудсман рухсати билан амалга ошириш тартиби белгиланади.	2026 йил декабрь	Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

9.	Ижара муносабатларини такомиллаштириш юзасидан **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ижарага олинган ер майдонларини иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқини жорий этиш; (б) аукцион орқали ижарага олинган ер майдонларини бошқа тадбиркорларга иккиламчи ижарага бериш имкониятини тақдим этиш; (в) кўчма савдо объектларини жойлаштиришга рухсат бериш; (г) тадбиркорлик фаолияти учун кўчмас мулк ижараси бўйича “тижорат ижараси” тоифасини жорий этиш ва унинг тавсия этиладиган намунавий шартномасини ишлаб чиқиш; (д) бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган ижара шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш талабини бекор қилиш, бунда уларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартибини сақлаб қолиш ҳамда ijara.soliq.uz ва кадастр ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали автоматик ҳисобга олишни жорий этиш; (ж) шартнома амал қилаётган даврда ижара ҳақини ўзгартиришни томонларнинг келишуви ёки шартномада белгиланган индексация механизми асосида амалга ошириш; (з) объект сотилганда янги мулкдорнинг амалдаги тижорат ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини автоматик қабул қилишини белгилаш; (и) ижарачи томонидан объектга киритилган инвестицияларни қоплашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш.	2026 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Кадастр агентлиги *(Турдиев)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*

10.	Тадбиркорларга солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали қўшимча қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) бозор ва савдо комплексларида хизмат кўрсатишдан олинган фойда учун фойда солиғи ставкасини амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга тушириш назарда тутилади; (б) янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини бевосита қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган объектлар бўйича жорий солиқ даврида мол-мулк солиғидан озод қилиш; (в) оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини очган якка тартибдаги тадбиркорларни мазкур боғчалар фаолиятида фойдаланиладиган ҳамда ушбу якка тартибдаги тадбиркорлар эгалигида бўлган нотурар бино ва ер участкалари бўйича мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғидан озод қилиш; (г) жиноят-процессуал кодексига солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчининг вакили сифатида қатнашиши мумкинлиги билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш; (д) юридик шахснинг жисмоний шахс бўлган таъсисчиси томонидан ушбу юридик шахсга ижарага ёки текин фойдаланишга берилган кўчмас мулк объектларига нисбатан ижара тўловининг энг кам миқдорини қўлламаслик.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Олий суд *(Махмудова)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
11.	Маҳаллий ва хорижий етказиб берувчиларга тенг шароит яратишга қаратилган **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада инвестиция битимлари доирасида аниқ бир лойиҳа ёки соҳа учун хорижий етказиб берувчиларга тақдим этилган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига (иш, хизмат) татбиқ этилиши назарда тутилади.	2026 йил декабрь	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*

II. Ҳудудларда бизнес юритиш имкониятларини ошириш				
12.	Қурилиш соҳасида пудрат ва лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) қурилиш соҳасида пудрат ва лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантириш; (б) қурилиш соҳасидаги ходимлар учун соатлик энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш ҳамда барча ҳудудлардаги миқдорини тенглаштириш; (в) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматида пудрат ташкилотларининг режали фойдаси миқдорини 7 фоизгача этиб белгилаш; (г) лойиҳалаш ишларини молиялаштириш ҳажмини объектнинг мураккаблик даражаси ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш; (д) муҳандислик коммуникация инфратузилмаси учун йиғимлар бўйича аванс тўловини 20 фоиздан 5 фоизга тушириш.	2027 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Садуллаев)*
13.	Туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) туристик йиғимни соҳанинг иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш. Бунда йиғим миқдори жойлаштириш воситаларининг хона ва ўринлари сотилиш нархига қараб белгиланади ҳамда барча учун ягона ставка жорий этилади; (б) меҳмонхоналар учун автотураргоҳга оид мажбурий талабларни қайта кўриб чиқиш, жумладан, уларни инфратузилмадан келиб чиқиб белгилаш; (в) туроператорларга 10 нафардан ортиқ сайёҳлик гуруҳлари учун сотиб олинган маданий мерос объектларига кириш чипталари учун 30 фоизгача чегирма бериш тизимини йўлга қўйиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Туризм қўмитаси *(Аққулов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Маданий мерос агентлиги *(Абдикаримов)*

14.	Касаначилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни соддалаштирилган тартибда давлат харидлари бўйича сотиш. Хусусан бунда давлат харидлари электрон ахборот дастурида “касаначи” электрон савдо майдончасини яратиш; (б) касаначиларни ишга ёллаган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан молиявий кўмак бериш тартибини соддалаштириш; (в) касаначиларни ишга ёллаган тадбиркорлик субъектларининг ягона ҳисоби (реестри)ни юритиш; (г) касаначилар томонидан экомаҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш; (д) касаначиларни ишга ёллаган тадбиркорлик субъектлари ва касаначиларнинг республика танловларини ўтказиш.	2026 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
15.	Инвесторларнинг зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуришга сарфланган харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (электр, газ, сув ва бошқалар) тадбиркор ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширгандаги харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартиби белгиланади.	2026 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Садуллаев)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

16.	Франчайзинг хизматларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) франшиза йўналишидаги миллий стандартларни ишлаб чиқиш; (б) бинолар ижараси, паушал тўлови ва хорижда брендларни рўйхатдан ўтказиш бўйича молиявий ёрдам кўрсатиш; (в) ҳудудларда миллий франшизаларни ривожлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш воситаларини тақдим қилиш; (г) олис ва чекка ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш мақсадида маҳаллий кичик тадбиркорларга (провайдерларга) молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини берган ҳолда франшиза асосида хонадонларга телекоммуникациялар хизматини кўрсатиш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланиш имкониятини яратиш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
17.	Чорвачиликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) чорва ҳайвонларининг генетик салоҳиятини аниқлаш, баҳолаш ва наслчилик-селекция ишларини илмий асосда ташкил этиш мақсадида генетик лаборатория ташкил этиш; (б) чорва ҳайвонларидан олинган биологик намуналар асосида ДНК маркерлар бўйича генетик келиб чиқиши ва наслчилик қийматини аниқлаш; (в) ҳудудлардаги чорва ҳайвонларининг генетик маълумотлар базасини шакллантириш ва ягона электрон тизимга интеграция қилиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Бутаев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

18.	“Бонд саноат зоналари”ни ташкил этиш орқали махсус иқтисодий зоналар фаолиятини трансформация қилиш тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) махсус иқтисодий зоналарда замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш; (б) Навоий, Жиззах, Наманган, Ургут ва Ҳазорасп махсус иқтисодий зоналари ҳудудида алоҳида ҳуқуқий мақом ва божхона режимига эга бўлган ихтисослашган “Бонд саноат зоналари”ни ташкил этиш; (в) “Бонд саноат зоналари”даги тадбиркорларга хомашё ва бутловчи қисмларни бонд омборига олиб киришда солиқ ва божхона тўловларидан озод қилиш; (г) хорижий технологиялар трансферини кенг қўллаб-қувватлаш, ўрта ва юқори технологик мураккаблик даражасига мансуб импорт товарларни “бутловчи қисмдан – тайёр маҳсулотгача” принципида ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли кооперация занжирини йўлга қўйиш; (д) маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиздан ошса, ички бозорга чиқаришда имтиёзларни татбиқ этиш; (ж) R&D марказлари, лаборатория, муҳандислик ва технологик хизматларни ягона занжир асосида ташкил этиш; (з) тайёр бинолар инфратузилмасини барпо этиш учун 50 миллион АҚШ доллари ажратиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

19.	UzMall платформасини ташкил этишга оид **Ҳукумат фармойиши лойиҳаси**	Республика бўйича савдо-кўнгилочар марказларини қуриш, чет эл брендларини жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. Девелоперлар, ижарага берувчилар, савдо нуқтаси очиш (кенгайтириш) учун жой излаётган тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, халқаро брендлар ва маҳаллий кийим-кечак тикувчиларни бир жойга тўплаш орқали ўзаро манфаатли келишувларга эришиш.	2027 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов)
20.	Ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида **қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада ер участкаларини аукцион савдоларига архитектура-шаҳарсозлик талаблари билан чиқаришда қуйидагиларни: (а) рухсат этилган қаватлилик, қурилиш зичлиги, қизил чизиқлар, инфратузилма таъминоти, чекловлар ва ер участкасига оид бошқа муҳим параметрларни кўрсатиш; (б) дизайн-кодни, жумладан, фасад турлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари, ранглар палитраси ҳамда лойиҳа ечимларини олдиндан белгилаш, архитектура муҳити, кўча фронти, ободонлаштириш, биринчи қаватлар ва қурилишнинг визуал яхлитлиги бўйича умумий талабларни белгилашни назарда тутиш.	2027 йил февраль	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси *(Кудбиев)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*
21.	Хусусий кадастр муҳандислари фаолиятини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) хусусий кадастр муҳандисларига нотурар жой объектларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳуқуқини бериш; (б) фуқаролар ва тадбиркорларга кадастр соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатиш; (в) кўп квартирали уйлар, турар ва нотурар жойларнинг кадастр йиғма жилдларини тайёрлашга хусусий кадастр муҳандисларини жалб қилиш.	2026 йил декабрь	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси *(Кудбиев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*

22.	Самарқанд вилоятида стоматологик хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Самарқанд вилоятидаги техникумлар, поликлиникалар ва олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш; (б) халқаро стандартлар асосида стоматологик хизматнинг барча йўналишлари ва даражаларида диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини татбиқ этиш бўйича чоралар белгилаш.	2026 йил ноябрь	Самарқанд вилояти ҳокимлиги *(Бобоев)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Адилов)*, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Шарипов)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*, Самарқанд давлат тиббиёт университети *(Ризаев)*
III. “Сунъий интеллект – бошқарув самарадорлиги – янги инвестициялар” экотизимини яратиш				
23.	Касбий таълимни ривожлантириш, ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилишга оид **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) барча ҳудудларда ёшларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга ихтисослашган замонавий Касблар шаҳарчалари фаолиятини йўлга қўйиш; (б) тадбиркорлик субъектлари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида нодавлат касбий таълимни амалга оширишда лицензия талабларини соддалаштириш, ушбу йўналишга йўналтириладиган харажатини фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлаш ва ер участкасини сотиб олиш харажатини камайтириш; (в) давлат олий таълим ташкилотларида ёшларни касбга тайёрлаш курсларини ташкил этиш.	2026 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Шарипов)*, Касбий таълим агентлиги *(Хусанов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Фазилкаримов)*

24.	Норезидентларни солиққа тортишни соддалаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини солиқ органларининг ахборот тизимида мавжуд бўлган маълумотлар асосида (шу жумладан, ташқи манба маълумотлари асосида) солиқ органлари томонидан (проактив) шакллантириш назарда тутилади.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
25.	Сунъий интеллектни жорий қилиш орқали корхоналарда бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) “10 минг корхона учун – сунъий интеллект ҳамкор” дастурини жорий қилиш; (б) корхоналарда янги маҳсулот яратиш ва илғор технологияларни жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда сунъий интеллект жорий қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш; (в) янги маҳсулотлар сунъий интеллект моделини яратиш мақсадида суперкомпьютер имкониятларидан бепул фойдаланиш; (г) электротехника, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноатида автоматлашган бошқарув тизимларини жорий қилиш харажатларининг ярмини қоплаб бериш.	2027 йил февраль	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Шарипов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*

26.	Қурилиш соҳасида хизматлар экспортини қўшимча рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада “Шаффоф қурилиш” ва “E-kontrakt” ахборот тизимлари интеграцияси асосида қурилиш ишлари ва соҳавий хизматлар экспортини амалга оширган маҳаллий тадбиркорларга тегишли рейтингларда қўшимча балл бериш тартибини жорий этиш назарда тутилади.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
27.	“**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ижро иши юритиш жараёнида давлат ижрочиси томонидан ижро йиғимини қўллашнинг қатъий муддатини 20 кун этиб белгилаш; (б) давлат ижрочиларига муқобил бир хил турдаги талабларни ҳисобга ўтказиш орқали ижро ишини тўлиқ ёки қисман тугатиш ваколатини бериш; (в) қарздорлик суммасига мутаносиб мол-мулкка ундирув қаратиш ва бўлиниши мумкин бўлган мол-мулкни алоҳида лотларга ажратиб реализация қилиш ҳамда ортиқча қийматдаги мол-мулкка ундирув қаратмаслик тартибини белгилаш; (г) рақамли активлар, крипто-активлар, крипто-ҳамёнлар ҳамда электрон тўлов тизимларидаги маблағларни аниқлаш, хатлаш ва уларга ундирувни қаратиш.	2026 йил декабрь	Бош прокуратура *(Йўлдошев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

28.	Солиқ маъмурчилиги ва солиқ ҳисоботларини соддалаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) корхоналарга тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтаришни (кешбэкни) тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида, алоҳида ариза бермасдан автоматик тарзда олиш тартибини жорий этиш; (б) тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн назорат касса техникалари ҳамда маркетплейс тизими орқали нотўғри шаклланган чекларни таҳрирлаш имкониятини яратиш; (в) жисмоний шахслардан иккиламчи хомашёни (макулатура ва пластик идиш) харид қилишда паспорт маълумотларини талаб қилмасдан, қабул қилиш далолатномаларини электрон шаклда расмийлаштиришга рухсат бериш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
29.	Рақамли савдо майдончаларида бизнес юритиш учун тенг шароитлар яратиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги битимларни электрон савдо платформалари орқали амалга оширишга рухсат бериш ва барча зарур ҳужжатларни бевосита рақамли форматда расмийлаштириш имкониятини яратиш; (б) рақамли платформалар фойдаланувчиларининг шикоятларини судгача кўриб чиқишнинг шаффоф тартибини, платформа қоидалари ўзгариши ҳақида бозор иштирокчиларини олдиндан хабардор қилиши каби мажбуриятларни белгилаш; (в) корпоратив буюртмачиларнинг давлат харидлари бўйича олдиндан тўловларини бюджет буюртмачилари учун белгиланган тартиб, миқдор ва шартларга мувофиқлаштириш;	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

		(г) йирик буюртмачилар учун уч йиллик харид режалари, смета ва бизнес-режаларни харид режа-жадваллари билан боғлаш, инвестиция лойиҳалари бўйича алоҳида харид режаси, ягона техник талаблар ва KPI кўрсаткичларини жорий этиш; (д) давлат харидлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан юз миллион сўмгача бўлган кичик ҳажмдаги товарларни харид қилиш имкониятини кўриб чиқиш.		
30.	Платформавий бандлик тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) “платформавий бандлик”, “рақамли меҳнат платформаси”, “платформа оператори” ва “платформа орқали банд бўлган шахс *(платформа ходими)*” тушунчаларини ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини қонунчиликда белгилаш; (б) шахс томонидан платформа орқали иш *(хизмат)* бажарилишида платформа оператори ишнинг нархини, бажарилиш тартибини ёки ходим фаолиятини назорат қилиш; (в) рақамли меҳнат платформалари операторларини ягона реестрда рўйхатга олиш *(аккредитациядан ўтказиш)* ҳамда уларнинг фаолият юритиш шартларини белгилаш; (г) алгоритмик бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаш – платформа ходимига топшириқларни тақсимлаш, баҳолаш *(рейтинг)*, тўловни ҳисоблаш ва аккаунтни блоклаш юзасидан автоматлашган қарорлар қандай қабул қилиниши тўғрисида тушунарли шаклда маълумот олиш, шунингдек, муҳим қарорлар инсон иштирокида қайта кўриб чиқилишини кафолатлаш;	2027 йил май	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Иш берувчилар конфедерацияси *(Вахабов)*

		(д) платформа орқали банд бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя тизимига жалб этиш – мажбурий ижтимоий суғурта бадаллари тўланишини ҳамда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан суғурталанишини таъминлаш; (ж) платформа ходимларига тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш кафолатларини, тарифларнинг очиқлигини ҳамда уларнинг бир томонлама, асоссиз равишда ўзгартирилишига йўл қўймасликни белгилаш; (з) иш вақти ва дам олиш вақтини ҳисобга олиш, узлуксиз фаолият давомийлигига чекловлар ўрнатиш орқали платформа ходимларининг соғлиғи ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш; (и) платформа ходими ва мижознинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ҳимоя қилиш талабларини белгилаш; (к) платформа оператори билан платформа ходими ўртасидаги низоларни судгача *(медиатив)* ҳал этиш механизмини, шу жумладан, аккаунтни блоклаш ёки фаолиятни тўхтатиш юзасидан шикоят қилиш тартибини жорий этиш; (л) платформа орқали олинган даромадларни солиққа тортиш ва мажбурий тўловларни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини, шу жумладан, платформа операторини солиқ агенти сифатида белгилаш имкониятини назарда тутиш;		

		(м) платформа операторлари томонидан ходимлар, бажарилган ишлар ва амалга оширилган тўловлар бўйича электрон ҳисоб юритиш ҳамда ваколатли органларга ҳисобот тақдим этиш мажбуриятини белгилаш; (н) платформавий бандлик соҳасида давлат назорати ва мониторингини амалга ошириш, қонунчилик талаблари бузилганлиги учун жавобгарлик чораларини белгилаш.		
IV. Экспорт салоҳиятини ошириш, миллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш				
31.	Мамлакатнинг ташқи савдо салоҳиятини оширишга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин бўлган 100 та маҳсулотни саралаб олиб, уларни янги бозорларга олиб чиқиш ва ҳар бир корхонанинг экспорт ҳажмини ошириш; (б) 2 мингта корхонада ишлаб чиқаришни ташқи бозор ва харидор сегментига мослаштириш; (в) ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин бўлган 100 та маҳсулот бўйича ҳар бир бозор кесимида стандартларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлик сертификатларини олишга тайёрлаш; (г) саралаб олинган 100 та маҳсулотни ташқи бозорларга экспорт қилишнинг энг оптимал логистика маршрутларини ишлаб чиқиш; (д) тижорат банклари томонидан экспорт учун тадбиркорларга қулай янги молиявий механизмларни йўлга қўйиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Транспорт вазирлиги *(Махкамов)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(Жуманазаров)*, Марказий банк *(Ишметов)*

32.	Экспортни рағбатлантириш, хорижий брендларни олиб келиш, миллий брендларни ривожлантиришга оид **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) хориждан “бренд-мейкер”ларни жалб қилиш харажатларининг ярмини қоплаб бериш (500 минг долларгача); (б) ташқи бозорларда миллий брендларни тарғиб қилиш, уларни халқаро талабларга мослаштиришга 50 минг долларгача субсидия бериш; (в) маркет-плейслар орқали маҳсулотларни омборга жойлаштириш ва сотиш билан боғлиқ харажатларнинг ярмини компенсация қилиш; (г) халқаро тендерларда иштирок этишга йўл-йўриқ кўрсатадиган консалтинг компанияларни жалб этиш ва тендерда қатнашиш харажатининг 80 фоизигача бўлган қисмини қоплаб бериш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
33.	Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан ҳужжатлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш; (б) хорижий давлатларда суд ҳужжатларини ижро этиш доирасида Ўзбекистон резиденти бўлган тадбиркорлик субъектларига чет эл банкларида махсус ҳисобварақ орқали ундирилган маблағларни Ўзбекистондаги ҳисобварағига ўтказиш тартибини белгилаш; (в) озиқ-овқат экспортида қадоқлаш ва бошқа харажатлари учун компенсация бериш тартибини соддалаштириш ва муддатини узайтириш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*

34.	Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ташқи савдо йўналишидаги фаолиятини янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш; (б) катта экспорт бозорларида мунтазам фаолият олиб бораётган тадбиркорларга “экспорт элчилари” мақомини бериш; (в) “экспорт элчилари”ни тадбиркорлар томонидан белгилаш; (г) “экспорт элчилари”нинг ўзлари фаолият юритаётган давлатга бориш-келиш ва яшаш харажатларини қоплаш.	2026 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Саидов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
35.	Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспортига ўтишга оид чора-тадбирлар тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) экспорт шартномаларини суғурта полиси билан тан олиш механизмини амалиётда қўллаш; (б) WIPO *(Madrid)* тизими орқали халқаро миқёсда брендларни патентлаш харажатларини қоплаш механизмини жорий этиш; (в) нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

36.	Заргарлик саноати корхоналарини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) 2030 йил 1 январга қадар марварид, олмос, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга импорт божхона божлари ставкасини 0 фоиз этиб белгилаш; (б) аффинаж корхоналари, олтин изловчилар ва жисмоний шахслардан шартнома асосида олинган қимматбаҳо металлар қийматини чегириладиган рўйхатга киритиш; (в) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларини давлат асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш учун тақдим этишда тадбиркорлик субъектларидан божхона божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни (декларация) тақдим этиш талабини бекор қилиш; (г) заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қимматбаҳо металларни аффинаж қилиш фаолиятини атроф-муҳитга таъсирининг хавфлилик даражасига қараб юқори, ўрта ва паст даражадаги тоифаларга ажратиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси *(Мирахмедов)*, “Ўзмиллийбанк” АЖ *(Мирсоатов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
37.	Антидемпинг чораларини қўллашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида **қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада сифатсиз ва демпинг нархдаги импорт маҳсулотларга нисбатан антидемпинг чораларини қўллаш ҳамда божхона божи ставкаларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

38.	Экспортни қўллаб-қувватлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) СТ-1 сертификати тарифларини ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда қисқартириш; (б) экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва модели ўзгармаган тақдирда келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш экспертизаси далолатномасини ҳар бир партия учун эмас, балки бир контракт доирасида бир марта расмийлаштириш имкониятини ўрганган ҳолда таклифлар бериш; (в) СТ-1 сертификатини тўлиқ электрон (онлайн) тартибда расмийлаштириш тизимини жорий қилиш.	2026 йил декабрь	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*
39.	Ишлаб чиқаришда стандартларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) лабораториялар фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш; (б) давлат назоратидаги лабораторияларнинг техник базасини ва мутахассислар малакасини ошириш орқали маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш; (в) ҳар бир экспорт партияси учун алоҳида сертификат олиш ўрнига, маҳсулот етиштиришдаги агротехнология ва сифат кўрсаткичлари ўзгармаслигини инобатга олиб, бир марталик рўйхатдан ўтиш орқали бир йил давомида амал қилувчи сертификатлаш тизимини жорий этиш; (г) давлат томонидан халқаро қўмиталардан аккредитация ўтган ва республика бўйлаб филиалларига эга бўлган, таҳлилларни тезкорлик билан тайёрлаб берадиган лабораториялар тизимини ташкил этиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги *(Жуманазаров)*

40.	Божхона маъмурчилигини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида **қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси**	Лойиҳада товарни экспорт қилиш учун импорт қилувчи мамлакат талаб қилмайдиган ортиқча рухсатномаларни бекор қилиш ва экспорт сертификатларини тезлаштириш чораларини белгилаш, шунингдек, божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш назарда тутилади.	2027 йил февраль	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*
V. Бизнесга маъмурий босимни ва молиявий юкни камайтириш				
41.	Молиявий ва маъмурий жарималарни қисқартириш бўйича **қонун ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада барча молиявий ва маъмурий жарималарни хатловдан ўтказган ҳолда ўртача икки баробарга қисқартириш назарда тутилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда Марказий банк томонидан назорат қилинадиган соҳаларда қўлланадиган молиявий жарималар миқдори қайта кўриб чиқилади ва қисқартирилади.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Бош прокуратура *(Йўлдошев)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)* Марказий банк *(Ишметов)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

42.	Солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган **қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) солиқнинг белгиланган муддатда тўланмаган қисмига ҳисобланадиган пеня тўланмаган солиқ суммасидан ошиб кетмаслигини белгилаш; (б) якка тартибдаги тадбиркорларга савдо автоматларини ўрнатиш ва электрон савдода буюртмаларни топшириш пунктларини очиш ҳуқуқини бериш; (в) фискал чек шакллантириладиган рақамли платформалар орқали фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни назорат-касса техникасидан фойдаланиш мажбуриятидан озод этиш; (г) ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулк объектидаги товар қолдиқлари саноқдан ўтказилмаслиги билан боғлиқ талабни бекор қилиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
43.	Маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини енгиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималарни қатъий миқдорда белгилаш; (б) маркировкалаш қоидалари бузилганлиги аниқланганда биринчи марта огоҳлантириш тартибини жорий этиш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

44.	Импорт жараёнларида карантин, фитосанитария ва бошқа рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисида **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) импорт қилинадиган товарлар бўйича карантин ва фитосанитария рухсатномаларини бериш муддатлари ҳамда амал қилиш даврини қайта кўриб чиқиш, жумладан, қалинлиги 6 миллиметрдан юқори бўлган ёғоч-тахта материаллари учун карантин рухсатномасининг амал қилиш муддатини 1 йил этиб белгилаш ва пўстлоғи тўлиқ олиб ташланган, қуритилган, термик ишлов берилган ва намлик даражаси 20 фоиздан ошмайдиган ёғоч маҳсулотларини фитосанитар хавфлилик даражасини пасайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш; (б) импорт товарларига нисбатан соддалаштирилган фитосанитария ва ветеринария назорати механизмларини жорий этиш; (в) хорижий ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларни тегишли реестрларга киритиш бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ва муддатларни қисқартириш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, *(Урунов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*
45.	Солиққа оид қонунбузилишлар учун жавобгарлик чораларини енгиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини солиқ тўловчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этмаслик учун маъмурий жарима миқдорини микрофирмалар ва кичик корхоналарга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача, фуқаролар учун эса 1 бараваригача камайтириш; (б) солиқ текширувида назорат-касса машинаси чекини бермаслик ҳолати биринчи марта аниқланганда расман огоҳлантирган ҳолда молиявий жарима қўлламаслик.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

46.	Тадбиркорлик фаолиятини тугатиш тартиб-таомилини такомиллаштиришга қаратилган **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада тугатиш жараёни тижорат ташкилотининг тугатувчисига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан олти ой муддатда тугалланмаган тақдирда тугатиш жараёни автоматик тарзда кейинги олти ойга узайтирилиши ва ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш назарда тутилади.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
47.	Ташқи иқтисодий алоқаларда молиявий масалаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ташқи факторинг тизимини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш; (б) экспортёрларга халқаро факторинг, форфейтинг, халқаро эквайринг ва бошқа молиявий хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш; (в) солиқ, божхона, Марказий банк ва ташқи савдо ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви ҳамда рақамли мониторинг механизмларини такомиллаштириш; (г) электрон буюртма, электрон инвойс ва тўлов маълумотларини етарли ҳужжат сифатида тан олиш орқали экспорт-импорт шартномалари билан тенглаштириш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев, Қўчқоров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
48.	Тадбиркорлик субъектларига жарималар қўллашда “Биринчи хато учун огоҳлантириш” қоидасини жорий этиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари**	Лойиҳаларда биринчи марта қоида бузган, лекин фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулкига зарар етказмаган тадбиркорларга жарима қўлламасдан, дастлаб камчиликни бартараф этиш учун ўн кун муддат бериш ҳамда ушбу муддат давомида камчиликлар бартараф этилмагандан кейин тегишли жаримани қўллаш назарда тутилади.	2027 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, назорат қилувчи органлар

49.	Бизнес учун тўсиқларни янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) тадбиркорлик субъектини электр энергияси узатиш линиясидан, трансформатор подстанциясидан, тақсимлаш пунктидан узишда Бизнес-омбудсман ва тадбиркорлик субъектини огоҳлантириш тартибини жорий этиш; (б) тадбиркорлик субъектини қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари ягона электр тармоғидан узганлик учун жавобгарликни кучайтириш; (в) назорат қилувчи органлар раҳбар ва ходимларининг KPI мезонларидан тадбиркорларда текширув ўтказиш режаларини ҳамда текширув натижасида қўлланган миқдор кўрсаткичларини чиқариб ташлаш; (г) тезкор хавфнинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган текширувлар рўйхатини қисқартириш; (д) хавфли ишлаб чиқариш объектлари ва уларда қўлланиладиган техник қурилмаларни давлат реестрида ҳисобга олиш учун ундириладиган йиғимни бекор қилиш; (ж) ҳар ярим йилда Бизнес-омбудсман ахборотини Олий Мажлисда эшитиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларининг фаолияти бўйича ҳисоботини муҳокама қилиш.	2027 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
50.	Тадбиркорлик субъектининг ҳақлилик презумпциясини амалда қўллаш механизмларини кенгайтиришга оид **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари**	Лойиҳаларда тадбиркорлик субъектига назорат қилувчи орган томонидан жарима ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси тўғридан-тўғри қўлланадиган ҳолларда тадбиркорлик субъекти ушбу таъсир чорасидан норози бўлганда ва шикоят беришнинг белгиланган муддати давомида судга ёки юқори турувчи органга мурожаат қилганда низони ҳал қилувчи орган қарори билан қўлланган таъсир чорасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва иш якуни бўйича таъсир чорасини қўллаш (қўлламаслик) механизмлари белгиланади.	2027 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Бош прокуратура *(Йўлдошев)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

51.	Жиноят-процессуал қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) суд муҳокамаси даврида айблов хулосасининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун етарли даражадаги маблағлардан ташқари мол-мулкнинг қолган қисмига нисбатан хатловни бекор қилиш; (б) жиноят иши доирасида киритилган гаров суммаларини (шу жумладан, фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида олиб қўйилган ёки қабул қилинган ёхуд моддий зарарни қоплаш мақсадида топширилган пул маблағларини) қайтариш тартибини соддалаштириш; Хусусан: – гаров суммаларини қайтариш ҳақидаги суд ҳужжатини дарҳол ижро этилиши лозим бўлган талаблар тоифасига киритиш; – қонунчиликда белгиланган муддатларга риоя этмасдан гаров суммаларини қайтариш кечиктирилганда ҳар бир кечиктирилган кун учун тегишли пул маблағлари сақланаётган идорадан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида йиллик фоизлар (пеня) ҳисоблаш ва ундириш; (в) ноқонуний тадбиркорлик ва электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятларини биринчи марта содир этган шахс томонидан давлатга етказилган зарарнинг ярми ихтиёрий равишда қопланганда мазкур зарар ўрнини ихтиёрий қоплаш муддатини унинг илтимосига кўра яна ўттиз кунга узайтириш имконини тақдим этиш;	2026 йил ноябрь	Бош прокуратура *(Йўлдошев)*, Давлат хавфсизлик хизмати *(Курбанов)*, Ички ишлар вазирлиги *(Ташпулатов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*

		(г) божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти биринчи марта содир этилганда, товарлар тақиқланган товарлар тоифасига кирмаган ҳамда давлатга етказилган зарар (қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари) судга қадар тўлиқ қопланган тақдирда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш; (д) тадбиркорлик жиноятлари билан бир вақтда содир этиладиган жиноятларни ушбу моддаларда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш орқали енгиллаштирувчи нормаларни қўллаш амалиётини кенгайтириш; (ж) илгари ўтказилган тафтиш, шу жумладан, солиқ аудити даври бўйича қайта тафтиш ўтказишни чеклаш, бундан аввалги тафтиш вақтида мансабдор шахсларга маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ёки тафтиш ўтказувчилар томонидан жиноий хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқланган ҳоллар мустасно.		
52.	Регуляторлик фаолияти тўғрисидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) соҳа сиёсатини юритиш ва регуляторлик (назорат) вазифаларини бир-биридан қатъий ажратиш; (б) регуляторни ташкил этиш, уларга қўйиладиган ташкилий ва малакавий талабларни белгилаш; (в) регуляторлар ваколати, мажбурияти ва шаффофлиги ҳамда назорат қилиш талаб ва тартибларининг ягона мезонларини белгилаш; (г) асоссиз тўсиқлар, лицензия ва рухсат бериш талаблари, йиғимлар ва жазолаш чораларини чеклаш.	2027 йил март	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*

53.	Адъюдикация институтини миллий ҳуқуқ тизимига татбиқ этиш тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги эксперт кенгаш томонидан божхона, қурилиш, санитария, карантин ва ветеринария низоларини кўриб чиқиш; (б) кенгаш хулосаларининг юридик мақомини аниқ белгилаш; (в) низолар бўйича эксперт кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тезкор ҳал қилиш механизмини жорий этиш.	2027 йил февраль	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
54.	“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) даъводан, аризадан ёки шикоятдан воз кечилганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганда тўланган давлат божининг 50 фоизини қайтариш; (б) номулкий тусдаги талаблар юзасидан фуқаролик судларига мурожаат қилинганда, давлат божини қатъий суммада белгилаш; (в) биринчи инстанциядан кейинги ҳар бир юқори турувчи инстанция судларига тадбиркорлар фойдасига ҳал қилинган қарорлар устидан шикоят киритилганда давлат ва назорат органларидан белгиланган тартибда давлат божини ундириш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Олий суд *(Махмудова)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*
55.	Тадбиркорликка оид давлат хизматларида “сукут – розилик” тамойили қўлланишини кенгайтиришга оид **Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси**	Лойиҳада “сукут – розилик” тамойили қўлланмайдиган тадбиркорликка оид давлат хизматларидан фойдаланишда ариза белгиланган вақтда кўриб чиқилмаса, ушбу мурожаат автоматик равишда тадбиркор фойдасига ҳал қилинган деб ҳисобланиши белгиланади. Бунда “сукут – розилик” тамойили қўлланмайдиган тадбиркорликка оид давлат хизматларининг 50 фоизи ушбу тартибга ўтказилади.	2027 йил апрель	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги (*Ташкулов*), Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

56.	Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини профилактик аудитдан ўтказишни кенгайтириш тўғрисида **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ихтиёрий равишда профилактик аудитдан ўтказган тақдирда, ушбу аудит хулосалари солиқ органлари томонидан тан олиниши механизмини жорий этиш; (б) Солиқ қўмитаси томонидан профилактик аудитдан ўтказиши мумкин бўлган ташкилотлар реестрини юритиш тартибини белгилаш.	2026 йил ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
		Лойиҳаларда ёнғин хавфсизлиги, қурилиш, санитария ва карантин органлари фаолиятида тадбиркорларнинг аниқланган камчиликларини ўз вақтида бартараф этишни рағбатлантириш ва профилактик аудитдан ўтказишни жорий этиш назарда тутилади.	2027 йил март	Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги *(Икрамов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Адилов)*, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси *(Урунов)*

57.	Ҳудудларнинг ички имкониятларини тўлиқ сафарбар қилган ҳолда қўшилган қиймат яратиш бўйича **маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари қарорлари**	Қуйидаги йўналишлар бўйича маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш: Қорақалпоғистон Республикасида – яшил энергетика, IT ва сунъий интеллектни иқтисодий драйверга айлантириш; Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида – тўқимачилик ва машинасозлик йўналишлари бўйича тўлиқ занжирли ишлаб чиқаришни кенгайтириш; Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида – туризм, креатив индустрияни янги имконият майдонларига айлантириш, агросаноатда халқаро брендларни кашф қилиш учун ишга солинмаган салоҳиятни рўёбга чиқариш; Навоий ва Тошкент вилоятларида – тоғ-кон, металлургия, илмий кимёда корхоналарни бирлаштириш, олимлар ва ишлаб чиқарувчилар биргаликда ишлаши учун қулай шароитлар яратиш; Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида – агросаноат, нефть, газ, кимёда хомашё сотишдан тайёр маҳсулотларнинг реализациясига ўтиш; Жиззах ва Сирдарё вилоятларида – автомобилсозлик, электротехника, қурилиш материаллари соҳасида илғор кластер тизимини яратиш ва кооперацияни ривожлантириш.	2026 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси *(Оринбаев)*, Андижон *(Абдурахмонов)*, Фарғона *(Бозаров)*, Наманган *(Абдуразақов)*, Самарқанд *(Бобоев)*, Бухоро *(Зарипов)*, Хоразм *(Рахимов)*, Қашқадарё *(Азимов)*, Сурхондарё *(Қосимов)*, Жиззах *(Мустафоев)*, Сирдарё *(Турдимов)* вилоятлари ҳокимликлари

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

58.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси**	Лойиҳада Тошкент агломерацияси доирасида тадбиркорларга ташқи бозорларга чиқиш учун қулай шароитларни яратиш, йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, логистика занжирларини рақамлаштириш, Тошкент халқаро аэропортининг юк ташиш терминалини кенгайтириш ва жаҳон стандартларига мослаш, юк поездларини шаҳар ичига киритмасдан, агломерация чеккаларида саралаш ва тўғридан-тўғри экспортга йўналтириш назарда тутилади.	2026 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Тошкент шаҳар ҳокимлиги *(Умурзаков)*, Тошкент вилояти ҳокимлиги *(Мирзаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
59.	Меҳнат муносабатларини расмийлаштиришда ортиқча бюрократияни қисқартириш чоралари бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) Ягона миллий меҳнат платформасида ва унинг мобил иловасида ходим билан тузиладиган меҳнат шартномаси ва бошқа меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлар расмийлаштирувини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш; (б) ходимлар алмашинуви юқори бўлган соҳаларда янги ходимлар билан меҳнат муносабатларини соддалаштирилган электрон режимда расмийлаштириш.	2026 йил ноябрь	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси *(Рафиков)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

60.	Иш берувчилар бирлашмалари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**	Лойиҳада иш берувчилар бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ваколатлари, функциялари ҳамда давлат органлари, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш назарда тутилади.	2027 йил февраль	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Адлия вазирлиги (*Ташкулов*), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Иш берувчилар конфедерацияси *(Вахабов)*
61.	Тадбиркорлик субъектларига бизнес учун қулай шарт-шароит яратишга тўсиқ бўлувчи меҳнат қонунчилигидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган **қонун лойиҳаси**	Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: (а) огоҳлантириш муддати компенсацияга алмаштирилганда, касаба уюшмаси ва меҳнат органига ахборот бериш муддатини камайтириш; (б) тадбиркорларнинг масофавий таълимда таҳсил олаётган ходимлар учун мавжуд кафолат ва компенсацияларни тақдим этишдаги тушунмовчиликларини бартараф этиш; (в) тадбиркорлар учун тушунмовчилик келтириб чиқараётган Меҳнат кодексининг 386-моддасидаги “тегишли даражадаги таълим” тушунчасига аниқлик киритиш.	2027 йил март	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси *(Рафиков)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

Изоҳ: *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб ўзгартирилиши ёки ягона ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–175-сон Фармонига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида бажариладиган

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар ва ташаббуслар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	**Тадбиркорларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш**	Электр энергиясининг йиллик истеъмоли 5 млн кВт-соатдан юқори бўлган тадбиркорлар билан алоҳида ишлаб, муаммо ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаган ҳолда уларнинг ечими бўйича чоралар кўриш. Ҳудудлардаги умумий майдонининг 60 фоизидан ортиқ қисмида лойиҳалар ишга тушган саноат зоналарини тўлиқ хатловдан ўтказиб, улардаги электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ва хатарларни аниқлаб, бартараф қилиш чораларини кўриш.	2026 йил сентябрдан бошлаб	Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ *(Назиров)*, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Исакулов)*
2.	**Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши вазифаларини кенгайтириш**	1. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши томонидан: (а) кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлашнинг ҳар йиллик дастурини тасдиқлаш. Бунда молиявий ресурсларни олувчилар кесимида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган бюджет маблағлари, дастурнинг мақсадли кўрсаткичлари ва эришиладиган натижаларни назарда тутиш;	2027 йил январдан бошлаб	Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

		(б) тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни доимий равишда аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериб бориш. Бунда Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича республика кенгаши томонидан тасдиқланадиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг йиллик дастурини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар навбатдаги йил учун Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борилади. 2. Халқаро молия институтлари билан биргаликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, микромолиялаш хизматларини кенгайтириш, рақамли савдо ва чегараолди савдони ривожлантириш, ислом молияси инструментларини жорий этиш ҳамда микро ва кичик бизнес субъектларини рақамлаштириш мақсадида жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз маблағлари ва 10 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш.	2027–2030 йилларда	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
3.	**Тармоқларни қўллаб-қувватлаш**	Хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказиб, махсус шартномалар ва квоталар орқали металлургия маҳсулотлари учун хомашёни барқарор таъминлаш чораларини кўриш.	2026–2027 йиллар	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги *(Исламов)*,

		Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун хомашёни марказлашган ҳолда импорт қилиш механизмини жорий этиш.		Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Саидов)*
4.	**Тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган барча молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини босқичма-босқич "бир дарча" тамойили асосида тақдим этиш**	1. Тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш бўйича Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ягона рақамли платформасини (кейинги ўринларда – Платформа) амалиётга жорий қилиш. Бунда: (а) Платформанинг "Рақамли ҳукумат" идоралараро интеграциялашув платформаси билан электрон ҳамкорлиги ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш; (б) тажриба-синов тариқасида экспорт ва туризмни ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш чораларини молиялаштиришни мазкур Платформа орқали амалга ошириш.	2027 йил 1 март 2027 йил 1 апрель 2027 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)* Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Туризм қўмитаси *(Аққулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*,

		2. Платформани ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва уни функционал кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари иштирокида молиявий кўмак ҳамда экспертларни жалб этиш.	2027 йил 1 январь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*
		3. Масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда бошқа соҳалардаги молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини Платформа орқали тақдим этиш юзасидан Президент Администрациясига таклиф киритиш.	2027 йил 1 август	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		4. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан: (а) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳамда Компания фаолиятини рақамли трансформация қилиш мақсадида Компания муассислигида “Рақамлаштириш ташкилоти” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш; (б) тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатини аниқлаш ва уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида сунъий интеллект ва “Big data” технологияларини қўллаган ҳолда “Бизнеснинг молиявий соғломлик таҳлили” (Business financial health analysis) дастурини ишга тушириш.	2026 йил 1 октябрь 2027 йил 1 май	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ *(Махаматов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*
5.	**Тадбиркорларга ташқи бозорларга чиқишга кўмаклашиш чора-тадбирлари**	1. Афғонистон ҳудудида жойлашган Мозори-Шариф темир йўл-логистика порт инфратузилмасини тўлиқ ишга тушириш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Транспорт вазирлиги *(Махкамов)*,

		2. Юк оқимини самарали тақсимлаш мақсадида секин айланадиган ва сақлаш муддати нисбатан узоқ бўлган юкларни Мозори-Шариф портига йўналтириш. 3. Тез айланадиган ва тез бузиладиган маҳсулотлар учун Ҳайратон ва Ноибобод портларидан фойдаланиш.		Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
6.	**Тадбиркорларга ташқи бозорларга чиқишга кўмаклашиш чора-тадбирлари**	1. Хорижий давлатларнинг экспорт реестрига кириш жараёнини тезлаштириш. 2. Экспортбоп маҳсулотларнинг халқаро реестрларга киритилишини мувофиқлаштириш. 3. Янги бозорларга чиқишда асосий тўсиқ бўлаётган хорижий давлатларнинг тегишли идоралари ўртасидаги ўзаро хат алмашиш ва ҳужжатларни тасдиқлаш жараёнини жадаллаштириш.	2026 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Саидов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
7.	**Тадбиркорлик фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари**	1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб туриш сабаб ва омилларини доимий тадқиқ қилиш тизимини йўлга қўйиш. Бунда: (а) тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб туриш бўйича ариза тақдим этилганда, унда тугатиш ва тўхтатишнинг сабабларини қайд этиб бориш; (б) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида ушбу сабабларни автоматик таҳлил қилиб бориш тизимини жорий этиш.	2027 йил 1 январдан бошлаб доимий равишда 2027 йил 1 июль	Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*

		2. Тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ва тўхтатиш сабаб ва омилларига оид материалларни ҳар чоракда Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтига тақдим этиб бориш.	Ҳар чоракда	Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти *(Абидхаджаев)*
		3. Тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ва тўхтатиш сабаб ва омилларига оид амалга оширилган тадқиқотларни Президент Администрациясига киритиш.	2027 йил 1 июнь	Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*
8.	**Қайта лизинг операцияларини такомиллаштириш**	Марказий банк томонидан тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон лизинг уюшмаси билан биргаликда қайта лизинг операцияларини ўрганиб чиқиб, мазкур операциялар бозори ривожланишига таъсир кўрсатаётган омиллар ва мазкур омилларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил 1 октябрь	Марказий банк *(Ишметов)*
9.	**Ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш**	Ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектларида солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги юзасидан берган хулосаси солиқ органларида тан олинадиган аудиторлик ташкилотлари реестрини шакллантириш.	2026 йил октябрь	Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*
		Мазкур реестр юритилишини йўлга қўйиш ва уларни расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш.	Доимий	

10.	**Молиявий ва маъмурий жарималарни ҳисобдан чиқариш ва уларни қўллаш амалиётини тўхтатиш**	1. 2023–2026 йиллар давомида айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада тўлаш режимига ўтган тадбиркорлик субъектларига товар ҳисобини юритмаганлик бўйича қўлланилган молиявий жарималарнинг тўланмаган қисмини ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш ва келгусида ушбу ҳолат бўйича жарима қўлламаслик. 2. 2026 йил 1 январга қадар шаклланган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун қўлланган маъмурий жариманинг **тўланмаган қисмини ҳисобдан чиқариш**.	2026 йил сентябрь	Мажбурий ижро бюроси *(Эгамбердиев)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
11.	**Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида муваффақиятга эришган фуқаролар ҳақида кўрсатувлар ташкил этиш**	Тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имкониятлар ва қўллаб-қувватлаш чораларини тушунтириш, уларни тарғиботини амалга ошириш ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда ток-шоулар ва репортажлар ташкил этиш.	Ҳар чоракда	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси *(Джурабаев)*, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси *(Тожиев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ *(Махаматов)*, Бизнес-омбудсман *(Буриев)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

12.	**Тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантириш**	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ муассислигида ташкил этилаётган “Бизнес фонди” АЖ ва “Микромолиялаш хизматларини ривожлантириш” МЧЖга лойиҳаларни хусусий капитални кенг жалб қилиш орқали қўллаб-қувватлаш ва микромолиялаш хизматлари бозорини ривожлантириш учун халқаро молия институтлари ва ташкилотларидан маблағ жалб этиш.	2027–2028 йиллар давомида	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ *(Махаматов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*
13.	**“Сунъий интеллект ёрдамчилари”ни қурилиш, меҳнат муносабатлари, ташқи савдо ва давлат хизматлари жараёнларига жорий қилиш**	1. Маълумотлар базасини шакллантириш (қурилиш нормалари, Меҳнат кодекси, божхона тарифлари ва давлат хизматлари регламентлари) асосида махсус “Билимлар базаси”ни яратиш. 2. Ҳуқуқий базани яратиш ҳамда давлат хизматларида ва идораларда вақтинчалик низомларни тасдиқлаш. 3. “Сунъий интеллект ёрдамчилари”ни танлаб олинган фойдаланувчилар иштирокида синовдан ўтказиш. 4. Барча фуқаролар ва тадбиркорлар учун давлат порталлари орқали “Сунъий интеллект ёрдамчилари”ни босқичма-босқич ишга тушириш.	2026 йил ноябрь 2027 йил март 2027 йил июнь 2027 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги *(Хидоятов)*, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)*

14.	**Меҳмонхоналарда нақд хорижий валютани айирбошлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш**	1. Республика бўйлаб 50 тадан кўп жойлаштирув ўрнига эга меҳмонхоналар рўйхатини шакллантириш.	2026 йил сентябрь	Туризм қўмитаси *(Аққулов)*
		2. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда шаклланган рўйхатга асосан меҳмонхоналарнинг валюта айирбошлаш хизматларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва моддий-техника базаларини хатловдан ўтказиш.	2026 йил ноябрь	Марказий банк *(Ишметов)*
		3. Валюта банкоматлари ўрнатиш учун меҳмонхона биноларининг мавжуд моддий-техника базасини яхшилаш бўйича зарур чораларни кўриш.	2026 йил декабрь	Туризм қўмитаси *(Аққулов)*, Марказий банк *(Ишметов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари
		4. Тасдиқланган режа-графикка асосан банклар томонидан банкоматлар сотиб олиниши ва меҳмонхоналарда ўрнатилишини таъминлаш.	2027 йил давомида	Марказий банк *(Ишметов)*, тижорат банклари, меҳмонхоналар маъмурияти
		5. Тижорат банклари томонидан банкоматлар паркини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш.	Доимий	
15.	**“Чемпион” тадбиркорларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш**	“Чемпион” тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан “чемпионлик” даражасига етгунга қадар босиб ўтган йўли, амалий тажрибаси ва муваффақият омиллари асосида китоблар тайёрлаш, нашр этиш ҳамда уларни тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш.	2026 йил ноябрь	Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*

16.	**Давлат харидлари доирасида ўз мажбуриятларини бажарган тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш**	1. Ўтган даврда амалга оширилган давлат харидларида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятини бажарган тадбиркорлик субъектларига солиқ органларининг маълумотлари асосида закалат ва қўшимча закалат маблағларини қайтариш. 2. Ушбу маблағларни бир иш кунида автоматик қайтариш бўйича солиқ ва давлат харидлари тизими ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги *(Хайдаров)*, Солиқ қўмитаси *(Пулатов)*
17.	**Хорижда ишлаб юрган ватандошларни мамлакатимизда иш билан таъминлаш чораларини кўриш**	Ўзбекистонда ишга туширилаётган янги ишлаб чиқариш объектлари, мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берадиган платформани яратиш ва уни хорижда ишлаб юрган фуқароларимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, талабгорлар аризасини ушбу платформа орқали қабул қилиш ва компетенцияси мос келадиганларни ишга қабул қилиш ҳақида кафолатланган таклифлар берилишини йўлга қўйиш.	2026 йил декабрь	Савдо-саноат палатаси *(Вахобов)*, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги *(Захидов)*, Ташқи ишлар вазирлиги *(Саидов)*

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 27 августдаги ПФ–175-сон Фармонига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–229-сон Фармонида:

(а) 11-бандниng “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Жамоатчилик кенгашини 1-иловага мувофиқ янгилаган таркибда ташкил қилиш”;

(б) 1-илованиng матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.Ш.		Лавозими
1.	Д.А.Вахабов	–	Савдо-саноат палатаси раиси, *Жамоатчилик кенгаши раиси*
2.	А. А.Буриев	–	Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
3.	А.А.Аббосхўжаев	–	“Grand Pharm Trade” МЧЖ таъсисчиси
4.	Ш.Ш.Эргашев	–	“Orient-Confection” МЧЖ таъсисчиси
5.	З.К.Хашимов	–	“Anglesey Food” МЧЖ ХК кузатув кенгаши раиси
6.	К.Т.Абдуллоев	–	“Sam Antep Gilam” МЧЖ таъсисчиси
7.	Ж.А.Артикходжаев	–	“Akfa group” корхонаси таъсисчиси
8.	Ф.Ф.Маматджонов	–	“Uztex Group” МЧЖ ҚК таъсисчиси
9.	М.Т.Назаров	–	“Murad Buildings” МЧЖ таъсисчиси
10.	Н.К.Комилов	–	“Stdhealthmed” МЧЖ таъсисчиси
11.	Т.М.Шарипов	–	“Procab” МЧЖ таъсисчиси
12.	И.Т.Абдурахманов	–	“Paxtakor teks” МЧЖ раҳбари
13.	П.Р.Мирзаев	–	“Manar Group” МЧЖ таъсисчиси
14.	Ж.А.Шакиров	–	“Uzbekistan Hydrogen Peroxide” МЧЖ таъсисчиси
15.	Ж.Х.Исматуллаев	–	“Chust Textile” МЧЖ таъсисчиси
16.	Ш.Ш.Илҳомов	–	“Navroʻz-PTK” МЧЖ таъсисчиси
17.	Ш.А. Жалолов	–	“Agromir Buildings” МЧЖ таъсисчиси

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

18.	Ф.Ф.Илясов	–	“Mezon Business” МЧЖ таъсисчиси
19.	С.З.Абасханов	–	“Global Export Company” МЧЖ таъсисчиси
20.	У.Ш.Рустамов	–	“Click” АЖ директори
21.	Р.А.Абдуллаев	–	“Almerro Group” МЧЖ таъсисчи
22.	Ш.Ш.Джумаев	–	“Navbahor Tekstil” МЧЖ таъсисчиси
23.	Х.Х.Насруллаев	–	“Realsoft” МЧЖ таъсисчиси
24.	А.Д.Ҳасанов	–	“Veritas Inter Lex” адвокатлик фирмаси раҳбари
25.	Д.Ж.Ахматов	–	“Prae Legal” адвокатлик фирмаси раҳбари
26.	А.Ж.Қурбонов	–	“International Business audit and consulting” МЧЖ таъсисчиси
27.	У.Т.Рахимов	–	“Kids Plate Distrubition” МЧЖ таъсисчиси
28.	С.С.Насретдинов	–	“Uniagri Group” МЧЖ таъсисчиси
29.	У.А.Сафаров	–	“United Tax Advisors” МЧЖ таъсисчиси
30.	З.Б.Мустафаев	–	“Uzbek Leasing International” АЖ бош директори
31.	О.О.Бакиров	–	Иқтисодчи, жамоатчилик фаоли
32.	А.А.Шамсиев	–	“Ako Shams Consulting” МЧЖ таъсисчиси
33.	Л.Ё.Хамидов	–	“Tasnif Group” МЧЖ таъсисчиси
34.	М.И.Акрамов	–	“Technologies of Real Time” МЧЖ таъсисчиси
35.	Л.Ш.Мирзаева	–	“Khiva Plaza” МЧЖ директори
36.	Д.У.Исламова	–	“Dodo Pizza Tashkent” МЧЖ таъсисчиси
37.	М.М.Ниязмухамедов	–	Ўзбекистон қурувчилар ассоциацияси раиси
38.	Ш.М.Боқиев	–	“Turon-Himoyasi” адвокатлик фирмаси таъсисчиси
39.	С.С.Жуманиязов	–	“American Hospital” МЧЖ ҚК раҳбари
40.	С.А.Ниязов	–	Савдо-саноат палатаси раис маслаҳатчиси, *Жамоатчилик кенгаши котиби*

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–246-сон Фармонининг 2-банди “д” кичик бандидаги “25 миллион сўмдан” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 мартдаги “Фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва илмий тадқиқот жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–35-сон Фармонининг 4-банди “б” кичик бандидан “2026 йил 1 сентябрга қадар” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 майдаги “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ–100-сон Фармонининг 3-банди “а” кичик банди “ii” хатбошисидаги “алкоголь маҳсулотлари” сўзлари “алкоголь, пиво ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, сув ва салқин ичимликлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–104-сон қарори 2-бандининг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) қуйидаги тадбиркорлик субъектларига юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 90 фоизга камайтириш:

майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплексларига (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича) 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар. Бунда 2027 йил 1 январгача янгидан қуриладиган объектларга (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкасига) нисбатан мазкур имтиёзни улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб 5 йил муддат давомида қўллаш;

меҳмонхоналарга (жойлаштириш воситаларига) 2022 йил 1 январдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар. Бунда палаткали (кемпинг) лагерлар ва ўтовли лагерлар шаклидаги меҳмонхоналар (жойлаштириш воситалари) учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғини 90 фоизга камайтириш бўйича имтиёзни 2037 йил 1 январга қадар қўллаш;

ушбу кичик бандниг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган субъектларга 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар фойда солиғини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш ҳуқуқини бериш”.

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги "Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–238-сон қарорининг 2-бандида:

(а) "а" кичик банднинг биринчи хатбошисидаги "2026 йил 31 декабрга" сўзлари "2029 йил 1 январга" сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) "б" кичик банднинг биринчи хатбошисидаги "2026 йил 31 декабрга" сўзлари "2029 йил 1 январга" сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги "Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–39-сон қарорининг 5-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2024 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади, бундан солиқ ва божхона имтиёзлари, шунингдек, солиқ тўловчига тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш мустасно".

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–348-сон қарорида:

(а) 8-банднинг "г" кичик бандида:

"2027 йил" сўзлари "2028 йил" сўзлари билан алмаштирилсин;

"i" хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"(i) туризм соҳаси субъектлари томонидан импорт қилинадиган автобус, электробус ҳамда ҳайдовчи ўриндиғидан ташқари саккиздан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар божхона божидан ва утилизация йиғимидан озод этилади (бунда утилизация йиғимидан озод қилишга оид имтиёз фақат ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган автобус, электробус ва микроавтобусларга нисбатан татбиқ этилади)";

QMMB: 06/26/175/0878-son
28.08.2026-y.

(б) 5-иловада:

(i) 1 ва 5-бандлардаги “саккиз ва ундан ортиқ” сўзлари “саккиздан ортиқ” сўзлари билан билан алмаштирилсин;

(ii) 3-банд “божхона божи” сўзларидан кейин “ва утилизация йиғими” сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган “Рақамли трансформация маркази” масъулияти чекланган жамиятининг электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Порталга жойлаштириладиган маҳсулот маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатга эга бўлиши лозим.

Бунда маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига мувофиқ берилади”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 сентябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда:

(а) 8-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги “2027 йил” сўзлари “2030 йил” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(iii) тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. 3, 4 ёки 5 юлдузли меҳмонхона учун мувофиқлик сертификати инвестор ёки ишончли бошқарувчи томонидан олинади”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 06/26/176/0879-son
28.08.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «_27_» _август_ _ПФ–176_-son

Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликларни қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Жаҳон бозорларидаги ноаниқликлар, ташқи тўловлар ва банк ҳисоб-китобларидаги чекловлар, айрим хорижий контрагентлар томонидан шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ҳолатлари таъсирида тадбиркорлик субъектларида юзага келган муддати ўтган дебитор қарздорликларни қисқартириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликни сўндиришнинг янги механизми

1. Тадбиркорлик субъектларига экспорт операциялари бўйича активларнинг белгиланган муддатларда репатриация қилиниши таъминланмаган ҳолларда юзага келган **дебитор қарздорликни ўз маблағлари ҳисобидан сўндиришга рухсат бериш** бўйича **2027 йил 1 январга қадар** бўлган муддатга **бир марталик умумдавлат акцияси** (кейинги ўринларда – акция) эълон қилинсин.

2. Белгилансинки, **акция**:

(а) ушбу Фармон кучга кирган санага қадар ташқи савдо шартномаси бўйича товарлар, ишлар ёки хизматлар амалда экспорт қилинган, бироқ хорижий контрагент томонидан тўлов белгиланган муддатларда амалга оширилмаганлиги сабабли **юзага келган** ва “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимида **муддати ўтган сифатида қайд этилган дебитор қарздорликларга нисбатан татбиқ этилади**;

(б) устав капиталида **давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар** ҳамда устав капиталида ушбу ташкилотлар улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан **қўлланилмайди**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ акция доирасида:

(а) **нақд шаклдаги валюта маблағларини** йўловчи божхона декларацияси ва тегишли ишончномаларни тақдим этмаган ҳолда хизмат кўрсатувчи **банк кассалари орқали** тадбиркорлик субъектининг ҳисобварағига **киритиш** йўли билан муддати ўтган дебитор қарздорликни сўндиришга рухсат берилади;

(б) мазкур бандниng "а" кичик бандидаги маблағлар кирим қилинганидан сўнг:

(i) тадбиркорлик субъектининг муддати ўтган дебитор қарздорлиги суммаси **"E-kontrakt" ташқи савдо ахборот тизимида автоматик равишда кирим қилинган маблағ суммасига мос равишда қисқаради**;

(ii) ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминламаганлик учун **жариманинг ундирилмаган қисми кирим қилинган маблағларга мутаносиб равишда бекор қилинади**;

(в) мазкур бандниng "а" кичик бандидаги маблағлар товарлар, ишлар ва хизматлар экспортидан келиб тушган **валюта тушуми сифатида эътироф этилмайди** ҳамда қўшилган қиймат солиғи бўйича **ноль даражали ставка қўлланилишига асос бўлмайди**.

II. Активларнинг репатриация қилинишини таъминлаш бўйича виждонан ҳаракат қилинган ҳолатлар учун жавобгарликни енгиллаштириш

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 январдан бошлаб** қуйидаги ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлган тақдирда, ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминламаганлик учун **жарима миқдори суд томонидан икки бараварга камайтирилади**:

(а) резидентнинг ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминлаш бўйича **виждонан ҳаракат қилган ҳолда ўзига боғлиқ барча чораларни**, шу жумладан суд, арбитраж ёки бошқа мажбурий ундирув воситаси орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўрганлиги;

(б) ташқи савдо операциялари бўйича **активларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми репатриация қилиниши** таъминланганлиги;

(в) ташқи савдо шартномаси бўйича хорижий ҳамкор жойлашган ёки тўлов амалга ошириладиган давлатда юзага келган ҳаммага маълум бўлган **халқаро санкциялар**, **банк ва тўлов тизимларидаги чекловлар** ёки **валюта операцияларига оид тақиқлар** сабабли активларни репатриация қилиш имконияти чекланганлиги, бундан енгиб бўлмас куч таъсирида юзага келган ҳолат белгиланган тартибда тасдиқланган ҳоллар мустасно.

5. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармоннинг 4-бандига асосан жаримани камайтириш устав фондида **давлат улуши 50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фондида ушбу ташкилотларнинг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

III. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

6. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг 4-бандидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

7. Қуйидагилар **бир ҳафта муддатда:**

(а) Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатаси акцияни тарғиб қилиш **режа-графигини тасдиқлаб**, тижорат банклари, Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда тармоқ уюшмалари билан биргаликда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида тадбиркорлик субъектлари ўртасида **акциянинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилишини таъминласин**;

(б) Божхона қўмитаси ва Солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда “E-kontrakt” ташқи савдо ахборот тизимида қайд этилган муддати ўтган дебитор қарздорликлари мавжуд **тадбиркорлик субъектларига акция тўғрисида хабарномалар юборсин**.

8. Солиқ қўмитаси Божхона қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда акциянинг ижро ҳолати бўйича **ҳар ой**, акция натижалари бўйича **2027 йил 1 февралга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари **Ж.А. Ходжаев** – белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга;

(б) Божхона қўмитаси раиси **А.Ю. Мавлонов,** Солиқ қўмитаси раиси **Ф.Ж.Пулатов** ҳамда тижорат банклари раислари – тадбиркорлик субъектларига акция механизмларининг етказилиши, тушунтирилиши, амалда сўзсиз ва тўғридан-тўғри ишлашини таъминлашга;

(в) Бош прокурор ўринбосари **Д.С. Қосимов** – Фармонда белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатишга.

10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

34 (1262)-son
864-modda

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil «28» август ПФ–177 -son

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Иқтисодиёт тармоқларида трансформация ва давлат иштирокидаги йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026 йилда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда хусусийлаштириш дастурининг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли **84 та** жамият устав капиталидаги улушларни, **1 242 та** кўчмас мулк объектини ва **8 минг гектар** ер участкаларини савдога чиқариш;

(б) 85 та давлат иштирокидаги корхоналарни тугатиш ва қайта ташкил этиш;

(в) умумий қиймати **100 триллион сўм**га яқин давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар активларини ҳамда ер участкаларини савдога чиқариш ва камида **14 триллион сўм** тушумни таъминлаш.

II. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш

2. Қуйидагилар:

(а) давлат активларини **оммавий савдоларга чиқаришнинг ҳудудий кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

(б) 2026–2027 йилларда оммавий савдоларга чиқариладиган **акция пакетлари (улушлар) рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

(в) 2026–2027 йилларда оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг **кўчмас мулк объектлари рўйхати 3.1–3.14-иловаларга** мувофиқ;

(г) оммавий савдоларга чиқариш ва сотиш жараёнлари жадаллаштириладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг **активлари рўйхати 4-иловага** мувофиқ;

(д) 2026–2027 йилларда танлаб олинган 20 та туманнинг (шаҳарнинг) бир жойда мақбул жойлаштириладиган маҳаллий бошқарув органлари рўйхати **5-иловага мувофиқ** ҳамда **уларнинг бўшайдиган ва электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотиладиган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати 5а-иловага** мувофиқ;

(ж) 2026–2027 йилларда вилоятлар марказларида жойлашган давлат ташкилотларини бир жойга кўчириш, маъмурий биноларга мақбул жойлаштиришнинг манзилли рўйхати **5б-иловага мувофиқ,** маъмурий биноларга мақбул жойлаштириш ҳисобига бўшайдиган ҳамда **электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотиладиган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати 5в-иловага** мувофиқ;

(з) нодавлат нотижорат ташкилотларга оператив бошқарув ёки текин фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктирилган ҳамда 2026–2027 йилларда хусусийлаштириладиган **давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати 6-иловага** мувофиқ;

(и) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун 2026 йилда устувор равишда **мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш режаси 7-иловага** ҳамда **мастер режа асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш режаси 7а-иловага** мувофиқ;

(к) ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишнинг техник шартлари ва қурилишга рухсат берувчи барча ҳужжатлар асосида **“тайёр пакет” усулида** ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш **режаси 8-иловага** мувофиқ;

(л) **1 миллион сўм** бошланғич қийматда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган **давлат активлари рўйхати 9-иловага** мувофиқ;

(м) Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш бўйича **“йўл харитаси” 10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага олишдаги имтиёзлар

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олишда аванс тўлови **15 фоиз миқдорида** ва **уни тўлаш муддати 30 календарь кун этиб белгиланади** ҳамда қолган суммани қонунчиликда белгиланган муддатларда **фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти берилади;

(б) **сотиб олиш тўловлари базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма уч минг бараваридан юқори бўлган** электрон онлайн аукцион, танлов ва биржа савдоларида сотилган давлат активлари ҳамда **базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг бараваридан юқори бўлган** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича:

(i) **100 фоиз** тўловни олти ой давомида тўлаган харидорга жами суммага нисбатан **25 фоиз чегирма қўллаш**;

(ii) **50 фоиз** тўловни олти ой давомида тўлаган харидорга қолган суммани **фоизсиз 7 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш**;

(iii) **35 фоиз** тўловни уч ой давомида тўлаган харидорга қолган суммани **фоизсиз 5 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти берилади.

Бунда мазкур кичик бандниng амал қилиши музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотилган давлат активларига татбиқ этилмайди;

(в) давлат активлари учун тўловнинг камида **50 фоизини** тўлаган харидорларга уларни **реконструкция қилиш (янгидан қуриш учун бузиш) ва таъмирлаш** ҳуқуқи берилади;

(г) давлат активлари очиқ электрон онлайн аукцион ва биржа савдоларида **уч ой давомида сотилмаганда** уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар **10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади**;

(д) давлат активлари икки ой давомида сотилмаганда, Давлат активларини бошқариш агентлигига уларни **лотларга бўлган ёки бирлаштирган ҳолда қайта савдога чиқариш** ваколати берилади;

(ж) музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни бошланган давлат иштирокидаги корхона бўйича **нарх таклифи келиб тушгандан кейин унинг соф фойдаси (баҳолашда инобатга олинган бўлса) корхона ихтиёрида қолдирилади**;

(з) давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар активлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотишда:

(i) электрон онлайн аукцион савдоларида аукцион қадами аукцион объектининг бошланғич нархининг **бир фоизи миқдорида** белгиланади;

(ii) такрорий савдоларда фақат бир нафар талабгордан ариза келиб тушган тақдирда, унга ушбу савдода эълон қилинган нархда лотни ихтиёрий сотиб олиш таклиф этилади;

(iii) электрон онлайн аукцион ва танлов савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномани эълон қилиш муддати 30 кундан 15 кунга, такрорий савдоларда – 10 кундан 5 кунга қисқартирилади;

(и) давлат активлари **уч ой давомида** сотилмаганда, уларни электрон онлайн аукцион ва танлов савдоларида **гибрид аукцион** (англо-голланд модели) асосида реализация қилишга **рухсат берилади**. Бунда такрорий аукцион савдолари мол-мулкнинг бошланғич баҳосидан бошланиб, савдо жараёнида дастлаб нархни **босқичма-босқич 2 фоиздан пасайтириб бориш** тартибида, кейинчалик мулкни сотиб олиш таклифи билдирилганда **таклиф билдирилган нархдан бошлаб ошириб бориш** тартибида ўтказилади.

4. Белгилансинки:

(а) мазкур Фармоннинг 3-банди “а”, “б”, “з” ва “и” кичик бандларида келтирилган механизмлар электрон онлайн аукцион савдолари орқали ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар беришда ҳам қўлланилади;

(б) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги банклар) балансига **қарздорлик эвазига қабул қилинган**, шунингдек, улар муассислигидаги инвестиция компаниялари **мол-мулкларини сотишда** тегишли бошқарув органлари қарорига асосан мазкур Фармоннинг 3-банди “г”, “з” ва “и” кичик бандларида назарда тутилган механизмлар қўлланилиши мумкин. Бунда давлат иштирокидаги банклар қарздорлик эвазига банк балансига қабул қилган мол-мулклар, шу жумладан, акция пакетлари ва улушларни сотишни оддий хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик асосида амалга оширади ва ушбу мулкларнинг бошланғич нархларига чегирмалар қўллашга, бошланғич тўловларсиз ва фоизсиз бўлиб-бўлиб сотишга ҳақли.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2030 йил 1 январга қадар:

(i) қарздорлик эвазига тижорат банклари балансига олинган ва улар муассислигидаги инвестиция компаниялари балансидаги кўчмас мулк объектларини сотиб олаётган харидорлар, шунингдек, балансга қабул қилаётган банклар ва улар муассислигидаги инвестиция компаниялари ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича **мол-мулк солиғи** ва **ер солиғидан озод этилади**. Бунда тижорат банклари мулкни балансга қабул қилган санадан **олти ой муддатга**, **инвестиция компаниялари** мулкни балансга қабул қилган санадан **ўн икки ой муддатга**, харидорлар мулкни тўлиқ суммасини тўлаб сотиб олганда **ўн икки ой муддатга** мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод этилади;

(ii) мол-мулклар қарздорлик эвазига ундан воз кечиш ҳақидаги шартномага асосан тижорат банкига ихтиёрий топширилганда мулк эгаси бўлган юридик шахс қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади;

(iii) тижорат банклари балансидаги қарздорлик эвазига олинган мол-мулкни бир йилдан ортиқ муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишда **қўшилган қиймат солиғи** мол-мулкнинг сотиш қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги **ижобий фарққа нисбатан ҳисобланади**;

(б) қарздорликнинг суддан ташқари тартибда ундирувини рағбатлантириш мақсадида қарздорлик эвазига мол-мулкдан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги шартнома доирасида:

(i) давлат иштирокидаги банкка берилган мол-мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга, шу жумладан, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш, лизинг ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали сотишга рухсат этилади;

(ii) гаровда турган мол-мулклар банкка берилаётганда **солиқ идоралари ва Мажбурий ижро бюросида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги юзасидан** мавжуд **тақиқларни** истисно қилган ҳолда **нотариал битимларни** амалга ошириш бўйича **нотариусларга** ва **кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Кадастр агентлигига** ваколат берилади. Бунда мол-мулк бўйича мавжуд мажбуриятлар унинг собиқ эгаси – қарздор (гаровга қўювчи) зиммасида қолади;

(в) давлат иштирокидаги банкларнинг Давлат активларини бошқариш агентлигига топширган мулклари (улушлари) **бир йил муддатда сотилмаган тақдирда**, ушбу мулклар (улушлар) банкларнинг сўровига асосан уларга қайтариб берилади.

IV. Давлат мулкини бошқариш ва сотишнинг янги механизмлари

6. Белгилансинки:

(а) ҳудудларда, шу жумладан, олис жойлардаги **бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланган кейин ҳам**

уч ойдан ортиқ муддатда сотилмаган ва харидорлар учун **жозибадор бўлмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган** ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқи очиқ электрон аукцион савдолари орқали тегишли лойиҳани амалга ошириш шарти билан юридик шахсларнинг устав капиталига улуш сифатида киритилишига йўл қўйилади. Бунда аукцион савдосида **бир нафар** талабгордан ариза келиб тушган тақдирда ҳам ер участкаси унинг устав капиталига **эълон қилинган нархда киритилади** ва шаклланган улуш кейинчалик ушбу **юридик шахснинг ўзига сотиб олиш учун таклиф этилади**;

(б) давлат кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилганда уларга бириктирилган ер участкаларига нисбатан сотилгунга қадар бўлган **ҳуқуқлар** (умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи) **уларни хусусийлаштириб олган субъектлар учун амалдаги тартибда сақланиб қолади**. Бунда ер участкалари бўйича ижара шартномаларини қайта тузиш талаб этилмайди;

(в) ер участкаларини ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши келишувидан ўтказган ва қурилишга бўлган барча рухсатнома ҳужжатларини олган ҳолда **“тайёр пакет”** усулида савдога чиқаришни ташкил этишга **маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари** ва улар муассислигидаги **инвестиция компаниялари масъул ҳисобланади**. Бунда:

(i) **“тайёр пакет”** ишлаб чиқиш учун хизмат ҳақи харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат этилади;

(ii) ер участкаси унинг бошланғич нархига **“тайёр пакет”**ни ишлаб чиқиш харажатлари қўшилган ҳолда аукционга чиқарилади ва кейинчалик харажатлар ер участкасини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади;

(iii) ер участкалари устувор равишда мастер режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳудудлардан танланади;

(г) давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларида ер участкаларидан жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда мазкур ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида, қоида тариқасида,

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

Давлат активларини бошқариш агентлигига ажратилади ва кейинчалик ушбу жамиятларга ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилган ҳолда ижарага берилади. Бунда ер участкасини Давлат активларини бошқариш агентлиги номига давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги барча харажатлар ушбу жамиятлар ҳисобидан қопланади;

(д) хусусийлаштириш субъектларига тегишли ер участкасининг бир қисми йўлнинг ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларининг муҳофаза зонаси ҳудудида жойлашганда, унинг муҳофаза зонасига тушмаган қисмини хусусийлаштиришга йўл қўйилади;

(ж) Тошкент шаҳрида жойлашган саноат зоналари **иштирокчилари ва инвесторлари инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ бажарган тақдирда**, уларга ушбу зоналар ҳудудидаги ер участкалари ҳамда бино ва иншоотларни **белгиланган тартибда хусусийлаштириб беришга рухсат этилади**;

(з) давлат улуши бўлган тижорат банклари туманларда тадбиркорлар учун сунъий интеллект ёрдамида **“лойиҳалар фабрикаси”** тамойилида лойиҳаларни **устувор равишда савдодаги давлат мулки объектлари ва ер участкалари негизида амалга оширишни таклиф этади**;

(и) стратегик аҳамиятга эга корхоналарни хусусийлаштиришда миллий хавфсизлик, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** қарорига асосан **давлатнинг вақтинчалик махсус иштирок этиш ҳуқуқи**ни сақлаб қолиш амалиёти жорий этилади. Бунда ушбу ҳуқуқ халқаро тажрибадан келиб чиқиб, йирик ва стратегик **корхонани хусусийлаштиришда** Президентнинг махсус қарори билан жорий этилади, ушбу ҳуқуқ хусусийлаштиришдан олдин оммавий ошкор қилинади;

(к) **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав капиталида ушбу юридик шахсларнинг улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади;

(л) йирик **олий таълим муассасалари** ва **республика ихтисослашган тиббиёт марказлари фаолиятини босқичма-босқич тижоратлаштириш** мақсадида улар хўжалик жамиятларига айлантирилади ҳамда уларнинг фаолиятига хусусий инвесторлар, жумладан, устав капиталидаги акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқариш орқали жалб этилади.

7. Белгилансинки:

(а) рақобат муҳити шаклланган соҳаларда Давлат бюджетидан молиялаштириш манбасига эга бўлмаган давлат муассасаларини (мудофаа ва хавфсизлик билан боғлиқ муассасалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ташкил этиш **тақиқланади**;

(б) тижорат фаолиятини амалга оширадиган давлат муассасалари (бошқарув, ижтимоий-маданий ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширадиган давлат муассасалари бундан мустасно) **2026 йил 1 декабрга қадар** хўжалик жамиятларига айлантирилади;

(в) давлат иштирокидаги корхоналар тизимидаги муассаса шаклидаги носоҳавий ташкилотлар **давлат иштирокидаги корхоналар таркибидан чиқарилади, хўжалик жамиятларига айлантирилган ҳолда оммавий савдоларга чиқарилади**.

8. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси фаолияти тугатилсин ва унинг тегишли ваколатлари Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилсин.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Белгилансинки, **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари**:

(а) бир ой муддатда мазкур Фармонга мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган активларни Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиб бериш масаласини ўзлари акциядор (иштирокчи, муассис) бўлган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиб, ўтказиб берилишига;

(б) давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларининг улар сотилгунга қадар бутлигини таъминлаш ва бегоналаштирмасликка (сотиш, сотиладиган улуш миқдорини камайтириш, гаровга қўйиш, бузиш ва бошқалар);

(в) тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган **85 та** давлат иштирокидаги корхоналарни **2026 йил 1 ноябрга қадар** тугатиш ва қайта ташкил этиш юзасидан бошқарув органлари қарорларини қабул қилиш ҳамда **2026 йил якунига қадар** ушбу ишларни якунига етказишга (тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланган ҳолларда ушбу муддатлар татбиқ этилмайди) **шахсан масъул ҳисобланади**.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари:

(а) мазкур Фармонга 3.1–3.14, 4, 5а, 5в ва 6–9-иловаларга мувофиқ оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг **кўчмас мулк объектлари** ҳамда **ер участкалари сотилишига жавобгар ва масъул эканлиги** белгилаб қўйилсин;

(б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун мазкур Фармонга 7-иловадаги режага мувофиқ ер участкаларининг устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион савдоларига 2026 йилда чиқарилишини;

(в) ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишнинг техник шартлари ва қурилишга рухсат берувчи барча ҳужжатлар асосида **"тайёр пакет"** усулида мазкур Фармонга 8-иловадаги режага мувофиқ ер участкалари электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

11. Мазкур Фармонда назарда тутилган имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларининг амал қилиши Фармон кучга киргунига қадар қабул қилинган хусусийлаштириш дастурлари доирасида хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилаётган, шу жумладан, олди-сотди шартномалари (биржа битимлари) расмийлаштирилган давлат мулкига (шу жумладан, ер қаъри ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

12. Давлат органлари тегишли қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини кутмасдан мазкур Фармон нормаларининг кучга кирган пайтдан эътиборан сўзсиз ва тўғридан-тўғри амалда қўлланилишини таъминласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига мазкур Фармоннинг ўз ҳудудида ижроси бўйича масъул ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига иқтисодий ўзгаришларни жадаллаштириш, саноат ва инвестиция сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда субсидиялаш тизими самарадорлигини ошириш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш мақсадида 11-иловага мувофиқ тадқиқот йўналишлари бўйича халқаро консалтинг компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилансинки, стратегик, тармоқ ва институционал ислоҳотларни ишлаб чиқиш учун жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий консалтинг компаниялари билан тузиладиган шартномаларда нафақат таҳлилий материаллар, стратегия, концепция ва тавсияларни ишлаб чиқиш, балки уларни амалиётга жорий этишда тўлиқ ҳамроҳлик қилиш ва белгиланган натижаларга эришиш учун жавобгарлик назарда тутилади. Бунда:

(а) консалтинг компаниялари томонидан ҳар бир таклиф бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, бизнес-жараёнлар, техник топшириқлар, аниқ мақсадли кўрсаткичлар (KPI), муддатлар ва масъулларни ўз ичига олган амалга ошириш режаси (Implementation Roadmap) ишлаб чиқилади;

(б) консалтинг компаниялари ишлаб чиқилган ечимларни жорий этиш, синовдан ўтказиш, зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда масъул ташкилотлар ходимларини ўқитиш жараёнларида бевосита иштирок этади.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги:

(а) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармон ҳақида аҳоли ва тадбиркорларни интернет ва ижтимоий тармоқлар ва мобил алоқа операторлари орқали тезкор равишда хабардор қилиш чораларини кўрсин;

(в) узоқ муддатдан буён сотилмаган ва **1 миллион сўм** бошланғич нархда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган объектлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, ҳоким ёрдамчилари орқали кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширсин.

17. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармонга асосан хусусийлаштирилиши белгиланган активларнинг халқаро бозорларда савдоларини ташкил қилиш ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда PR-консалтинг компаниялари ҳамкорлигида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, халқаро форумларда тақдимотлар (“Road Show”) ўтказиш чораларини кўрсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 12-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 13-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Ғ. Муродов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари масъул этиб белгилансин.

22. Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 28 августдаги ПФ–177-сон Фармонига
1-илова

Давлат активларини оммавий савдоларга чиқаришнинг ҳудудий КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Ҳудуд	Акция (улуш) лар	Оммавий савдоларга чиқариладиган кўчмас мулклар			Оммавий савдоларга чиқариш ва сотиш жараёнлари жадаллаштириладиган активлар				Мақбуллаштириш ҳисобига сотиладиган маъмурий бинолар			Оммавий савдоларга чиқариладиган НТТларга берилган давлат мулклари		
		сони	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони		ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)
						Акция (улуш) лар	Кўчмас мулклар								
Жами		**62**	**724**	**414,0**	**707 754,3**	**22**	**221**	**98,4**	**403 102,6**	**191**	**58,22**	**142 965,1**	**106**	**10,2**	**19 305,8**
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	**3**	**49**	29,6	60 566,5		17	5,5	18 598,2				**1**	0,1	264,4
2.	Андижон вилояти	**1**	**51**	16,1	27 233,4		9	2,1	8 377,2	5	0,2	1 521,7			
3.	Бухоро вилояти	**1**	**51**	28,3	38 576,5	1	11	20,1	143 036,3	9	2,6	3 186,0			
4.	Жиззах вилояти		**32**	24,1	24 662,4		2	0,1	1 145,9	1	0,2	411,2			
5.	Қашқадарё вилояти	**1**	**44**	38,9	51 104,8	1	8	3,3	13 321,9	9	6,7	6 154,2			
6.	Навоий вилояти	**1**	**33**	16,7	49 213,8		6	1,2	5 974,7	13	3,9	8 398,7			
7.	Наманган вилояти	**8**	**65**	20,7	41 269,9	2	11	5,81	15 657,4	17	3,62	18 214,64	**1**	0,0	195,4
8.	Самарқанд вилояти	**5**	**67**	66,7	29 192,9		2	0,4	2 482,0	52	16,9	49 468,1	**5**	1,6	3 296,0
9.	Сирдарё вилояти	**2**	**40**	32,9	157 477,7		5	0,5	2 302,4	8	2,4	3 712,0	**1**	0,7	1 067,3

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

Т/р	Ҳудуд	Акция (улуш) лар	Оммавий савдоларга чиқариладиган кўчмас мулклар			Оммавий савдоларга чиқариш ва сотиш жараёнлари жадаллаштириладиган активлар				Мақбуллаштириш ҳисобига сотиладиган маъмурий бинолар			Оммавий савдоларга чиқариладиган НТТларга берилган давлат мулклари		
		сони	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони		ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)	сони	ер майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ($м^2$)
						Акция (улуш) лар	Кўчмас мулклар								
10.	Сурхондарё вилояти	**3**	**65**	46,3	79 870,3		35	5,5	17 550,6	26	10,6	14 437,3			
11.	Тошкент вилояти	**8**	**83**	33,4	37 296,9	1	22	12,2	12 119,2	5	0,6	4 984,6			
12.	Фарғона вилояти	**6**	**65**	30,2	44 058,9		6	1,1	6 144,1	38	8,6	28 215,6	**1**	0,2	1 330,9
13.	Хоразм вилояти		**35**	17,6	33 367,6		25	8,1	36 818,7	8	1,9	4 261,2			
14.	Тошкент шаҳри	**23**	**44**	12,5	33 862,7	17	62	32,5	119 574				**97**	7,6	13 151,8

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 28 августдаги ПФ–177-сон Фармонига
2-илова

2026–2027 йилларда оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлар) РЎЙХАТИ

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотилади-ган улуш (фоиз)
I. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг таркибидаги ташкилотларнинг акция пакетлари (улушлари)						
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ						
1	1	200240345	Андижон механика заводи	АЖ	Андижон вилояти	100
“Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” МЧЖ						
2	1	311820113	Яшил ферма	МЧЖ	Сирдарё вилояти	33,3
3	2	301623426	Orient Technology	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	45,1
“Олмазор кичик саноат зонаси” АЖ						
4	1	202957581	Uzeltexprom-Motorola-Telekom-Radio	МЧЖ	Тошкент шаҳри	43,3
5	2	201178904	Chegara	МЧЖ	Тошкент шаҳри	20
“Иссиқликтаъминоти” АЖ						
6	1	201081947	Қўқонэнергомарказ	МЧЖ	Фарғона вилояти	21,2
“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор-Uzinfocom” МЧЖ						
7	1	303337614	IT ta’lim berish markazi “Ustudy”	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
“Автогазтаъминот” МЧЖ						
8	1	301941514	“KO-UNG CYLINDER” ҚК	МЧЖ	Навоий вилояти	54,76
9	2	207116248	“Kor-UNG Investment” ҚК	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
“Электромагнит мослашув маркази” МЧЖ						
10	1	302428097	Телеком чорва-парранда	МЧЖ	Тошкент вилояти	21,6
11	2	301451411	Toshagroinvest	МЧЖ	Тошкент вилояти	18,86
АТ “Халқ банки”						
12	1	207119228	XALQ SUG‘URTA	АЖ	Тошкент шаҳри	100
“Асакабанк” АЖ						
13	1	311168195	Sayxun Tomorqa Export	МЧЖ	Сирдарё вилояти	100,0

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотилади-ган улуш (фоиз)
“Навоийуран” ДК						
14	1	307455385	Инновацион бурғилаш компанияси	МЧЖ	Тошкент шаҳри	25
II. Давлат ташкилотлари иштирокидаги корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари)						
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги						
15	1	201055108	Туронбанк[1]	АЖ	Тошкент шаҳри	98,9
“Интерфорум” ДМ						
16	1	203348018	Халқаро ҳамкорлик маркази[2]	АЖ	Тошкент шаҳри	79,27
17	2	201121745	Ўзэкспомарказ[2]	АЖ	Тошкент шаҳри	91,83
“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ						
18	1	201055090	TRASTBANK[3]	АЖ	Тошкент шаҳри	0,001
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги						
19	2	201019689	Коммунал таъминот маркази	ДМ	Тошкент шаҳри	100
20	3	201909166	“Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши” журнали	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги						
21	3	200946344	Республика дам олиш маскани	ДМ	Тошкент вилояти	100
Энергетика вазирлиги						
22	2	310243547	Яшил энергия	МЧЖ	Тошкент шаҳри	2,6
Соғлиқни сақлаш вазирлиги						
23	2	202774336	Неврология	МЧЖ	Тошкент шаҳри	80
Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси						
24	1	205513357	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Ўқув-тажриба хўжалиги	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
Автомобиль йўллари қўмитаси						
25	1	300117192	Қорақалпоғистон Республикаси йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси	ДМ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
26	2	200365094	Қўнғирот йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси	ДМ	Қорақалпоғистон Республикаси	100

T/r	T/r	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотилади-ган улуш (фоиз)
27	3	201514628	Бухоро йўллойиҳа	МЧЖ	Бухоро вилояти	50,0
28	4	206820624	Қашқадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси	ДМ	Қашқадарё вилояти	100
29	5	200048661	Ўзйўлкўприк кластерининг Наманган филиали	ДМ	Наманган вилояти	100
30	6	200443614	Автомагистрал	ДМ	Тошкент вилояти	100
31	7	308520082	Автойўлнуртаъмир	ДМ	Тошкент шаҳри	100
Давлат активларини бошқариш агентлиги						
32	1	200489501	Қумқўрғон туман таъмирлаш механика заводи	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	25
33	2	200796358	Кўприккурилиш	АЖ	Тошкент шаҳри	100
34	3	203507673	Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи	АЖ	Тошкент шаҳри	90
35	4	303954733	Меҳнат гигиенаси	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
36	5	309018032	Инно технопарк	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
37	6	307257884	Humo Air	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги						
38	1	312036629	CONFORMITY ASSESSMENT CENTER	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
39	2	202285564	O‘ZBEK-TURK TEST MARKAZI	МЧЖ	Тошкент шаҳри	51
Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги						
40	1	308298794	V-GEN BIOPHARMA	МЧЖ	Тошкент вилояти	50
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси						
41	1	200441024	Оқтош пансионати	ДМ	Тошкент вилояти	100
Тошкент вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази (тугатилган)						
42	1	303320572	Олтин кўз дурдонаси	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
43	2	303218365	Олтинкўз зар-замин	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари						
44	1	204719266	Наманган авто мегастрой савдо комплекси[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотилади-ган улуш (фоиз)
45	2	207135003	Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо комплекси[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51
46	3	200052603	Яшил деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	68
47	4	205757694	Дўстлик савдо саноат комплекси[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51
48	5	200068313	Чуст деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51
49	6	200119841	Янгиқўрғон деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51,42
50	7	306146937	Тўрақўрғон марказий деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Наманган вилояти	51
51	8	207197994	Самарқанд уй-жой таъмир профессионал бошқарув ташкилоти	ДМ	Самарқанд вилояти	100
52	9	200956964	Тойлоқ деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Самарқанд вилояти	51
53	10	305863236	Самарқанд инновацион автомобиллар бозори[4]	МЧЖ	Самарқанд вилояти	51
54	11	204716603	Гулобод ёғоч савдо комплекси[4]	МЧЖ	Самарқанд вилояти	51
55	12	307052864	Лолазор Денов Баракат[4]	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	51
56	13	200489271	Жарқўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори[4]	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	54,6
57	14	201611071	Қибрай деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Тошкент вилояти	51
58	15	300781801	“Фарғона Юсуфжон файзи” қурилиш моллари савдо комплекси[4]	МЧЖ	Фарғона вилояти	51
59	16	305644610	Рапқон деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Фарғона вилояти	51
60	17	308026790	Яккатут деҳқон бозори[4]	МЧЖ	Фарғона вилояти	52,1
61	18	300848415	Бешариқлик Умаровлар файзи[4]	МЧЖ	Фарғона вилояти	51
62	19	302245358	Бешариқ Турон саноат савдо комплекси[4]	АЖ	Фарғона вилояти	51

Изоҳлар:

1. Сотилиши белгиланган акциялар пакетлари (улушлар) миқдори, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, активларнинг сотилиши ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Ушбу иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари мавжуд бўлганда, ушбу улушлар яхлит пакет сифатида савдога чиқарилади.

3. Зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар активларини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиб бериш тартиби белгиланиши, шу жумладан, активлар уларнинг харидори аниқлангунга қадар давлат иштирокидаги корхоналар тасарруфида қолиши ёки уларга активларни бошқариш функцияси ишончнома асосида берилиши мумкин.

4. Хўжалик жамиятлари тизимидаги ташкилотлар масъулияти чекланган жамият этиб ўзгартирилаётганда уларнинг мулклари инвентаризациядан ўтказилади ва жамият устав капиталининг миқдори мулкларини баҳолашдан ўтказмаган ҳолда солиқ органларига тақдим этилган охирги бухгалтерия баланси маълумотларига асосан унинг амалдаги устав капитали миқдорида белгиланади.

5. Мазкур иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати ва улушлар миқдорига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги қарори билан ўзгартириш киритилади ёки улар рўйхатдан чиқарилади.

6. Тижорат банклари томонидан активлар Давлат активларини бошқариш агентлигига уларнинг бошқарув органлари қарори асосида ўтказилади. Бунда активлар банкнинг эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захиралари ҳисобидан ёки активларни сотишдан тушган маблағларни (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда) тўлаб бериш ҳисобига берилади. Агар активларнинг сотилган қиймати қолдиқ (баланс) қийматдан юқори бўлса, корхоналарга (банкларга) қолдиқ (баланс) қиймати йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5630-сон Фармонида:

(а) 6-бандда:

(i) “а” ва “$а^1$” кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(ii) “в” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “сотиладиган давлат кўчмас мулк объектларини” сўзларидан кейин “ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўлган акциялар (улушлар)ни” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) “$в^1$” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“$в^1$) ҳоким ёрдамчиларининг онлайн буюртманомасига асосан:

маҳалладаги майдони 5 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда тегишли маҳаллаларнинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларига;

маҳалладаги майдони 5 000 метр квадрат ва ундан юқори бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг объект бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳамда объект жойлашган маҳалланинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига тенг улушларда”;

(iv) “в^2” кичик банддаги “Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ҳудудий жамғармасига” сўзлари “ҳудудларни ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(v) қуйидаги мазмундаги “в^3” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в^3) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари аризаси асосида сотилган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг объект бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи Савдо-саноат палатасига”;

(б) қуйидаги мазмундаги 6^1-банд билан тўлдирилсин:

“6^1. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг ҳудудий бошқармалари транзит ҳисоб рақамларига давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағларни тақсимлаш қуйидаги нисбатларда ва маблағ тушган кундан уч иш куни муддатда амалга оширилиши белгилансин:

а) давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар (давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос ҳамда мактабгача ва мактаб таълими тизими муассаса ва ташкилотларининг кўчмас мулк объектлари бундан мустасно):

25 фоиз – тегишли туман (шаҳар) бюджети даромадига;

40 фоиз – давлат мулкини балансда сақловчига;

20 фоиз – Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказига;

15 фоиз – қонунчиликда алоҳида ҳужжатларда белгиланган тартибда;

б) мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар мулки ижарасидан тушадиган маблағлар (Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази томонидан ижарага бериш бўйича сарфланган харажатларни чегирган ҳолда):

75 фоиз – давлат мулкини балансда сақловчига;

25 фоиз – тегишли туман (шаҳар) бюджети даромадига.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида ижара маблағлари тақсимланишининг бошқа тартиблари белгиланганда, мазкур бандниng “а” ва “б” кичик бандлари қоидалари маблағларнинг қолган қисмига нисбатан татбиқ этилади”;

(в) қуйидаги мазмундаги 6^2-банд билан тўлдирилсин:

“6^2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган тушумларнинг бюджет тизими бюджетларига йўналтирилиши белгиланган қисми (бундан 6-бандниng “б” ва “в” кичик бандлари мустасно) мансублиги бўйича Давлат бюджетига йўналтирилгандан сўнг, иқтисодиёт ва молия органлари томонидан мазкур ташкилотларнинг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилади. Бунда:

Давлат бюджетига йўналтирилган маблағларнинг тегишли маблағ олувчиларга ўтказиладиган қисми тўғрисидаги маълумотлар ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этилади;

ушбу маблағлар маълумот тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш куни ичида иқтисодиёт ва молия органлари томонидан маблағ олувчиларнинг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5666-сон Фармонида:

(а) 4-бандда:

(i) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) тўртинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iii) бешинчи хатбошидаги “уч” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) 7-бандниng “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(в) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(г) 11-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорига Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли мурожаати келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда келишилишини таъминлаган ҳолда, юқори турувчи манфаатдор давлат органлари, шунингдек, Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар назарда тутилган ҳолларда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги розилигига мувофиқ идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат кўчмас мулк объектларини, шунингдек, хўжалик жамияти ёки нодавлат нотижорат ташкилотига давлат мулки сифатида бириктирилган республика мулки бўлган кўчмас мулк объектларини (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно), автомототранспорт воситаларини ҳамда бошқа асосий воситаларни бир ташкилот тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш”;

(д) 5-илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги “Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6053-сон Фармонининг 3-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошиси “реализация қилишдан” сўзларидан кейин “Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига” сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6096-сон Фармонида:

(а) 10-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 12-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “бухгалтерия балансларимаълумотларига асосан” сўзлари “ҳисобот йили якуни бўйича бухгалтерия балансида (амалдаги) акс этган устав фонди миқдорида” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6201-сон Фармонининг 5-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“истисно тариқасида, Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларининг ижара ҳуқуқини ва давлат мулки объектларини реализация қилишдан Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига тушган маблағлар (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлардан ташқари) Жамғармага йўналтирилади”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги мазмундаги 8^1-позиция билан тўлдирилсин:

“

8^1.	Давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчиларда корпоратив ижтимоий масъулият (CSR) ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳолати тўғрисидаги ҳисобот.	Расмий веб-сайтлар	Ҳар йили 1 июлга қадар	Давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчилар

”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ–101-сон Фармонида:

(а) 2-бандда:

(i) учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

(ii) бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 10-илованинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–213-сон Фармонининг 8-банди “в” кичик бандидаги “Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ҳудудий жамғармасига” сўзлари “ҳудудларни ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–287-сон Фармонига 3-илованинг 6 ва 7-позициялари чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–93-сон Фармонида:

(а) 7-бандниng “б” кичик банди тўртинчи хатбошиси “давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари” сўзларидан кейин “, давлат улуши (акция пакети)” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 1-илованинг 3-позицияси “Имтиёз ва преференциялар” устуни “в” позицияси “давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари” сўзларидан кейин “, давлат улуши (акция пакети)” сўзлари билан тўлдирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат мулкини бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармонига 1-иловада:

(а) 4-бандниng “б” кичик банди иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

(б) 17-бандниng “а” кичик банди учинчи – саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер ресурсларининг инвестициявий имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–135-сон Фармонида:

(а) 1-бандниng “а” ва “б” кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида сотиб олишда олди-сотди (ер ижара) шартномаси тузилган кундан бошлаб 30 календарь кунда 15 фоиз миқдорида аванс тўлови тўлаган харидорларга сотиб олиш қийматини қуйидаги муддатларда ҳар ойда тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади:

Тошкент шаҳрида – 1 йил давомида ҳамда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – 3 йил давомида;

бошқа аҳоли пунктларида – 5 йил давомида, ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифалардаги туманларида эса 10 йил давомида;

б) барча турдаги ер участкаларининг (бошланғич нархи 50 фоиздан ортиққа пасайтирилган ҳолда реализация қилинган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бундан мустасно) қиймати:

ўн беш иш кунида тўлиқ тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 20 фоиз чегирма берилади;

базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг бараваридан юқори бўлган тақдирда, 100 фоиз тўловни олти ой давомида тўлаган харидорга жами суммага нисбатан 25 фоиз чегирма берилади";

(б) 1-иловада:

(i) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг қиймати хўжалик жамиятининг устав капиталига кейинчалик давлат улушини иккинчи иштирокчи ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга бозор қийматида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи билан қуйидаги ҳолларда давлат улуши сифатида киритилиши мумкин:

махсус иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш, шунингдек, қиймати 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ер участкаси ажратилганда, ушбу ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қиймати;

Туризмни ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) доирасида жойлаштириш воситаларини ташкил қилиш шарти билан савдога чиқарилган ер участкалари бўйича савдо ғолиби томонидан қуриладиган меҳмонхонани бошқарувчи хўжалик жамияти билан шерикликни амалга ошириш мақсадида ушбу ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг электрон онлайн аукцион савдоларида шаклланган қиймати;

ҳудудларда, шу жумладан, олис жойлардаги бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланғандан кейин ҳам уч ойдан ортиқ муддатда сотилмаган ва харидорлар учун жозибадор бўлмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқининг очиқ электрон онлайн аукцион савдоларида шаклланган қиймати.

Бунда мазкур бандниng тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда электрон онлайн аукцион савдосида **бир нафар** талабгордан ариза келиб тушган тақдирда ҳам ер участкаси унинг устав капиталига **эълон қилинган нархда** тегишли лойиҳани амалга ошириш шарти билан **киритилади** ва шаклланган улуш кейинчалик ушбу **юридик шахснинг ўзи томонидан сотиб олинади**";

(ii) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Ер участкасининг қиймати талабгор томонидан ташкил этилган (ташкил этиладиган) хўжалик жамиятининг (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти) устав фондига Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хўжалик жамиятининг устав фондидаги давлат улушини бошқарувчи бошқа давлат органининг улуши ёхуд давлат органи иштирокида ташкил этилган бошқа хўжалик жамиятининг улуши (ушбу жамиятнинг устав фондидаги давлат улушини оширган ҳолда) сифатида Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғига асосан киритилади.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ер участкаларини хўжалик жамиятларининг устав фондига киритиш тўғрисидаги буйруқ ер участкасининг ижара шартномасини тузиш учун асос ҳисобланади";

(iii) 8-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Бунда Дастур доирасида меҳмонхона қуриш лойиҳасини амалга оширган хўжалик жамиятлари устав фондидаги хусусийлаштирилаётган давлат улушлари бўйича тўловларни, уларнинг миқдоридан қатъи назар, ўн йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади";

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 октябрдаги ПФ–168-сон Фармони билан тасдиқланган Раҳбарлари қайта тақсимланаётган идоралараро коллегиал органлар рўйхатининг 42-позицияси чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 мартдаги “Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–41-сон Фармонида:

(а) 3-банд қуйидаги мазмундаги “ж” кичик банд билан тўлдирилсин:

“(ж) ер участкаларининг ижара ҳуқуқи реализацияси бўйича махсус иқтисодий зона дирекцияси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда ижарага олувчи ўртасида уч томонлама шартнома имзоланади ҳамда ер участкасининг реализация қиймати (электрон онлайн аукцион савдоларида сотилганда аукционни ўтказиш харажатлари чегирилган ҳолда) Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) ўтказилади.

Бунда Жамғармага тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетида, вилоятларнинг вилоят бюджетларида ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида очилган алоҳида даромад ҳисобварақларига ўтказилгандан сўнг, тегишинча тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаларига (тегишли ҳудудларни ривожлантириш жамғармаларига) йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлар махсус иқтисодий зоналарнинг бош режаларига мувофиқ ташқи ва ички муҳандислик-коммуникация ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуриш ва яхшилаш учун мақсадли сарфланади”;

(б) 4-бандниng “ж” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(ж) электрон онлайн аукцион савдолари якунига кўра саноат зонаси дирекцияси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда аукцион ғолиби ўртасида уч томонлама шартнома имзоланади ҳамда ер участкасининг реализация қиймати (аукционни ўтказиш харажатлари чегирилган ҳолда) Жамғармага ўтказилади.

Бунда Жамғармага тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетида, вилоятларнинг вилоят бюджетларида ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида очилган

алоҳида даромад ҳисобварақларига ўтказилгандан сўнг, тегишинча тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаларига (тегишли ҳудудларни ривожлантириш жамғармаларига) йўналтирилади ҳамда саноат зонасининг бош режасини ишлаб чиқиш, инфратузилма ва моддий-техника базасини яхшилаш, ободонлаштириш, бино ва иншоотларни таъмирлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш учун мақсадли сарфланади".

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги "2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги ПФ–70-сон Фармонида:

(а) 10-бандда:

(i) "в" кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"(в) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари аризаси асосида сотилган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи Савдо-саноат палатасига ўтказиб берилади";

(ii) қуйидаги мазмундаги "в^{1}" кичик банд билан тўлдирилсин:

"в^{1}) ҳоким ёрдамчиларининг онлайн буюртманомасига асосан:

маҳалладаги майдони 5 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда тегишли маҳаллаларнинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларига;

маҳалладаги майдони 5 000 метр квадрат ва ундан юқори бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг объект бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳамда объект жойлашган маҳалланинг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига тенг улушларда";

(б) 1-илованинг изоҳ қисмида:

(i) бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини бошқариш агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) ўн тўртинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-илованинг изоҳ қисмида:

(i) иккинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) олтинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) ўн бешинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарорига мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

(г) 6-иловада:

(i) I бўлимда:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Сотиб олиш тўловига чегирма қўллаш йўналишида (давлат активи харидорининг чегирма бериш тўғрисидаги ёзма (электрон) аризасига мувофиқ):

а) электрон онлайн аукцион, танлов ва биржа савдосида сотилган (музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотилган давлат активи бундан мустасно) ҳамда қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма уч минг бараваридан юқори бўлган давлат активининг олди-сотди шартномаси (биржа битими) бўйича сотиб олиш тўловлари у тузилган кундан бошлаб

6 ой давомида тўланган тақдирда, харидорга жами суммага нисбатан 25 фоиз чегирма қўлланади, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан сотилган, шунингдек, бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат активлари мустасно. Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади;

б) 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган электрон онлайн аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ уларнинг қийматидан қатъи назар тўловлар олти ой ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда чегирмалар берилади;

в) Хоразм вилоятида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олган харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб ушбу объект қийматидан қатъи назар олти ой ичида сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан 25 фоиз миқдорида чегирма берилади";

2-бандда:

"а" кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат активларини хусусийлаштириш бўйича олди-сотди шартномаси (биржа битими) тузилган кундан бошлаб 15 фоиз миқдорида аванс тўлови 30 календарь кунда тўланади ҳамда сотиб олиш тўловларини савдолар ўтказилган санадаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда – БҲМ) баравари миқдорида ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, харидорга 7 йилгача бўлган муддатда фоизларсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади, жумладан:

БҲМнинг уч минг бараваригача – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг уч минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг олти минг бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг олти минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн икки минг бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн икки минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн беш минг бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн саккиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн беш минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн саккиз минг бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн саккиз минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг йигирма минг бараваридан кўп бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг йигирма минг бараваридан юқори бўлган, бироқ БХМнинг йигирма уч минг бараваридан юқори бўлмаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг йигирма уч минг бараваридан юқори бўлганда ва сотиб олиш тўловининг 35 фоизини уч ой давомида тўлаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан олтмиш ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг йигирма уч минг бараваридан юқори бўлганда ва сотиб олиш тўловининг 50 фоизини олти ой давомида тўлаганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан саксон тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда;

Бунда мазкур кичик бандда назарда тутилган бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотилган давлат активларига татбиқ этилмайди”;

“е” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Бошланғич нархни пасайтириш механизмини қўллаш йўналишида:

а) давлат активлари очиқ электрон онлайн аукцион ва биржа савдоларида уч ой давомида сотилмаганда уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади;

б) давлат активлари уч ой давомида сотилмаганда, уларни очиқ электрон онлайн аукцион ва танлов савдоларида гибрид аукцион (англо-голланд модели) асосида реализация қилишга рухсат берилади. Бунда такрорий аукцион савдолари мол-мулкнинг бошланғич баҳосидан бошланиб, савдо жараёнида дастлаб нархни босқичма-босқич 2 фоиздан пасайтириб бориш тартибида, кейинчалик мулкни сотиб олиш таклифи билдирилганда таклиф билдирилган нархдан бошлаб ошириб бориш тартибида ўтказилади”;

қуйидаги мазмундаги 8 ва 9-бандлар билан тўлдирилсин:

“8. Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланадиган “оғир” маҳаллалардаги давлат кўчмас мулк объектларини оммавий савдоларга чиқаришда уларнинг бошланғич нархи баҳоланган қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

9. Давлат активлари учун тўловнинг камида 50 фоизини тўлаган харидорларга уларни реконструкция қилиш (янгидан қуриш учун бузиш) ва таъмирлаш ҳуқуқи берилади”;

(ii) II бўлимда:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Барча турдаги ер участкаларининг (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ва бошланғич нархи 50 фоиздан ортиққа пасайтирилган ҳолда реализация қилинган ер участкалари бундан мустасно):

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг бараваригача бўлганда ва ўн беш иш кунида тўлиқ тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 20 фоиз чегирма берилади;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг баравари ва ундан юқори бўлганда ҳамда олти ой давомида тўлиқ тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 25 фоиз чегирма берилади”;

2-бандда:

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида сотиб олишда 15 фоиз миқдорида аванс тўлови олди-сотди (ер ижара) шартномаси тузилган кундан бошлаб 30 календарь кунда тўланади ҳамда харидорларга сотиб олиш қийматини қуйидаги муддатларда ҳар ойда тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади:

Тошкент шаҳрида – 1 йил давомида ҳамда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – 3 йил давомида;

бошқа аҳоли пунктларида – 5 йил давомида, ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифалардаги туманларида эса 10 йил давомида”;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) сотиб олиш тўловлари базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг бараваридан юқори бўлган электрон онлайн аукцион савдоларида сотилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича қуйидаги тартибда:

50 фоиз тўловни олти ой давомида тўлаган харидорга қолган суммани 7 йил давомида;

35 фоиз тўловни уч ой давомида тўлаган харидорга қолган суммани 5 йил давомида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади”;

5-банддаги “Аукцион савдоларига чиқарилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно)” сўзлари “Очиқ аукцион савдоларига чиқарилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

“6. Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланадиган “оғир” маҳаллалардаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари электрон онлайн аукцион савдоларига бошланғич қиймати 50 фоизга камайтирилган ҳолда (савдога чиқариш ва сотиш харажатлари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда) чиқарилади”;

(iii) III бўлимда:

2-бандниng “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) маданий мерос объектларини, шунингдек, меҳмонхоналар, бозорлар, маҳалла гузарлари ва шу каби аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда давлат кўчмас мулк объектларидан жойларни ҳунармандларга ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз миқдорида белгиланади”;

4-бандниng “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Касбий кўникмалар марказлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги бошқа бинолар (иншоотлар) ёки уларнинг бир қисми жиҳозлари билан бирга уларда касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ҳамда дуал таълим ташкил қилиш шарти билан иш берувчиларга ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар асосида текин фойдаланишга ёки узоқ муддатли ижарага берилади”.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–138-сон Фармони 4-бандининг “а” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “50 фоизидан” сўзлари “49 фоизидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–157-сон Фармонига 1-иловaнинг 13–17-позициялари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

13.	Электрон онлайн аукцион баённомаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
14.	Хўжалик жамиятининг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) тўғрисида маълумот	
15.	Баҳоловчининг малака сертификати ва нусхаси	
16.	Риэлторларнинг малака сертификати ва нусхаси	
17.	Алоҳида уй-жойни (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисмини) хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома	Туман (шаҳар) ҳокимликлари (Тошкент шаҳрида – Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази)

”.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2200-сон қарорида:

(а) 6^1-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

(б) тўртинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарори билан тасдиқланган Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда “ягона дарча” тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхатининг 4-позицияси “Маълумотлар берувчи ваколатли идора” устунидаги “Туман (шаҳар) ҳокимликлари” сўзларидан кейин “(Тошкент шаҳрида – Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази)” сўзлари билан тўлдирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4381-сон қарорининг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Белгилансинки, давлат акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусийлаштиришда инвестиция воситачиси ёки маслаҳатчисининг хизматлари учун шартномада белгиланадиган мукофот пули миқдори, шу жумладан:

1 фоизгача – Давлат активларини бошқариш агентлиги қарори билан;

1 фоиздан ортиқ – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги қарори билан тўланади”.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ–4633-сон қарори билан тасдиқланган Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурининг 8-позицияси “Тадбирлар номи” устунидаги “бўйича” сўзи “комиссияси, шу жумладан, унинг активларини тасарруф этиш вазифаларини амалга ошириш учун” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4889-сон қарори 3-бандининг "д" кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги "Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5197-сон қарорида:

(а) 1-бандниng еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"аукцион ғолиби тўловларни тўлашдан бош тортган тақдирда, ғолиб ҳамда у томонидан ташкил этилган якка тартибдаги тадбиркор ноҳалол иштирокчи сифатида электрон савдо платформасидаги аукционлардан четлатилади. Бунда тўловларни тўламаслик ҳолати биринчи марта содир этилганда уч ой муддатга, иккинчи ва ундан кейинги ҳолатларда бир йил муддатга аукционлардан четлатилади";

(б) 2-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

(i) "Марказ 24/7 режимида тўлов хизматларини етказиб бериш фаолиятини ўзининг ахборот тизимидан, шу жумладан, мобил иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширади";

(ii) учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги "Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–123-сон қарорида:

(а) 3-банддаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси)" сўзлари "Давлат активларини бошқариш агентлигига" сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 5-банддаги "Давлат комиссиясига" сўзлари "Давлат активларини бошқариш агентлигига" сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–168-сон қарорида:

(а) 3-банд “а” кичик бандининг иккинчи хатбошиси ва “г” кичик банддаги “2 000” рақами “5 000” рақами билан алмаштирилсин”;

(б) 9-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги “Давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи хатбошидаги “Давлат комиссияси қарори асосида” сўзлари чиқариб ташлансин;

(iii) тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(iv) ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(в) 2-илованинг 409, 414 ва 1056-позициялари “Балансда сақловчи (Мулкдор номи)” ва “Юқори турувчи орган ёки ташкилот” устунлардаги “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ” сўзлари “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ–319-сон қарори билан тасдиқланган “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқаришни кескин ошириш ва трансформация дастурларини жадаллаштириш бўйича 2022 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасининг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	“Уранкамёб-метгеология” АЖ носоҳавий объектларини жамиятлар активларидан чиқариш.	1. “Уранкамёбметгеология” АЖнинг Навоий вилояти Учқудуқ шаҳри Геологлар шаҳарчаси ва Конимех тумани “Кўкча” МФЙда жойлашган қозонхона, ҳаммом ва аҳоли масканлари билан боғлиқ инфратузилма тармоқлари ва бошқа мол-мулкларни ҳамда Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида геология соҳаси ходимларига берилган уй-жойларни мазкур уй-жойларда истиқомат қилувчиларга хусусийлаштириб бериш шарти билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига ўтказиш чораларини кўрсин.	2022 йил ноябрь	Навоий вилояти ҳокимлиги (Н. Турсунов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ш. Умурзаков), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Муродов), “Навоийуран” ДМ (Ж. Файзуллаев)
		2. Уран бўйича “Уранкамёбметгеология” АЖнинг оператив самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги қаттиқ фойдали қазилмалар геология қидирувига	2022 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Х. Мустафоев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Муродов),

”.

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

		тегишли йўналишлардаги носоҳавий объектларни: а) Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Имом Ал-Бухорий кўчасидаги умумий ер майдони 0,4 гектар бўлган маъмурий ва ишлаб чиқариш бино-иншоотларини Давлат геология қўмитаси тизимидаги "Регионалгеология" ДУКга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида; б) Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Широқ кўчаси 110-уйдаги умумий ер майдони 1,46 гектар бўлган ишлаб чиқариш базаси ҳамда Навоий вилояти, Конимех тумани "Кўкча" МФЙда автотранспорт гараж майдонида жойлашган намуна майдалаш цехи ва намуна дубликатларини сақлаш омборхонаси "Ўзбекгеология қидирув" АЖ устав капиталига баланс қийматида ўтказилсин. Бунда ушбу объектлар "Уранкамёбметгеология" АЖ устав капиталидаги давлат улушини объектларнинг қолдиқ (баланс) қийматига камайтириш ҳисобига ўтказилади.		"Ўзбекгеология қидирув" АЖ (Ш. Алимов)

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги "Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–353-сон қарорининг 2-банди "а" кичик бандида:

(а) иккинчи хатбошидаги "2 000" рақами "5 000" рақами билан алмаштирилсин;

(б) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"маҳалладаги ҳудуди 5 000 квадрат метр ва ундан юқори бўлган давлат кўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн буюртманомасига асосан сотишдан тушган маблағларнинг объект бошланғич нархидан ошган қисмининг 5 фоизи";

(в) учинчи–саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрдаги "Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–376-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси "ижарага олишда" сўзларидан кейин "имтиёз бериш шартларига мос бўлганда" сўзлари билан тўлдирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–102-сон қарорида:

(а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 1-иловада:

(i) 188-позиция "Номи" устунидаги "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ[(3)]" сўзлари "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ[(3)]" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ" бўлимнинг номи "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ" сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) изоҳ қисмида:

олтинчи хатбошидаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини бошқариш агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарори" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи" сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг қарори" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи" сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг қарорига асосан" сўзлари ", белгиланган тартибда оммавий савдолар орқали" сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарорига асосан” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг қарори билан” сўзлари “бегоналаштиришдан кейин қолган миқдорда” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-илованинг изоҳ қисмида:

(i) иккинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) ўн тўртинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарорига мувофиқ,” сўзлари чиқариб ташлансин;

(iv) ўн бешинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарорига” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(v) ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(vi) ўн еттинчи–йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча ўн олтинчи–йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(vii) ўн тўққизинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарорига” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(viii) йигирманчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси қарорига мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

(г) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–232-сон қарорининг 15-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“электрон онлайн аукцион якуни бўйича Дирекция, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва аукцион ғолиби ўртасида уч томонлама шартнома имзоланади ҳамда ер участкасини сотишдан тушган маблағлар, аукционни ўтказиш харажатлари чегирилган ҳолда, Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига ўтказилгандан сўнг Дирекциянинг махсус ғазна ҳисобварағига йўналтирилади ва Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш ишларига сарфланади”.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ–402-сон қарори билан тасдиқланган Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“маҳалладаги ҳудуди 5 000 квадрат метр ва ундан юқори бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчисининг онлайн буюртманомасига асосан сотишдан тушган маблағларнинг объект бошланғич нархидан ошган қисмининг 5 фоизи”;

(б) еттинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишинча саккизинчи–ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–39-сон қарори 4-бандининг “б” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги “Хоразм вилоятида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–89-сон қарори 3^1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3^1. Хоразм вилоятида жойлашган давлат активларини сотиш жараёнларини жадаллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида, шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олган харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб ушбу объект қийматидан қатъи назар олти ой ичида сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан 25 фоиз миқдорида чегирма берилади;

давлат активлари бўйича тўловларни, уларнинг миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади".

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–162-сон қарорида:

(а) 6-бандда:

(i) "а" кичик банддаги "аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно)" сўзлари "очиқ аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) "б" кичик бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(б) 1-иловада:

(i) 60, 61 ва 62-позициялар "Номи" устунидаги тегишинча "Helbeto-Jizzah Chemicals", "Кимёгар қоп" ва "Jizzakh Himplast" сўзларидан кейин "$^{(5)}$" белгиси билан тўлдирилсин;

(ii) изоҳ қисмида:

тўртинчи хатбошидаги "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини бошқариш агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"(5) Корхоналарнинг номинал қиймати уларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан (баҳолаш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси тасарруфида қолдириладиган қисми чегирилган ҳолда) "Жиззах пластмасса" АЖга қоплаб берилади.

Бунда корхоналарнинг сотилган қиймати номинал қийматдан паст бўлганда, “Жиззах пластмасса” АЖга юқоридаги тартибни инобатга олган ҳолда сотилган қиймат йўналтирилади”;

олтинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи–ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “Давлат мулкини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш комиссияси қарори асосида” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-илованинг изоҳ қисмида:

(i) иккинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) олтинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси томонидан” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи билан” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилардаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

(v) ўн еттинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 3-илованинг изоҳ қисмидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–163-сон қарорида:

(а) 1-илованинг 3-позицияси чиқариб ташлансин;

(б) 3-илованинг 9-позицияси “Корхона номи” устунидаги “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ” сўзлари чиқариб ташлансин.

38. ХДФУ

39. ХДФУ

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ–145-сон қарорида:

(а) 5-бандда:

(i) “а” кичик банддаги “тасдиқлаш учун Хусусийлаштириш давлат комиссиясига тақдим этади” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда тасдиқлайди” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “е” кичик бандидаги “Хусусийлаштириш давлат комиссияси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-иловада:

(i) 4-позиция чиқариб ташлансин;

(ii) 5-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

5.	Ўзагросуғурта	АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	99,35	2025 йил II чорак	2026 йил I чорак

”.

(iii) изоҳ қисмида:

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

бешинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-илованинг изоҳ қисмидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 5-илованинг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

41. ХДФУ

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги “Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–96-сон қарорига 2а-илованинг изоҳ қисми иккинчи хатбошисидаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг буйруғи” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 06/26/177/0904-son
08.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 28 августдаги ПФ–177-сон Фармонига
13-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ–13-сон Фармонига илованинг 5-банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 11 сентябрдаги “Энергетика соҳасига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–139-сон Фармони 5-бандининг “г” кичик банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–51-сон Фармонига 2-илованинг 1-банди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги “Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги ПҚ–423-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 4-илова.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3821-сон қарорининг 9-банди.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3873-сон қарорининг 7-банди.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги “Тошкент шаҳри Чилонзор туманининг саноат салоҳияти ва инвестиция жозибадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–201-сон қарорининг 7-банди.



QMMB: 06/26/180/0883-son
03.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil «_29_» _август_ _ПФ–180_-son

Халқаро тан олинган визаларга эга бўлган хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш, виза тизимини соддалаштириш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ушбу йўналишда илғор чет давлатлар тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** Австралия, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Канада, Корея Республикаси, Шенген келишуви иштирокчилари бўлган давлатлар, Янги Зеландия ва Япониянинг амалдаги кўп марталик **бизнес** ва **туризм тоифасидаги кириш визасига эга бўлган** ҳамда **ўз ёки учинчи мамлакатга учиш авиачиптасини тақдим қилган Ҳиндистон Республикаси фуқаролари** учун ушбу хорижий визалардан бирининг амал қилиш муддати мобайнида **Ўзбекистон Республикаси** ҳудудига кирган кундан эътиборан **30 кунгача** бўлган **муддатга визасиз режим** амалиёти жорий этилсин.

2. Туризм қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2027 йил 1 июлга қадар ушбу Фармоннинг ижроси натижаларини, шу жумладан, унинг ҳиндистонлик сайёҳлар оқимига таъсирини чуқур таҳлил қилсин ҳамда мазкур амалиётни **бошқа хорижий давлатлар фуқаролари учун ҳам татбиқ этиш** юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғи Г.О. Умерова зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

34 (1262)-son
866-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «26» август № ПҚ–302

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси учун малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари ва фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда хизматни ўтаётган кадрларнинг профессионал салоҳиятини ошириш ҳамда доимий мониторинг қилиб бориш тартибини жорий қилиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий билим ва юксак амалий кўникмага эга бўлган профессионал кадрлар тайёрлашнинг **узлуксиз таълим тизимини** яратиш;

(б) Ўзбекистон Республикаси **Жамоат хавфсизлиги университетини** (кейинги ўринларда – Университет) жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида кадрларни мақсадли тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилоти сифатида трансформация қилиш.

II. Кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

2. Белгилансинки, **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** Университетда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ҳамда қўриқлаш фаолияти (кейинги ўринларда – жамоат хавфсизлигини таъминлаш) йўналишларида **кадрларни тайёрлаш** мақсадида:

(а) Университетнинг йиллик қабул квоталари бакалавриат таълим йўналишининг **кундузги таълим шаклига 600 нафар** курсантгача, **масофавий таълим шаклига 300 нафар** тингловчигача оширилиб, уларнинг **3/4 қисми** Ички ишлар вазирлиги тизими учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги кадрларни тайёрлашга ажратилади;

(б) Университет томонидан Ички ишлар вазирлиги тизими учун кадрлар тайёрлашда **қабул квоталари** ва **мутахассислик (йўналиш)лар тақсимоти** ички ишлар органларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлиги бўйича департаменти** билан келишилган ҳолда белгиланади;

(в) Университетда ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналиши учун **юриспруденция** соҳасида олий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш:

(i) бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида "Юриспруденция (**"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти"**, **"Жамоат тартибини сақлаш фаолияти"**, **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолияти"** ва **"Қўриқлаш фаолияти"**)" йўналишлари, **масофавий** таълим шаклида эса "Юриспруденция (**"Жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш"**)" йўналиши бўйича;

(ii) ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида камида беш йиллик амалий хизмат стажига эга ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун **магистратурада** ўқитиш **"Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш"** мутахассислиги бўйича амалга оширилади;

(г) Университетда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти соҳасидаги кадрларни мақсадли тайёрлаш **хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича ҳамда бозор (савдо комплекслари)даги профилактика инспекторлари** лавозимлари учун амалга оширилади.

3. Университетда **жамоат хавфсизлигини таъминлаш** йўналишида кадрларни тайёрлаш **ўқув жараёнида** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) дуал таълим тизимини ташкил этишда:

(i) 1-курсда ўқув дастурлари **ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлашга** қаратилиб, **80 фоиз** назарий ва **20 фоиз** амалий машғулотлардан;

(ii) 2-курсда ўқув дастурлари **ихтисосликка** йўналтирилиб, **60 фоиз** назарий ва **40 фоиз** амалий машғулотлардан;

(iii) 3-курсда ўқув дастурлари **амалий кўникмаларни шакллантиришга** қаратилиб, **50 фоиз** назарий ва **50 фоиз** амалий машғулотлардан иборат бўлади;

(б) курсантларнинг амалий машғулотлари **Тошкент шаҳар** ҳамда **Тошкент вилояти** ички ишлар органларининг тегишли бўлинмаларида амалга оширилади. Бунда битирувчи курс курсантлари тегишли соҳавий хизматларда **“стажёр-инспектор”** лавозимида амалиётни ўтайди;

(в) ўқув машғулотларига **жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш** (шу жумладан, психологик ёндашув) соҳаларида амалий тажриба ва профессионал маҳоратга эга бўлган маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар бир йиллик шартнома асосида Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилинади.

4. Миллий гвардия (Б.Ташматов), Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов, Т.Исмаилов) **2026 йил 1 октябрга қадар**:

(а) Университетнинг тузилмасида амалдаги штат бирликлари доирасида **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” кафедрасини** ташкил қилиш ҳамда уни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан жамлаш чораларини кўрсин;

(б) мазкур қарорга мувофиқ Университетда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида **янги ўқув дастурлари ва режаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш** ва тасдиқлашни таъминласин.

III. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент):

(a) Университет квоталарининг **3/4 қисмини** Ички ишлар вазирлигининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда **йўналишлар кесимида шакллантиради** ҳамда белгиланган тартибда **тасдиқлаш учун** Миллий гвардия қўмондонига киритади;

(б) Университетнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришда **иштирок этади** ва **ўз хулосаларини** тақдим этиб боради;

(в) жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида таҳсил олаётган курсантларнинг **дуал таълим тизимини ташкил этади,** уларнинг бу борадаги **кўникмаларини баҳолайди** ҳамда мазкур жараёнларнинг самарали амалга оширилиши учун **масъул ҳисобланади**;

(г) жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ўқув жараёнини ташкил этишда (таълим дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда) бевосита иштирок этади, ўз таклиф ва тавсияларини тақдим этиб боради ҳамда таҳсил олаётган курсантларнинг касбий билим ва кўникмалари даражасини **даврий равишда** ўрганиб бориб, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни белгилайди.

IV. Университетнинг таълим тизимини такомиллаштириш

6. Белгилансинки:

(а) Университет бакалавриат таълим йўналишида:

(i) Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мутахассисларни тайёрлаш **кундузги таълим шаклида** давлат гранти асосида;

(ii) **масофавий таълим шаклида** Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг олий маълумотга эга бўлмаган ҳарбий хизматчилари ва ходимлари учун давлат гранти асосида, олий маълумотга эга бўлган ҳамда Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳарбий хизматчилари ва ходимлари учун тўлов-контракт асосида;

(iii) кадрларни умумфуқаровий асосда тайёрлаш **кундузги, кечки ва масофавий таълим шаклларида** тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

(б) Университетнинг **дуал таълим тизимида** ҳар бир курсант ва тингловчига ўқишни бошлашидан уни тамомлангунча бир нафардан тажрибали амалиётчи-мутахассисни **ментор-тьютор сифатида бириктириш** тартиби жорий этилади;

(в) ҳар йили олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотлари курсантлари ўртасида **"Ҳуқуқшунослик" фан олимпиадаси** ташкил этилади ҳамда ғолиб бўлганларга **халқаро олимпиадаларда** иштирок этиш имконияти берилади;

(г) Университет таълим жараёнининг **сифат кўрсаткичлари** ва келгусидаги **стратегияси** битирувчиларнинг **беш йил** давомидаги **касбий ўсиши** ҳамда **хизмат самарадорлиги мониторинги** натижаси орқали 1-иловага мувофиқ мезонлар асосида белгиланади;

(д) Университет томонидан бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда грантлар ҳисобидан ҳар йили **профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар** ва **магистрлар**нинг **камида 30 нафарини** ҳамкор хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва тажриба алмашиш учун юбориш амалиёти жорий этилади;

(ж) Университетда амалдаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш улар муқаддам ўрнатилган тартибда якунлангунига қадар сақланиб қолади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) эҳтимолий бўлган хавфларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш учун Университетда **профайлинг дастурлари асосида ўқитиш тизими** жорий этилади. Бунда:

(i) бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида профайлинг учун ажратиладиган ўқув соатлари **камида икки бараварга кўпайтирилади**;

(ii) Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ҳарбий хизматчилари (ходимлари)ни профайлинг бўйича малака ошириш курсларида мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида ўқитади;

(iii) профайлинг йўналишида илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар сони 2030 йилгача босқичма-босқич оширилиб, янги технологияларни қўллаш истиқболлари бўйича тадқиқотларга устуворлик берилади;

(б) Университетда курсант ва тингловчиларга **2 та** хорижий тилни **"1+1"** дастури асосида қуйидаги тартибда мукаммал ўргатиш йўлга қўйилади:

(i) 1 та хорижий тил Университет томонидан белгиланади, **1 та** хорижий тил таълим олувчиларнинг танловига асосан ўқитилади;

(ii) хорижий тилни билиш даражаси бўйича **миллий** ва **халқаро сертификат** олиш учун имтиҳон харажатлари Университетнинг **бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан қоплаб берилади;

(в) Миллий гвардия қўмондонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлиги бўйича департаменти билан келишилган ҳолда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун Университетнинг **масофавий таълим шаклига белгиланган қабул квотасининг 50 фоизигача бўлган миқдорда тўлов-контракт асосида қўшимча квота киритиш ҳуқуқи берилади**;

(г) Университетда кадрлар тайёрлашда **соғлом рақобат муҳитини** яратиш ҳамда олий таълим тизимида **ҳамкорликни кучайтириш** мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан Университетда, шунингдек, Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида паритет тартибида **ҳар йили 100 академик соатдан иборат маҳорат дарслари ўтилади**;

(д) Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга номзодлар танлов асосида саралаб олиниб, тажриба тариқасида уларни **бир йил муддатга шартнома асосида педагогик фаолиятга жалб қилиш** амалиёти жорий этилади. Бунда:

(i) эришган натижаларига кўра профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома кейинги ўқув йили учун узайтирилади;

(ii) профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома кейинги ўқув йили учун узайтирилмаган тақдирда улар илгариги, унга тенг ёки юқори лавозимга тайинланади;

(iii) профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома салбий сабабларга кўра бекор қилинган ёки узайтирилмаган ҳолларда уларни лавозимга тайинлаш ёки ҳарбий хизматдан бўшатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида илмий-педагогик жараённи 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

V. Таълим жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш

9. Белгилансинки, Университетнинг ўқув жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

(а) Университет ўқув дастурларига “Оилавий медиация асослари”, “Конфликтология (стресс-менежмент)”, “Муаммоли социология”, “Хавф-хатар таҳлили (риск-менежмент)”, “Профайлинг”, “CPTED асослари”, “OSINT ва рақамли таҳлил”, “Жамоат хавфсизлигини таъминлашда геоинформацион тизимлардан фойдаланиш”, “Учувчисиз учиш қурилмалари ва робототехника мажмуаларидан фойдаланиш” фанлари киритилиб, бунда:

(i) курсант ва тингловчиларни жамоат хавфсизлигини таъминлашда **махсус дастурий таъминотлар, сунъий интеллект технологиялари** ҳамда **дронлардан фойдаланиш бўйича** назарий ва амалий кўникмаларга ўқитиш йўлга қўйилади;

(ii) **таълим дастурлари** Департамент ва миллий ҳамда хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларини жалб этган ҳолда биргаликда ишлаб чиқилади;

(б) Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш симулятори” виртуал ўқув-амалий мажмуаси** жорий этилади ҳамда бунда:

(i) маҳалла, таълим муассасаси, жамоат жойи, демографик, ижтимоий ва ҳуқуқий кўрсаткичларга асосланган ҳолда курсант ва тингловчилар учун хавф индексини баҳолаш, тегишли чораларни белгилаш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш;

(ii) видеокузатув, биометрик идентификация, предиктив таҳлил, реал вақт режимидаги хавфсизлик мониторинги ва хулқ-атвор таҳлили технологияларини синовдан ўтказиш имконияти яратилади;

(в) курсантлар (тингловчилар) томонидан маъруза машғулотларида ва баҳолашда қўлёзма конспектларни мажбурий ёзиш талаби бекор қилинади, улар томонидан белгиланган вақт ва жойларда шахсий компьютер техникаларидан фойдаланиш амалиёти жорий этилади, шунингдек, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган жойларда Wi-Fi зоналар ташкил қилинади.

10. Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг фаолияти ва ўқув натижаларини баҳолаш ҳамда рейтингини шакллантириш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи **“E-reyting” платформаси** жорий этилади:

(а) профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг комплекс мезонлар асосидаги рейтинг натижаларини онлайн кўрсатиб турувчи таҳлилий (dashboard) жадвалларини намойиш этиш;

(б) баҳолаш тизимида профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг тегишинча инновацион методик ёндашувлар, академик кўрсаткичлари, машғулотлар самарадорлиги, жисмоний тайёргарлик даражалари ҳамда илмий-ижтимоий ва ижодий фаолликларини инобатга олиш.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, “E-reyting” платформаси орқали шакллантирилган рейтинг натижаларига кўра:

(а) ўқув семестри якунида энг юқори ўринларни эгаллаб турган 10 нафардан профессор-ўқитувчи ва курсантлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади;

(б) ўқув йили якунида энг паст ўринларни эгаллаб турган Университетнинг 10 нафар профессор-ўқитувчилари (ҳарбий хизматчилар ва хизматчилар) билан кейинги ўқув йили учун педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома узайтирилмайди;

(в) фаолияти KPI асосида **"қониқарсиз"** деб баҳоланган Университетнинг профессор-ўқитувчилари билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома бекор қилиниши ёки узайтирилмаслиги мумкин.

VI. Халқаро ҳамкорлик ва илмий-тадқиқот фаолиятни ривожлантириш

12. Университет бошлиғининг **инновацион таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси** (кейинги ўринларда – Университет бошлиғининг маслаҳатчиси) лавозими киритилсин ҳамда қуйидаги тартиблар жорий этилсин:

(а) Университет бошлиғининг маслаҳатчиси лавозимига **хорижий мутахассис (эксперт, менежер)** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Миллий гвардия қўмондони томонидан шартнома асосида тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(б) Университет бошлиғининг маслаҳатчиси мақомига кўра Университет бошлиғи ўринбосарига тенглаштирилади ҳамда унинг меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари Университет бошлиғи томонидан Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартномада мустақил равишда белгиланади.

13. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини босқичма-босқич имплементация қилиш мақсадида:

(а) Университетнинг амалдаги штат бирликлари доирасида Хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш факультети негизида **"Жамоат хавфсизлиги минтақавий ўқув маркази"** (кейинги ўринларда – Минтақавий марказ) ташкил этилсин ва қуйидагилар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(i) ҳуқуқ-тартибот соҳасида хорижий етакчи ўқув марказлари билан **стратегик ҳамкорликни** ўрнатиш ва ривожлантириш, минтақа давлатларининг жамоат хавфсизлиги йўналишидаги ўқув-таълим муассасалари ўртасида қўшма тадқиқот лойиҳаларини йўлга қўйиш;

(ii) хорижий давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун қисқа муддатли (1–4 ҳафта), ўрта муддатли (1–6 ой) ҳамда

узоқ муддатли (6 ойдан 1 йилгача) **малака ошириш** ва **қайта тайёрлаш курсларини** ташкил этиш;

(iii) хорижий ва маҳаллий экспертлар, тренерлар ҳамда амалиётчи мутахассислардан иборат профессионал **ўқитувчилар (тренерлар) тўғрисидаги маълумотлар базаси**ни шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш;

(б) Минтақавий марказга Университетнинг алоҳида тузилмавий бўлинмаси сифатида ўқув-методик, илмий-тадқиқот фаолиятини ва халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ваколатлари берилади;

(в) Минтақавий марказ бошлиғи ва унинг ўринбосарига тегишинча Хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш факультети бошлиғи ва унинг ўринбосарига белгиланган моддий-молиявий таъминот тартиби қўлланилади.

14. Минтақавий марказ фаолиятини босқичма-босқич ташкил этишнинг механизми қуйидагича белгилансин:

(а) биринчи босқич (2026–2027 йиллар) – ички салоҳиятни шакллантириш босқичи:

(i) хорижий етакчи ўқув марказлари билан **мақсадли халқаро ҳамкорлик алоқалари** ўрнатилади;

(ii) хорижий етакчи мутахассислар ва амалиётчи тренерлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида жалб этилади;

(iii) хорижий мутахассислар томонидан Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини интенсив ўқитиш дастурлари (“trainer of trainers” – тренерларни тайёрлаш дастурлари) амалга оширилиб, халқаро тан олинган **сертификатлар** тақдим этилади;

(iv) тайёргарликдан ўтган **маҳаллий ўқитувчилар** томонидан Университет курсант ва тингловчиларига замонавий ўқитиш услублари ва дастурлари асосида таълим бериш йўлга қўйилади;

(б) иккинчи босқич (2028 йил) – миллий ўқитиш модели ва инфратузилмани такомиллаштириш босқичи:

(i) хорижий тренерлар ёрдамида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари, симулятор машғулотлари ва кейс-стади материаллари асосида **миллий ўқув-методик мажмуаси** шакллантирилади;

(ii) халқаро стандартларга мос ҳолда **ўқув полигонлари**, **симулятор заллари**, **виртуал ўрганиш** муҳитлари ташкил этилади;

(iii) қўшма (dual-degree) таълим дастурлари, онлайн модулли курслар ҳамда **қисқа муддатли** халқаро сертификат **курслари** йўлга қўйилади;

(в) учинчи босқич (2029 йил ва ундан кейин) – Минтақавий марказ мақомини мустаҳкамлаш босқичи бўлиб, унда хорижий давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун малака ошириш курслари (шу жумладан, онлайн шаклида) **мунтазам асосда** йўлга қўйилади.

15. Университетнинг Илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Ўқув-услубий ситуацион маркази негизида Университет ҳузурида амалдаги штатлар доирасида **Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар институти** ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) жамоат хавфсизлигига таҳдидларни ўрганиш, баҳолаш, прогнозлаш, шунингдек, оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларда қўлланилаётган тактикаларни комплекс тадқиқ қилиш;

(б) жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид **миллий** ва **халқаро грант лойиҳаларини** тайёрлаш ва ижросини таъминлаш, касбий стандартлар, малака талаблари ва таълим дастурларини такомиллаштиришда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш;

(в) ёшларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид сунъий интеллект ва предиктив таҳлил йўналишларидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳар йили халқаро ва республика хакатонларини ўтказиш ва ғолиб лойиҳаларни грант асосида молиялаштиришни таъминлаш.

16. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар институтининг ташкилий тузилмаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

VII. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

17. Тошкент вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Университет ҳудудига туташ бўлган Тошкент вилояти Тошкент тумани "Чиғатой" МФЙ ҳудудидаги **5 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан** белгиланган тартибда Университет балансига беғараз ўтказсин.

18. Миллий гвардия (Б. Ташматов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Тошкент шаҳар (Ш. Умурзаков) ва Тошкент вилояти (З. Мирзаев) ҳокимликлари билан биргаликда:

(а) 2027 йил 1 сентябрга қадар давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаган ҳолда Университетнинг малака ошириш факультети тингловчилари учун 200 ўринли хостелни;

(б) 2028 йил 1 июлга қадар инвестиция дастурлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан 600 ўринли ётоқхонани қуриш чораларини кўрсин.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этиш мақсадида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5077-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Миллий гвардия (Б.Ташматов) **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу

қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

22. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 26 августдаги ПҚ–302-сон қарорига
1-илова

Жамоат хавфсизлиги университети битирувчиларининг касбий ўсиши ҳамда хизмат самарадорлиги мониторинги
МЕЗОНЛАРИ

Битирувчилар мониторинги Жамоат хавфсизлиги университетини тамомлагандан кейин **беш йил** давомида **ҳар йили** қуйидаги мезонлар асосида ўрганилади:

хизматда қолиши;

битирувчининг сўровномаси;

битирувчига унинг бевосита раҳбари томонидан берилган баҳо;

кадрлар бўлинмасининг маълумотлари (интизомий жазолари, рағбатлантиришлар);

аттестация ва малака ошириш натижалари;

хизмат ютуқларини таҳлил қилиш;

хизмат поғонасидаги ўсиши ва пасайиши.

Изоҳ: *Мониторинг Миллий гвардиянинг таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг кадр органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.*

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 26 августдаги ПҚ–302-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида илмий-педагогик жараённи 2030 йилгача ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ (ИНДИКАТОРЛАРИ)

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
I. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштириш								
1.	Халқаро рейтингларда ТОП-1000 таликдан ўрин олган хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда машғулотларни ташкил этиш	машғулотлар сони	5	10	20	30	40	50
2.	Курсант ва тингловчиларни амалиёт ўташ мақсадида ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотларига юбориш	курсант ва тингловчилар сони	10	15	20	20	25	30
3.	Курсант ва тингловчиларни тил билиш даражасини тизимли равишда ошириш мақсадида халқаро тан олинган тил сертификатларини (IELTS, TOEFL, CEFR ва бошқалар) қўлга киритишни йўлга қўйиш	курсант ва тингловчилар сони	219	255	290	325	360	400
II. Ўқув дастурлари, технологик ишланмалар, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тубдан такомиллаштириш								
4.	Ўқув дастурларини таълим йўналиши ва мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда янгилаш	фоизда (ўқув дастурлари салмоғи)	40	45	50	60	75	100

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
5.	Интеллектуал фаолият натижасида замонавий ва самарадор ишланмаларни ишлаб чиқиш	ишланмалар сони	12	16	18	21	24	27
6.	Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ва республика миқёсида хакатон мусобақасини ўтказиш	хакатонлар сони	-	2	3	5	7	10
7.	Дарсликларни замонавий билим ва тажриба асосида янгилаш ва нашр этиш	фоизда (дарсликлар салмоғи)	85	90	92	95	98	100
8.	Ўқув-услубий қўлланмаларни фанлар кесимида қайта ишлаб чиқиш	фоизда (ўқув-услубий қўлланмалар салмоғи)	60	70	77	85	95	100
III. Илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш								
9.	Университетнинг илмий салоҳияти (илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши)ни ошириш	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	76,8	78	78,5	79	79,5	80
10.	Университетда уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ҳамда яширин иқтисодиёт соҳасида диссертация ишлари улушини ошириш (PhD ва DSc)	илмий педагогик кадрлар сони	151	155	160	165	175	190
11.	Университетда мақсадли ва тематик илмий-техник лойиҳалар, хорижий грантлар асосида тадқиқотларни амалга ошириш	тадқиқотлар сони	2	3	5	7	9	11

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
12.	Монографиялар нашр этиш	монографиялар сони	10	24	26	28	30	32
13.	Профессор-ўқитувчилар томонидан халқаро илмий журналларда, шунингдек, “Web of Science”, “Scopus” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналларда мақолалар чоп этиш	мақолалар сони	130	150	200	250	300	350
14.	Хирш индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар салмоғини ошириш	профессор-ўқитувчилар сони	52	55	60	65	70	75
15.	Республика илмий журналларида мақолалар чоп этиш	мақолалар сони	186	200	250	300	350	400
16.	Халқаро ва республика даражасидаги илмий-амалий конференциялар ўтказиш	конференциялар сони	14	15	17	19	21	25
17.	Хорижий нуфузли олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумларини имзолаш	меморандумлар сони	15	20	35	45	55	65
IV. Педагог кадрларнинг билим, малака ва касбий тайёргарлик даражасини ҳозирги кун талаблари асосида ошириш								
18.	Профессор-ўқитувчиларни бошқа олий таълим ташкилотларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	20	35	45	65	85	100

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
19.	Турдош таълим муассасалари ўртасида соҳанинг етук мутахассислари иштирокида маърузалар ташкил этиш	маърузалар сони	20	24	30	36	42	48
V. Хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш								
20.	Хорижий ҳамкор олий таълим муассасаларидан етакчи профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига машғулот ўташга жалб этиш	хорижий профессор-ўқитувчилар сони	1	4	8	12	16	20
21.	Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларини етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларида стажировка ўташга юбориш ва малакасини ошириш	фоизда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	29	31	36	41	46	51
22.	Халқаро келишувлар, халқаро симпозиум ва конференцияларда иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчилар салмоғини ошириш	жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар сони	4	6	8	10	12	15
23.	Турдош хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув ва илмий адабиётлар (дарслик, ўқув қўлланма ва монография) тайёрлаш	Адабиётлар сони	1	1	3	6	8	10

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 26 августдаги ПҚ–302-сон қарорига
3-илова

Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар институтининг ташкилий тузилмаси



Изоҳ:

1. Институтнинг ишчи-хизматчи тоифасидаги бош илмий ходим, етакчи илмий ходим ва катта илмий ходим лавозимлари Университет ишчи-хизматчи (шу жумладан, профессор-ўқитувчилари) лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобидан жорий этилиши мумкин.
2. Миллий гвардия қўмондонига Институтнинг ташкилий-штат тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 26 августдаги ПҚ–302-сон қарорига
4-илова

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	I. Ташкилий чора-тадбирлар				
1.	Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда – Университет) бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларидаги ўзгаришларни инобатга олиб, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев)**
2.	Университетнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим дастурларини хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Ташқи ишлар вазирлиги **(Б. Саидов),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов)**
3.	“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” йўналиши бўйича бакалавриат кундузги таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш. Бунда курсантлар биринчи курсда умумий, 2-курсдан бошлаб эса хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича ҳамда бозорлар (савдо комплекслари)даги профилактика инспекторлари лавозимлари учун мақсадли ўқитилади.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	–	Миллий гвардия **(Ш. Ибрагимов, М. Рустамбаев),** Ички ишлар вазирлиги **(Т.Исмаилов)**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
4.	Университет тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедрасини ташкил этиш. Университет профессор-ўқитувчиларининг билим ва малакаларини баҳолаш мақсадида ассесментдан ўтказиш ва натижалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	–	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов)** Бошқарув самарадорлиги агентлиги **(У.Хусаинов)**
5.	Университет ҳузурида Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар институти фаолиятини йўлга қўйиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	–	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев)**
II. Ўқув-услубий жараённи такомиллаштириш					
6.	Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга номзодлар танлов асосида саралаб олиниб, тажриба тариқасида бир йил муддатга шартнома асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш. Бунда: Университетнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг бевосита иштироки ва ижобий хулосаси асосида амалга оширилишини таъминлаш; эришган натижаларига кўра профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартномани кейинги ўқув йили учун узайтириш; профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома кейинги ўқув йили учун узайтирилмаган тақдирда уларни илгариги, унга тенг ёки юқори лавозимга тайинлаш;	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	–	Миллий гвардия **(Ш. Ибрагимов, М. Рустамбаев),** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **(И. Норқулов),** Ички ишлар вазирлиги **(Т. Исмаилов)**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	ўқув семестри якунида комплекс мезонлар бўйича рейтингда энг юқори ўринларни эгаллаб турган 10 нафардан профессор-ўқитувчи ва курсантларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб, энг паст ўринларни эгаллаб турган 10 нафар профессор-ўқитувчилар (ҳарбий хизматчилар ва хизматчилар) билан кейинги ўқув йили учун педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартномани узайтирилмаслик; профессор-ўқитувчилар билан педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича шартнома салбий сабабларга кўра бекор қилинган ёки узайтирилмаган ҳолларда уларни лавозимга тайинлаш ёки ҳарбий хизматдан бўшатишни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш кўзда тутилади.				
7.	Университетда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан, шунингдек, Университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги олий таълим муассасаларида паритет принципига асосан маҳорат дарслари ўтишни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Миллий гвардия ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги олий таълим муассасалари бошлиқлари
8.	Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти (кейинги ўринларда – Департамент)нинг Университетда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги таълим-тарбия жараёнидаги иштирокини ташкил этиш. Бунда Департамент ўқув жараёнини ташкил этишда (таълим дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда) бевосита иштирок этиши, ўз таклиф ва тавсияларини тақдим этиб бориши ҳамда таҳсил олаётган курсантларнинг касбий билим ва кўникмалари даражасини даврий равишда ўрганиб бориши, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаб бориши назарда тутилади.	Идоралараро қарор лойиҳаси	2026 йил октябрь	–	Миллий гвардия **(Ш.Ибрагимов, М. Рустамбаев),** Ички ишлар вазирлиги **(Т. Исмаилов)**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
9.	Департамент томонидан Университетнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида таҳсил олаётган курсантларнинг дуал таълим жараёнини ташкил этиш тартибини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш: жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида таҳсил олаётган курсантларнинг дуал таълим тизимини ташкил этиш; курсантларнинг бу борадаги кўникмаларини баҳолаш ҳамда мазкур жараёнларни самарали амалга ошириш.	Идоралараро қарор лойиҳаси	2026 йил октябрь	–	Миллий гвардия **(Ш.Ибрагимов, М. Рустамбаев),** Ички ишлар вазирлиги **(Т. Исмаилов)**
10.	Университетда эҳтимолий бўлган хавфларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш учун профайлинг дастурлари асосида ўқитиш тизимини жорий этиш. Бунда: бакалавриат ва магистратура ўқув режаларида профайлинг фан дастурлари учун ажратиладиган ўқув соатларини камида икки бараварга кўпайтириш; Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ҳарбий хизматчилари (ходимлари)ни профайлинг бўйича малака ошириш курсларида мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида ўқитиши белгиланади.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил январь	–	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таълим ташкилотларининг курсант ва тингловчилари ўртасида ҳуқуқшунослик фан олимпиадаларини ташкил этиш ҳамда ғолиб бўлганларнинг халқаро олимпиадаларда иштирок этишини таъминлаш.	Идоралараро ҳужжат лойиҳаси	2027 йил январь	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** манфаатдор вазирлик ва идоралар
12.	Университет битирувчиларининг беш йил давомидаги касбий ўсиши ҳамда хизмат самарадорлиги мониторингини амалга ошириш. Бунда:	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2027 йил январь	–	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	иш берувчилар томонидан битирувчиларнинг беш йил давомида хизматда қолиши, кадрлар бўлинмасининг маълумотлари (интизомий жазолари, салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилиши, рағбатлантирилиши), бевосита раҳбарларининг баҳоси, аттестация ва малака ошириш натижалари, хизмат ютуқлари, хизмат поғонасидаги ўсиши ва пасайиши ҳамда хизмат самарадорлигини (билим савиясини) мониторинг қилиш тартиби; иш берувчилар томонидан мониторинг натижаларини Университетга тақдим этиш шакли ва тартиби; мониторинг натижаси асосида Университет таълим жараёнининг сифат кўрсаткичи ва келгусидаги стратегиясини белгилаш тартиби кўзда тутилади.				Ички ишлар вазирлиги **(А. Ташпулатов),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	Курсантлар (тингловчилар) томонидан маъруза машғулотларида ва баҳолашда қўлёзма конспектларни мажбурий ёзишни бекор қилиш, шунингдек, улар томонидан белгиланган вақт ва жойларда шахсий компьютер техникаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш. Университетда белгиланган жойларда **Wi-Fi-зоналарни** ташкил қилиш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев)**
III. Илмий тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш					
14.	Университетнинг Хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш факультети негизида Жамоат хавфсизлиги минтақавий ўқув марказини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил январь	–	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
15.	Университет ўқув жараёнларига мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш чораларини кўриш. Бунда: жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш (шу жумладан, психологик ёндашувда) соҳаларида амалий тажриба ва профессионал маҳоратга эга бўлган маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни (экспертларни) **бир йил** муддатга шартнома асосида жалб қилиш; Университетга хорижий экспертларни **шартнома асосида** жалб этиш механизмларини белгилаш; Университет бошлиғининг инновацион таълим бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш ҳамда хорижий давлатлардан Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **шартнома асосида** эксперт-менежер жалб этиш тартибини белгилаш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, Ш.Ибрагимов, М. Рустамбаев),** Ташқи ишлар вазирлиги **(Б. Саидов),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **(И. Норқулов)**
16.	Университетда халқаро ҳамкорлик ва икки томонлама шартномалар доирасида хорижий давлатлар ҳарбий хизматчиларининг таълим олиш салмоғини ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Халқаро ҳамкорлик ва икки томонлама шартномалар доирасида	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Ташқи ишлар вазирлиги **(Б. Саидов),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов)**
17.	Университет билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бунда Университет томонидан ҳар йили камида 30 нафар профессор-ўқитувчилар, илмий-педагог кадрлар ва магистрларни ҳамкор хорижий таълим муассасаларига, ихтисослашган таълим ташкилотларига малака ошириш, стажировка ва тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджет, бюджетдан ташқари ва грант маблағлари	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Ташқи ишлар вазирлиги **(Б. Саидов),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов)**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
IV. Ўқув-услубий жараёнга замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш					
18.	Университетда “Жамоат хавфсизлиги симулятори” виртуал ўқув-амалий мажмуасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда маҳалла, таълим муассасаси, жамоат жойи ва йўл қисмининг ҳақиқий демографик, ижтимоий ва ҳуқуқий кўрсаткичларга асосланган ҳолда курсант ва тингловчилар учун хавф индексини баҳолаш, тегишли чораларни белгилаш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантирувчи дастурий таъминот яратиш кўзда тутилади.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2028 йиллар	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, Ш. Ибрагимов, М. Рустамбаев)**
19.	Университетда профессор-ўқитувчилар ҳамда курсант ва тингловчиларнинг фаолиятини баҳолашнинг янги KPI тизимини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил январь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов)**
20.	Университет профессор-ўқитувчилари ҳамда курсант ва тингловчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида “E-reyting” платформасини жорий этиш. Бунда: профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг комплекс мезонлар асосидаги рейтинг натижаларини онлайн кўрсатиб турувчи таҳлилий (dashboard) жадвалларни намойиш этиш; баҳолаш тизимида профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг тегишинча инновацион методик ёндашувлар, академик кўрсаткичлари, машғулотлар самарадорлиги, жисмоний тайёргарлик даражалари ҳамда илмий-ижтимоий ва ижодий фаолликларини инобатга олиш назарда тутилади.	“E-reyting” платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш	2027 йил август	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Рақамли технологиялар вазирлиги **(Ш. Шерматов)**

QMMB: 07/26/302/0885-son
04.09.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
21.	Университетда масофавий таълим тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ягона “Рақамли кампус” таълим платформасини ишлаб чиқиш. Бунда LMS, AI-мониторинг ва “Рақамли кампус” таълим платформаларини интеграция қилиш чоралари кўрилади.	“Рақамли кампус” инновацион полигони ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев),** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **(К. Шарипов),** Рақамли технологиялар вазирлиги **(Ш. Шерматов)**
V. Моддий-техника базани мустаҳкамлаш					
22.	Университет ҳудудига туташ бўлган Тошкент вилояти Тошкент тумани “Чиғатой” МФЙ ҳудудидаги 5 га ер майдонини Жамоат хавфсизлиги университети балансига ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	–	Тошкент вилояти ҳокимлиги **(З. Мирзаев),** Давлат активлари агентлиги **(С. Муродов),** Миллий гвардия **(Б. Ташматов, М. Рустамбаев)**
20.	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишга йўналтирилган грантларда ИИВ академияси ва Малака ошириш институтининг иштирокини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, давлат органларининг	Ички ишлар вазирлиги (Д. Саттаров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
				бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, миллий ва халқаро грантлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), “Янги Ўзбекистон” университети (Б. Аҳмедов)
21.	Фуқаролар ва ходим (ҳарбий хизматчи)ларни ИИВ академияси ва хорижий давлатлар таълим ташкилотлари, шунингдек, ИИВ техникумларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини белгиланган муддатларда хизмат қилмаганлик учун ундириш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда ундириладиган пул миқдорларини хизмат қилмаган йилларни инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб белгилаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил ноябрь	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов)
22.	ИИВ академияси ва Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари таркибидаги лавозимларга номзодларни танлов асосида саралаб олиш ҳамда бир йил муддатга шартнома асосида педагогик фаолиятга жалб қилиш тартибини белгилаш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)
23.	ИИВ академияси ва Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари, курсант ва тингловчиларининг фаолияти ва ўқув натижаларини баҳолаш ҳамда рейтингини шакллантириш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш мақсадида “Smart reyting” платформасини жорий этиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил декабрь	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
IV. Малака ошириш институти фаолиятини такомиллаштириш					
24.	ИИВ минтақавий ўқув марказларини ИИВ Малака ошириш институти филиаллари сифатида қайта ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	–	Ички ишлар вазирлиги (Д. Саттаров)
25.	ИИВ Малака ошириш институти ва филиалларининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил ноябрь	–	Ички ишлар вазирлиги (Д. Саттаров)
26.	ИИВ Малака ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари таркиби томонидан тегишли юкламаларни бажариш ҳамда таълим олувчиларнинг модулларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари ва методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь – декабрь	–	Ички ишлар вазирлиги (Д. Саттаров)
V. Таълим ташкилотларидаги ўқув-ташкилий, илмий-тадқиқот фаолияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш					
27.	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида диссертация тадқиқотларининг самарадорлигини ошириш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун диссертация тадқиқотларининг йўналишлари рўйхатини (барча давлат органларининг изланувчилари учун) ички ишлар вазири томонидан тасдиқлаш; диссертация тадқиқот йўналишларини (мавзуларини) вилоятлар, туман (шаҳар)лар ва маҳаллалар кесимидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги долзарб амалий муаммолар ечимига қаратиш;	Идоралараро норматив ҳужжат	2026 йил ноябрь	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров), Фанлар академияси (Ш. Аюпов), жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид тадқиқотларни олиб борувчи таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид диссертация тадқиқотларининг амалий таклифлари юзасидан Ички ишлар вазирлиги томонидан амалиётга зарурати бўйича хулоса бериш ҳамда жорий этиш; жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги диссертация тадқиқотлари ҳимоясини (ёпиқ тадқиқотлардан ташқари), қоида тариқасида, Ички ишлар вазирлигида (амалиёт ходимлари иштирокида) сайёр равишда ўтказиш амалиётини жорий этиш.				
28.	ИИВ техникумлари ва академиясида таълим дастурларини мослаштирган ҳолда курсант (тингловчи)ларни муайян транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш. Бунда: 1-курс курсант (тингловчи)ларини “A” ва “B” тоифасидаги транспорт воситаларини бошқаришга ўқитиш; 2-курс курсант (тингловчи)ларини (“A” ва “B” тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд) “C” ва “D” тоифасидаги транспорт воситаларини бошқаришга ўқитиш ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда имтиҳонлар топширилишини назарда тутиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб	Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)
29.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг стажировка дастурлари асосида Ички ишлар вазирлиги таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчи ва илмий-педагог кадрларини, шунингдек, ички ишлар органлари	Ташкилий чора-тадбирлар	Келишув асосида	“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари,	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	ходим (ҳарбий хизматчи)ларини ҳар йили хорижий таълим, илмий ёки бошқа ташкилотларда ташкил этиладиган хорижий курсларда стажировка ўташга юбориш чораларини кўриш.			қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	(Г. Исмаилова), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Аълоев)
30.	ИИВ таълим ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига оид илғор тажрибаларга асосланган хорижий адабиётлар билан таъминлаш. Бунда: хорижий адабиётлар рўйхатини кейинги йил учун ИИВ томонидан шакллантириш ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этиш; Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан илғор тажрибаларга асосланган хорижий адабиётларни муаллифлик ҳуқуқлари асосида харид қилиш, таржима, таҳрир қилиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда чоп этиш ишларини режа-графикка асосан амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йилдан бошлаб	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов)
31.	ИИВнинг академик лицейлари, техникумлари, Малака ошириш институти ва унинг филиаллари ҳамда Академияси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, дастурий ва техник воситалар, сарфланадиган лаборатория материаллари, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар ва инвентарларни харид қилиб, Ўзбекистонга олиб кириш ва таълим ҳамда илмий-тадқиқот жараёнида фойдаланилишини таъминлаш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2028 йиллар	Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ташкилотлар, саноат тармоқлари ва бошқа ташкилотлардан жалб қилинадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Божхона қўмитаси (А. Мавлонов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
32.	ИИВ таълим ташкилотларига номзодларни саралаш ҳамда ўқишга қабул қилиш жараёнларини такомиллаштириш. Бунда 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб номзодларни саралаш ҳамда ўқишга қабул қилиш жараёнларида босқичма-босқич сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда амалга ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2027 йил апрель	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)
33.	ИИВ техникумлари ва Академиясида таълим олувчиларнинг ўқиш давридан бошлаб хизмат фаолияти якунига қадар бўлган барча жараёнларни қамраб олувчи “Узлуксиз касбий ривожланиш мониторинги” (Professional Life-Cycle Monitoring) тизимини йўлга қўйиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь	Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)
34.	Ички ишлар вазирлигининг таълим ташкилотларида профессор-ўқитувчилик лавозимларига ишга қабул қилиш жараёнларини босқичма-босқич сунъий интеллект технологияларига асосланган автоматик баҳолаш тизимини жорий этиш орқали рақамлаштириш.	Ташкилий-техник чора-тадбирлар	2027 йил март	Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ички ишлар вазирлиги (Д. Саттаров)
35.	ИИВнинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида идоравий таълим ташкилотларининг йиллик ҳисоботлари ва ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили август ойида	–	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
36.	ИИВ Ўқув-дала маркази фаолиятини самарали ташкил этиш. Бунда Ўқув-дала марказига юридик шахс мақомини бериш ва қуйидагиларни унинг фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилаш: Марказ базасида ташкил этиладиган бошланғич касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш ўқув йиғинларини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; ўқув йиғинларига жалб этилган ходимлар, тингловчи ва курсантлар билан ўтказиладиган амалий ва назарий машғулотларни ўқув-услубий жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш; машғулотларни ташкил этишда техник, хўжалик ва маиший хавфсизликни таъминлаш; Марказ тасарруфидаги бино ва иншоотлар, моддий-техник воситалар қўриқланишини ташкил этиш; идоравий таълим ташкилотлари ва тегишли бўлинмалар томонидан Марказ ҳудудига махсус-техник воситалар олиб кирилиши ҳамда олиб чиқилиши ҳисобини юритиш; Марказда ташкил этиладиган ўқув йиғинларига моддий-техник база ва бино-иншоотларни тайёрлаш учун хўжалик фаолиятини юритиш; Марказнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмасини замон талабларига мос равишда ривожлантириб бориш; Марказнинг симуляция-иммитацион полигонларини ташкил этиш чораларини кўриш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил ноябрь	Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов, Д. Саттаров)

Изоҳ: *1. Ҳуқуқий муносабатлар предмети ва тартибга солиш соҳасидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши ёки бирлаштирилиши, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар эса бирлаштирилиши мумкин.*

2. Икки ва ундан ортиқ бандлар бирлаштирилганда, мазкур бандлар ижроси учун кўрсатиб ўтилган энг охирги муддат белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 26 августдаги ПҚ–303-сон қарорига
10-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3216-сон қарорида:

(а) 2-бандниng бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Академия ва Ички ишлар вазирлиги техникумлари профессор-ўқитувчилари таркиби лавозимларига (факультетлар, мактаблар, шўъбалар, кафедралар, цикллар раҳбарлари лавозимларидан ташқари) тегишли соҳада камида ўн йиллик илмий, педагогик ёки амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар шаҳодатланган лавозимлар ҳисобидан тайинланиши (фақат тўлиқ ставкага) мумкин”;

(б) 5-бандниng “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) Хорижий тиллар офиси, унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

профессор-ўқитувчилар таркиби, тадқиқотчилар ва курсантлар (тингловчилар)нинг хорижий тилларни ўрганишлари учун юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб этган ҳолда интенсив ўқув курсларини ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар таркиби, тадқиқотчилар ва курсант (тингловчи)ларни маҳаллий ва хорижий тадбирларда иштирок этишга, тажриба алмашишга, хорижий таълим муассасаларида малака ошириш, стажировка ва амалиёт ўташга тайёрлаш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнида хорижий тилларни қўллаш асослари бўйича дастурий ўқитишни ташкил этиш орқали профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини оширишда кўмаклашиш;

маҳаллий ёки хорижий ташкилотларни шартнома асосида жалб этган ҳолда курсантлар (тингловчилар), тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчиларни хорижий тилларни билиш даражасини

белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатларни олишга тайёрлаш";

(в) 6-банднинг олтинчи хатбошисидаги "Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультети" сўзлари "Малака ошириш институти филиали" сўзлари билан алмаштирилсин;

(г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Белгилансинки, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига ўқишга кирган шахслар курсантлар сафига, масофавий таълим шаклига, магистратурага, идоравий техникумларга ўқишга кирганлар, шунингдек, Малака ошириш институти ва унинг филиалларига ҳамда Махсус тайёргарлик ўқув марказига ўқишга кирган (юборилган)лар эса тингловчилар сафига қабул қилинади";

(д) 16-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ҳудудий ички ишлар органларининг раҳбарларига – идоравий академик лицейлар, идоравий техникумлар ва Малака ошириш институти филиалларининг самарали фаолият кўрсатиши, ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишида уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин".

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3413-сон қарорида:

(а) 5-банднинг иккинчи хатбошиси "беш йил мобайнида" сўзларидан кейин ", Ички ишлар вазирлиги техникумларига (икки йиллик таълим дастури асосида) ўқишга кирган фуқаролар билан (тўлов-контракт асосида ўқишга кирганлар бундан мустасно) – ўқишни тугатганидан кейин уч йил мобайнида" сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 6-банднинг тўртинчи хатбошисидаги "махсус касбий тайёргарлик ва бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаган ходимларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси," сўзлари "бошланғич касбий тайёргарлик курсларини, Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказини муваффақиятли тамомлаган ходимларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги техникумлари, Ички ишлар вазирлиги Академияси," сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 1-иловада:

(i) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги "ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз ёшдаги ҳам" сўзлари "ўттиз бешдан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз беш ёшдаги ҳам" сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларига ўқишга (икки йиллик таълим дастури асосида) ёши ўн еттидан кичик ва ўттиз бешдан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз беш ёшдаги ҳам, ўрта, ўрта махсус ва касбий маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларидаги кундузги таълимга ўқишга ёши ўн еттидан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз ёшдаги ҳам, ўрта, ўрта махсус ёки касбий маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади";

учинчи хатбошидаги "қирқ ёшдан катта бўлмаган, шу жумладан, қирқ ёшдаги ҳам" сўзлари "қирқ бешдан катта бўлмаган, шу жумладан, қирқ беш ёшдаги ҳам" сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказига ҳарбий хизмат ўтаган (эркаклар учун) ва олий маълумотга эга, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз ёшдаги ҳам, Ички ишлар вазирлиги техникумлари касбий тайёргарлик марказларига ҳарбий хизмат ўтаган (эркаклар учун) ва ўрта, ўрта махсус ва касбий маълумотга эга, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан, ўттиз ёшдаги ҳам, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади";

бешинчи хатбошидаги "ўттиз ёшдан катта" сўзлари "ўттиз беш ёшдан катта" сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари (икки йиллик таълим дастури асосида) ва олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларига ёхуд олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасасига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумига ёхуд олий таълим муассасасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги “касб-ҳунар” сўзи “касбий” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг техникумлари ёки олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) 8-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларига ёки олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари ҳамда олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги техникумлари касбий тайёргарлик марказларига қабул қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”;

(v) 19-бандда:

иккинчи хатбошидаги “олий маълумотга эга,” сўзлари “олий маълумотга эга ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларини (икки йиллик таълим дастури асосида) тамомлаган” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетини” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказини” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий-академик лицейлар, Ички ишлар вазирлиги техникумларининг касбий тайёргарлик марказлари сафдорлар таркибини тайёрлаш дастури бўйича битирувчилари” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “касб-ҳунар” сўзи “касбий” сўзи билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетини” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказини” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларининг икки йиллик таълим дастурини тамомлаган ходимларга фақат икки йиллик таълим дастурида назарда тутилган мутахассисликлар доирасидаги лавозимларда хизмат ўташга рухсат этилади (кейинчалик олий маълумотга эга бўлган ходимлар бундан мустасно)”;

(vi) 25-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг хизматга чақирилувчи ҳисобланган курсантлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари ва олий таълим

муассасаларининг хизматга чақирилувчи ҳисобланган курсант (тингловчи)лари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг курсантлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари ва олий таълим муассасаларининг курсант (тингловчи)лари” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vii) 26-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари ва олий таълим муассасаларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

(viii) 31-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти бошлиғи томонидан касбий тайёргарлик факультетини сержантлар таркибини тайёрлаш дастури бўйича махсус касбий тайёргарлик курсларини” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти бошлиғи томонидан Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказини” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ix) 32-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриати курсантларига уларни битирувчи курсга ўтказиш билан бир вақтда “катта сержант” махсус унвони берилади, бу унвонда улар ўқишни якунлагунига қадар хизмат олиб борадилар”;

(x) 33-бандниng саккизинчи хатбошисидаги “Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларини” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги техникумларини икки йиллик таълим дастури асосида ва олий таълим муассасаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xi) 36-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Навбатдаги “катта сержант”, “капитан”, “майор” ва “подполковник” махсус унвонлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти (шу жумладан, унинг филиаллари) ёки Махсус тайёргарлик ўқув марказининг махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли ўтаган ходимларга берилади, рағбатлантириш чораси тариқасида муддатидан олдин махсус

унвонлар берилиши бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларини икки йиллик таълим дастури асосида тамомлаган битирувчилар мазкур маълумот билан “майор” махсус унвонигача (“майор” ҳам) бўлган унвонда хизмат қилади, кейинчалик олий маълумотга эга бўлганда уларга “подполковник” ва ундан юқори махсус унвонлар ушбу Низом талабларига мувофиқ берилади”;

(xii) 58-бандда:

“в” кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида, шунингдек, ходимнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганида у эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади ва бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири рухсати билан икки ойдан ошмаган муддатга пул таъминоти (охирги лавозими бўйича) сақланган ва хизмат стажини бир кунни бир кунга ҳисоблаган ҳолда ички ишлар органлари ихтиёрига олинади”;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ходимнинг ички ишлар органлари ихтиёрида узлуксиз бўлиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим (бола парваришлаш таътилида бўлиш даври, ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар бўлган давр, шунингдек, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даври (лаёқатсизлик ҳақидаги ҳужжат бўлганида) бундан мустасно)”;

“е” кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари ва техникумлари профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда жазони ижро этиш муассасалари тиббиёт ходимлари лавозимларига (факультетлар, мактаблар, шўъбалар, кафедралар, цикллар, бўлимлар раҳбарлари лавозимларидан ташқари) тегишли соҳада камида ўн йиллик илмий, педагогик, тиббий ёки амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар шаҳодатланган лавозимлар ҳисобидан тайинланиши (фақат тўлиқ ставкага) мумкин”;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси шўъбаларининг профессор-ўқитувчилари таркибидаги лавозимларига тегишли соҳада камида уч йиллик амалий хизмат стажига ёки камида беш йиллик педагогик стажга ёхуд тегишли мутахассислик бўйича илмий даражага эга шахслар тайинланади”;

(xiii) 63-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“63. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларига ва олий таълим муассасаларига, Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказига ўқишга кирган ходимлар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилади ва тегишинча курсант ёки тингловчилар сафига киритилади”;

(xiv) 67-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумлари ва олий таълим муассасаларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xv) 68-бандда:

биринчи хатбоши “беш календарь йили мобайнида” сўзларидан кейин “, Ички ишлар вазирлиги техникумларига (икки йиллик таълим дастури асосида) ўқишга кирган фуқаролар билан (тўлов-контракт асосида ўқишга кирганлар бундан мустасно) ўқишни тамомлаганидан кейин уч календарь йили мобайнида” сўзлари билан тўлдирилсин;

бешинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “курсант (ходим)” сўзлари тегишли келишикдаги “курсант, тингловчи ёки ходим” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xvi) 69-банддаги “(курсантлар ва махсус касбий тайёргарлик курслари тингловчилари бундан мустасно)” сўзлари “(курсантлар ва Ички ишлар вазирлиги техникумлари, Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш маркази тингловчилари бундан мустасно)” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xvii) 71-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув марказида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xviii) 72-банддаги “раҳбар кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида” сўзлари “раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xix) 93-бандниng биринчи хатбошиси “иш кўрсаткичлари паст бўлган,” сўзларидан кейин “қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтмаган,” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xx) 96-бандниng бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари” сўзлари тегишли келишикдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари ва техникумлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xxi) 107-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“107. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари ва техникумларининг академик қарздорлиги бўлмаган курсант (тингловчи)ларига етти кун давом этадиган қишки ва ўттиз кун давом этадиган ёзги, шунингдек, олий таълим муассасасини ёки техникумни тамомлаши муносабати билан ўттиз кун давом этадиган таътиллар берилади”;

иккинчи хатбоши “сиртдан” сўзидан кейин “ёки масофадан” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xxii) 135-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари ва техникумларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

(xxiii) 148-бандниng иккинчи хатбошиси “лаёқатсиз деб топилганда” сўзларидан кейин “(ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлик тўғрисидаги хулосаси асосида хизматдан бўшатиш ҳолатлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xxiv) 149-банд “мумкин эмас” сўзларидан кейин “(ушбу Низомда назарда тутилган хизматдан бўшатиш асослари етарли бўлган ҳолатлар бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xxv) 151-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ходим бўшашни режалаштирган кунига қадар раҳбар томонидан унинг ўрнига муносиб кадр танланиши, асосий ва қўшимча таътиллар берилиши ёки ходим тиббий кўрикдан ўтиши мумкин бўлади.

Ходимнинг билдиргисида кўрсатилган санадан уни ушбу Низомда назарда тутилган асослар бўйича хизматдан бўшатиш ҳақида ваколатли раҳбар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши мумкин”;

иккинчи–тўртинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи–олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(xxvi) 152-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро шартномаларга мувофиқ), Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш,” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги техникумларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ юборилган) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий (ҳарбийлаштирилган) таълим муассасаларида ўқиш (махсус ёки ҳарбий унвон берилган кундан бошлаб),” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ходим кадрлар билан ишлаш бўлинмаларидан хизматдан бўшатилганлиги ҳақидаги буйруқни ёки ёзма хабарни олиши билан моддий ва ишониб берилган мулкни ҳамда хизмат юзасидан бириктирилган воситаларни топшириш чораларини кўриши шарт. Шундан сўнг унга меҳнат дафтарчаси расмийлаштириб берилади.

Меҳнат дафтарчаси ходим ёки унинг адвокатининг сўровига асосан берилади. Агарда ходим меҳнат дафтарчасини олиб кетмаса ёхуд олиб кетиш имкони бўлмаган тақдирда меҳнат дафтарчаси ички ишлар органларининг махсус архивида олиб кетилгунига қадар сақланади.

Ички ишлар органларида меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади";

(xxvii) 159-бандниng иккинчи хатбошисидаги "ўн йилдан ортиқ" сўзлари "беш йилдан ортиқ" сўзлари билан алмаштирилсин;

(xxviii) 161-бандниng иккинчи хатбошисидаги "жумладан, касбий тайёргарлик факультетида ва магистратурада" сўзлари "Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий (ҳарбийлаштирилган) таълим муассасаларида, жумладан, уларнинг магистратураларида, Ички ишлар вазирлиги техникумларида ва Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказида" сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–3726-сон қарорида:

(а) 1-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қуйидаги олий таълим муассасалари бакалавриатига (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари) қабул қилиш учун 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг (кейинги ўринларда – вазирлик ва идоралар) амалдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун беш фоизли квота, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг шартнома бўйича хизмат қилаётган офицерлар, сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимлари (кейинги ўринларда – Миллий гвардия ҳарбийлари ва ходимлари)нинг фарзандлари учун 0,7 фоизли квота, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг амалдаги ходимлари (кейинги ўринларда – Қўриқлаш департаменти ходимлари) фарзандлари учун 1,3 фоизли квота ажратилади";

(б) 2-бандниng "б" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"б) ажратилган беш фоизли квота чегарасида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, шунингдек, ажратилган 0,7 фоизли квота чегарасида Миллий гвардиянинг амалдаги ҳарбий хизматчилари ва

ходимларининг фарзандлари, ажратилган 1,3 фоизли квота чегарасида Қўриқлаш департаменти ходимларининг фарзандлари танлов асосида қабул қилинади ҳамда жойлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган тест синовлари натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиққан ҳолда, навбатдаги кетма-кетлик тартибига мувофиқ тақсимланади".

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги "Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–3919-сон қарорининг 11-бандида:

(а) бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"жойларда Малака ошириш институтининг филиаллари ташкил этилади";

(б) олтинчи хатбошидаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасига" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Педагогик компетенцияларни ривожлантириш офисига" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4075-сон қарорининг 7-бандида:

(а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"туман ва шаҳар ички ишлар органи бошлиғини ҳамда ундан юқори даражадаги раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида, бошқа раҳбар ходимларни ҳамда профилактика (кичик, катта, бош) инспекторларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг филиалларида узлуксиз асосда амалга оширилади";

(б) тўртинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

(в) бешинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(г) тўртинчи хатбошидаги “идоравий академик лицейларга раҳбарлик қиладилар ҳамда уларнинг негизида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг самарали ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланадилар” сўзлари “идоравий академик лицейларга раҳбарлик қиладилар ҳамда уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, жумладан, зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ва моддий-техник таъминоти учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

(д) бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги “профилактика (катта) инспекторлари” сўзлари “профилактика (кичик, катта, бош) инспекторлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) олтинчи хатбошидаги “сиртқи” сўзи “масофавий” сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4212-сон қарорида:

(а) 1-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги “2019/2020 ўқув йилидан бошлаб” сўзлари “2026/2027 ўқув йилидан бошлаб” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) иккинчи хатбоши “жамоат хавфсизлигини таъминлаш” сўзларидан кейин “ёки бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 3-бандда:

(i) биринчи хатбоши “беш фоизли квота ажратилади” сўзларидан кейин “(Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) бешинчи хатбоши “кириш имтиҳонларининг” сўзларидан кейин “олий таълим муассасаларидан ва таълим йўналишлари (фанлар блоки)дан қатъи назар республика бўйича” сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4375-сон қарорига 3-илованинг 1-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи, Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ҳамда Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқувчиларни танлаш ва саралаш тартиби тегишинча Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан белгиланади”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўқув марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5016-сон қарорида:

(а) қарор номидаги “Ички ишлар вазирлигининг ўқув марказлари” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг филиаллари” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-бандда:

(i) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) учинчи–бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи–тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iii) иккинчи хатбошидаги “Ички ишлар вазирлигининг Тошкент минтақавий ўқув марказини” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Тошкент филиалини” сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ички ишлар вазирлигининг Фарғона минтақавий ўқув марказини Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Фарғона филиалига айлантириш”;

(v) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ички ишлар вазирлигининг Жиззах минтақавий ўқув марказини Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Жиззах филиалига айлантириш”;

(vi) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Сурхондарё вилояти Денов тумани Файзли маҳалласи Файзли кўчаси 105-уй манзилида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш

институтининг Сурхондарё филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин";

(в) 2-бандда:

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти Нукус, Фарғона, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё филиалларининг (кейинги ўринларда – Филиаллар) асосий вазифалари этиб белгилансин:";

(ii) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ички ишлар органлари сафдор ва сержантлар таркибини маъмурий-ҳуқуқий, жамоат тартибини сақлаш, касбий ва психологик тайёргарлик, жанговар махсус тайёргарлик бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда тор ихтисосликлар сирасига кирувчи сафдорлар ва офицерлар таркибидаги лавозимларга биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш";

(iii) ўнинчи хатбоши "Ўзбекистон Республикаси" сўзларидан кейин "Ички ишлар вазирлиги ва" сўзлари билан тўлдирилсин;

(г) 4-бандда:

(i) "а" кичик банд чиқариб ташлансин;

(ii) "б" кичик банддаги "минтақавий ўқув марказлари" сўзлари "Филиаллар" сўзи билан алмаштирилсин;

(iii) "в" кичик бандда:

биринчи хатбошидаги "минтақавий ўқув марказларида" сўзлари "Филиалларда" сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги "Ички ишлар вазирлигининг Тошкент минтақавий ўқув маркази" сўзлари "Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Тошкент филиали" сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги "Ички ишлар вазирлигининг Фарғона минтақавий ўқув маркази" сўзлари "Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Фарғона филиали" сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Жиззах филиали – Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва ходимлар ҳамда мутахассислар учун”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали – Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва ходимлар ҳамда мутахассислар учун”;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Сурхондарё филиали – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва ходимлар ҳамда мутахассислар учун”;

“г” ва “д” кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(д) 5-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “минтақавий ўқув марказларининг” сўзлари “Филиалларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

(ж) 6-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги “минтақавий ўқув марказларининг” сўзлари “Филиалларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(iii) тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(з) 7-бандда:

(i) иккинчи хатбошидаги “минтақавий ўқув марказларининг” сўзлари “Филиалларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбошидаги “минтақавий ўқув марказларида” сўзлари “Филиалларда” сўзи билан алмаштирилсин;

(и) 8-бандниng учинчи хатбошисидаги “Ички ишлар вазирлигининг Тошкент минтақавий ўқув маркази” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Тошкент филиали” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг 9-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ички ишлар вазирлиги техникумлари";

(б) бешинчи–саккизинчи хатбошилар тегишинча олтинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(в) саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ва унинг филиаллари".

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги "Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–5076-сон қарорида:

(а) 4-бандда:

(i) учинчи хатбошидаги "Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида (кейинги ўринларда – касбий тайёргарлик факультети)" сўзлари "Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказида (кейинги ўринларда – Сержантлар тайёрлаш маркази)" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги "касбий тайёргарлик факультети" сўзлари тегишли келишикдаги "Сержантлар тайёрлаш маркази" сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) олтинчи хатбошидаги "Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультети ва" сўзлари "Малака ошириш институти ва унинг филиаллари ҳамда" сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 5-банддаги "Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги" сўзлари "Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказидаги" сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 7-бандда:

(i) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида дастурни муваффақиятли тамомлаган ва битирувчи сертификатини олган ва (ёки) нуфузли халқаро IT-сертификатга эга бўлган Академиянинг “Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти” таълим йўналишига ўқишга кираётган номзодларга математика, информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизигача миқдорда табақалаштирилган қўшимча балл берилади. Энг юқори балл тўплаган беш нафар номзод мазкур йўналишнинг 2-босқичига тўғридан-тўғри қабул қилинади”;

(ii) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси битирувчиларига ва (ёки) нуфузли халқаро IT-сертификатга эга бўлган номзодларга Академиянинг “Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти” таълим йўналишига ўқишга кириш учун имтиёзлар берадиган сертификатлар тури ва даражалари ҳамда бериладиган табақалаштирилган қўшимча балл миқдорлари ички ишлар вазири томонидан белгиланади”;

(iii) олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2027 йил 1 июндан бошлаб ички ишлар органларининг сафдорлар таркиби лавозимларига номзодлар фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий-академик лицейлар ва Ички ишлар вазирлиги техникумларининг касбий тайёргарлик марказлари сафдорлар таркибини тайёрлаш таълим дастури бўйича таълим олган битирувчилар орасидан қабул қилинади”;

(г) 9-бандниng “а” кичик бандида:

(i) иккинчи хатбошидаги “Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетининг” сўзлари “Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“идоравий таълим ташкилотларининг иқтидорли ўқувчи ва курсант (тингловчи)ларига улар ҳузурида тузиладиган комиссия (кенгаш)ларнинг тавсияларига кўра, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий кўкрак нишонлари ва индивидуал стипендиялар бериш”;

(iii) бешинчи хатбошидаги “кафедраларига” сўзи “шўъбаларига” сўзи билан алмаштирилсин;

(д) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) РЎЙХАТИ

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлари)	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
I. Бакалавриат*				
1.	Юриспруденция: “Тезкор-қидирув фаолияти”; “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация фаолияти”; “Эксперт-криминалистика фаолияти”; “Жазони ижро этиш фаолияти”	юрист	кундузги	3 йил
2.	Юриспруденция: “Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти”	юрист	кундузги	4 йил
3.	Юриспруденция: “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолияти”	юрист	масофавий	4 йил / 3 йил**
4.	Юриспруденция***	юрист	кундузги/масофавий	4 йил
5.	Психология***	психолог	кундузги/масофавий	4 йил
Турдош олий таълим ташкилотларида ўқишнинг 2-босқичини тамомлаган номзодлар орасидан таълим олувчилар				

6.	Юриспруденция: “Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти”	юрист	кундузги	2 йил
II. Магистратура				
7.	Ташкилий-тактик бошқарув	II даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил
8.	Ташкилий-стратегик бошқарув	I даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил
9.	Илмий-педагогик фаолият	магистр-юрист	кундузги	2 йил
10.	Юриспруденция***	юрист	кундузги/масофавий	1/2 йил****
11.	Психология***	психолог	кундузги/масофавий	1/2 йил****

* бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида хорижий кадрларни тайёрлаш муддати халқаро шартнома (битим)ларга асосан 4 йил этиб белгиланиши мумкин;

** олий маълумотга эга бўлмаганлар учун – 4 йил, олий маълумотлилар учун – 3 йил;

*** кадрларни умумфуқаровий асосда тайёрлаш;

**** кундузги таълим шаклида ўқиш муддати – 1 йил, масофавий таълим шаклида ўқиш муддати – 2 йил”;

(ж) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Нукус филиали Сержантлар тайёрлаш марказидаги таълим мутахассисликлари РЎЙХАТИ

Т/р	Мутахассислик номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
1.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
2.	Миграция ва персоналлаштириш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
3.	Жамоат тартибини сақлаш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
4.	Жазони ижро этиш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
5.	Тарбиявий фаолият	мутахассис	кундузги	5 ой
6.	Махсус операцияларни амалга ошириш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
7.	Маъмурий-хўжалик таъминоти	мутахассис	кундузги	5 ой
8.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
9.	Қўриқлаш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой

”;

(з) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорига
3-илова

Ички ишлар органларидаги узлуксиз ўқув-карьера жараёни ТИЗИМИ

Ўқитиш			Карьера		
Таълим муассасаси	Ўқитиш шакли ва муддати	Бериладиган малака	Тайёрлаш даражаси	Ўқитиш мақсади	
				Махсус унвон бериш	Лавозимга тайинлаш
САФДОРЛАР ТАРКИБИ					
ИИВ техникумлари	бошланғич махсус касбий тайёргарликнинг кундузги курслари *(6 ой)*	мутахассис	маҳалла, туман (шаҳар)	сафдор	ходим
ИИВ Малака ошириш институти/Махсус тайёргарлик ўқув маркази	бошланғич тайёргарликнинг кундузги ва сайёр курслари *(3 ой)*	-	ички ишлар органлари	-	ходим
ИИВ Малака ошириш институти	офицерлик лавозимларига тайинлаш учун кундузги қайта тайёрлаш курслари* *(1 ой)*	-	маҳалла, туман (шаҳар)	лейтенант	ходим, гуруҳ командири
СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ					
ИИВ Малака ошириш институтининг Нукус филиали	Сержантлар тайёрлаш марказидаги кундузги таълим *(5 ой)*	мутахассис	маҳалла, туман (шаҳар)	кичик сержант	ходим, гуруҳ командири

ИИВ Малака ошириш институти	офицерлик лавозимларига тайинлаш учун кундузги қайта тайёрлаш курслари* *(1 ой)*	-	маҳалла, туман (шаҳар)	лейтенант	ходим, гуруҳ командири
ИИВ Малака ошириш институти/Махсус тайёргарлик ўқув маркази	кундузги ва сайёр малака ошириш курслари *(3 ҳафтагача)*	-		катта сержант	-
ОФИЦЕРЛАР ТАРКИБИ					
ИИВ Малака ошириш институти	бошланғич тайёргарликнинг кундузги ва сайёр курслари** *(3 ой)*	-	ички ишлар органлари	лейтенант	ходим
	кундузги ва сайёр қайта тайёрлаш курслари *** *(1 ой)*	мутахассисликни ўзлаштирганлик ҳақидаги сертификат	тегишли мутахассислик	-	бошқа мутахассислик бўйича ходим
ИИВ техникумлари	кундузги таълим *(2 йил)*	мутахассис *(юрист)*	маҳалла, туман (шаҳар)	лейтенант	ходим****
ИИВ Академияси	кундузги таълим *(3/4 йил, "2+2" дастурида – 2 йил)*, масофавий таълим *(3/4 йил)*	бакалавр *(юрист)*	маҳалла, туман (шаҳар)	лейтенант	ходим
ИИВ Малака ошириш институти/Махсус тайёргарлик ўқув маркази	масофавий ва сайёр малака ошириш курслари *(1 ойгача)*	-		капитан	-
ИИВ Малака ошириш институтининг Нукус филиали	кундузги ва сайёр малака ошириш курслари *(3 ҳафтагача)*	-		майор	-
ИИВ Малака ошириш институти	кундузги ва сайёр малака ошириш курслари *(3 ҳафтагача)*	-		-	барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар, тармоқ) ИИО бошлиғининг ўринбосари

ИИВ Академияси	кундузги, сайёр ва масофавий малака ошириш курслари *(10 кун)*	-		-	туман (шаҳар, тармоқ) ИИО бошлиғи ва ундан юқори даражадаги бошлиқлар
ИИВ Академияси	II даражали кундузги магистратура *(1 йил)*	II даражали магистр *(“ташкилий-тактик бошқарув”)*	туман (шаҳар, тармоқ), вилоят	подполковник, полковник	туман (шаҳар, тармоқ) ИИО бошлиғи, барча даражадаги бошқарма бошлиқлари*****
ИИВ Малака ошириш институти/Махсус тайёргарлик ўқув маркази	кундузги ва сайёр малака ошириш курслари *(1 ойгача)*	-		подполковник	-
ИИВ Академияси	шўъбада 1 йилдан ортиқ педагогик фаолият	-		подполковник	-
ИИВ Академияси	I даражали кундузги магистратура *(1 йил)*	I даражали магистр *(“ташкилий-стратегик бошқарув”)*	вилоят, республика	полковник	Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоят даражасидаги ички ишлар бош бошқарма (бошқарма) бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, ИИВ бош бошқармаси (департамент, хизмат) бошлиғи******

ИИВ Академияси Бошқа олий таълим муассасалари	докторантура	фалсафа доктори (PhD), фан номзоди, фан доктори (DSc)	тегишли илмий соҳа	полковник	ўқув-услубий бошқарма, факультет, шўъба (кафедра) бошлиғи, мактаб ижрочи директори, профессор, доцент
ИИВ Академияси	кундузги илмий-педагогик магистратура *(2 йил)*	магистр (“илмий-педагогик фаолият”)	таълим ва илмий муассасалар	полковник	-

* Фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда.

** Фуқаровий олий маълумотга эга бўлганларни офицерлар таркибидаги лавозимларга тайинлашда.

*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўқитилиши белгиланган бошқа мутахассислик лавозимларига ўтишда.

**** Битирувчилар мазкур маълумот билан “майор” махсус унвонигача (“майор” ҳам) бўлган унвонда хизмат қилади.

***** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти департаментининг, Комплаенс хизматининг, Шахсий хавфсизлик бош бошқармасининг, Идоравий ҳамкорлик бош бошқармасининг бошқармалари, ахборот технологияларини жорий этиш бўлинмалари, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, Ҳарбий-сафарбарлик бошқармаси, Назорат-тафтиш инспекцияси, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси бундан мустасно.

****** Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти, Комплаенс хизмати, Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси, Идоравий ҳамкорлик бош бошқармасидан ташқари”.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5077-сон қарорининг 3-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Университетнинг сиртқи таълим шаклига Миллий гвардия ҳисобидан қабул қилиниб, таҳсил олаётган Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг олий маълумотга эга бўлмаган амалдаги ходимларининг ўқишни тугатгунига қадар бепул таълим олиш ҳуқуқлари сақлаб қолинади";

(б) олтинчи–ўн тўртинчи хатбошилар тегишинча еттинчи–ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 ноябрдаги "Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–23-сон қарорида:

(а) 1-банд "сиртқи таълим шаклига" сўзларидан кейин ", 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб мавжуд масофавий таълим шаклига" сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 2-бандда:

(i) иккинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошилар "сиртқи" сўзидан кейин "ёки масофавий" сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) учинчи хатбошидаги "Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази" сўзлари "Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) бешинчи хатбошидаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига" сўзлари билан алмаштирилсин;

(iv) ўнинчи хатбошидаги "Молия вазирлиги" сўзлари "Иқтисодиёт ва молия вазирлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 3-бандда:

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Ички ишлар вазирлиги (А.А. Ташпулатов)";

(ii) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2027/2028 ўқув йилида юриспруденция соҳасида бакалавриат йўналиши бўйича масофавий таълим шаклига ўқишга қабул қилиш учун 100 нафар профилактика (кичик, катта, бош) инспекторларига тавсиянома берсин ва 2028/2029 ўқув йилидан бошлаб профилактика (кичик, катта, бош) инспекторларини юриспруденция соҳасида бакалавриат таълим йўналиши бўйича масофавий таълим шаклига ўқишга қабул қилиш учун тавсияномаларни 2 баробаргача ошириш юзасидан Давлат комиссиясига асослантирилган таклиф киритсин”;

(г) 4-бандниng “а” кичик банди “сиртқи” сўзидан кейин “ёки масофавий” сўзлари билан тўлдирилсин;

(д) 5-бандда:

(i) “а” кичик бандда:

иккинчи хатбоши “сиртқи” сўзидан кейин “ёки масофавий” сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) 2022/2023 ўқув йили ва ундан кейинги ўқув йилларида тавсиянома асосида профилактика инспекторлари учун юриспруденция соҳасида бакалавриат таълим йўналишига ажратиладиган умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча қабул кўрсаткичлари юзасидан олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртқи таълим шаклида, 2027/2028 ўқув йили ва ундан кейинги йилларда масофавий таълим шаклида ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин”;

(iii) “в” кичик банддаги “сиртқи” сўзи “масофавий” сўзи билан алмаштирилсин;

(iv) “г” кичик банддаги “Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–10-сон қарорида:

(а) 4-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ички ишлар органларига хизматга биринчи марта қабул қилинган (тор ихтисослик сирасига кирувчи лавозимларга) ходимлар Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув марказида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг тегишли лавозимга тайинланади”;

(б) 1-илованинг 35-банди биринчи хатбошиси “ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган” сўзларидан кейин “(семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича GPA ўтиш балини тўплай олмаган)” сўзлари билан тўлдирилсин.





УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

34 (1262)-son
868-modda

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » avgust № 456 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **1-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

КВазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “24” августдаги 456-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди” бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Конституциявий суд Раиси

Конституциявий суд Раисининг ўринбосари

Конституциявий суд судьяси

Девон раҳбари

Гуруҳ раҳбари

Матбуот хизмати раҳбари

Бўлим бошлиғи

Раис ёрдамчиси

Биринчи бўлим мудири

Катта эксперт

Бош консультант

Бош мутахассис

Эксперт

Катта консультант

Катта мутахассис

Девонхона мудири”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори қуйидаги мазмундаги 5^3-банд билан тўлдирилсин:

“5^3. Прогноз кўрсаткичлар асосида жорий ўқув йили учун умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилинган 1-синф ўқувчилари сонига мос равишда тарқатилган ўқув қуроллари тўпламидан ортиб қолган қисми кейинги ўқув йили учун давлат харидларини амалга оширишда инобатга олинсин.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Бунда кейинги ўқув йилига қадар яроқлилик муддати тугайдиган ўқув қуроллари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан давлат мактабгача таълим ташкилотларининг мажбурий мактабга тайёрлов гуруҳларига фойдаланиш учун бепул ажратилади".

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 19 апрелдаги 115-сон қарорининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ ўтказилган техник аудит натижасида аниқланган ҳисобдан чиқариладиган маънавий эскирган ва емирилган технологик асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлардан ҳосил бўладиган қора ва рангли металлар парчалари қора ва рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига шартномавий нарх бўйича сотилади, тушган маблағлар замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга мақсадли йўналтирилади".

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 36-бандида:

учинчи хатбошидан "ҳамда намунали хулққа эга" сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилардан ", намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган" сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг "Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 18 октябрдаги 849-сон қарорининг 2-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг "Чорвоқ" эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 15 майдаги 365-сон қарорида:

а) 2-банддаги "давлат унитар корхонаси" сўзлари "давлат муассасаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандниг иккинчи хатбошисидаги "давлат унитар корхонасининг" сўзлари "давлат муассасасининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-илованинг рус тилидаги матнида:

номидаги "Государственного унитарного предприятия" сўзлари "Государственного учреждения" сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

1-банддаги “Государственное унитарное предприятие” ва “государственного унитарного предприятия” сўзлари тегишлича “Государственное учреждение” ва “государственного учреждения” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “Davlat unitar korxonasi” сўзлари “davlat muassasasi” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “DUK” қисқартмаси “DM” қисқартмаси билан алмаштирилсин

“б” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “Государственное унитарное предприятие” сўзлари “Государственное учреждение” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “ГУП” қисқартмаси “ГУ” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

“в” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “State Unitary Company” сўзлари “State institution” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “SUC” қисқартмаси “SI” қисқартмаси билан алмаштирилсин.7. Вазирлар Маҳкамасининг “Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 июндаги 425-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Белгилансинки, ташкилотларнинг, ўз қуйиш ва металл прокати ишлаб чиқаришига эга бўлган ташкилотлар бундан мустасно (тўловга қобилиятсизлик ва тугатиш ҳолларидан ташқари), тўловга қобилиятсизлиги, тугатилиши, реконструкция ва модернизация қилиниши тартиботларини ўтказиш давомида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариладиган таркибида қора ва рангли металлар бўлган табиий ва маънавий эскирган асбоб-ускуналар қора ва рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига эркин (шартномавий) нархларда сотилади”;

в) 1-иловада:

4-банднинг биринчи хатбошиси, 8-банднинг биринчи хатбошиси, 9-банднинг иккинчи хатбошиси, 10–13-бандлар, 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 15 ва 16-бандлар, 18-банднинг биринчи хатбошиси, 19–21-бандлар, 22-банднинг биринчи хатбошиси, 23, 24, 28 ва 32-бандлардаги тегишли сон ва келишикдаги “тайёрловчи” сўзлари тегишли сон ва келишикдаги “тайёрловчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Тайёрловчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи ҳамда парчаларни топширувчи ўртасида тузиладиган шартномаларда металл парчаларини етказиб бериш ҳажмлари, турлари, муддатлари, тўлов шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлиги кўрсатилади”;

6-бобнинг номидаги “Тайёрловчи ва” сўзлари “Тайёрловчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи, шунингдек,” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

илованинг “1-босқич”, “2-босқич”, “4-босқич”, “6-босқич”, “7-босқич” ва “8-босқич” позициялари “Субъектлар” устунидаги “тайёрловчилар” сўзлари “тайёрловчилар, қайта ишловчилар ва реализация қилувчилар” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“илгари судья лавозимида ишлаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони раҳбари, гуруҳ раҳбари, бўлим бошлиғи ёки Конституциявий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа лавозимларда ишлаган даври”;

олтинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича еттинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейлар битирувчиларини рағбатлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 февралдаги 154-сон қарорида:

а) 2-бандниг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидан “, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

3 ва 4-бандлардан “, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган” сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-иловада:

иккинчи хатбошисидан “VA NAMUNALI XULQI” сўзлари чиқариб ташлансин.

медалнинг тасвири қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

“

Медалнинг олд томони



Медалнинг орқа томони



”;

г) 3-илованинг иккинчи хатбошисидан “VA NAMUNALI XULQI” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Автомототранспорт воситаларини утилизацияга қабул қилиш утилизация қилиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар ёки иккиламчи хомашёни қайта ишлаш ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади”.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Умумий турдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 5^1-банд билан тўлдирилсин:

“5^1. Янги авлод мактабгача таълим ташкилоти илғор хорижий тажрибалар асосида ўйинга асосланган таълим ва тарбия жараёнларини амалга оширадиган ҳамда Болаларни ривожлантириш инновацион марказини ўз ичига олган умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти ҳисобланади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низомда:

а) 19-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар (шаҳодатнома, сертификат ва гувоҳнома) тегишли равишда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта ёки ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларга тенглаштирилган ҳолда тан олинади”;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Талабгорга хорижий давлатларда берилган умумий ўрта ва ўрта таълим ҳужжати Ўзбекистон Республикасида бериладиган шаҳодатнома ўрнини боса олмаса, хорижий давлатдаги таълимнинг давомийлигидан қатъи назар, у ўқишини давом эттирадиган мактабда умумий тартибда якуний давлат аттестациясига киритиш тавсия этилади.

Бунда талабгор ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча фанлар бўйича таътил кунларида якуний давлат аттестациядан ўтказилади. Якуний давлат аттестацияси натижаси ва педагогик кенгаш қарори асосида мактаб томонидан таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома) берилади”;

б) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Ҳудудий бошқармалар комиссияларининг хулосаларига кўра, бир иш кунида хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда маълумотнома тайёрланади.”;

в) 1-илованинг “4-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “а” банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тан олишга тавсия этилган талабгорларга маълумотнома бериш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган тегишли намунадаги маълумотномани тайёрлайди;”.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус унга лицензия расмийлаштирилгандан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан адлия органлари томонидан автоматик тарзда рўйхатга олинади ва бу ҳақида нотариусни ҳамда Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасини хабардор қилади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нотариал палатанинг аъзоси бўлади ва нотариус мақомини олади.

Агар рўйхатга олинган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус белгиланган тартибда бошқа нотариал округга ўтса, мазкур нотариал округ бўйича рўйхатга олиш Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали тегишли адлия органига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда хабарнома беради”;

б) 7-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Адлия органи хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг белгиланган тартибда бошқа нотариал округга рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хабарномаси келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида нотариусни рўйхатга олади ва бу ҳақида Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасини хабардор қилади.

Хабарномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши адлия органи томонидан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади”;

2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“_____(ҳудуд номи)_____ бўйича ҳисоб рўйхатига олинган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг
ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ

Тартиб рақами	Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи нотариуснинг Ф.И.О.	Паспорт серияси ва рақами	Лицензиянинг рақами ва берилган санаси	Нотариал палатага аъзо бўлган сана	Ҳисоб рўйхатига олинган сана	Фаолият юритиш ҳудуди*	Бино жойлашган ҳудуд (почта манзили)*
1	2	3	4	5	6	7	8

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

давоми

Нотариал палатанинг аъзолигидан чиқарилган сана	Ҳисоб рўйхатидан чиқарилган сана	Ёзув киритган шахснинг Ф.И.О. ва лавозими	Нотариуснинг муҳри ва имзо намунаси
9	**10**	**11**	**12**

*Ушбу маълумотлар лицензияловчи орган томонидан нотариус иш фаолиятини бошлаганда "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали олинади".

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 358-сон қарори билан тасдиқланган Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"24. Транспорт воситаларини утилизация қилувчи ташкилот ҳосил бўладиган қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қора ва рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига сотадилар".

16. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори 2-бандининг "в" кичик банди қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Педагогик таълим соҳаси бўйича қўшма таълим дастурларига Ўзбекистон Республикаси педагогика олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари ўтказилади".

17. Вазирлар Маҳкамасининг Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга таълим бериш учун бошқа ҳудудлардан ўқитувчи-педагогларни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"17. Ишчи гуруҳ мурожаат этган ўқитувчи-педагоглар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Белгиланган талабларга мос келган ҳамда вакант соатлар бўйича бир ўринга икки ва ундан ортиқ номзодлар бўлган тақдирда, улар касбий билим ва кўникмалар, педагогик маҳорат ҳамда психологик қобилият йўналишида Ишчи гуруҳ томонидан суҳбатдан ўтказилади. Бунда суҳбат қуйидаги мезонлар асосида 100 баллик тизим асосида баҳоланади:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Баҳолаш мезони	Баҳолаш мезони бўйича максимал балл	Кўрсаткичлар бўйича қўйиладиган балл	Кўрсаткичлар
Касбий билим ва кўникмалар	40	10	Фан бўйича назарий ва амалий билимлар, энг сўнгги илмий янгиликлардан хабардорлиги (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		10	Дарсни режалаштириш ва ташкил этиш кўникмаси (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		10	Давлат таълим стандартлари ҳамда баҳолаш мезонларини билиш (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		10	Таълим платформалари ва мультимедиа воситаларидан фойдалана олиш (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
Педагогик маҳорат	30	10	Интерактив ва замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		10	Бўш ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш кўникмаси (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		5	Инклюзив таълимга ёндашув (*тўлиқ жавоб 5 балл, қисман жавоб 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		5	Таълимга оид меъёрий ҳужжатларни билиши (*тўлиқ жавоб 5 балл, қисман жавоб 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
Психологик қобилият	30	10	Мулоқот маданияти ва нутқ равонлиги (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		10	Стресс ҳолатида ишлаш қобилияти (*тўлиқ жавоб 10 балл, қисман жавоб 5 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		5	Конфликт вазиятларини таҳлил қилиш ва ҳал этиш кўникмаси (*тўлиқ жавоб 5 балл, қисман жавоб 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
		5	Жамоада ишлаш қобилияти (*тўлиқ жавоб 5 балл, қисман жавоб 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл*)
Максимал балл	**100**		

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Саралаш онлайн тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Суҳбат жараёнида номзодлар ҳар бир ишчи гуруҳ аъзоси томонидан мустақил равишда баҳоланади ва якуний балл ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қўйилган балларнинг ўртача арифметик қиймати асосида аниқланади ҳамда суҳбат натижалари баённома шаклида расмийлаштирилади.

Суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган номзод тегишли вакант соат учун ишга олинадиган ўқитувчи сифатида танлаб олинади.

Суҳбат натижаларига кўра номзодларнинг баллари тенг бўлган тақдирда, уларни танлаб олиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

амалдаги малака тоифаси даражаси юқорилиги;

педагогик иш стажи юқорилиги;

дарс ўтадиган фани бўйича устама белгилашда қўлланиладиган миллий ва халқаро тан олинган сертификатга эгалиги ва сертификатнинг даражаси юқорилиги.

Ишчи гуруҳ аъзоси номзод билан ўзаро яқин қариндош бўлган тақдирда, мазкур номзодни баҳолаш жараёнида иштирок этмайди";

б) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"22. Ўқитувчи-педагоглар бошқа ҳудудлардан келиб икки ўқув йили давомида фаолият юритаётган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилмаса, уларга белгиланган бошқа ҳудудлардан жалб этилганлиги учун тўланадиган махсус устамаларни тўлаш тўхтатилади".

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:

а) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Лицензиялаш тартиб-таомиллари Давлат хизматлари марказлари томонидан "Лицензия" АТ орқали амалга оширилиши мумкин";

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 35^1-банд билан тўлдирилсин:

"35^1. Лицензияланадиган фаолият турларининг паспортларида назарда тутилган ҳолларда лицензиянинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда ваколатли органлар томонидан Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида "В" ва ундан юқори тоифада турган тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатини автоматик узайтириш учун лицензия берганлик учун ундириладиган давлат божи миқдори кўрсатилган хабарнома (инвойс) юборилади.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Лицензиат хабарнома (инвойс) юборилган кундан бошлаб 15 кун муддатда, бироқ лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан 5 кун олдин лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш учун давлат божини тўлаганда, лицензиянинг амал қилиш муддати автоматик тарзда кейинги муддатга узайтирилади.

Лицензиат томонидан давлат божи белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда, унга юборилган хабарнома (инвойс) автоматик равишда бекор қилинади";

в) 2-иловада:

9-позициянинг учинчи устунида:

"I. Нодавлат таълим соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари" бўлимининг "б" банди "ташкил этиш" сўзларидан кейин ", шу жумладан, умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўзбек тили фанига ажратиладиган ўқув соатлари ҳажмини давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари учун тасдиқланган таянч ўқув режага мувофиқ белгилаши" сўзлари билан тўлдирилсин;

"II. Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим хизматлари учун қўшимча нодавлат таълим соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари" бўлимининг "б" банди биринчи хатбошиси "мавжудлиги" сўзидан кейин "бунда, ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчамини ҳисоблашда кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари ҳам инобатга олинади" сўзлари билан тўлдирилсин;

"III. Қуйидагилар нодавлат таълим хизматлари лицензияланадиган фаолият турларининг алоҳида талаб ва шартлари ҳисобланади" бўлимида:

"Умумий ўрта таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари" кичик бўлимида:

6-позициянинг "Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар" устунидаги бешинчи хатбошиси "стадион (ўйин майдони)" сўзларидан кейин "(ўқув дастурлари ва режаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналиш ва модуллар мавжуд бўлмаган таълим ташкилотлари бундан мустасно)" сўзлари билан тўлдирилсин;

7-позициянинг "Лицензия талаблари ва шартлари" устуни "ўлчами" сўзидан кейин ",бунда ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчамини ҳисоблашда кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари ҳам инобатга олинади" сўзлари билан тўлдирилсин;

8-позициянинг "Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар" устунида:

"а" бандда:

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

“в” кичик бандининг бешинчи хатбошисидан “ (ҳар қаватда биттадан)” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Ўрта махсус таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари” кичик бўлимида:

4-позициянинг “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “д” банди “стадион (ўйин майдони)” сўзларидан кейин “(ўқув дастурлари ва режаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналиш ва модуллар мавжуд бўлмаган таълим ташкилотлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позициянинг “Лицензия талаблари ва шартлари” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Таълим ташкилотининг ҳудудида ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчами, бунда ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчамини ҳисоблашда кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари ҳам инобатга олинади*”;

6-позициянинг “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “а” бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи-саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

“Касбий таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари” кичик бўлимида:

4-позициянинг “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “д” банди “стадион (ўйин майдони)” сўзларидан кейин “(ўқув дастурлари ва режаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналиш ва модуллар мавжуд бўлмаган таълим ташкилотлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позициянинг “Лицензия талаблари ва шартлари” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Таълим ташкилотининг ҳудудида ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчами, бунда ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчамини ҳисоблашда кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари ҳам инобатга олинади*”;

6-позициянинг “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “а” бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи-саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи-еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

“Олий таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари” кичик бўлимида:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

5-позициянинг “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “д” банди “стадион (ўйин майдони)” сўзларидан кейин “(ўқув дастурлари ва режаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналиш ва модуллар мавжуд бўлмаган таълим ташкилотлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

6-позициянинг “Лицензия талаблари ва шартлари” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Таълим ташкилотининг ҳудудида ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчами, бунда ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчамини ҳисоблашда кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари ҳам инобатга олинади*”;

“Олий таълимдан кейинги таълим хизматлари бўйича лицензия талаблари ва шартлари” кичик бўлимининг 2-позиция “Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар” устунидаги “д” банди “стадион (ўйин майдони)” сўзларидан кейин “(ўқув дастурлари ва режаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналиш ва модуллар мавжуд бўлмаган таълим ташкилотлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

12-позициянинг учинчи устуни “II. Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим хизматлари учун:” бўлимининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Нодавлат таълим ташкилотининг маъмурий ҳудудлардаги (Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият манзиллари учун таълим фаолияти йўналишлари ва таълим шакллари лицензияда алоҳида кўрсатилади ҳамда лицензия талаблари ва шартлари алоҳида қўлланилади, бундан устав фонди ҳамда депозит ҳисобварағида захира қилинадиган маблағнинг минимал миқдорига қўйилган талаблар мустасно”.

г) 10-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 15-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

е) 25-иловада:

номи “фаолиятини лицензиялаш” сўзларидан кейин “(табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-позициянинг учинчи устуни “фаолияти учун лицензия” сўзларидан кейин “(табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

10-позициянинг учинчи устуни учинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги” сўзлари “Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 28-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги ўттиз бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

ўттиз бешинчи хатбоши ўттиз олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

з) 29-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

и) 36-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

к) 37-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган лицензиатларга тегишли лицензия муддати мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомда:

а) 4-бандда:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рухсат бериш тартиб-таомиллари Давлат хизматлари марказлари томонидан “Лицензия” АТ орқали амалга оширилиши мумкин”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 35^1-банд билан тўлдирилсин:

“35^1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб қилинадиган фаолият (ҳаракат) турларининг паспортларида назарда тутилган ҳолларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда, ваколатли органлар томонидан Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори тоифада турган тадбиркорлик субъектларига берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини автоматик узайтириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун ундириладиган йиғим кўрсатилган хабарнома (инвойс) юборилади.

Талабгор хабарнома (инвойс) юборилган кундан бошлаб 15 кун муддатда, бироқ рухсатноманинг амал қилиш муддати тугашидан 5 кун олдин рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун белгиланган йиғимни тўлаганда, рухсатноманинг амал қилиш муддати автоматик тарзда кейинги муддатга узайтирилади.

Талабгорлар томонидан йиғим белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда, унга юборилган хабарнома (инвойс) автоматик равишда бекор қилинади”;

в) 2-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

г) 7-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

д) 27-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

е) 33-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) 37-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

з) 38-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

и) 40-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

к) 61-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

л) 63-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

м) 65-иловада:

5-позициянинг учинчи устуни 3-бандининг “в” кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

“портловчи материалларни сақлаш жойини фойдаланишга қабул қилиш далолатномасининг нусхаси (рухсатнома янгиланганда мазкур далолатнома мажбурий тартибда қайта расмийлаштирилади)”;

10-позициянинг учинчи устунидаги “Мавжуд эмас” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси (портловчи материалларни сақлаш учун рухсатнома беришда)” сўзлари билан алмаштирилсин.

н) 67-илованинг 12-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”;

о) 71-илованинг 12-позицияси учинчи устунидаги олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Талабгор Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида “B” ва ундан юқори ўринга эга бўлганда, тегишгли рухсатномалар мазкур Ягона низомнинг 35^1-бандида белгиланган тартибда автоматик тарзда узайтирилади”.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомнинг 4-бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Хабардор қилиш тартиб-таомиллари Давлат хизматлари марказлари томонидан “Лицензия” АТ орқали амалга оширилиши мумкин”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариал фаолиятни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 июлдаги 369-сон қарорида:

а) муқаддимадаги “малака имтиҳони” сўзлари “ягона танловни” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандниг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳририда баён этилсин:

“хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича ягона танловдан ўтиш истагида бўлган жисмоний шахсларга қўйиладиган талаблар, ягона танловда иштирок этиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ҳамда ягона танловни ташкил этиш тартибини назарда тутувчи Хусусий нотариал фаолият бўйича ягона танловни ташкил этиш юзасидан давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ”;

в) 1-иловада:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

номидаги, 4-банддаги, 5-бандниng иккинчи хатбошисидаги, 16 ва 19-бандлардаги тегишли келишикдаги “малака имтиҳони” сўзлари тегишли келишикдаги “ягона танлов” сўзлари билан алмаштирилсин.

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича ягона танловдан (кейинги ўринларда – ягона танлов) ўтиш истагида бўлган жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – талабгор) ягона танловда иштирок этиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ҳамда ягона танловни ташкил этиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ягона танлов икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда (кейинги ўринларда – тест синови) – талабгорлар давлат ва жамият бошқаруви ҳамда коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик ҳуқуқи, нотариат ва ворислик ҳуқуқи соҳалари бўйича тест синовларидан ўтади. Бунда тест синовлари ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан тақдим этилган рўйхат асосида ягона танловда иштирок этишга рухсат берилган талабгорлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан ташкил этилади;

иккинчи босқичда (кейинги ўринларда – амалий имтиҳон) – тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорлар комиссия томонидан ўтказиладиган амалий имтиҳонда нотариал ҳаракатларнинг лойиҳаларини махсус электрон платформада тайёрлайди ва муаммоли масалага (казусга) жавоб беради.

2. Адлия вазирлигининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади”;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Давлат хизматини кўрсатишда талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш учун хизматдан фойдаланилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади”;

қуйидаги мазмундаги 9^1-банд билан тўлдирилсин:

“9^1. Давлат хизматини кўрсатишда тест синови учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар – Агентликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

Талабгор тўловни ЯИДХП орқали шакллантирилган инвойс рақами орқали амалга оширади”;

14-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “малака имтиҳонида” сўзлари “ягона танловда” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан кейин 1 иш кунида комиссия масъул котиби томонидан ЯИДХП орқали талабгорга электрон шаклда хабарнома юборилади”;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Хабарнома юборилган кундан бошлаб уч кун ичида талабгор томонидан тест синови учун белгиланган тўлов амалга оширилиши лозим”;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Қуйидаги асосларга кўра талабгорнинг ягона танловда иштирок этиши рад этилади:

талабгор ушбу Регламентнинг 5-банди талабларига жавоб бермаганда;

ягона танловни муваффақиятли топширмаган ёки танловга узрсиз сабабларга кўра келмаган ёхуд танловдан четлаштирилган талабгор имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб олти ой ўтмасдан мурожаат қилганда;

ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда.

Талабгорни бошқа асосларга кўра ягона танловда иштирок этиши рад этилишига йўл қўйилмайди”;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Тест синови талабгорнинг ягона танловда иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб топилган хулоса тасдиқланиб, рўйхат тақдим этилган кундан бошлаб 10 кундан сўнг, лекин 15 кундан кечиктирмай Агентлик томонидан ўтказилади.

Бунда талабгорларнинг рўйхати тақдим қилинган кундан бошлаб уч кун ичида Агентлик томонидан тест синови ўтказиш санаси ва вақти белгиланиб, комиссия хабардор қилинади.

Талабгорлар тест синови ўтказиш санасидан камида беш кун олдин тест синовини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида комиссия томонидан электрон шаклда хабардор қилинади.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Тест синови талабгорларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотидан келиб чиқиб, Агентликда ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида йил давомида (июль-август ойларидан ташқари) ўтказилади";

қуйидаги мазмундаги 17^1 ва 17^2-бандлар билан тўлдирилсин:

"17^1. Тест синовлари натижалари тест синовлари тўлиқ якунлангандан сўнг 3 иш кунида талабгорнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига ҳамда комиссия масъул котибининг махсус электрон платформадаги (arm.gov.uz сайтидаги) шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

17^2. Комиссия масъул котиби тест синовидан муваффақиятли ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантиради.

Амалий имтиҳон тест синовлари натижалари чиққан кундан бошлаб ўн кундан сўнг, бироқ ўн беш кундан кўп бўлмаган муддат ичида ўтказилади.

Бунда талабгорлар махсус электрон платформада нотариал ҳаракатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди ва муаммоли масалага (казусга) жавоб беради";

18-банддаги "малака имтиҳони" сўзлари "амалий имтиҳон" сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"20. Ягона танлов якуни бўйича комиссия қарори қабул қилинади. Қарордан кўчирма 1 иш кунида ЯИДХП орқали талабгорга, агар талабгор ягона танловдан муваффақиятли ўтган бўлса, ЯИДХП орқали лицензияловчи органнинг "Лицензия" ахборот тизимига ҳам юборилади.

Бунда имтиҳони якуни бўйича комиссия қарори Лицензияловчи органга юборилгани ҳақидаги маълумот ЯИДХП орқали талабгорга юборилади";

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Хусусий нотариал фаолият бўйича ягона танловни ташкил этиш юзасидан давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Ягона танловда иштирок этиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ҳамда ягона танловни ташкил этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	**Талабгор** *(Ўзбекистон Республикаси фуқароси)*	1. Давлат хизматидан фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш.	Хоҳишига кўра
		2. Сўровнома тўлдириш ва ундаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.	Мурожаат қилинганда

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

		3. Белгиланган йиғимни тўлаш *(базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида йиғим ундирилади).*	Мурожаат қилинганда
2-босқич	**Ягона интерактив давлат хизматлари портали**	Сўровномани Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясига юбориш.	Автоматик тарзда
3-босқич	**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси**	1. Сўровномадаги маълумотларни ўрганиб чиқиш ва хулоса тузиш.	20 иш кунигача
		2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклдаги хабарнома талабгорга ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) юбориш.	Хулоса тасдиқланган кундан бошлаб 1 иш кунида
		3. Тест синовини ўтказиш куни ва жойи ҳақидаги маълумотни Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ва талабгорнинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига юбориш.	Тест синовидан камида 5 кун олдин
4-босқич	**Талабгор**	Ягона танловнинг биринчи босқичи учун тегишли йиғимни тўлаш.	Хабарнома юборилган вақтдан бошлаб уч кун ичида
5-босқич	**Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги**	1. Тест синовини ўтказиш. *("Нотариат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ягона танлов топшириш тартиби Адлия вазирлиги томонидан белгиланади)*	Хулоса тасдиқланган кундан бошлаб 10 кундан сўнг, лекин 15 кундан кечиктирмасдан
		2. Тест синови якунлари бўйича натижаларни Агентлик томонидан талабгорнинг шахсий кабинетига ҳамда комиссияга юбориш.	3 иш кунида
6-босқич	**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси**	1. Амалий имтиҳон ўтказиш куни ва жойи ҳақидаги маълумотни Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ва талабгорнинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига юбориш.	Имтиҳондан камида 5 кун олдин
		2. Комиссия томонидан амалий имтиҳон ўтказиш.	Тест синовлари натижалари чиққан кундан бошлаб ўн кундан сўнг, бироқ ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

		3. Амалий имтиҳон якунлари бўйича натижаларни эълон қилиш.	Имтиҳон ўтказилган кунининг ўзида
		4. Амалий имтиҳон якунлари бўйича қабул қилинган қарордан кўчирмани Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ва) ёки "Лицензия" АТ орқали талабгорга ва тегишли адлия органига юбориш.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш кунида

";

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Хусусий нотариал фаолият бўйича ягона танловни ташкил этиш юзасидан давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Хусусий нотариал фаолият бўйича ягона танловдан ўтиш учун
СЎРОВНОМА

Т/р	Талабгордан талаб қилинадиган маълумотлар*	Талабгор томонидан кўрсатиладиган маълумотлар
1.	Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)	
2.	Телефон рақами	
3.	Нотариал фаолиятни амалга ошириш ҳудуди	
4.	Нотариал фаолиятни амалга ошириш тумани (шаҳри)	
5.	Нотариусликка талабгорлар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мажбурий ўқув курс тугатганлиги ҳақида сертификат	
6.	Олий маълумот тўғрисидаги диплом серияси ва рақами (диплом файли)	
7.	Меҳнат дафтарчасининг серияси ва рақами	
8.	Ариза қайта юборилганлиги (аввалгиси рад этилган бўлса)	

* Талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)га оид маълумотлар ЯИДХП орқали сўровномани тўлдиришда автоматик шаклланади.

Талабгор ягона танлов якунлари асосида (ягона танловни муваффақиятли топширган тақдирда) унга лицензия расмийлаштириш ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус сифатида ҳисоб рўйхатига олиш бўйича композит хизмат кўрсатилишига розилигини (аризасини) тасдиқлайди";

г) 2-иловада:

2-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш (кейинги ўринларда – лицензиялаш) –лицензияни бериш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тартиб-таомиллар мажмуи";

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

4-бандниng биринчи хатбошисидаги “малака имтиҳонини” сўзлари “ягона танловни” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Талабгорнинг ягона танловни муваффақиятли топширганлиги ҳақидаги комиссия қарори кўчирмаси Лицензия расмийлаштириш учун тегишли ҳудудий адлия органига “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали электрон шаклда келиб тушади”;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин ва ундаги “аризалар” ва “ариза” сўзлари тегишлича “қарор кўчирмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Талабгор лицензия расмийлаштириш учун юборилган маълумотларни кўриб чиқиш ҳолатини “Лицензия” АТ ёки ЯИДХП орқали онлайн кузатиб бориши мумкин”;

8-банддаги “доимий яшаш жойи” сўзлари “нотариал фаолиятни амалга ошириш ҳудуди” сўзлари билан алмаштирилсин;

9 – 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш паспортнинг 8-бандида белгиланган муддатда амалга оширилади”;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги электрон шаклдаги хабарномани “Лицензия” АТ орқали ушбу масалани ҳал этиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Бу ҳақидаги маълумот “Лицензия” АТ орқали реал вақт режимида автоматик тарзда талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади”;

18-бандниng биринчи хатбошисидаги “аризани кўриб чиқиш муддати мобайнида талабгорга лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса” сўзлари “муддат мобайнида талабгорга лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш масаласини ҳал қилмаса” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

“19. Талабгор “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса ёхуд лицензия олиш учун белгиланган давлат божини тўламаса, талабгорга лицензия бериш рад этилади”;

20-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

22-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Лицензияловчи орган талабгор ягона танловни муваффақиятли топширганлиги ҳақидаги комиссия қарори кўчирмаси келиб тушгандан сўнг паспортнинг 8-бандида белгиланган муддат ичида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш билан бир вақтда “Лицензия” АТ ёки ЯИДХП орқали талабгорга “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ паспортнинг 7-бандида белгиланган миқдорда давлат божи тўлаш учун ҳисобварақ кўрсатилган хабарнома юборади (рад этилган ҳоллар бундан мустасно)”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда талабгор давлат божини тўлаш вақтида лицензия талаблари ва шартларига риоя этишини тасдиқлаши лозим”;

23-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаслиги лицензияловчи орган томонидан лицензияни беришни рад этишга асос бўлади. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги маълумот “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда талабгорга юборилади. Бунда талабгор лицензияни олиш учун умумий тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади”;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини лицензиялаш

ПАСПОРТИ

1.	Лицензия номи:	Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия
2.	Лицензияланадиган фаолият тури:	Хусусий нотариал фаолият
3.	Лицензия олувчилар тоифаси:	Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
4.	Лицензияловчи орган:	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
5.	Лицензияни бериш учун асос бўлувчи	Комиссия қарори кўчирмаси. Талабгор ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар акс этади: талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

	маълумотлар (ҳужжатлар):	жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР); телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлганда);
6.	Лицензия беришни кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	Йиғим ундирилмайди
7.	Лицензия учун давлат божи миқдори:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари
8.	Лицензия беришни кўриб чиқиш муддатлари:	5 кун
9.	Лицензия талаблари ва шартлари:	Қуйидагилар лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади: нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига, нотариусларнинг касб этикаси қоидаларига, нотариал ҳаракатлар махфийлиги ва нотариус қасамёдига риоя этиш; Нотариал палатага аъзо бўлиш; нотариал идора фаолиятини ташкил этишга оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган минимал талабларни бажариш; нотариал идора ташкил этган нотариал округда камида 2 йил ишлаш; нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш; ҳар 3 йилда камида 1 марта ўзининг касбий малакасини ошириш; лицензия олиш ва (ёки) уни қайта расмийлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг сохта, ёлғон ва нотўғри эмаслигини таъминлаш; ходимлар билан янги меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш ва уларни бекор қилиш ҳолатларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда юритиш; лицензиатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилиш.
10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	Келишиш талаб этилмайди
11.	Лицензиянинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган
12.	Изоҳ	Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият нотариал фаолият ҳисобланади.

”;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	**Субъектлар**	**Тадбирлар**	**Бажариш муддатлари**
1-босқич	Комиссия	1. Талабгор ягона танловни муваффақиятли топширганлиги бўйича комиссия қароридан кўчирмани “Лицензия” ахборот тизими орқали тегишли ҳудудий адлия бошқармасига юбориш.	1 иш кунида
2-босқич	Ҳудудий адлия бошқармаси	Талабгорга Лицензия бериш (беришни рад этиш) тўғрисида “Лицензия” ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хабар юбориш. Бунда лицензия бериш тўғрисида хабар юборилганда: давлат божи тўлаш учун ҳисобварақ кўрсатилган хабарнома; лицензия талаби ва шартларига риоя этишини тасдиқлаш ҳақидаги хабарнома юбориш.	2 иш куни ичида
3-босқич	Талабгор *(Ўзбекистон Республикаси фуқароси)*	1. Лицензия талаби ва шартларига риоя этишини тасдиқлаш 2. Давлат божини тўлаш. *(базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари)*	Хабарнома юборилган кундан бошлаб 30 кун ичида
4-босқич	“Лицензия” ахборот тизими	1. QR-код (матрик штрихли код) қўйилган Лицензияни шакллантириш ва талабгорнинг “Лицензия” ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига электрон шаклда юбориш. 2. Лицензия ҳақидаги маълумотни “Лицензия” ахборот тизимида реестрга киритиш.	Давлат божи тўланганда автоматик равишда Талабгор шахсий кабинетига юборилганда автоматик равишда

”.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 2 августдаги 426-сон қарорида:

а) 1-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Белгилансинки, давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларида, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида, шунингдек, мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)ларда ташкил этиладиган ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида ташкил этиладиган хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида:”;

б) 2-иловада:

қуйидаги мазмундаги 4[1]-банд билан тўлдирилсин:

“4[1]. Мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)лардаги (Тошкент шаҳри бундан мустасно) мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонларидан бошқа жойларда қуввати 150 ўриндан кам бўлмаган хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – қамрови паст бўлган ҳудуддаги хусусий МТТ) ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида ташкил этиладиган хусусий мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ)ни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларига 2026 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилоти лицензия олган санадан бошлаб уч йил давомида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан имзоланган келишувга асосан субсидиялар ҳисобланади ва тўланади”;

2-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**2-боб. ДХШ асосидаги ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТларга субсидияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**”;

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. ДХШ асосидаги МТТга (оилавий МТТ бундан мустасно) ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги субсидиялар тўланади:”;

қуйидаги мазмундаги “г” ва “д” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“г) 2026 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)лардаги (Тошкент шаҳри бундан мустасно) давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

(кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотлари, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар бундан мустасно) бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонларида ташкил этиладиган ДХШ) шартлари асосида МТТларини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир бола учун 9 соатлик иш режимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган харажатнинг 50 фоизи миқдорида.

Бунда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)ларда давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонларида 2024 йилдан бошлаб ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам татбиқ этилади;

д) қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТлар тарбиячиларига ойлик иш ҳақи тўлаш харажатлари давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбиячилар учун белгиланган миқдорда нодавлат мактабгача таълим ташкилоти лицензия олган санадан бошлаб уч йил давомида қоплаб берилади.

Бунда тарбиячиларга иш ҳақини тўлаш учун субсидиялар ҳар 30 нафар тарбияланувчи учун бир штат бирлиги миқдорида тарбиячи ҳисобга олинган ҳолда тўланади.”;

қуйидаги мазмундаги 8^1-банд билан тўлдирилсин:

“8^1. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг (кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотлари, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар бундан мустасно) бўш ер майдонларида ташкил этиладиган ДХШ шартлари асосида МТТларини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига (оилавий МТТлар бундан мустасно) уларда таълим олаётган ҳар бир бола учун ойлик субсидия суммалари қуйидаги формулалар асосида НМТТБАТда ҳисоб-китоб қилинади:

КХС = ДБХ / УБС / ИКС * 0,5

ТОС = КХС * ТҚС

Бунда:

КХС – ДМТТ ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонларида ДХШ шартлари асосида ташкил қилинган МТТга бир нафар тарбияланувчисининг бир кунлик харажатини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг республика бўйича қатъий миқдори;

ДБХ – жорий молия йилида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

9 соатлик иш режимидаги умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларини сақлаш харажатлари учун ажратилган маблағлар миқдори;

УБС – 9 соатлик иш режимидаги умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг “Болалар боғчаси” мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида рўйхатга олинган умумий болалар сони;

ИКС – жорий йилдаги иш кунлари сони;

ТОС – ҳисобот ойида тарбияланувчилар учун тўланадиган ойлик субсидия суммаси;

ТҚС – ҳисобот ойида тарбияланувчининг ҳақиқатда ушбу МТТга қатнаган кунлари сони.”;

9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТларга иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг лавозими, маълумоти ва малака тоифаси ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги формула асосида НМТТБАТда ҳисоб-китоб қилинади:

ИҲС = (БТС * ХИС / ИКС * (ДКС + АКС) + ТКС) * (1 + ИСС)

Бунда:

ИҲС – хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ ходимига иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия суммаси (ҳар бир ходим учун алоҳида ҳисобланиб, жамланади);

БТС – ходимнинг лавозими, маълумоти ва малака тоифаси учун белгиланган базавий тариф ставкаси;

ХИС – ходимнинг лавозими бўйича белгиланган иш ставкаси;

ИКС – жорий ойдаги иш кунлари сони;

ДКС – НМТТБАТда қайд этилган ходимнинг давомат кунлари сони;

АКС – ходимнинг айбисиз (ҳудуддаги фавқулодда ҳолатлар,

об-ҳавонинг кескин совиб ёки исиб кетиши натижасида маҳаллий ҳокимликлар қарорлари асосида таълим муассасаларининг фаолияти вақтинча тўхтатилганда, санитария-эпидемиологик вазиятлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганида) бекор туриб қолинган кунлар сони. Бунда ушбу кунлар сони хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ раҳбари томонидан НМТТБАТда белгиланади ва асословчи ҳужжатлар тегишли мактабгача таълим органига НМТТБАТ орқали тақдим этилади;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

ТКС – МТТ жойлашган ҳудуд учун қонунчиликда белгиланган туман коэффициенти суммаси;

ИСС – хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ учун қонунчиликда белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси.

10. Хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТларнинг ходимлари тўғрисидаги маълумотлар НМТТ томонидан НМТТБАТга киритилади.

Бунда киритиладиган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ахборот тизимларидан олинадиган маълумотлар билан солиштирилади";

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"26. Молия йили давомида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари ўзгарган ҳолларда, ДХШ асосидаги МТТга ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТга тўланадиган иш ҳақи харажатлари учун субсидияларнинг миқдорлари қайта кўриб чиқилади.

Бунда ДХШ асосидаги МТТга ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТга тўланадиган субсидияларнинг янги миқдорлари қонунчиликка киритилган ўзгаришлар кучга кирган санадан бошлаб ҳисоблаб борилади.";

29-бандниг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"29. Ҳисобот ойида НМТТБАТда хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТ, қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ ва оилавий МТТнинг гуруҳларидаги тарбияланувчилари бўйича ўртача ойлик давомати фоизи 40 фоиздан кам бўлганда, ҳисобот ойи учун ходимларига иш ҳақига субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.";

30-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"НМТТга қабул қилинган тарбияланувчиларнинг фотосурати боланинг ота-онаси (бобоси, бувиси) ёки васийларининг номига расмийлаштирилган телефон рақамига СМС-хабарнома орқали код юборилади, ушбу код орқали боланинг фотосурати НМТТБАТда НМТТ раҳбари ёки ходимлари томонидан тасдиқланади. СМС билан тасдиқлаш харажатлари ахборот тизимига хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қопланади";

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

32-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ манзили (жойлашуви бўйича геолокацияси)дан бошқа жойда қайд этилган ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давомати НМТТБАТда ҳисобга олинмайди ва улар учун субсидия тўланмайди”;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. ДХШ асосидаги МТТ, шу жумладан, оилавий МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ томонидан бир боланинг маълумотлари НМТТБАТга киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа бола (тарбияланувчи)нинг фотосурати ушбу ахборот тизимига жойлаштирилгани, электрон қурилмалар ва бошқа шаклдаги фотосурат орқали давомати белгиланиб келинаётгани, шунингдек, бошқа ташқи электрон дастурлар ёки иловалар, қўшимча қурилмалар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш аниқланганда, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари томонидан бир томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган далолатнома тадбиркорнинг шахсий кабинетига НМТТБАТ орқали электрон тарзда юборилади.

Мазкур тарбияланувчи МТТга қатнаган барча даври учун тўланган субсидиялар суммаси тўлиқ Давлат бюджетига ундирилади.

Ушбу ҳолат биринчи маротаба аниқланганда, бир ой давомида, иккинчи маротаба аниқланганда эса икки ой давомида субсидия тўловлари ДХШ асосидаги МТТ, шу жумладан, оилавий МТТга ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Бундай ҳолат учинчи маротаба аниқланганда, ушбу ДХШ асосидаги МТТ, шу жумладан, оилавий МТТ билан имзоланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бир томонлама бекор қилинади ва қайта тузилмайди”;

33^1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

39-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. ДХШ асосидаги МТТ ва қамрови паст бўлган ҳудуддаги ҳамда янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги хусусий МТТ раҳбари ушбу ташкилот ва ходимларига тегишли бўлган маълумотларнинг НМТТБАТга ўз вақтида киритилиши, уларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади. Бунда:”;

иккинчи хатбошидан “оилавий” сўзи чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

16-бандда:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

қуйидаги мазмундаги саккизинчи – ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ташкил қилинаётган оилавий МТТда фаолият олиб борувчи тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиси маълумотлари;

фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);

паспорт серияси ва рақами ёки ID-карта рақами;

ЖШШИР”;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

19-бандда:

“а” кичик банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўрганиш жараёнида оилавий МТТнинг кириш қисми, ошхонаси, ҳожатхонаси ва таълим-тарбия бериш учун мўлжалланган хоналарнинг фотосуратини ташкилот очиш режалаштирилган манзилга борган ҳолда мобиль илова орқали тасвирга олади ҳамда НМТТБАТга киритади.”;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

23-банд қуйидаги мазмундаги “к” ва “л” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“к) оилавий МТТни ташкил этиш учун ажратилиши режалаштирилган (аризада кўрсатилган) турар ёки нотурар жой манзили кадастр органларидан олинган маълумотларга мос бўлмаганда;

л) ташкил қилинаётган оилавий МТТда фаолият олиб борувчи тарбиячи диплом маълумоти мос келмаганда”;

27-бандниг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Оилавий МТТ хабарнома қабул қилингани ҳақидаги тасдиқномани олган кундан бошлаб бир ой муддатда тегишли мактабгача ва мактаб таълими органи жойига чиққан ҳолда ташкил этилган янги оилавий МТТ фаолияти учун мўлжалланган мебель, жиҳоз ва бошқа анжомлар билан жиҳозланганлик ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказади, ўрганиш жараёнида оилавий МТТнинг кириш қисми, ошхонаси, ҳожатхонаси, иситиш тизими ва таълим-тарбия бериш учун мўлжалланган хоналарнинг фотосуратини мажбурий тартибда манзилга борган ҳолда, мобиль илова орқали тасвирга олади ва оилавий МТТ фаолиятни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосаларни электрон шаклда НМТТБАТга киритади”.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 январдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунаси шакли қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

“Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
31 январдаги 44-сон қарорига
2-илова

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунаси шакли

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI **REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UMUMIY O‘RTA TA’LIM TO‘G‘RISIDA

SHAHODATNOMA

CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION

UM № 00000000

Ushbu shahodatnoma / *This is to certify that*

_____
(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

_____ yilda _____
(berilgan yili / year of issue) *(berilgan joyi / place of issue)*

_____ ni
(ta’lim tashkiloti / educational organization)

bitirganligi va umumiy o‘rta ta’lim olganligini tasdiqlaydi.
completed and received General Secondary Education.

Belgilangan o‘quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi:
The following subjects were assessed:

T/r	O‘quv fanlari	Bahosi		No	*Subjects*	*Score*
_____ musiqa cholg‘usida kuy ijro etish ko‘nikmasiga ega / *has the ability to play a melody on a musical instrument*						

Direktor / *Director*

_____
(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

QR-kod

Berilgan sana / *Date of issue*

_____

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

34 (1262)-сон
868-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI **REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA

SHAHODATNOMA

CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION

UM-K № 00000000

Ushbu shahodatnoma / *This is to certify that*

____
(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

______________ yilda ______________________________________
(berilgan yili / year of issue) *(berilgan joyi / place of issue)*

____ ni
(ta'lim tashkiloti / educational organization)

bitirganligi va umumiy o'rta ta'lim olganligini tasdiqlaydi.
completed and received General Secondary Education.

"O'qishdagi muvaffaqiyatlari uchun KUMUSH medal bilan taqdirlandi"

Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi:
The following subjects were assessed:

T/r	O'quv fanlari	Bahosi		No	*Subjects*	*Score*

__________ musiqa cholg'usida kuy ijro etish ko'nikmasiga ega / *has the ability to play a melody on a musical instrument*

Direktor / *Director*

____
(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

QR-kod

Berilgan sana / *Date of issue*

____

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI **REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA A'LO DARAJALI

SHAHODATNOMA

CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS

UM-O № 00000000

Ushbu shahodatnoma / *This is to certify that*

____

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

______________ yilda ______________________________________

(berilgan yili / year of issue) *(berilgan joyi / place of issue)*

____ ni

(ta'lim tashkiloti / educational organization)

bitirganligi va umumiy o'rta ta'lim olganligini tasdiqlaydi.
completed and received General Secondary Education.

"O'qishdagi muvaffaqiyatlari uchun OLTIN medal bilan taqdirlandi"

Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi:
The following subjects were assessed:

T/r	O'quv fanlari	Bahosi		No	*Subjects*	*Score*
________ musiqa cholg'usida kuy ijro etish ko'nikmasiga ega / *has the ability to play a melody on a musical instrument*						

Direktor / *Director*

____

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

QR-kod

Berilgan sana / *Date of issue*

____

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг тавсифи

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатнома А4 (210х297мм) ўлчамли кўринишга эга. Унинг юқори қисмига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI, REPUBLIC OF UZBEKISTAN”, қуйи қисмига “UMUMIY O‘RTA TA’LIM TO‘G‘RISIDA SHAHODATNOMA, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION” аъло даражали шаҳодатномага “UMUMIY O‘RTA TA’LIM TO‘G‘RISIDA A’LO DARAJALI SHAHODATNOMA, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS” сўзлари ёзилади ва марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилади.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатномада “UM”, кумуш медаль билан шаҳодатномада “UM-K”, аъло даражали олтин медаль билан шаҳодатномада “UM-O” ҳарфи ва саккизта рақамли тартиб рақами ёзилади.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатномага QR-код тасвири туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунаси ва тавсифига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши мумкин”.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-бандниг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Юриспруденциянинг бошқа бакалавриат таълим йўналишларида ўқув жараёни таълимнинг кундузги, кечки, масофавий ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа муқобил таълим шаклларида ташкил этилиши мумкин”;

12-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар биринчи ўқув йилини муваффақиятли тугатгандан сўнг кейинги ўқув йилидан бошлаб умумий белгиланган тартибда ўқишини давом эттиради.

Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриент Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларининг биринчи ўқув йили учун камида 50 фоизини бажарганидан сўнг Академия бошлиғининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади”;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

41-банддаги “1–10 август кунлари” сўзлари “июль–август ойларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда B1 даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан белгиланган максимал баллнинг 75 фоизи миқдорида балл берилади”;

47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“47. Тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади”;

53-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“53. Академиянинг “тергов фаолияти” йўналишидан ташқари юриспруденциянинг бошқа йўналишлари бўйича қабул Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади”;

61-банд “Тошкент вилояти ҳудудида” сўзларидан кейин “ёки яшаш жойидаги ҳудудда” сўзлари билан тўлдирилсин;

64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“64. Талаба Академия талабалари сафидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

Академиянинг ички тартиб-қоидаларини бузгани сабабли;

бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

суднинг ҳукми асосида озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда тингловчилар сафидан четлаштирилганлар қайта тикланмайди);

талаба абитуриент сифатида қабул комиссиясига тақдим этган (топширган) ҳужжатларининг қалбакилиги ёки белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланса;

вафот этганлиги сабабли ёки суд қарорига асосан бедарак йўқолган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда”;

68-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

қуйидаги мазмундаги 68[1]-банд билан тўлдирилсин:

“68[1]. Талабалар Академия бошлиғининг буйруғи билан қуйидаги ҳолларда курсдан-курсга қолдирилади:

Академияда семестр ва ўқув йили якунида фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (GPA (grade point average) баллини тўплай олмаганда;

малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек, малакавий амалиёт якунлари бўйича қониқарсиз баҳоланганда”;

69-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи–ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Талабаларнинг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни қабул қилиш бир ўқув йилида икки марта:

кузги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 15 июлдан 5 августгача (5 август куни ҳам);

баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 10 январдан 20 январгача (20 январь куни ҳам) амалга оширилади.

Аризалар Академия томонидан электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Талабалар ўқишини қайта тиклаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш:

кузги семестр учун – 6 августдан 31 августгача;

баҳорги семестр учун – 21 январдан 10 февралгача амалга оширилади”;

70-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тўлов-контракт, шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талаба талабалар сафидан четлаштирилган тақдирда, ўқишини тиклашида тўлов-контракт миқдорининг қолган қисмини тўлаши талаб этилади”;

85-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи–олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Академия талабалари ўқишини бир таълим шаклидан бошқа таълим шаклига кўчириш масаласи Академия Кенгаши томонидан ҳал қилинади. Бунда талабалар ўқишини бир таълим шаклидан бошқа таълим шаклига кўчириш бўйича аризаларни қабул қилиш:

кузги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 15 июлдан 5 августгача (5 август куни ҳам);

баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 10 январдан 20 январгача (20 январь куни ҳам) амалга оширилади.

Талабалар ўқишини бир таълим шаклидан бошқа таълим шаклига кўчириш бўйича аризаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш кузги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 6 августдан 30 августгача (30 август

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

куни ҳам), баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин – 21 январдан 10 февралгача (10 февраль куни ҳам) амалга оширилади.

Талабалар ўқишини “тергов фаолияти” йўналишидан бошқа таълим йўналишига, бошқа таълим йўналишидан “тергов фаолияти” йўналишига кўчиришига йўл қўйилмайди”;

1-илованинг “Муддатлар” устунида:

“Ҳар йили 1 мартдан 20 майга қадар” ва “25 майга қадар” сўзлари тегишлича “Ҳар йили 1 мартдан 1 майга қадар” ҳамда “5 майга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ҳар йили 1–10 август кунлари” сўзлари “Июль–август ойлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-иловада:

6-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “Ички номзодларни” сўзлари “Ваколатли давлат органлари ходимларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандниng учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги “диплом балли” сўзлари “дипломи бўйича тўплаган баллари” сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи–тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл берилади.

Чет тили ҳамда информатика ва ахборот технологияларидан ўтказилган тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари Агентликнинг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади”;

49-бандниng иккинчи хатбошисидан “Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл берилади” сўзлари чиқариб ташлансин;

67-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур бандниng учинчи–бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қоида “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислигига нисбатан татбиқ этилмайди”;

қуйидаги мазмундаги 76^1-банд билан тўлдирилсин:

“76^1. Магистратурага хорижий фуқароларни суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби Васийлик кенгаши томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади”.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илованинг 16-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

16.	Конституциявий суд, Олий суд, вилоятлар ва туман, шаҳар ҳамда ҳарбий судлар судьялари

”.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 апрелдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил
29 апрелдаги 246-сон қарорига
1-илова

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Ташкилот жойлашган ҳудуд ва унда болаларнинг кунлик бўлиш вақти	Бир ойлик тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан *(коэффициентда)*	
		Ташкилотга қатновчи оиладаги битта болага	Оиладаги ҳар бир болага, агар ташкилотга биттадан ортиқ бола қатнаса
1.	**Тошкент шаҳри**		
1.1.	4-5 соат	0,1238	0,0825
1.2.	9 соат	0,6602	0,4709
1.3.	10,5 соат	0,7864	0,5607
1.4.	12 соат	0,8908	0,6311
1.5.	24 соат	0,9393	0,6699
2.	**вилоят марказлари**		
2.1.	4-5 соат	0,1143	0,0801
2.2.	9 соат	0,6383	0,4515
2.3.	10,5 соат	0,7646	0,5413
2.4.	12 соат	0,8447	0,5947
2.5.	24 соат	0,8932	0,6383
3.	**вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар**		
3.1.	4-5 соат	0,1019	0,0752
3.2.	9 соат	0,5874	0,4175
3.3.	10,5 соат	0,6602	0,4709
3.4.	12 соат	0,7573	0,5388
3.5.	24 соат	0,7961	0,5631

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Т/р	Ташкилот жойлашган ҳудуд ва унда болаларнинг кунлик бўлиш вақти	Бир ойлик тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан *(коэффициентда)*	
		Ташкилотга қатновчи оиладаги битта болага	Оиладаги ҳар бир болага, агар ташкилотга биттадан ортиқ бола қатнаса
4.	**туман марказлари**		
4.1.	4-5 соат	0,0922	0,0631
4.2.	9 соат	0,4320	0,3252
4.3.	10,5 соат	0,5874	0,4442
4.4.	12 соат	0,6675	0,5000
4.5.	24 соат	0,7087	0,5316
5.	**бошқа жойлар**		
5.1.	4-5 соат	0,0825	0,0583
5.2.	9 соат	0,3034	0,2451
5.3.	10,5 соат	0,5340	0,4272
5.4.	12 соат	0,6286	0,4709
5.5.	24 соат	0,6602	0,4976

”.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 ноябрдаги 796-сон қарори билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари функциялари очиқ реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари”;

иккинчи-тўртинчи хатбошилар тегишлича учинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 8-бандниг биринчи хатбошиси “(лавозимлари)” сўзидан кейин “маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида Ташкилий – кадрлар гуруҳи (ушбу бўлинмалар мавжуд бўлмаганда, унинг вазифаларини бажарувчи бўлинма)” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 15-бандда:

иккинчи хатбошидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг функцияларига оид киритиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текшириш ҳамда тасдиқлаш тегишлилиги бўйича ҳудудий адлия органлари томонидан мазкур банднинг биринчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Бунда функциянинг паспорти автоматик равишда шакллантирилади";

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) иловада:

"1-босқич", "4-босқич" ва "5-босқич" позициялари "Субъектлар" устунидаги "Республика ижро этувчи ҳокимият" сўзлари "Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият" сўзлари билан алмаштирилсин;

"2-босқич" ва "6-босқич" позицияларининг "Субъектлар" устуни "Адлия вазирлиги" сўзларидан кейин "ва ҳудудий адлия органлари" сўзлари билан тўлдирилсин;

"3-босқич" позициясида:

"Субъектлар" устуни "Адлия вазирлиги" сўзларидан кейин "ва ҳудудий адлия органлари" сўзлари билан тўлдирилсин;

"Чора-тадбирлар" устунидаги "республика ижро этувчи ҳокимият" сўзлари "республика ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият" сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 901-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифининг 7-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"**йўл бўлими** – автомобиль йўлининг узлуксиз равишда соз ҳолда сақланишини ҳамда унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган йўл хўжалигининг ажратилган минтақа доирасида жойлашган қуйи бўғини бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлининг ажралмас қисми ҳисобланади. Йўл бўлими йўл ишчилари учун ювиниш ва кийиниш хоналари, ётоқхоналар, ошхоналар, шунингдек, транспорт воситалари ва йўл механизмларини сақлаш ва таъмирлаш саройлари ҳамда битум, туз-қум ва инерт маҳсулотлар захираси омборлари, суғориш тизимлари, диспетчерлик ва иш анжомларини сақлаш хоналари, электр подстанцияларидан иборат бўлади";

ўн бешинчи – йигирманчи хатбошилар тегишлича ўн олтинчи – йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Изоҳ. *Ушбу илованинг 19-банди "м" кичик банди 2027 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.*

QMMB: 09/26/456/0870-son
25.08.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “24” августдаги 456-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Темир-терсак парчалари ва қора металлар чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш корхоналарини Ўзбекистон металлургия заводига бериш тўғрисида” 1992 йил 6 июндаги 269-сон қарорининг 10-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 26 апрелдаги 199-сон қарорига илованинг IV бўлими.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2007 йил 1 мартдаги 43-сон қарорига илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)” 2010 йил 3 декабрдаги 280-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 30-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 18 декабрдаги 847-сон қарорига илованинг 2-банди.





БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3301-2
2026 - yil 24 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 30-apreldagi 8/1-son qarori (ro‘yxat raqami 3301, 2021-yil 7-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.05.2021-y.,10/21/3301/0451-son) bilan tasdiqlangan Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki raisi
2026-yil 14-avgust
19/17-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 14-avgustdagi
19/17-son qaroriga
ILOVA

Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar ochiq valyuta pozitsiyalari limitlarini, ularni hisoblash hamda banklar, shu jumladan islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklar (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) tomonidan ochiq valyuta pozitsiyalari limitlariga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishning o‘ziga xos jihatlarini belgilaydi.”.

2. 2-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“hisob-kitoblarni amalga oshirish usuli va shaklidan qat’i nazar chet el valyutasidagi va bazaviy aktivi qimmatbaho metall bo‘lgan hosilaviy (derivativ) moliyaviy vositalari (fyuchers, forvard, svop, opsionlar va boshqalar) bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshirish natijasida chet el valyutasida hamda qimmatbaho metall bo‘yicha yuzaga keluvchi talab va majburiyatlar. Bunda svop bitimlari bo‘yicha ochiq valyuta pozitsiyasini hisoblashda mazkur bitimlarni amalga oshirish natijasida yuzaga keladigan chet el valyutasidagi talab va majburiyatlar o‘rtasidagi farq, shu jumladan svop bitimi bo‘yicha hisoblangan va olinishi lozim bo‘lgan daromadlar yoki hisoblangan va to‘lanishi lozim bo‘lgan xarajatlar ochiq valyuta pozitsiyasining o‘zgarishiga ta’sir qiladi;”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3930
2026 - yil 24 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish qoidalarini tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi hamda “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 27-noyabrdagi PQ–359-son “O‘zbekistonda moliyaviy texnologiyalar sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
14-Avgust 2026-yil
22/6 son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 14-avgustdagi
22/6-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish QOIDALARI

Mazkur Qoidalar O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi (bundan buyon matnda Tezkor to‘lovlar tizimi deb yuritiladi) orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida ularning bank hisobvaraqlaridan to‘g‘ridan-to‘g‘ri pul o‘tkazmalarini amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Qoidalarda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

oluvchining bank hisobvarag‘i – bank tomonidan shartnomaga muvofiq jismoniy shaxsga 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari hisobvarag‘ida ochiladigan va uning mobil telefon raqami biriktiriladigan bank hisobvarag‘i;

bog‘lash – Bank depozitorlarining milliy axborotlar bazasida (bundan buyon matnda BDMAB) bank hisobvarag‘iga jismoniy shaxsning mobil telefon raqamini biriktirish;

“bog‘lash kodi” – bank hisobvarag‘iga jismoniy shaxsning mobil telefon raqamini biriktirish to‘g‘risidagi so‘rovga javoban BDMABdan qaytariladigan maxsus kod;

Ro‘yxat – terrorizmga, ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishga qarshi kurashishni amalga oshiruvchi davlat organlari va O‘zbekiston Respublikasining boshqa vakolatli organlaridan taqdim etilayotgan ma’lumotlar, shuningdek, chet davlatlarning vakolatli organlari va xalqaro tashkilotlaridan rasmiy kanallar orqali taqdim etilayotgan ma’lumotlar asosida O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti tomonidan tuzilgan terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg‘in qurolini

tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar ro‘yxati;

o‘tkazma – to‘lovchi tomonidan BDMABda mobil telefon raqami bog‘langan bank hisobvarag‘iga pul o‘tkazmalarini amalga oshirish;

tashabbuskor bank – bank hisobvarag‘idagi mablag‘ hisobidan pul o‘tkazmalarini amalga oshiruvchi jismoniy shaxsga xizmat ko‘rsatuvchi bank;

benefitsiar bank – bank hisobvarag‘iga pul o‘tkazmalarini qabul qiluvchi jismoniy shaxsga xizmat ko‘rsatuvchi bank;

mobil telefon raqami – O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yurituvchi mobil aloqa operatorlari tomonidan xizmat ko‘rsatiladigan mobil aloqa abonenti raqami;

to‘lovchi – jismoniy shaxsning BDMABda mobil telefon raqami biriktirilgan bank hisobvarag‘iga pul o‘tkazmalarini amalga oshiruvchi jismoniy shaxs;

oluvchi – BDMABda mobil telefon raqami biriktirilgan bank hisobvarag‘iga pul o‘tkazmalarini qabul qiluvchi jismoniy shaxs.

2. Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida ularning bank hisobvaraqlaridan to‘g‘ridan to‘g‘ri o‘tkazmalarni amalga oshirishda Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 3759, 2026-yil 21-yanvar) talablariga rioya etilishi lozim.

3. Jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida o‘tkazmalarni amalga oshirish bilan bog‘liq barcha jarayonlar avtomatik ravishda real vaqt rejimida amalga oshiriladi.

2-bob. Mobil telefon raqamini bank hisobvarag‘iga bog‘lash va uni bekor qilish

4. Bankning mobil ilovasida ro‘yxatdan o‘tgan foydalanuvchining (bundan buyon matnda foydalanuvchi deb yuritiladi) mobil telefon raqamini uning bank hisobvarag‘iga bog‘lash bank va foydalanuvchi o‘rtasidagi bank hisobvarag‘iga mobil telefon raqamini bog‘lash to‘g‘risidagi oferta shartnomasiga asosan amalga oshiriladi.

Bank hisobvarag‘iga mobil telefon raqamini bog‘lash to‘g‘risidagi oferta shartnomasida foydalanuvchining ismi, familiyasi va otasining ismi, jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami, mobil telefon raqami bog‘langan bank

nomi va uning rekvizitlari, shuningdek, ushbu bankdagi mobil telefon raqami bog‘langan bank hisobvaraqlarining rekvizitlari kabi shaxsga doir ma’lumotlardan foydalanishga roziligi nazarda tutilishi lozim.

Oferta shartnomasining matni foydalanuvchilar uchun tushunarli, aniq va sodda shaklda bayon etilishi lozim.

5. Bank tomonidan foydalanuvchining bank mobil ilovasida ro‘yxatdan o‘tgan mobil telefon raqami avtomatik ravishda BDMABga real vaqt rejimida uzatiladi.

6. Foydalanuvchi bir bank doirasida mobil telefon raqamini o‘zining faqat bitta bank hisobvarag‘iga bog‘lashiga ruxsat etiladi.

7. BDMAB bog‘lash jarayoni yakunlangach, bankka avtomatik ravishda real vaqt rejimida “bog‘lash kodi”ni yuboradi va ushbu “bog‘lash kodi” foydalanuvchining bank mobil ilovasida ko‘rsatiladi.

Bunda foydalanuvchi tomonidan “bog‘lash kodi” qabul qilingan vaqtdan boshlab uning mobil telefon raqami bank hisobvarag‘iga bog‘langan hisoblanadi.

8. Foydalanuvchi bankning mobil ilovasida yangi mobil telefon raqamini ro‘yxatdan o‘tkazgan taqdirda, bank tomonidan mazkur foydalanuvchining avvalgi bank hisobvarag‘iga bog‘langan mobil telefon raqami avtomatik ravishda yangi ro‘yxatdan o‘tkazilgan mobil telefon raqamiga o‘zgartiriladi.

9. Foydalanuvchi istalgan vaqtda bankning mobil ilovasi orqali yoki bankka bevosita murojaat qilgan holda shu bankdagi bank hisobvarag‘iga mobil telefon raqamini bog‘lash amaliyotini bekor qilishi mumkin.

Bunda foydalanuvchining mobil telefon raqamini bank hisobvarag‘iga bog‘lash bo‘yicha bank va foydalanuvchi o‘rtasida tuzilgan oferta shartnomasi belgilangan tartibda bekor qilingan hisoblanadi.

10. Foydalanuvchining bank hisobvarag‘iga mobil telefon raqamini bog‘lash quyidagi hollarda bank tomonidan mijozning roziligisiz (topshirig‘isiz) bekor qilinishi mumkin:

foydalanuvchining bank mobil ilovasidagi hisobga olish yozuvi (akkaunti) o‘chirilganda;

foydalanuvchi Ro‘yxatdagi shaxs ekanligi aniqlanganda.

Bunda bank tomonidan mobil telefon raqamini bog‘lash bekor qilingan kundan keyingi bank ish kunidan kechiktirmasdan foydalanuvchiga bank hisobvarag‘iga mobil telefon raqamini bog‘lash amaliyoti bekor qilinganligi sababi va murojaat qilishi mumkin bo‘lgan bankning telefon raqamlari ko‘rsatilgan holda xabar beriladi.

3-bob. O‘tkazmalarni amalga oshirish

11. O‘tkazma to‘lovchining bank mobil ilovasi orqali yoki bevosita bankka taqdim etiladigan topshirig‘i asosida amalga oshiriladi.

O‘tkazmani amalga oshirishda to‘lovchining bank hisobvarag‘idagi pul mablag‘i oluvchining bank hisobvarag‘iga o‘tkaziladi.

12. O‘tkazmalar bankning mobil ilovasi orqali o‘tkazilganda, mazkur Qoidalarning ilovasida keltirilgan Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida o‘tkazmalarni amalga oshirish bilan bog‘liq jarayonlar sxemasi bo‘yicha uzluksiz 24/7 rejimida amalga oshiriladi.

Bankka bevosita murojaat qilish orqali amalga oshiriladigan o‘tkazmalar bankning ish kunlari va ish vaqtiga muvofiq amalga oshiriladi.

13. O‘tkazma amalga oshirilishidan oldin to‘lov summasi, oluvchining familiyasi, ismi va otasining ismi, benefitsiar bank nomi hamda to‘lov xizmatlari ko‘rsatganlik uchun vositachilik haqi to‘g‘risidagi ma’lumot to‘lovchiga ko‘rsatilishi va u tomonidan yakuniy tasdiqlash Kredit va to‘lov tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari tomonidan jismoniy shaxslarga masofadan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda frod holatlarining oldini olish bo‘yicha minimal talablar to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3759, 2026-yil 21-yanvar) asosan amalga oshirilishi lozim.

14. O‘tkazmani amalga oshirish jarayonida banklar va Tezkor to‘lovlar tizimi o‘rtasidagi ma’lumot almashinuvi Tezkor to‘lovlar tizimi ishtirokchilari o‘rtasida ma’lumot almashinuvi bo‘yicha texnologik yo‘riqnomaga (bundan buyon matnda Tezkor to‘lovlar tizimining texnik hujjati deb yuritiladi) asosan amalga oshiriladi.

Bunda tashabbuskor bank tomonidan to‘lov hujjatidagi tegishli maydonga to‘lovchining xos raqami bilan ochilgan bank hisobvarag‘i, uning shaxsiy identifikatsiya raqami, familiyasi, ismi va otasining ismi to‘liqligicha Tezkor to‘lovlar tizimiga yuboriladi.

15. To‘lovchi tomonidan taqdim etilgan oluvchining mobil telefon raqami yoki “bog‘lash kodi” asosida tashabbuskor bank Tezkor to‘lovlar tizimiga identifikatsiya so‘rovini yuboradi.

16. Tezkor to‘lovlar tizimi tashabbuskor bankdan kelgan identifikatsiya so‘rovida ko‘rsatilgan “bog‘lash kodi” yoki telefon raqami asosida oluvchining bank hisobvaraqlari ro‘yxatini olish uchun BDMABga so‘rov yuboradi.

17. BDMABdan olingan ma’lumotlar asosida Tezkor to‘lovlar tizimi o‘tkazmalarni oluvchining familiyasi, ismi va otasining ismi hamda uning bank hisobvarag‘i ochilgan banklar to‘g‘risidagi ma’lumotlarini tashabbuskor bankka yuboradi.

18. To‘lovchi bankning mobil ilovasi orqali yoki bevosita bankka murojaat qilganda, unga tashabbuskor bank xodimi tomonidan mazkur Qoidalarning 17-bandidagi ma’lumotlar taqdim qilinadi. To‘lovchi tomonidan ushbu ma’lumotlar asosida o‘tkazma amalga oshiriladigan benefitsiar bank tanlanadi.

19. Tashabbuskor bank to‘lovchi tanlagan benefitsiar bankdagi oluvchining bank rekvizitlarini olish uchun Tezkor to‘lovlar tizimiga so‘rov yuboradi.

20. Tezkor to‘lovlar tizimi orqali taqdim etilgan oluvchining bank rekvizitlari asosida hamda Tezkor to‘lovlar tizimining texnik hujjatida belgilangan ma’lumotlarni kiritgan holda tashabbuskor bank to‘lov hujjatini shakllantiradi va Tezkor to‘lovlar tizimiga yuboradi.

21. Tezkor to‘lovlar tizimi tomonidan to‘lov hujjati benefitsiar bankka tasdiqlash uchun yuboriladi.

Benefitsiar bank tomonidan to‘lov hujjatini qabul qilish tasdiqlangandan so‘ng, Tezkor to‘lovlar tizimi tomonidan o‘tkazma amalga oshiriladi.

22. To‘lovchi va oluvchi o‘rtasidagi o‘tkazmalar bir bank doirasida amalga oshirilsa, o‘tkazmalarni Tezkor to‘lovlar tizimi orqali amalga oshirish talab etilmaydi.

23. Tashabbuskor va benefitsiar bank o‘tkazmalarni amalga oshirishda Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalari (ro‘yxat raqami 2886, 2017-yil 23-may) talablariga amal qilishi lozim.

24. O‘tkazma muvaffaqiyatli amalga oshirilganda, bu haqida to‘lovchiga quyidagi rekvizitlarni o‘z ichiga oladigan to‘lov xizmati ko‘rsatilganligini tasdiqlovchi hujjat taqdim etiladi:

o‘tkazma amalga oshirilgan sana va vaqt;
o‘tkazma amalga oshirilgan to‘lov tizimining nomi;
o‘tkazmaning to‘lov tizimidagi xos raqami (BID);
tashabbuskor bank kodi va nomi;
to‘lovchining bank hisobvarag‘i;
to‘lovchining ismi, familiyasi va otasini ismi;
o‘tkazma va vositachilik haqi summasi;
o‘tkazma maqsadi (agar ko‘rsatilsa);
benefitsiar bank kodi va nomi;
oluvchining bank hisobvarag‘i;
oluvchining ismi, familiyasi va otasini ismi;
oluvchining telefon raqami yoki “bog‘lash kodi”.

25. Oluvchining bank hisobvarag‘iga o‘tkazilgan o‘tkazmalar oluvchi tomonidan cheklovlarsiz tasarruf etilishi banklar tomonidan ta’minlanishi lozim.

4-bob. Banklarda hisob-kitoblarni tashkil qilish

26. Tezkor to‘lovlar tizimi orqali amalga oshirilgan o‘tkazma asosida tashabbuskor bank (A bank) tomonidan buxgalteriya hisobi yozuvi quyidagicha aks ettiriladi:

a) filialga ega bo‘lgan tashabbuskor bankda:

1) debet 20206 Jismoniy shaxslarning talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlari – A bank filiali;

debet 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – A bank filiali;

debet 22617 Pensionerlarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlar – A bank filiali;

debet 22618 Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlari – A bank filiali;

kredit 22224 Bosh ofis/filiallarga Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar – A bank filiali;

2) debet 22224 Bosh ofis/filiallarga Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar – A bank filiali;

kredit 16123 Bosh ofis/filiallardan Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha olinadigan mablag‘lar– A bank bosh ofisi;

3) debet 16123 Bosh ofis/filiallardan Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha olinadigan mablag‘lar – A bank bosh ofisi;

kredit 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – A bank bosh ofisi;

4) debet 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – A bank bosh ofisi;

kredit 17480 Markaziy bankning Kliring tizimi bo‘yicha tijorat banklaridan olinadigan mablag‘lar – Markaziy bank;

b) filialga ega bo‘lmagan tashabbuskor bankda:

1) debet 20206 Jismoniy shaxslarning talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlari – A bank;

debet 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – A bank;

debet 22617 Pensionerlarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlar – A bank;

debet 22618 Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlari – A bank;

kredit 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – A bank;

2) debet 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – A bank;

kredit 17480 Markaziy bankning Kliring tizimi bo‘yicha tijorat banklaridan olinadigan mablag‘lar – Markaziy bank.

27. Tezkor to‘lovlar tizimi orqali amalga oshirilgan o‘tkazma asosida benefitsiar bank (B bank) tomonidan buxgalteriya hisobi yozuvi quyidagicha aks ettiriladi:

a) filialga ega bo‘lgan benefitsiar bankda:

1) debet 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar — Tezkor to‘lovlar tizimi – B bank bosh ofisi;

kredit 22224 Bosh ofis/filiallarga Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar – B bank bosh ofisi;

2) debet 22224 Bosh ofis/filiallarga Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar – B bank bosh ofisi;

kredit 16123 Bosh ofis/filiallardan Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha olinadigan mablag‘lar – B bank filiali;

3) debet 16123 Bosh ofis/filiallardan Tezkor to‘lovlar tizimida hisob-kitoblar bo‘yicha olinadigan mablag‘lar – B bank filiali;

kredit 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – B bank filiali;

4) debet 27480 Markaziy bankning Kliring tizimi bo‘yicha tijorat banklarga to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Markaziy bank;

kredit 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – B bank bosh ofisi;

b) filialga ega bo‘lmagan benefitsiar bankda:

1) debet 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – B bank;

kredit 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – B bank;

2) debet 27480 Markaziy bankning Kliring tizimi bo‘yicha tijorat banklarga to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Markaziy bank;

kredit 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi – B bank.

28. O‘tkazma bir bank doirasida amalga oshirilsa, bank tomonidan buxgalteriya hisobi yozuvi quyidagicha aks ettiriladi:

debet 20206 Jismoniy shaxslarning talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlari;

debet 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – to‘lovchining bank hisobvarag‘i;

debet 22617 Pensionerlarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlar – to‘lovchining bank hisobvarag‘i;

debet 22618 Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlari to‘lovchining bank hisobvarag‘i;

kredit 22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lari – oluvchining bank hisobvarag‘i.

29. Amalga oshirilgan o‘tkazmalar bo‘yicha banklararo hisob-kitoblar Tezkor to‘lovlar tizimi tomonidan kliring usuli asosida tashkil etiladi. Bunda majburiyatlar va talablarni o‘zaro ayirish orqali tashabbuskor va benefitsiar banklarning sof pozitsiyasi aniqlanadi.

30. Bir operatsiya kuni davomida Tezkor to‘lovlar tizimi tomonidan amalga oshiriladigan kliring jarayonlari soni va vaqti Markaziy bank tomonidan belgilanadi.

31. Joriy operatsiya kuni davomida yakunlanadigan kliring sessiyasida amalga oshirilgan o‘tkazmalar ushbu operatsiya kuni sanasi bo‘yicha buxgalteriya balansida aks ettiriladi.

Yakunlanish vaqti joriy operatsiya kuni tugaganidan keyingi operatsiya kuniga to‘g‘ri keladigan kliring sessiyasida amalga oshirilgan o‘tkazmalar keyingi operatsiya kuni sanasi bo‘yicha buxgalteriya balansida aks ettiriladi.

32. Yakuniy hisob-kitob tashabbuskor va benefitsiar banklarning sof pozitsiyalari natijalari bo‘yicha shakllantiriladigan to‘lov hujjatlari asosida tashabbuskor va benefitsiar banklarning vakillik hisobvaraqlari orqali amalga oshiriladi.

33. Yakuniy hisob-kitob natijasiga ko‘ra, 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar hisobvarag‘ida passiv qoldiq yuzaga kelganda, buxgalteriya hisobi yozuvi benefitsiar bank xodimi tomonidan quyidagicha aks ettiriladi:

debet 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar;

kredit 23206 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar.

10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar hisobvarag‘ida aktiv qoldiq yuzaga kelgan taqdirda, 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar va 23206 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar hisobvaraqlaridagi qoldiqlar o‘zaro taqqoslanadi hamda ushbu hisobvaraqlardan qoldig‘i eng kam bo‘lgan summa miqdorida (23206 hisobvaraqdagi qoldiq nolga tenglashguncha) buxgalteriya hisobi yozuvi benefitsiar bank tomonidan quyidagicha aks ettiriladi:

debet 23206 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar;

kredit 10313 Markaziy bankdan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar.

Bunda 23206 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar hisobvarag‘i alohida tartib raqami bilan ochiladi.

34. Yakuniy hisob-kitob natijasiga ko‘ra, 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi hisobvarag‘ida aktiv qoldiq yuzaga kelganda, buxgalteriya hisobi yozuvi tashabbuskor bank xodimi tomonidan quyidagicha aks ettiriladi:

debet 17305 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar;

kredit 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi.

20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi hisobvarag‘ida passiv qoldiq shakllanganda, 17305 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar va 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi hisobvaraqlaridagi qoldiqlar o‘zaro taqqoslanadi hamda ushbu hisobvaraqlardan qoldig‘i eng kam bo‘lgan summa miqdorida (17305 hisobvaraqdagi qoldiq nolga tenglashguncha) buxgalteriya hisobi yozuvi tashabbuskor bank tomonidan quyidagicha aks ettiriladi:

debet 20814 Markaziy bankka to‘lanishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Tezkor to‘lovlar tizimi;

kredit 17305 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar.

Bunda 17305 Aniqlanish jarayonidagi tranzaksiyalar hisobvarag‘i alohida tartib raqami bilan ochiladi.

35. Tashabbus va benefitsiar banklar mazkur Qoidalarning 33 va 34-bandlaridagi hisobvaraqlarda yuzaga kelgan passiv yoki aktiv qoldiqlar sababini aniqlash va oldini olish choralarini ko‘rishi lozim.

5-bob. Yakuniy qoida

36. Mazkur Qoidalar talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish qoidalariga
ILOVA

Tezkor to‘lovlar tizimi orqali jismoniy shaxslar o‘rtasida mobil telefon raqami asosida pul o‘tkazmalarini amalga oshirish bilan bog‘liq jarayonlar SXEMASI

1-bosqich	2-bosqich	3-bosqich
To‘lovchi bank mobil ilovasidagi tegishli maydonga oluvchining mobil telefon raqami yoki bog‘lash kodini kiritadi	Tashabbuskor bank Tezkor to‘lovlar tizimiga identifikatsiya so‘rovini yuboradi	Tezkor to‘lovlar tizimi Tashabbuskor bankdan yuborilgan identifikatsiya so‘rovi asosida BDMABga oluvchining bank hisobvarag‘i rekvizitlarini olish uchun so‘rov yuboradi
4-bosqich	**5-bosqich**	**6-bosqich**
BDMAB Tezkor to‘lovlar tizimi so‘roviga javoban mobil telefon raqami bog‘langan yoki bog‘lash kodi taalluqli bo‘lgan oluvchining bank hisobvarag‘i (hisobvaraqlari) rekvizitlarini taqdim etadi	Tezkor to‘lovlar tizimi BDMABdan olingan ma’lumotlar asosida oluvchining nomi va benefitsiar bank haqidagi ma’lumotlarni tashabbuskor bankka uzatadi	Tashabbuskor bank oluvchining nomi va benefitsiar bank haqidagi ma’lumotlarni to‘lovchiga mobil ilova orqali taqdim etadi
7-bosqich	**8-bosqich**	**9-bosqich**
To‘lovchi oluvchining nomi to‘g‘riligiga ishonch hosil qilgach, bank mobil ilovasida pul o‘tkazmasi amalga oshiriladigan benefitsiar bankni tanlaydi	Tashabbuskor bank to‘lovchining tanlovi asosida oluvchining bank hisobvarag‘i rekvizitlarini Tezkor to‘lovlar tizimidan olish uchun so‘rov yuboradi va ma’lumotlarni qabul qilib oladi	Tashabbuskor bank oluvchining bank hisobvarag‘i va to‘lov hujjatining boshqa majburiy rekvizitlari kiritilgan to‘lov hujjatini Tezkor to‘lovlar tizimiga uzatadi va benefitsiar bank tomonindan tasdiqlanganidan so‘ng to‘lov amalga oshiriladi

34 (1262)-son
871-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3263-4
2026 - yil 25 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

“Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi hamda “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 27-iyundagi 15/9-son “Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 3263, 2020-yil 30-iyun) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3263/1100-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror 2027-yil 1-yanvardan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
2026-yil 31-iyul
17/2-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2026-yil
31-iyuldagi 17/2-son qaroriga
ILOVA

“Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “Nobank kredit tashkilotlarida” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Yo‘riqnomada:

a) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma”;

b) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo‘riqnoma mikromoliya tashkilotlari, lombardlar, ipotekani qayta moliyalashtirish, faktoring, kafolatlar berish tashkilotlari (bundan buyon matnda nobank kredit tashkiloti deb yuritiladi), to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari uchun buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibini belgilaydi.”;

d) 1-banddagi “nobank kredit tashkilotlari” degan so‘zlar “nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

e) 2 va 3-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Lombardlar O‘zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari va mazkur Yo‘riqnomaga, mikromoliya tashkilotlari, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari (bundan buyon matnda ipoteka tashkiloti deb yuritiladi), faktoring tashkilotlari, kafolatlar berish tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari O‘zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari, Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari va mazkur Yo‘riqnomaga muvofiq o‘z hisob siyosatini ishlab chiqishi, tasdiqlashi va amalda qo‘llashi, shuningdek ish xususiyatlaridan kelib chiqqan holda hujjatlar aylanish tartibini belgilashi lozim.

3. Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkilotining buxgalteriya operatsiyalarini hisobvaraqlarda aks ettirish mazkur Yo‘riqnomaning

1-ilovasida keltirilgan Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida buxgalteriya hisobi hisobvaraqlari rejasiga (bundan buyon matnda Hisobvaraqlar rejasi deb yuritiladi) muvofiq amalga oshiriladi.”;

f) 4, 5 va 12-bandlardagi “Nobank kredit tashkilotining” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkilotining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

g) 8 va 161-bandlardagi “Nobank kredit tashkilotida” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkilotida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

h) 34-banddagi “buxgalteriyada bosh buxgalter” degan so‘zlar “tashkilot rahbari belgilagan rahbar lavozimidagi shaxs(la” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

i) 44-banddagi “Yuqori boshqaruv organ qarori asosida tegishli zaxiralar” degan so‘zlar “Tegishli zaxiralar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

j) 56-bandning birinchi xatboshisidagi “topshirilganidan keyingi oydan” degan so‘zlar “topshirilgan (ekspluatatsiyaga kiritilgasanadan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) quyidagi mazmundagi 150^1-band bilan to‘ldirilsin:

“150^1. Ushbu Yo‘riqnomaning 150-bandida belgilangan hujjatlarni elektron shaklda shakllantirish, saqlash, ruxsatsiz o‘zgartirishlardan himoya qilish, qidirish va taqdim etish imkoniyatini ta’minlovchi dasturiy ta’minot mavjud bo‘lgan taqdirda, hujjatlarni qog‘oz shaklida majburiy rasmiylashtirish talab etilmaydi.”;

l) 152-banddagi “Nobank kredit tashkiloti” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

m) 1-ilovada:

1) ilova belgisidagi “Nobank kredit tashkilotlarida” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida buxgalteriya hisobi hisobvaraqlari rejasi”;

3) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi (bundan buyon matnda Hisobvaraqlar rejasi deb yuritiladi) O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi, “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi hamda “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlarining talablari hamda Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari asosida ishlab chiqilgan bo‘lib, u nobank kredit tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish va tashkil etishning yagona metodologik asoslarini belgilab beradi. Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkilotida buxgalteriya hisobi ular qonunchilik hujjatlariga muvofiq yuridik shaxs sifatida ro‘yxatdan o‘tkazilgan vaqtdan boshlab qayta tashkil etilgunga yoki tugatilgunga qadar uzluksiz ravishda yuritiladi.”;

4) 3-band “kafolatlar berish tashkilotlari,” degan so‘zlardan keyin “to‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

5) 6-band “Nobank kredit tashkiloti” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti, to‘lov tizimi operatori va to‘lov tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 2-bobda:

“10101 Kassadagi naqd pullar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 10107 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“10107 Bankomatlar va boshqa o‘z-o‘ziga xizmat ko‘rsatish uskunalaridagi naqd pullar”;

“10509 Yo‘ldagi naqdsiz mablag‘lar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 10511 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“10511 Jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablag‘lari bo‘yicha boshqa banklardan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar”;

“10513 Boshqa banklarga qo‘yilgan boshqa mablag‘lar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 10515, 10519, 10521 va 10525 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“10515 Banklardan olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – Markaziy bank kliring tizimi

10519 Chiqarilgan elektron pullar miqdorida bankdagi maxsus hisobvaraqqa qo‘yilgan mablag‘lar

10521 Banklarda ochilgan kliring tranzaksiyalar bo‘yicha depozitlar

10525 Akkreditiv va kafolat mablagʻlar”;

12500, 12501, 12505, 12509, 12599, 12700, 12701, 12705, 12709, 12799, 14900, 14901, 14909, 14999, 15100, 15101, 15109, 15199, 15703, 15707, 42100, 42101, 42105, 42109, 42300, 42301, 42305, 42309, 44300, 44301, 44309, 44500, 44501, 44509, 44703 va 44707 balans hisobvaraqlarining nomlaridagi “mikrokreditlar” degan soʻz “kreditlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

“15505 Ipoteka krediti boʻyicha olingan huquqlar – Muddati oʻtgan toʻlovlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 15551, 15555 va 15559 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“15551 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

15555 Muddati oʻtgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

15559 Shartlari qayta koʻrib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari”;

“15715 Ipoteka krediti boʻyicha olingan huquqlar boʻyicha sud jarayonidagi kreditlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 15717 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“15717 Sud va ijro jarayonidagi sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari”;

“16323 Lizing (moliyaviy ijara) boʻyicha olish uchun hisoblangan foizlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16325 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“16325 Operatsion ijara boʻyicha hisoblangan foizlar (moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga muvofiq)”;

“16539 Yigʻilgan eskirish summasi – Mebel, moslama va jihozlar (kontr-aktiv)” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16541 va 16543 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“16541 Toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalari

16543 Yigʻilgan eskirish summasi – Toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalari (kontr-aktiv)”;

“16609 Oʻrnatish va yaratish jarayonidagi nomoddiy aktivlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16611 va 16613 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“16611 Ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar

16613 Yig‘ilgan eskirish summasi – Ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar (kontr-aktiv)”;

“19933 Muddati uzaytirilgan soliqlar bo‘yicha baholangan zaxira (kontr-aktiv)” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19934 va 19935 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“19934 Pul o‘tkazmalari bo‘yicha jismoniy shaxslar bilan hisob-kitoblar

19935 Naqd pullarni qayta hisoblashda aniqlangan kamomad”;

“19945 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash zaxirasi – Tugatilgan va tugatilish jarayonida bo‘lgan banklardagi mablag‘lar (kontr-aktiv)” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19946 va 19947 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“19946 Agentlarga berilgan avanslar

19947 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash zaxirasi – Agentlarga berilgan avanslar (kontr-aktiv)”;

“22210 Bosh ofis/filialga to‘lanadigan mablag‘lar – Float” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 22212 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“22212 Jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablag‘lari bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar”;

“22512 Boshqa jamg‘armalar bilan hisob-kitoblar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 22600, 22612, 22616 va 22640 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“22600 Mijozlarning boshqa depozitlari

22612 “O‘zbekiston pochtasi” AJ tarkibiy bo‘linmalari tomonidan amalga oshiriladigan pul o‘tkazmalari va davriy nashrlarga obuna

22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat ko‘rsatish tizimi orqali boshqariladigan mablag‘lar

22640 Elektron pullar bo‘yicha majburiyatlar”;

“22896 Boshqa muddati uzaytirilgan daromadlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 23500, 23515 va 23517 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“23500 Mijozlarning bank kartalaridan kelib tushgan tushum

23515 Bank kartalaridan komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa to‘lovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar

23517 To‘lov vositalari orqali komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa to‘lovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar”;

“29808 Litsenziya badallari bo‘yicha hisoblangan mablag‘lar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 29816 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“29816 Naqd pullarni qayta hisoblashda aniqlangan ortiqchalar”;

“29830 Ustav kapitalini oshirish bo‘yicha depozitlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 29834, 29836, 29842 va 29844 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“29834 Jismoniy shaxslarning pul o‘tkazmalari bo‘yicha majburiyatlar

29836 Agent va subagentlarning depozitlari

29842 Harakatsiz depozit majburiyatlari

29844 Bank foizlari chegirib tashlangan holda yuridik shaxslarga pul mablag‘larini o‘tkazish bo‘yicha boshqa majburiyatlar”;

“45217 Sotib olingan debitorlik qarzlari bo‘yicha daromadlar – Faktoring” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 45265 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“45265 Bank kartalari bo‘yicha vositachilik xizmatlari uchun olingan daromadlar”;

“45401 “Spot” bitimi bo‘yicha xorijiy valyutalardagi foyda” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 45403 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“45403 Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan olingan foyda”;

“45701 Shu’ba moliya tashkilotlariga qilingan investitsiyalardan olingan foyda” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 45705 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“45705 Qaram xoʻjalik jamiyatlariga qilingan investitsiyadan olingan foyda”;

“45901 Asosiy vositalarning ijarasidan olingan daromadlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 45903 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“45903 Nomoddiy aktivlarning ijarasidan olingan daromadlar”;

“55196 Boshqa vositachilik va xizmat xarajatlari” balans hisobvarag‘idagi “55196” raqami “55195” raqami bilan almashtirilsin;

“90337 Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi tashkilotlarning qayta sotib olingan qimmatli qog‘ozlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 90400, 90412 va 90414 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“90400 Kartalar va infokiosklar

90412 Tashkilot tomonidan muomalaga chiqarilgan kartalar

90414 Tashkilot tomonidan o‘rnatilgan infokiosklar”;

“91505 Boshqa aktivlar bo‘yicha foizlar va vositachilik haqlari” balans hisobvarag‘ining nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“91505 Kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar bo‘yicha vositachilik haqlari”;

“91505 Kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar bo‘yicha vositachilik haqlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 91507 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“91507 Boshqa aktivlar bo‘yicha foizlar va vositachilik haqlari”;

“96300 Balansdan tashqari kontr-hisobvaraqlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 96313 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“96313 Tashkilot tomonidan o‘rnatilgan infokiosklar bo‘yicha kontr-hisobvaraq”;

7) 3-bobda:

“10101 Kassadagi naqd pullar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 10107 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“10107 Bankomatlar va boshqa o‘z-o‘ziga xizmat ko‘rsatish uskunalaridagi naqd pullar

Hisobvaraqning taʼrifi: bankomatlar va boshqa oʻz-oʻziga xizmat koʻrsatish uskunalaridagi naqd pullarning harakati va hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning debetida bankomatlar va boshqa oʻz-oʻziga xizmat koʻrsatish uskunalariga kirim qilingan naqd pul mablagʻlari aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida bankomatlar va boshqa oʻz-oʻziga xizmat koʻrsatish uskunalaridan bank kassasiga berilgan naqd pul mablagʻlari aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“10509 Yoʻldagi naqdsiz mablagʻlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 10511 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“10511 Jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablagʻlari boʻyicha boshqa banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar

Hisobvaraqning taʼrifi: jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablagʻlari boʻyicha boshqa banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablagʻlari boʻyicha boshqa banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisobdan chiqarilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob banklar boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“10513 Boshqa banklarga qoʻyilgan boshqa mablagʻlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 10515, 10519, 10521 va 10525 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“10515 Banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar – Markaziy bank kliring tizimi

Hisobvaraqning taʼrifi: banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar – Markaziy bank kliring tizimi boʻyicha joylashtirilgan mablagʻlar hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning debetida banklardan olinishi lozim boʻlgan mablagʻlar – Markaziy bank kliring tizimi boʻyicha summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisobdan chiqarilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob banklar boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

10519 Chiqarilgan elektron pullar miqdorida bankdagi maxsus hisobvaraqqa qoʻyilgan mablagʻlar

Hisobvaraqning taʼrifi: chiqarilgan elektron pullar miqdorida bankdagi maxsus hisobvaraqqa qoʻyilgan mablagʻlar hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning debetida chiqarilgan elektron pullar miqdorida bankdagi maxsus hisobvaraqqa qoʻyilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisobdan chiqarilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob banklar boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

10521 Banklarda ochilgan kliring tranzaksiyalar boʻyicha depozitlar

Hisobvaraqning taʼrifi: banklarda ochilgan kliring tranzaksiyalar boʻyicha depozitlar hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning debetida banklarda ochilgan kliring tranzaksiyalar boʻyicha depozitlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisobdan chiqarilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob banklar boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

10525 Akkreditiv va kafolat mablagʻlar

Hisobvaraqning taʼrifi: akkreditiv va kafolatlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisobdan chiqarilgan akkreditiv va kafolatlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida bank tomonidan ochilgan akkreditiv va kafolatlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnoma boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

12500–12799-hisobvaraqlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12500 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan qisqa muddatli kreditlar

12501 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: berilgan sanadan boshlab 1 yil muddatgacha yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida berilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida qoplangan va/yoki boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12505 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan muddati oʻtgan kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan muddatida toʻlanmagan (qoplanmagan) qisqa muddatli va uzoq muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan va 12501, 12509, 14901, 14909 hisobvaraqlaridan ushbu hisobvaraqqa oʻtkazilgan yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan muddatida toʻlanmagan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida qarzdorlar tomonidan toʻlangan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira 12599 hisobvarag‘idan hisobdan chiqarilgan summa aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12509 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomasi hamda unga qoʻshimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari oʻzgartirilgan yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan qisqa muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan va 12501 va 12505 hisobvaraqlaridan ushbu hisobvaraqqa oʻtkazilgan va yakka tartibdagi

tadbirkorlarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan, qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash 12599 hisobvaragʻidan hisobdan chiqarilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12599 Koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi – Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan qisqa muddatli kreditlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: mikromoliya tashkiloti tomonidan undirib olinmaslik ehtimoli mavjud boʻlgan, yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan qisqa muddatli kreditlar, shu jumladan mikromoliyalar boʻyicha koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxira summasi va/yoki zaxiraning oʻsish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12700 Yuridik shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar

12701 Yuridik shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: berilgan sanadan boshlab 1 yil muddatgacha yuridik shaxslarga berilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida berilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida qoplangan va/yoki boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kreditlar, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12705 Yuridik shaxslarga berilgan muddati oʻtgan kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: Yuridik shaxslarga berilgan muddatida toʻlanmagan qisqa muddatli va uzoq muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning

hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan va 12701, 12709, 15101, 15109 hisobvaraqlaridan ushbu hisobvaraqqa oʻtkazilgan yuridik shaxslarga berilgan muddatida toʻlanmagan barcha kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira 12799 hisobvarag‘i hisobidan chiqarilgan hamda qarzdorlar tomonidan toʻlangan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12709 Yuridik shaxslarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomasi hamda unga qoʻshimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari oʻzgartirilgan yuridik shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan va 12701 va 12705 hisobvaraqlaridan ushbu hisobvaraqqa oʻtkazilgan va yuridik shaxslarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira 12799 hisobvarag‘idan hisobdan chiqarilgan qoplangan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

12799 Koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi – Yuridik shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: undirib olinmaslik ehtimoli mavjud boʻlgan, yuridik shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar boʻyicha koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxira summasi yoki zaxiraning oʻsish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kreditlar, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

14900–15199-hisobvaraqlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14900 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan uzoq muddatli kreditlar

14901 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: berilgan sanasidan boshlab 1 yildan ortiq muddatga yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida berilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan va/yoki boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

14909 Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomasi hamda unga qoʻshimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari oʻzgartirilgan yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan uzoq muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan va 14901 va 12505 hisobvaraqlaridan mazkur hisobvaraqqa oʻtkazilgan va yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan, qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira hisobidan 14999 hisobvarag‘idan chiqarilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

14999 Koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi – Yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan uzoq muddatli kreditlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: undirib olinmaslik ehtimoli mavjud boʻlgan, yakka tartibdagi tadbirkorlarga berilgan uzoq muddatli kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar boʻyicha koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxira summasi va/yoki zaxiraning oʻsish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

15100 Yuridik shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar

15101 Yuridik shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: berilgan sanadan boshlab 1 yildan ortiq muddatga yuridik shaxslarga berilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida berilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan va/yoki boshqa maqomi boʻyicha qayta tasniflangan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

15109 Yuridik shaxslarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqning taʼrifi: kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomasi hamda unga qoʻshimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari oʻzgartirilgan yuridik shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida qayta tasniflangan, 15101 va 12705 hisobvaraqlaridan ushbu hisobvaraqqa oʻtkazilgan va yuridik shaxslarga berilgan shartlari qayta koʻrib chiqilgan kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan, qayta tasniflangan va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira hisobidan hisobvaragʻidan chiqarilgan kreditlarning, shu jumladan mikrokreditlarning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

15199 Koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi – Yuridik shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: undirib olinmaslik ehtimoli mavjud boʻlgan, yuridik shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar, shu jumladan mikrokreditlar boʻyicha koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxira summasi va/yoki zaxiraning oʻsish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit, shu jumladan mikrokredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“15505 Ipoteka krediti boʻyicha olingan huquqlar – Muddati oʻtgan toʻlovlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 15551, 15555 va 15559 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“15551 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

15555 Muddati oʻtgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

15559 Shartlari qayta koʻrib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

Yuqorida koʻrsatilgan balans hisobvaraqlari oʻz xususiyatlari boʻyicha bir xil boʻlganligi uchun ularning taʼrifi umumlashtirib berilmoqda.

Hisobvaraqning taʼrifi: sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari, shuningdek muddati oʻtgan va shartlari qayta koʻrib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari summasi hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari, shuningdek muddati oʻtgan va shartlari qayta koʻrib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan, shuningdek muddati oʻtgan va shartlari qayta koʻrib chiqilgan (qayta tasniflangan) va/yoki koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash uchun zaxira hisobidan 15599 hisobvarag‘idan chiqarilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

15703 va 15707 balans hisobvaraqlarining nomidagi “mikrokreditlar” degan soʻz “kredit” degan soʻz bilan almashtirilsin;

“15715 Ipoteka krediti boʻyicha olingan huquqlar boʻyicha sud jarayonidagi kreditlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 15717 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“15717 Sud va ijro jarayonidagi sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari”;

“16323 Lizing (moliyaviy ijara) boʻyicha olish uchun hisoblangan foizlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 16325 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16325 Operatsion ijara boʻyicha hisoblangan foizlar (moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga muvofiq)

Hisobvaraqning taʼrifi: operatsion ijara boʻyicha hisoblangan foizlar (moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga muvofiq) hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida olish uchun hisoblangan foizlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida toʻlangan (qoplangan) va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar summasi, shuningdek notoʻgʻri hisoblangan foizlarning qaytarilish summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“16539 Yigʻilgan eskirish summasi – Mebel, moslama va jihozlar (kontr-aktiv)” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 16541 va 16543 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16541 Toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalari

Hisobvaraqning taʼrifi: toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalarning qiymati hisobga olinadi.

Hisobvaraqning debetida toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalarini sotib olish, olib kelish, oʻrnatish bilan bogʻliq barcha xarajatlarni hisobga olgan holdagi qiymati, aktiv sifatida qabul qilish mezonlariga javob beradigan keyingi xarajatlar, shuningdek qayta baholash natijasida kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida sotilayotgan va/yoki boshqa yoʻl bilan hisobdan chiqarilayotgan toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalarining qiymati, shuningdek qayta baholash natijasida kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob asosiy vositalarning har bir turi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

16543 Yigʻilgan eskirish summasi – Toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalari (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: toʻlov kartalari bilan hisob-kitoblarni amalga oshirish uskunalarining yigʻilgan eskirish summasi va qadrsizlanish natijasida koʻrilgan zararlar summasi hisobga olinadi.

Hisobvaraqning kreditida uskunalarning eskirish summasi, qadrsizlanish natijasida koʻrilgan zararlar, shuningdek qayta baholash natijasida kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida sotilayotgan va/yoki boshqa yoʻl bilan hisobdan chiqarilayotgan uskunalarning yigʻilgan eskirish summasi, shuningdek qayta baholash natijasida kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob asosiy vositalarning har bir turi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“16609 Oʻrnatish va yaratish jarayonidagi nomoddiy aktivlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 16611 va 16613 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16611 Ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar

Hisobvaraqning taʼrifi: ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar boʻyicha olinishi lozim boʻlgan summalar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar boʻyicha kelib tushgan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir nomoddiy aktivlar shartnomasi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

16613 Yig‘ilgan eskirish summasi – Ijaraga berilgan nomoddiy aktivlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: oʻrnatish va/yoki yaratish jarayonidagi nomoddiy aktivlar qadrsizlanishi boʻyicha zararlarni qoplash zaxirasi hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning kreditida qadrsizlanish natijasida vujudga kelgan zararlar va qayta baholash boʻyicha kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida foydalanishga (ekspluatatsiyaga) berilayotgan va/yoki boshqa yoʻl bilan hisobdan chiqarilayotgan nomoddiy aktivlarning qadrsizlanishi boʻyicha zararlarni hisobdan chiqarish hamda qayta baholash natijasida kiritilgan tuzatishlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob nomoddiy aktivlarning har bir turi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“19933 Muddati uzaytirilgan soliqlar boʻyicha baholangan zaxira (kontr-aktiv)” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 19934 va 19935 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“19934 Pul oʻtkazmalari boʻyicha jismoniy shaxslar bilan hisob-kitoblar

Hisobvaraqning taʼrifi: xalqaro pul oʻtkazmalarining shartlari boʻyicha jismoniy shaxslarga amalga oshirilgan toʻlovlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarga berilgan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida amalga oshirilgan oʻtkazmalar boʻyicha qoplangan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob pul oʻtkazmalarining turlari boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

19935 Naqd pullarni qayta hisoblashda aniqlangan kamomad

Hisobvaraqning taʼrifi: hisobdor kassirlarga berilgan naqd pullarni qayta sanashda aniqlangan kamomadlar hisobga olinadi.

Hisobvaraqning debetida kamomadlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida kamomadlarning kelib chiqish sabablari oʻrganilgandan keyin qoplangan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“19945 Koʻrilishi mumkin boʻlgan zararlarni qoplash zaxirasi – Tugatilgan va tugatilish jarayonida boʻlgan banklardagi mablagʻlar (kontr-aktiv)” balans

hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 19946 va 19947 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“19946 Agentlarga berilgan avanslar

Hisobvaraqning taʼrifi: agentlarga berilgan avanslar summasi hisobga olinadi.

Hisobvaraqning debetida agentlarga to‘langan summalar aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida berilgan avanslarning qoplangan yoki hisobdan chiqarilgan summalari aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir agent bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

19947 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash zaxirasi – Agentlarga berilgan avanslar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning taʼrifi: agentlarga berilgan avanslar bo‘yicha ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash zaxirasi hisobga olinadi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxira summasi va/yoki zaxiraning o‘sish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir debitor bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“22210 Bosh ofis/filialga to‘lanadigan mablag‘lar – Float” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 22212 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“22212 Jismoniy shaxslarning bank kartalaridan berilgan naqd pul mablag‘lari bo‘yicha to‘lanadigan mablag‘lar

Hisobvaraqning taʼrifi: jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha bosh ofis/filial tomonidan berilgan naqd pullar bo‘yicha pul mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha bosh ofis/filial tomonidan berilgan naqd pullar bo‘yicha o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning bank kartalari bo‘yicha bosh ofis/filial tomonidan berilgan naqd pullar bo‘yicha qoplangan summa aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“22512 Boshqa jamgʻarmalar bilan hisob-kitoblar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 22600, 22612, 22616, 22640 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“22600 Mijozlarning boshqa depozitlari

22612 “Oʻzbekiston pochtasi” AJ tarkibiy boʻlinmalari tomonidan amalga oshiriladigan pul oʻtkazmalari va davriy nashrlarga obuna

Hisobvaraqning taʼrifi: “Oʻzbekiston pochtasi” AJ va uning tarkibiy boʻlinmalari tomonidan amalga oshiriladigan pul oʻtkazmalari va davriy nashrlarga obuna hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida oʻtkazma operatsiyalar va davriy nashrlarga obuna boʻyicha “Oʻzbekiston pochtasi” AJ tarkibiy boʻlinmalariga kelib tushgan naqd pul va naqd pulsiz mablagʻlar aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida belgilangan maqsad boʻyicha oʻtkazilgan mablagʻlar, shuningdek “Oʻzbekiston pochtasi” AJ tarkibiy boʻlinmalariga madad puli sifatida berilgan naqd pul mablagʻlari aks ettiriladi.

Tahliliy hisob operatsiya turi va “Oʻzbekiston pochtasi” AJning har bir tarkibiy boʻlinmasi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

22616 Jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat koʻrsatish tizimi orqali boshqariladigan mablagʻlar

Hisobvaraqning taʼrifi: jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlaridagi masofadan turib xizmat koʻrsatish tizimi orqali boshqariladigan mablagʻlarining hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning kreditida jismoniy shaxslarning bank hisobvaraqlariga kelib tushayotgan, qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda masofadan turib xizmat koʻrsatish tizimi orqali boshqariladigan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning hisobvaraqlaridan chiqarilgan, qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda masofadan turib xizmat koʻrsatish tizimi orqali boshqariladigan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir jismoniy shaxs boʻyicha alohida hisobvaraqlarda olib boriladi.

22640 Elektron pullar boʻyicha majburiyatlar

Hisobvaraqning taʼrifi: elektron pullar boʻyicha majburiyatlar hisobi yuritiladi.

Hisobvaraqning kreditida kelib tushgan elektron pullar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida hisobdan chiqarilgan elektron pullar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob elektron pul egalari boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“22896 Boshqa muddati uzaytirilgan daromadlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 23500, 23515 va 23517 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“23500 Mijozlarning bank kartalaridan kelib tushgan tushum

23515 Bank kartalaridan komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa toʻlovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga oʻtkazilishi lozim boʻlgan mablag‘lar

Hisobvaraqning taʼrifi: bank kartalaridan komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa toʻlovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga oʻtkazilishi lozim boʻlgan mablag‘lar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida oluvchining hisobvaraqlariga oʻtkazish uchun bank kartalaridan kelib tushgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida oluvchining hisobvaraqlaridan oʻtkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir oluvchi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

23517 To‘lov vositalari orqali komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa toʻlovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga oʻtkazilishi lozim boʻlgan mablag‘lar

Hisobvaraqning taʼrifi: to‘lov vositalari orqali komissiya hisobga olingan holda yechib olingan to‘lovlar hamda amaldagi qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa toʻlovlarni amalga oshirish uchun oluvchining hisobvarag‘iga oʻtkazilishi lozim boʻlgan mablag‘lar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida oluvchining hisobvaraqlariga oʻtkazish uchun toʻlov vositalari orqali bank kartalaridan kelib tushgan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida oluvchining hisobvaraqlaridan oʻtkazilgan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir oluvchi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“29808 Litsenziya badallari boʻyicha hisoblangan mablagʻlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 29816 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“29816 Naqd pullarni qayta hisoblashda aniqlangan ortiqchalar

Hisobvaraqning taʼrifi: to’lov tashkilotda naqd pullarni qayta sanashda aniqlangan ortiqcha naqd pullarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida ortiqcha naqd pullar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida ortiqcha naqd pullar paydo boʻlishining haqiqiy sabablari aniqlangandan keyin hisobdan chiqarilgan summalari aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“29830 Ustav kapitalini oshirish boʻyicha depozitlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 29834, 29836, 29842 va 29844 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“29834 Jismoniy shaxslarning pul oʻtkazmalari boʻyicha majburiyatlar

Hisobvaraqning taʼrifi: xalqaro pul oʻtkazmalari boʻyicha jismoniy shaxslar tomonidan amalga oshiriladigan toʻlovlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida xalqaro pul oʻtkazmalari boʻyicha oʻtkazish uchun jismoniy shaxslardan qabul qilingan va toʻlash uchun kelib tushgan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida xalqaro pul oʻtkazmalari boʻyicha joʻnatilgan/toʻlangan pul mablagʻlari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob pul oʻtkazmalari va operatsiyalarning turlari boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

29836 Agent va subagentlarning depozitlari

Hisobvaraqning taʼrifi: agent va subagentlar foydalanadigan mablagʻlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida agent va subagentlarning depozit hisobvaraqlariga kelib tushgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida agent va subagentlarning depozit hisobvaraqlaridan hisobdan chiqarilgan mablagʻlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

29842 Harakatsiz depozit majburiyatlari

Hisobvaraqning taʼrifi: mijozlarning qonunchilikda oʻrnatilgan muddat davomida harakatda boʻlmagan depozit hisobvaraqlaridagi qoldiqlari, shuningdek oʻrnatilgan muddatda talab qilinmagan boshqa hisobvaraqlarning qoldiqlari (cheklar, veksellar va boshqalar) hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida mijozlarning “harakatsiz depozitlar” turkumiga oʻtkazilgan mablagʻlari aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida mijozlarga toʻlangan hamda boshqa hisobvaraqlarga oʻtkazilgan mablagʻlar aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

29844 Bank foizlari chegirib tashlangan holda yuridik shaxslarga pul mablagʻlarini oʻtkazish boʻyicha boshqa majburiyatlar

Hisobvaraqning taʼrifi: bank foizlari chegirib tashlangan holda yuridik shaxslarga pul mablagʻlarini oʻtkazish boʻyicha boshqa majburiyatlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida mablagʻlar kelib tushishi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida mablagʻlarni hisobdan chiqarish aks ettiriladi.

Tahliliy hisob operatsiyalar turi boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

42100–42309 balans hisobvaraqlarining nomidagi “mikrokreditlar” degan soʻz “kreditlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

44301–44509 balans hisobvaraqlarining nomidagi “mikrokreditlar” degan soʻz “kreditlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

44703 balans hisobvarag‘ining nomidagi “mikrokreditlar” degan so‘z “kreditlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

44707 balans hisobvarag‘ining nomidagi “mikrokreditlar” degan so‘z “kreditlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“45217 Sotib olingan debitorlik qarzlari bo‘yicha daromadlar – Faktoring” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 45265 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“45265 Bank kartalari bo‘yicha vositachilik xizmatlari uchun olingan daromadlar

Hisobvaraqning ta’rifi: bank kartalari bilan operatsiyalarni amalga oshirishda mijozlarga ko‘rsatilgan xizmatlar yuzasidan tashkilotning vositachilik daromadlari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida to‘lovlar bo‘yicha ishlab topilgan daromadlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida noto‘g‘ri olingan daromadlarning qaytarilish summasi, shuningdek moliyaviy hisobot yilining oxirida bankning moliyaviy natijasi sifatida 31206 hisobvarag‘iga o‘tkaziladigan daromadlar summasi aks ettiriladi.”;

“45401 “Spot” bitimi bo‘yicha xorijiy valyutalardagi foyda” balans hisobvarag‘ining nomidan keyin quyidagi mazmundagi 45403 balans hisobvarag‘ining nomi bilan to‘ldirilsin:

“45403 Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan olingan foyda”;

“45701 Shu’ba moliya tashkilotlariga qilingan investitsiyalardan olingan foyda” balans hisobvarag‘ining nomidan keyin quyidagi mazmundagi 45705 balans hisobvarag‘ining nomi bilan to‘ldirilsin:

“45705 Qaram xo‘jalik jamiyatlariga qilingan investitsiyadan olingan foyda”;

“45901 Asosiy vositalarning ijarasidan olingan daromadlar” balans hisobvarag‘ining nomidan keyin quyidagi mazmundagi 45903 balans hisobvarag‘ining nomi bilan to‘ldirilsin:

“45903 Nomoddiy aktivlarning ijarasidan olingan daromadlar”;

“90337 Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi tashkilotlarning qayta sotib olingan qimmatli qog‘ozlari” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi

mazmundagi 90400, 90412 va 90414 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“90400 Kartalar va infokiosklar

90412 Tashkilot tomonidan muomalaga chiqarilgan kartalar

Hisobvaraqning taʼrifi: tashkilot tomonidan muomalaga chiqarilgan kartalar hisobi olib boriladi. Bunda tashkilot tomonidan muomalaga chiqarilgan kartalar “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahoda hisobga olinadi. Ushbu hisobvaraq uchun 96311 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklarning “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahodagi qiymati aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkilot tomonidan muomaladan olib qoʻyilgan yoki belgilangan tartibda yoʻq qilib tashlangan kartalarning “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahodagi qiymati aks ettiriladi.

Tahliliy hisob bitta shaxsiy hisobvaraqda olib boriladi.

90414 Tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklar

Hisobvaraqning taʼrifi: tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklar hisobi olib boriladi. Bunda tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklar “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahoda hisobga olinadi. Ushbu hisobvaraq uchun 96313 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklarning “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahodagi qiymati aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkilot tomonidan muomaladan olib qoʻyilgan yoki belgilangan tartibda yoʻq qilib tashlangan infokiosklarning “donasi 1 soʻm” boʻlgan shartli bahodagi qiymati aks ettiriladi.

Tahliliy hisob bitta shaxsiy hisobvaraqda olib boriladi.”;

“91505 Boshqa aktivlar boʻyicha foizlar va vositachilik haqlari” balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“91505 Kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar boʻyicha vositachilik haqlari

Hisobvaraqning taʼrifi: kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar bilan bogʻliq vositachilik haqlari, jarima va penyalarning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96335 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar boʻyicha olinishi lozim boʻlgan muddati oʻtgan va/yoki hisoblangan vositachilik haqlari,

jarima va penyalarning hisobi summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar boʻyicha toʻlangan va/yoki hisobdan chiqarilgan vositachilik haqlari, jarima va penyalarning hisobi summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“91505 Kreditlar, lizing, kafillik va kafolatlar boʻyicha vositachilik haqlari” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 91507 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“91507 Boshqa aktivlar boʻyicha foizlar va vositachilik haqlari

Hisobvaraqning taʼrifi: boshqa aktivlar va vositachiliklar boʻyicha hisobdan chiqarilgan foizlar, vositachilik haqlari, jarima va penyalar hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96335 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida boshqa aktivlar boʻyicha olinishi lozim boʻlgan muddati oʻtgan va/yoki hisoblangan foizlar, vositachilik haqlari, jarima va penyalar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida boshqa aktivlar boʻyicha toʻlangan va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar, vositachilik haqlari, jarima va penyalar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz boʻyicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

“96300 Balansdan tashqari kontr-hisobvaraqlari” balans hisobvarag‘ining nomidan keyin quyidagi mazmundagi 96311 va 96313 balans hisobvaraqlarining nomi bilan to‘ldirilsin:

“96311 Tashkilot tomonidan muomalaga chiqarilgan kartalar boʻyicha kontr-hisobvaraq

96313 Tashkilot tomonidan oʻrnatilgan infokiosklar boʻyicha kontr-hisobvaraq”;

7) 2, 3, 4 va 5-ilovalarning ilova belgisidagi “Nobank kredit tashkilotlarida” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkilotlari, toʻlov tizimi operatorlari va toʻlov tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2608-3
2026 - yil 26 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Mahkumlarni jazoni ijro etish muassasasiga jo‘natish hamda ularni bir muassasadan boshqasiga ko‘chirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining 2026-yil 15-yanvardagi O‘RQ–1112-son “O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-ijroiya kodeksiga jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o‘tayotgan mahkumlar uchun masofali video-uchrashuvlar o‘tkazish imkoniyatini yaratishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi PF–6196-son “Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2014-yil 27-iyuldagi 103-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2608, 2014-yil 8-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 33-son, 424-modda) bilan tasdiqlangan Mahkumlarni jazoni ijro etish muassasasiga jo‘natish hamda ularni bir muassasadan boshqasiga ko‘chirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 7-avgust
420-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar
vazirining 2026-yil 7-avgustdagi 420-son
buyrug‘iga
ILOVA

Mahkumlarni jazoni ijro etish muassasasiga jo‘natish hamda ularni bir muassasadan boshqasiga ko‘chirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom mahkumlarni jazoni ijro etish muassasasiga jo‘natish hamda ularni bir muassasadan boshqasiga ko‘chirish tartibini belgilaydi.”.

2. 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Mazkur Nizomning 9-bandi “a” va “b” kichik bandining ikkinchi — yettinchi xatboshilarida nazarda tutilgan holatlardan biri yuz bergan taqdirda, mahkumlarni ko‘chirish uchun asos bo‘lgan hujjatlar O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Jazoni ijro etish departamenti (bundan buyon matnda JIED deb yuritiladi) tomonidan ko‘rib chiqiladi.

Mahkumlarni ko‘chirish uchun asos bo‘lgan hujjatlarni ko‘rib chiqish natijalari bo‘yicha JIEDning tegishli xizmati tomonidan xulosa tuziladi. Mazkur xulosa JIED boshlig‘i yoki u bo‘lmagan taqdirda uning birinchi o‘rinbosari tomonidan tasdiqlanadi.”.

3. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Mahkumni bir muassasadan boshqa shu turdagi muassasaga ko‘chirish JIED boshlig‘i yoki u bo‘lmagan taqdirda uning birinchi o‘rinbosari tomonidan tasdiqlangan xulosaga yoxud sud qaroriga asosan JIED Maxsus hisob boshqarmasi tayyorlagan taqsimotga muvofiq amalga oshiriladi.”.

4. 13-band “banderollar olish,” degan so‘zlardan keyin “masofali video-uchrashuv yoki” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3931
2026 - yil 26 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN
VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB
TA’LIMI VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGINING
QARORI

“Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 2-martdagi PQ–150-son “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi hamda 2024-yil 15-noyabrdagi PQ–393-son “O‘quvchi-yoshlarni chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorlash tizimini yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi hamda Yoshlar ishlari agentligi qaror qiladi:

1. “Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi, Milliy gvardiyasi, Davlat xavfsizlik xizmati hamda O‘zbekiston mahallalari uyushmasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

Mudofaa vaziri 2026-yil 5-avgust 16-son		XALMUXAMEDOV SHUXRAT GAYRATDJANOVICH
Vazir 2026-yil 3-avgust 56-q/q-son		SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH
Vazir 2026-yil 28-iyul 01-38-336-son		KARIMOVA E’ZOZXON GAPIRJONOVNA
Direktor 2026-yil 24-iyul 01-07/45-son		SA’DULLAYEV ALISHER ZAFAR O‘G‘LI

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 23-iyul		SHERMATOV SHERZOD XOTAMOVICH
Vazir 2026-yil 20-iyul		TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH
O‘zbekiston Respublikasi DXX Raisi 2026-yil 20-iyul		KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
Bosh prokurori
2026-yil 8-iyul

YO‘LDOSHEV NIG‘MATILLA
TO‘LQINOVICH

Раис
2026-yil 30-iyul

KURANBAYEV KAXRAMON
KUCHKAROVICH

Qo‘mondon
2026-yil 3-iyun

TASHMATOV BAXODIR
XAMIDOVICH

Vazir
2026-yil 26-may

IKRAMOV AZIZBEK
ISRAILOVICH

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining 2026-yil 5-avgustdagi 16-son, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2026-yil 3-avgustdagi 56-q/q-son, Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2026-yil 28-iyuldagi 01-38-336-son, Yoshlar ishlari agentligining 2026-yil 24-iyuldagi 01-07/45-son qaroriga
ILOVA

“Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakatining (bundan buyon matnda “Vatan tayanchi” harakati deb yuritiladi) “Vatan tayanchi” otryadi a’zosiga hamda “Vatan tayanchi” harakatining “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari va mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibini belgilaydi.

Ushbu Nizom talablari “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosiga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) hamda yuridik ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanoma berishga nisbatan ham tatbiq etiladi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Tavsiyanoma quyidagi shaxslarga beriladi:

“Vatan tayanchi” harakati faoliyatida faol ishtirok etgan hamda davlat va nodavlat umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlari, Prezident maktablari, ijod maktablari, sport maktablari, ixtisoslashtirilgan maktablar, maktab-internatlar, akademik litseylar va texnikumlarni (bundan buyon matnda ta’lim tashkilotlari deb yuritiladi) a’lo baholar bilan tamomlagan “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosiga;

“Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosiga;

“Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan “Vatan tayanchi” harakatining a’zosi bo‘lgan shaxslardan iborat jamoa a’zolariga;

mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan jamoa a’zolariga.

2. Tavsiyanoma “Vatan tayanchi” harakati tomonidan mazkur Nizomga muvofiq beriladi.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

3. Tavsiyanomaga ega bo‘lgan shaxslarga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirishda imtiyozdan foydalanish huquqi beriladi.

Bunda “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosiga berilgan tavsiyanoma oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalaridan tashqari yuridik ta’lim muassasalariga o‘qishga kirishda imtiyozdan foydalanish huquqini ham beradi.

4. Tavsiyanomaga ega bo‘lgan shaxslarga imtiyoz sifatida o‘qishga kirishda test sinovlari yoki yakka tartibdagi yakuniy suhbat natijalariga ko‘ra to‘plagan ballarining 5 foizi miqdorida qo‘shimcha ball beriladi.

5. Tavsiyanoma berilgan sanadan boshlab uch yil mobaynida amal qiladi.

2-bob. Tavsiyanoma berish uchun nomzodlarni aniqlash bo‘yicha ishchi guruh faoliyatini tashkil etish

6. Har bir ta’lim tashkilotida ushbu Nizomga muvofiq tavsiyanoma berish uchun nomzodlarni aniqlash hamda “Vatan tayanchi” harakati tomonidan tavsiyanoma berishga taqdim etiladigan nomzodlarning ro‘yxatini shakllantirish maqsadida ta’lim tashkiloti rahbarining buyrug‘i bilan ishchi guruh tuziladi.

7. Ishchi guruh tarkibi har yili 31-maydan kechikmasdan kamida besh nafar a’zodan iborat toq sondagi tarkibda tuziladi. Ishchi guruh yig‘ilishi uning a’zolarining kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi.

Ishchi guruh tarkibiga:

ta’lim tashkiloti rahbari;

ta’lim tashkiloti rahbarining o‘rinbosari;

jismoniy tarbiya fani o‘qituvchisi;

chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik rahbari;

ta’lim tashkiloti joylashgan hududdagi “Vatan tayanchi” harakatining tuman (shahar) bo‘limi boshlig‘i kiritiladi.

Bunda ta’lim tashkilotining mas’ul xodimi ishchi guruh kotibi hisoblanadi.

Ishchi guruh faoliyatida ota-onalar kengashi vakili hamda mahalladagi yoshlar yetakchisi vakili kuzatuvchi sifatida ishtirok etishi mumkin.

8. Ishchi guruhga ta’lim tashkiloti rahbari boshchilik qiladi.

9. Ishchi guruh a’zolari o‘z faoliyatini jamoatchilik asosida amalga oshiradi.

10. Ishchi guruh o‘z vakolatiga kiradigan masalalarni ishchi guruh rahbari tomonidan chaqiriladigan yig‘ilishlarda ko‘rib chiqadi.

11. Ishchi guruh rahbari:

ishchi guruh faoliyatiga umumiy rahbarlik qiladi;

ishchi guruh yig‘ilishlarini chaqiradi va ularga raislik qiladi;

ishchi guruh vakolatiga kiradigan masalalarni yig‘ilish kun tartibiga kiritadi;

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

ishchi guruh faoliyatining mazkur Nizom talablariga muvofiq tashkil etilishini ta’minlaydi.

12. Ishchi guruh kotibi:

ishchi guruh yig‘ilishlarini tashkil etadi;

ishchi guruh a’zolarini yig‘ilish o‘tkaziladigan vaqt va joy haqida xabardor qiladi;

ishchi guruhga nomzodlarning ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlaganligini aniqlash uchun nomzodlarning o‘quv davriga oid elektron yoki qog‘oz shaklidagi baholash ma’lumotlari hamda yakuniy baholar to‘g‘risidagi boshqa rasmiy ma’lumotlar taqdim etadi;

ishchi guruh yig‘ilishi bayonnomasini yuritadi va rasmiylashtiradi;

ishchi guruh hujjatlarini yuritadi va saqlaydi.

13. Ishchi guruh faoliyatining asosiy tashkiliy shakli yig‘ilish hisoblanadi.

Ishchi guruh yig‘ilishida tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning mazkur Nizomda belgilangan talab va mezonlarga muvofiqligi, shu jumladan ularning ta’lim tashkilotini va “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlaganlik natijalari, “Vatan tayanchi” harakatidagi faol ishtiroki va “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalaridagi natijalarini ko‘rib chiqadi.

Ishchi guruh a’zolari ko‘rib chiqilayotgan nomzod bo‘yicha o‘z fikr va takliflarini bildiradi.

Ishchi guruh a’zolari o‘rtasida nomzodning mazkur Nizom talablariga muvofiqligi yuzasidan farqli fikr yuzaga kelgan taqdirda, masala bo‘yicha taqdim etilgan hujjatlar qayta ko‘rib chiqiladi. Hujjatlar qayta ko‘rib chiqilganidan so‘ng, ishchi guruh nomzodning mazkur Nizom talablariga muvofiqligi yuzasidan yakuniy xulosani shakllantiradi.

Ishchi guruhning yakuniy xulosasi asosida tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxati shakllantiriladi.

Ishchi guruh kotibi nomzodlarni muhokama qilishda, ular yuzasidan fikr va taklif bildirishda hamda yakuniy xulosani shakllantirishda ishtirok etmaydi.

Ishchi guruhning yakuniy xulosasi yig‘ilish bayonnomasi bilan rasmiylashtiriladi hamda unga tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxati ilova qilinadi.

3-bob. Tavsiyanoma berish uchun “Vatan tayanchi” otryadidan bir nafar nomzodni reyting asosida aniqlash

14. “Vatan tayanchi” harakati faoliyatida faol ishtirok etgan hamda ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlagan “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosiga tavsiyanoma berish uchun nomzodni aniqlashda uning ta’lim tashkilotidagi o‘qish davridagi o‘zlashtirish natijalari hamda “Vatan tayanchi” harakati faoliyatidagi faol ishtiroki hisobga olinadi.

15. Nomzodning ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlaganligi uning ta’lim tashkilotida o‘qigan davri mobaynida o‘quv fanlaridan olgan yakuniy baholari asosida aniqlanadi.

16. Nomzodning ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlaganligini aniqlash uchun o‘quv davriga oid elektron yoki qog‘oz shaklidagi baholash ma’lumotlari hamda yakuniy baholar to‘g‘risidagi boshqa rasmiy ma’lumotlar asos qilib olinadi.

17. Nomzod ta’lim tashkilotida o‘qigan davri mobaynida o‘quv fanlaridan olgan yakuniy yillik baholari 5 bo‘lgan taqdirda, u ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlagan deb hisoblanadi.

Bunda o‘quv fanlaridan olgan yillik yakuniy baholari 4 yoki undan past bo‘lgan nomzod ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlagan deb hisoblanmaydi va tavsiyanoma berish uchun nomzod sifatida tavsiya etilmaydi.

18. Nomzodning “Vatan tayanchi” harakati faoliyatidagi faolligi uning mazkur harakatdagi faoliyat davri mobaynida “Vatan tayanchi” otryadi tomonidan tashkil etilgan tadbir va loyihalardagi ishtiroki asosida baholanadi.

19. Nomzodning “Vatan tayanchi” otryadi faoliyati doirasida tashkil etilgan tadbir va loyihalardagi ishtiroki quyidagi mezonlar asosida baholanadi:

ishtirok etmagan – 0 ball;

1 – 5 marta ishtirok etgan – 3 ball;

6 – 10 marta ishtirok etgan – 5 ball;

11 – 15 marta ishtirok etgan – 8 ball;

16 va undan ortiq marta ishtirok etgan – 10 ball.

20. Mazkur Nizomning 19-bandida nazarda tutilgan ball nomzodning tadbir va loyihalardagi ishtirokining umumiy sonidan kelib chiqib, bir marta hisoblanadi.

21. Nomzodning tadbir va loyihalardagi ishtiroki tadbir bayonnomasi, ma’lumotnoma hamda ishtirok etganligini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar bilan tasdiqlanadi.

22. Ta’lim tashkilotining chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik rahbari mazkur Nizomning 21-bandida nazarda tutilgan hujjatlarni ishchi guruhga taqdim etilishini ta’minlaydi.

Ishchi guruh taqdim etilgan hujjatlar asosida nomzodning ishtirok etgan tadbir va loyihalarining umumiy sonini aniqlaydi.

23. Nomzod ishtirok etgan bir tadbir yoki loyiha bo‘yicha bir nechta tasdiqlovchi hujjat taqdim etilgan taqdirda, mazkur tadbir yoki loyiha bitta ishtirok sifatida hisoblanadi.

24. Nomzodning “Vatan tayanchi” harakati faoliyatidagi faol ishtiroki uchun mazkur Nizomning 19-bandida belgilangan mezon asosida ko‘pi bilan 10 ball beriladi.

25. Nomzodning ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlaganligi uchun 90 ball beriladi.

26. Nomzodning yakuniy reyting balli quyidagi formula asosida aniqlanadi:

R = AB + FI

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

Bunda:

R – nomzodning yakuniy reyting balli;

AB – ta’lim tashkilotini a’lo baholar bilan tamomlaganlik uchun berilgan ball;

FI – “Vatan tayanchi” harakati faoliyatidagi faol ishtiroki uchun berilgan ball.

27. Nomzodning yakuniy reyting balli 100 ballni tashkil qiladi.

28. Nomzodlar yakuniy reyting ballari kamayib borish tartibida joylashtiriladi.

Bunda eng yuqori yakuniy reyting ballini to‘plagan nomzod reytingda birinchi o‘rinni egallagan deb hisoblanadi hamda ishchi guruh tomonidan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatiga kiritiladi.

29. Yakuniy reyting balli teng bo‘lgan ikki yoki undan ortiq nomzod mavjud bo‘lgan taqdirda, “Vatan tayanchi” otryadi faoliyati doirasida tashkil etilgan tadbir va loyihalarda ko‘proq ishtirok etgan nomzodga ustunlik beriladi.

30. Mazkur Nizomning 29-bandida nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar bo‘yicha ham nomzodlarning ko‘rsatkichlari teng bo‘lgan taqdirda, “Vatan tayanchi” harakatidagi ishtirok davomiyligi hisobga olinadi.

Bunda “Vatan tayanchi” harakatida uzoqroq muddat davomida faol ishtirok etgan nomzodga ustunlik beriladi.

4-bob. “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadidan bir nafar a’zoni aniqlash

31. “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosini aniqlashda nomzodlarning “Jasorat maktabi”da ta’lim olgan butun davridagi yakuniy baholari hisobga olinadi.

32. Nomzod “Jasorat maktabi”da ta’lim olgan davri mobaynida o‘quv fanlaridan olgan yillik yakuniy baholari 5 bo‘lgan taqdirda, u “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan deb hisoblanadi.

Bunda o‘quv fanlaridan olgan yillik yakuniy baholari 4 yoki undan past bo‘lgan nomzod “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan deb hisoblanmaydi hamda tavsiyanoma berish uchun nomzod sifatida tavsiya etilmaydi.

33. “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosi nomzodlar orasidan ularning “Jasorat maktabi”da ta’lim olgan butun davriga oid elektron yoki qog‘oz shaklidagi baholash ma’lumotlari, yakuniy baholari to‘g‘risidagi ma’lumotlar yoxud ularni tasdiqlovchi boshqa rasmiy hujjatlar asosida aniqlanadi.

34. “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan har bir “Vatan tayanchi” otryadining bir nafar a’zosi tavsiyanoma olish uchun nomzod sifatida belgilanadi hamda ishchi guruh tomonidan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatiga kiritiladi.

35. Bir “Vatan tayanchi” otryadida “Jasorat maktabi”ni a’lo baholar bilan tamomlagan nomzodlar ikki yoki undan ortiq bo‘lgan taqdirda, ular orasidan “Vatan tayanchi” harakati faoliyati doirasida tashkil etilgan tadbir va loyihalarda ko‘proq ishtirok etgan nomzodga ustunlik beriladi.

Nomzodning tadbir va loyihalardagi ishtiroki tadbir bayonnomasi, ma’lumotnoma hamda ishtirok etganligini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar bilan tasdiqlanadi.

36. Ishchi guruh ta’lim tashkilotining chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik rahbari tomonidan Ishchi guruhga taqdim etilgan mazkur Nizomning 35-bandida nazarda tutilgan hujjatlar asosida nomzodlar ishtirok etgan tadbir va loyihalarining umumiy sonini aniqlaydi.

37. Nomzodning “Vatan tayanchi” harakati faoliyatida ishtirok etgan bir tadbir yoki loyiha bo‘yicha bir nechta tasdiqlovchi hujjat taqdim etilgan taqdirda mazkur tadbir yoki loyiha bitta ishtirok sifatida hisoblanadi.

38. Mazkur Nizomning 35-bandida nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar bo‘yicha ham nomzodlarning ko‘rsatkichlari teng bo‘lgan taqdirda “Vatan tayanchi” harakatidagi ishtirok davomiyligi hisobga olinadi.

Bunda “Vatan tayanchi” harakatida uzoqroq muddat davomida faol ishtirok etgan nomzodga ustunlik beriladi.

5-bob. “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblarining ro‘yxatini shakllantirish

39. “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan “Vatan tayanchi” otryadi a’zosi bo‘lgan shaxslardan iborat jamoa a’zolariga tavsiyanoma berilishi uchun ularning ro‘yxati Ishchi guruh tomonidan shakllantiriladi.

Mazkur ro‘yxatni shakllantirish uchun ta’lim tashkilotining chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik rahbari tomonidan ishchi guruhga uning yig‘ilishida g‘olib jamoaning a’zolari “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallaganligini tasdiqlovchi diplom, sertifikat yoki boshqa hujjatlarning nusxalari taqdim etiladi.

40. Ishchi guruh taqdim etilgan hujjatlar asosida “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan hamda “Vatan tayanchi” otryadi a’zosi bo‘lgan shaxslardan iborat jamoa a’zolarini aniqlab, ularning ro‘yxatini shakllantiradi.

41. “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan jamoa tarkibidagi “Vatan tayanchi” otryadi a’zolaridan ta’lim tashkilotini yakunlayotgan shaxslar tavsiyanoma berish uchun ro‘yxatga kiritiladi.

Ta’lim tashkilotida o‘qishini davom ettirayotgan, mazkur musobaqada 1-o‘rinni egallagan jamoa tarkibidagi “Vatan tayanchi” otryadi a’zolariga tavsiyanoma berish uchun ro‘yxatga ta’lim tashkilotini yakunlayotgan yili ushbu bobda belgilangan tartibda kiritiladi.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

6-bob. Tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatini rasmiylashtirish hamda ushbu ro‘yxatga kiritilgan nomzodlarga tavsiyanoma berish

42. Tavsiyanoma berish uchun har yili 5-iyunga qadar ishchi guruh tomonidan mazkur Nizomning 3, 4 va 5-boblarida belgilangan tartibda nomzodlar aniqlanadi va ularning ro‘yxati ushbu Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shaklda rasmiylashtiriladi.

43. Ishchi guruh tomonidan rasmiylashtirilgan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxati u rasmiylashtirilgan kunning o‘zida ta’lim tashkilotining e’lonlar taxtasiga joylashtiriladi hamda nomzodlar, ularning ota-onalari (qonuniy vakillari), pedagoglar va boshqa manfaatdor shaxslar e’tiboriga yetkaziladi.

44. Ishchi guruh tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatini rasmiylashtirilgan kundan keyingi ish kunidan kechiktirmay ta’lim tashkiloti joylashgan hududdagi tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limiga taqdim etadi.

45. Tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limi ishchi guruhlar tomonidan taqdim etilgan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatini umumlashtiradi hamda umumlashtirilgan ro‘yxatni ular taqdim etilgan kundan boshlab ikki ish kuni ichida tegishli mudofaa ishlari boshqarmasiga taqdim etadi.

46. Mudofaa ishlari boshqarmasi tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limlari tomonidan taqdim etilgan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxatini umumlashtiradi hamda umumlashtirilgan ro‘yxatni ular taqdim etilgan kundan boshlab uch ish kuni ichida “Vatan tayanchi” harakatiga taqdim etadi.

47. “Vatan tayanchi” harakati mudofaa ishlari boshqarmalari tomonidan taqdim etilgan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning ro‘yxati asosida ushbu ro‘yxat taqdim etilgan kundan boshlab besh ish kuni ichida mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda barcha nomzodlarga tavsiyanomalar rasmiylashtiriladi.

Rasmiylashtirilgan tavsiyanomalar ular rasmiylashtirilgan kundan boshlab uch ish kuni ichida “Vatan tayanchi” harakati tomonidan tegishli hududiy mudofaa ishlari boshqarmalariga taqdim etiladi hamda “imtiyoz.uzbmb.uz” axborot tizimiga joylashtiriladi.

48. Mudofaa ishlari boshqarmalari “Vatan tayanchi” harakati tomonidan taqdim etilgan tavsiyanomalarning ular taqdim etilgan kundan boshlab ikki ish kuni ichida ta’lim tashkilotlari orqali tegishli nomzodlarga yetkazilishini ta’minlaydi.

7-bob. Mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga tavsiyanoma berish

49. Mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichida 1-o‘rinni egallagan jamoa a’zolariga tavsiyanoma berish uchun O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi tomonidan g‘olib jamoa a’zolarining ro‘yxati mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq shaklda har yili 15-iyunga qadar “Vatan tayanchi” harakatiga taqdim etiladi.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

50. “Vatan tayanchi” harakati O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi tomonidan taqdim etilgan ro‘yxat asosida u taqdim etilgan kundan boshlab uch ish kuni ichida mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda tavsiyanomalarni rasmiylashtirib, O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligiga taqdim etadi hamda tavsiyanomalar to‘g‘risidagi ma’lumotlar “imtiyoz.uzbmb.uz” axborot tizimiga joylashtiradi.

51. O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi “Vatan tayanchi” harakati tomonidan taqdim etilgan tavsiyanomalarni ular taqdim etilgan kundan boshlab ikki ish kuni ichida tegishli nomzodlarga yetkazilishini ta’minlaydi.

8-bob. Shikoyatlarni ko‘rib chiqish

52. Manfaatdor shaxslar tavsiyanoma berilishi natijasi yuzasidan o‘z shikoyatlarini har yili 1-iyulga qadar “Vatan tayanchi” harakatiga yozma yoki elektron shaklda taqdim etadi.

53. “Vatan tayanchi” harakati rahbarining buyrug‘i bilan kamida 5 kishidan iborat apellyatsiya komissiyasi tuziladi.

Apellyatsiya komissiyasining tarkibi nomzodlarga tavsiynomalar berilishida ishtirok etmagan shaxslardan tuziladi.

54. Apellyatsiya komissiyasi shikoyat qilingan kundan boshlab bir ish kuni ichida manfaatdor shaxslarning shikoyatini ko‘rib chiqish kuni haqida xabardor qiladi. Bunda manfaatdor shaxslar apellyatsiya komissiya tomonidan shikoyatni ko‘rib chiqishda ishtirok etishga haqli.

55. Apellyatsiya komissiyasi shikoyatni u berilgan kundan boshlab besh ish kuni ichida ko‘rib chiqadi va qaror qabul qilingan kuni manfaatdor shaxslarni shikoyat qanoatlantirilgan yoki rad etilganligini ko‘rsatgan holda, yozma yoki elektron ravishda xabardor qiladi.

Bunda Apellyatsiya komissiyasi shikoyatni ko‘rib chiqish natijalariga ko‘ra quyidagi qarorlardan birini qabul qiladi:

shikoyatni asoslangan deb hisoblash hamda uni qanoatlantirish;

shikoyatni asossiz deb hisoblash hamda uni qanoatlantirishni rad etish.

56. Apellyatsiya komissiyasining qaroridan manfaatdor shaxslar norozi bo‘lgan ular qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

9-bob. Yakuniy qoida

57. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

“Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi
nizomga
1-ILOVA

Namuna

_____

_____
(tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limining nomi)

_____
(ta’lim tashkilotining nomi)

tomonidan berilgan tavsiyanoma berish uchun nomzodlarning
RO‘YXATI

T/r	**F.I.O.**	**Pasport yoki ID-karta ma’lumotlari**		**Tavsiyanoma berish uchun asos**	**Izoh**
		seriyasi va raqami	**JShIR raqami**		
1.					
2.					
3.					
...					

_____ **rahbari** _____ _____
(ta’lim tashkilotining nomi) *(imzo)* *(F.I.O)*

20__-yil __-_____

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

“Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi
nizomga
2-ILOVA

Namuna

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakatiga

Mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichida go‘lib bo‘lgan jamoa a’zolarining RO‘YXATI

T/r	F.I.O.	Pasport yoki ID-karta ma’lumotlari		Tavsiyanoma berish uchun asos	Izoh
		seriyasi va raqami	JShIR raqami		
1.					
2.					
3.					
...					

_____ _____ _____

(lavozim) *(imzo)* *(F.I.O)*

20__-yil __-_____

QMMB: 10/26/3931/0874-son
27.08.2026-y.

“Vatan tayanchi” otryadining a’zosiga, “Vatanparvarlar” harbiy-sport musobaqalari hamda mahalla yoshlari o‘rtasida o‘tkaziladigan “Shijoat va g‘ayrat” musobaqalarining respublika bosqichi g‘oliblariga oliy harbiy (harbiylashtirilgan) ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Namuna

Tavsiyanoma blankasining shakli

TAVSIYANOMA
№ AA 000000

Ushbu tavsiyanoma _____

_____ ga
(F.I.O)

_____
(pasport yoki ID-karta seriyasi va raqami)

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati rahbarining 20___-yil __ -_____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.

M.O‘.

_____
(“Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati rahbarining F.I.O.)

_____
(imzo)

20___-yil ___- _____

TAVSIYANOMA
№ AA 000000

Ushbu tavsiyanoma _____ ga
(F.I.O.)

_____
(pasport yoki ID-karta seriyasi va raqami)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 2-martdagi PQ–150-son “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tarkibiga kiruvchi vazirlik va idoralarning oliy harbiy ta’lim muassasalari hamda oliy harbiylashtirilgan ta’lim muassasalarining tegishli ta’lim yo‘nalishlariga o‘qishga kirishda test sinovlari yoki yakka tartibdagi yakuniy suhbat natijalariga ko‘ra to‘plagan ballarning 5 foizi miqdorida qo‘shimcha ball shaklidagi imtiyozga ega bo‘ladi.

Shu munosabat bilan mazkur tavsiyanoma O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati rahbarining 20___-yil __ -_____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.

Tavsiyanoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e’tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi “Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati

_____
(“Vatan tayanchi” bolalar va o‘smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati rahbarining F.I.O.)

QR-kod (matrik shtrixli kod)

20___ -yil ___-_____

34 (1262)-son
874-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3078-7
2026 - yil 27 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 10-sentabrdagi 125-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 22.10.2018-y., 10/18/3078/2073-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
10-Avgust 2026-yil
393 son

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3078-7/0876-son
28.08.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 10-avgustdagi
393-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. Quyidagi mazmundagi 112[1]-band bilan to‘ldirilsin:

“112[1]. 155 000 “Majburiy kelishuvlar bo‘yicha aktivlar” subschyotida budjet tashkiloti tomonidan shartnoma yoki boshqa yuridik kuchga ega bitim bo‘yicha o‘z majburiyatlari qisman yoki to‘liq bajarilgan, biroq hisobot sanasida to‘lovni talab qilish huquqi muayyan shartlarning bajarilishiga (qabul qilish, tasdiqlash, ekspertizadan o‘tkazish, sertifikatlash yoki shartnoma yoxud bitimda nazarda tutilgan boshqa talablarning bajarilishiga) bog‘liq bo‘lgan aktivlar hisobi yuritiladi.

Ushbu subschyotda hisobga olingan aktivlar bo‘yicha to‘lovni talab qilish huquqi shartsiz yuzaga kelgan sanada mazkur aktivlar debitorlik qarzlari tarkibiga qayta tasniflanadi.”.

2. 123-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“123. 161 800 “Biologik aktivlar” schyotining tegishli subschyotlarida hayvonlar yoki o‘simliklar hisobi yuritiladi.”.

3. Quyidagi mazmundagi 123[1] va 123[2]-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“123[1]. 161 810 “Foydalaniladigan (iste’mol qilinadigan) biologik aktivlar” subschyotida qishloq xo‘jaligi mahsuloti sifatida yig‘ib olinadigan yoki biologik aktiv sifatida sotish, beg‘araz yoxud nominal qiymat bo‘yicha berish uchun mo‘ljallangan hayvonlar va o‘simliklar hisobi yuritiladi.

Masalan, foydalaniladigan (iste’mol qilinadigan) biologik aktivlarga bir martalik foydalanish uchun hayvon yoki o‘simliklar, xususan go‘sht yo‘nalishida yirik shoxli qoramol, sotish uchun mo‘ljallangan qoramol, baliq yetishtirish xo‘jaliklaridagi baliq, makkajo‘xori va bug‘doy kabi donli mahsulotlar, shuningdek yog‘och tayyorlash maqsadida o‘stiriladigan daraxtlar kiradi.

123[2]. 161 820 “Unumdor (nasldor) biologik aktivlar” subschyotida qishloq xo‘jaligi faoliyatida bir yildan ortiq muddat davomida mahsulot yoki nasl olish uchun uzluksiz yoxud takroran foydalaniladigan va asosiy vositalar tarkibida hisobga olinmaydigan biologik aktivlar hisobi yuritiladi.

Unumdor (nasldor) biologik aktivlarning o‘zi qishloq xo‘jaligi mahsuloti hisoblanmaydi, balki mahsulot yoki nasl olish uchun qayta foydalaniladigan biologik obyekt hisoblanadi. Ularga nasl qoldirish uchun saqlanadigan hayvonlar, baliqlar va parrandalar, sut olish uchun saqlanadigan yirik shoxli qoramol, jun olish uchun saqlanadigan qo‘ylar hamda boshqa shunga o‘xshash hayvonlar kiradi.”.

4. Quyidagi mazmundagi 147[1]-band bilan to‘ldirilsin:

“147^{1}. 221 150 “Konsessiya bino va inshootlari” subschyotida konsedent tomonidan xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari talablariga muvofiq tan olingan binolar, inshootlar va boshqa infratuzilma obyektlari hisobga olinadi.

Ushbu subschyotda konsessiya shartnomasi asosida qurilgan, yaratilgan, rivojlantirilgan yoki modernizatsiya qilingan hamda konsedent tomonidan nazorat qilinadigan va asosiy vosita sifatida tan olinadigan aktivlar aks ettiriladi.”.

5. 149-banddagi “yetishtiriladigan biologik aktivlar” degan so‘zlar “asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 205-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

7. Quyidagi mazmundagi 211^{1}-band bilan to‘ldirilsin:

“211^{1}. 223 430 “Konsessiya nomoddiy aktivlari” subschyotida xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari talablariga muvofiq xizmat konsessiyasi aktivi sifatida qayta tasniflangan nomoddiy aktivlar harakati hisobga olinadi.”.

8. Quyidagi mazmundagi 270^{1}–270^{6}-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“270^{1}. 346 000 “Baholangan joriy majburiyatlar” subschyotida budjet tashkilotining yuzaga kelish muddati yoki summasi noaniq bo‘lgan joriy majburiyatlari hisobga olinadi.

270^{2}. 347 000 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir joriy moliyaviy majburiyatlar” schyotida konsedent tomonidan operatorga to‘lanishi lozim bo‘lgan moliyaviy majburiyatlarning joriy qismi va ular bo‘yicha hisoblangan foizlar hamda operatorga berilgan huquqlar bo‘yicha joriy majburiyatlar hisobi alohida yuritiladi.

270^{3}. 347 100 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir joriy moliyaviy majburiyatlar” subschyotida konsessiya aktivini qurish, sotib olish yoki modernizatsiya qilish uchun konsedent tomonidan operatorga pul mablag‘lari yoxud boshqa moliyaviy aktivlar bilan to‘lanishi lozim bo‘lgan moliyaviy majburiyatlarning joriy qismi hisobi yuritiladi.

270^{4}. 347 200 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir hisoblangan foizlar bo‘yicha majburiyatlar” subschyotida konsessiya kelishuvi shartlariga muvofiq konsessiyaga oid moliyaviy majburiyatlar bo‘yicha hisobot sanasida hisoblangan, biroq to‘lanmagan foizlar hisobi yuritiladi.

270^{5}. 347 300 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir operatorga berilgan huquqlar bo‘yicha joriy majburiyatlar” subschyotida konsedent tomonidan operatorga konsessiya aktividan foydalanish, uchinchi shaxslardan haq undirish yoxud aktivdan boshqa iqtisodiy naf olish huquqi berilishi natijasida yuzaga kelgan majburiyatlarning joriy qismi hisobi yuritiladi.

270^{6}. 348 000 “Majburiy kelishuvlar bo‘yicha majburiyatlar” subschyotida budjet tashkiloti tomonidan tovarlarni yetkazib berish, xizmatlarni ko‘rsatish yoki majburiy kelishuvda nazarda tutilgan boshqa ijro majburiyatlarini bajarishdan oldin to‘lov yoki boshqa resurs olinganda yoxud ularni olish bo‘yicha shartsiz huquq yuzaga kelganda tan olinadigan majburiyatlar hisobi yuritiladi.

Ushbu subschyotda hisobga olingan majburiyatlar tegishli ijro majburiyatlari bajarilishiga mutanosib ravishda kamaytiriladi va bajarilgan qismga tegishli daromad sifatida tan olinadi.”.

9. Quyidagi mazmundagi 273^{1} –273^{3}-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“273^{1}. 422 000 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir uzoq muddatli moliyaviy majburiyatlar” subschyotida konsessiya aktivini qurish, sotib olish yoki modernizatsiya qilish uchun konsedent tomonidan operatorga pul mablag‘lari yoxud boshqa moliyaviy aktivlar bilan to‘lanishi lozim bo‘lgan moliyaviy majburiyatlarning uzoq muddatli qismi hisobga olinadi.

273². 423 000 “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir operatorga berilgan huquqlar bo‘yicha majburiyatlar” subschyotida konsedent tomonidan konsessiya aktivini qurish, sotib olish yoki modernizatsiya qilish evaziga operatorga konsessiya aktividan foydalanish, uchinchi shaxslardan haq undirish yoxud aktivdan boshqa iqtisodiy naf olish huquqi berilishi natijasida yuzaga kelgan majburiyatlarning uzoq muddatli qismi hisobi yuritiladi.

Ushbu majburiyat xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari amal qilish davri mobaynida tizimli asosda daromad sifatida hisobdan chiqariladi.

273^{3}. 424 000 “Baholangan uzoq muddatli majburiyatlar” subschyotida budjet tashkilotining yuzaga kelish muddati yoki summasi noaniq bo‘lgan uzoq muddatli majburiyatlari hisobga olinadi.”.

10. 321-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“11 “Shartli aktiv”;

12 “Shartli majburiyat”;”.

11. Quyidagi mazmundagi 332 va 333-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“332. 11 “Shartli aktiv” schyotida oldingi hodisalar natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan uning mavjudligi (vujudga kelishi) faqat budjet tashkilotning to‘liq nazorati ostida bo‘lmagan kelgusidagi bir yoki bir nechta noaniq hodisalarning sodir bo‘lishi yoki sodir bo‘lmasligi bilan tasdiqlanadigan aktivlar yuritiladi.

333. 12 “Shartli majburiyat” schyotida oldingi hodisalar natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan javobgarlik bo‘lib, uning mavjudligi faqat budjet tashkilotning to‘liq nazorati ostida bo‘lmagan kelgusidagi bir yoki bir nechta noaniq hodisalarning sodir bo‘lishi yoki sodir bo‘lmasligi bilan tasdiqlanadigan majburiyatlar yuritiladi.”.

12. 1-ilovada:

1) 154 000-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 155 000-qator bilan to‘ldirilsin:

“

155	000	Majburiy kelishuvlar bo‘yicha aktivlar		+	

”;

2) 161 800 va 161 810-qatorlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

161	800	Biologik aktivlar		+	

161	810	Foydalaniladigan (iste’mol qilinadigan) biologik aktivlar		+	

”;

3) 161 810-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 161 820-qator bilan to‘ldirilsin:

“

161	820	Unumdor (nasldor) biologik aktivlar		+	

”;

4) 221 140-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 221 150-qator bilan to‘ldirilsin:

“

221	150	Konsessiya bino va inshootlari		+	

”;

5) 221 210-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 221 211-qator bilan to‘ldirilsin:

“

221	211	Konsessiya transport vositalari		+	

”;

6) 221 222-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 221 223-qator bilan to‘ldirilsin:

“

221	223	Boshqa turdagi konsessiya aktivlari (transport vositalari bundan mustasno)		+	

”;

7) 221 310-221 312-qatorlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

221	310	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlar		+	
221	311	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan hayvonlar		+	
221	312	Hosil beruvchi o‘simlik		+	

”;

8) 221 312-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 221 313-qator bilan to‘ldirilsin:

“

221	313	Dekorativ va ko‘kalamzorlashtirish o‘simliklari		+	

”;

9) 223 310-qator chiqarib tashlansin;

10) 223 420-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 223 430-qator bilan to‘ldirilsin:

“

223	430	Konsessiya nomoddiy aktivlari		+	

”;

11) 231 140-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 231 150-qator bilan to‘ldirilsin:

“

231	150	Konsessiya bino va inshootlari amortizatsiyasi		+	

”;

12) 231 210-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 231 211-qator bilan to‘ldirilsin:

“

231	211	Konsessiya transport vositalari amortizatsiyasi		+	

”;

13) 231 222-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 231 223-qator bilan to‘ldirilsin:

“

231	223	Boshqa turdagi konsessiya aktivlar amortizatsiyasi (transport vositalari bundan mustasno)		+	

”;

14) 231 310-231 312-qatorlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

231	310	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlar amortizatsiyasi		+	
231	311	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan hayvonlar amortizatsiyasi		+	
231	312	Hosil beruvchi o‘simlik amortizatsiyasi		+	

”;

15) 231 312-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 231 313-qator bilan to‘ldirilsin:

“

231	313	Dekorativ va ko‘kalamzorlashtirish o‘simliklari amortizatsiyasi		+	

”;

16) 233 420-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 233 430-qator bilan to‘ldirilsin:

“

233	430	Konsessiya nomoddiy aktivlari amortizatsiyasi		+	

”;

17) 241 310-241 312-qatorlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

241	310	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlar		+	
241	311	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlarni xarid (qabul) qilish		+	
241	312	Asosiy vosita sifatida hisobga olinadigan o‘simliklar va hayvonlarga boshqa xarajatlar		+	

”;

18) 243 310-qator chiqarib tashlansin;

19) 345 000-qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“

346	000	Baholangan joriy majburiyatlar		+	
347	000	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir joriy moliyaviy majburiyatlar		+	
347	100	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvi bo‘yicha joriy moliyaviy majburiyatlar		+	

347	200	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvi bo‘yicha hisoblangan foizlar majburiyati		+	
347	300	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlariga doir operatorga berilgan huquqlar bo‘yicha joriy majburiyatlar		+	
348	000	Majburiy kelishuvlar bo‘yicha majburiyatlar		+	

”;

20) 421 900-qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“

422	000	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvi bo‘yicha uzoq muddatli moliyaviy majburiyatlar		+	
423	000	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari bo‘yicha operatorga berilgan huquqlar bo‘yicha majburiyatlar		+	
424	000	Baholangan uzoq muddatli majburiyatlar		+	

”;

21) 10-qatordan keyin quyidagi mazmundagi 11 va 12-qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“

11	Shartli aktiv		+	
12	Shartli majburiyat		+	

”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3294-4
2026 - yil 27 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 10-martdagi 28/21-son qarori (ro‘yxat raqami 3294, 2021-yil 3-aprel) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 03.04.2021-y., 10/21/3294/0285-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
2026-yil 14-avgust
22/7-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2026-yil
14-avgustdagi 22/7-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom banklar tomonidan bank kartalarining chiqarilishi, ularning muomalada bo‘lishi va o‘tkazilgan operatsiyalar bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish, shuningdek to‘lov operatsiyalarini banklarning axborotni ichki qayta ishlash modeli (bundan buyon matnda In-house modeli deb yuritiladi) orqali qayta ishlashni tashkil etish, amalga oshirish hamda nazorat qilish qoidalarini belgilaydi.”.

2. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“In-house modeli – bank tomonidan protsessing xizmatini ko‘rsatuvchi uchinchi shaxsni jalb etmagan holda o‘zining axborot infratuzilmasi orqali to‘lovchi hamda mablag‘larni oluvchining ayni bir bankda ochilgan bank kartalari bilan amalga oshiriladigan to‘lov operatsiyalarini avtorizatsiya qilish, qayta ishlash va bank hisobvaraqlarida aks ettirishdan iborat tizim.”.

3. Quyidagi mazmundagi 2^1-band bilan to‘ldirilsin:

“2^1. In-house modeli ushbu Nizomning 57^1–57^7-bandlarida belgilangan talablarga javob beradigan banklar tomonidan ixtiyoriy ravishda qo‘llaniladi.”.

4. Quyidagi mazmundagi 15^1-bob bilan to‘ldirilsin:

“15^1-bob. Banklarda to‘lov operatsiyalarini In-house modeli asosida qayta ishlash

57^1. Bank In-house modeli asosida to‘lov operatsiyalarini qayta ishlashda To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to‘lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarni oldini olish choralarini ko‘rish to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 3513, 2024-yil 21-may) belgilangan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga rioya etishi, faoliyat uzluksizligi

hamda axborot tizimlarini tiklash rejalarini ishlab chiqishi va ularni yiliga kamida bir marta sinovdan o‘tkazishi shart.

57[2]. Bank In-house modelini joriy etishdan kamida o‘ttiz kun oldin Markaziy bankka yozma yoki elektron shaklda xabarnoma taqdim etadi. Bunda In-house modelini ishga tushirish sanasi, qayta ishlanadigan operatsiyalar turlari, foydalaniladigan axborot tizimlari, axborot xavfsizligi va faoliyat uzluksizligini ta’minlash choralari ko‘rsatiladi.

57[3]. Bank In-house modelini qo‘llashda to‘lov ma’lumotlarining maxfiyligi, yaxlitligi va mavjudligini ta’minlash bo‘yicha ichki hujjatlarni tasdiqlashi, shuningdek operatsion va texnologik tavakkalchiliklarni aniqlash, baholash, monitoring qilish va kamaytirish tartibini belgilashi lozim.

57[4]. Bank In-house modelining uzluksiz ishlashini ta’minlash uchun asosiy axborot tizimidan mustaqil zaxira aloqa kanali va axborot tizimiga ega bo‘lishi, ulardagi ma’lumotlarning muntazam yangilanishini hamda zaxira tizimiga o‘tish jarayonining yiliga kamida bir marta sinovdan o‘tkazilishini ta’minlaydi.

57[5]. In-house modeli orqali faqat to‘lovchi va mablag‘larni oluvchining ayni bir bankda ochilgan bank kartalari orqali amalga oshiriladigan to‘lov operatsiyalari qayta ishlanadi. Bunda hisob-kitoblar real vaqt rejimida yoki belgilangan kliring sessiyalari yakunlari bo‘yicha amalga oshiriladi.

57[6]. Bank In-house modeli orqali amalga oshirilgan to‘lov operatsiyalariga oid barcha ma’lumotlarni kamida besh yil davomida saqlanishini, yaxlitligini hamda zarur hollarda qayta tiklanishini ta’minlaydi.

57[7]. Bank In-house modelining ishlashiga ta’sir ko‘rsatgan operatsion hodisa, axborot tizimidagi uzilish yoki axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisasi aniqlanganda bu haqda Markaziy bankka zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda dastlabki axborotni taqdim etishi shart. Bunda hodisaning sabablari, oqibatlari va uni bartaraf etish bo‘yicha ko‘rilgan choralar haqidagi batafsil axborot hodisa aniqlangan kundan boshlab uch ish kuni ichida taqdim etiladi.

57[8]. Markaziy bank banklar tomonidan In-house modeli asosida to‘lov operatsiyalarini qayta ishlashda ushbu Nizom talablariga rioya etilishi ustidan qonunda belgilangan vakolatlari doirasida monitoring va nazoratni amalga oshiradi.

57[9]. Bank In-house modelini ishga tushirishdan oldin ushbu Nizomning 57[1]–57[6]-bandlarida nazarda tutilgan tashkiliy va texnik choralar bajarilishini ta’minlaydi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1545-7
2026 - yil 28 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

Markaziy bankning banklararo to‘lov tizimi orqali elektron to‘lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi va “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2006-yil 17-yanvardagi 1/3-son qarori (ro‘yxat raqami 1545, 2006-yil 14-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 6-7-son, 48-modda) bilan tasdiqlangan Markaziy bankning banklararo to‘lov tizimi orqali elektron to‘lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki raisi
2026-yil 14-avgust
22/5-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining
2026-yil 14-avgustdagi
22/5-son qaroriga
ILOVA

Markaziy bankning banklararo to‘lov tizimi orqali elektron to‘lovlarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 14-bandning 1-kichik bandidagi “bank faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziyaga” degan so‘zlar “bank faoliyatiga doir tegishli litsenziyaga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. To‘lovlarni amalga oshirish, shu jumladan mobil raqamdan foydalangan holda bank hisobvarag‘idan pul mablag‘larini o‘tkazish maqsadida Tezkor to‘lovlar tizimiga qayta ishlash uchun uzatiladigan to‘lov hujjatlari bank mijozlari tomonidan masofaviy xizmat ko‘rsatish tizimlari orqali 24/7 rejimida xizmat ko‘rsatuvchi bankka taqdim qilingan bo‘lishi va to‘lovchining hisobvarag‘ida yetarli mablag‘ bo‘lishi lozim.”.

QMMB: 10/26/2684-6/0882-son
02.09.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2684-6
2026 - yil 28 - Avgust

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRI BUYRUG‘I

O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 4-bobi, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 13-iyuldagi 380-son “Voyaga yetmagan shaxslarga ayrim davlat xizmatlarini ko‘rsatishning ma’muriy reglamentlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Quyidagilar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin:

O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirining 2015-yil 2-iyundagi 13-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2684, 2015-yil 17-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 24-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 4-bobi;

O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirining 2021-yil 26-oktabrdagi 31-mh-son “O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2684-3, 2021-yil 6-noyabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 06.11.2021-y., 10/21/2684-3/1031-son) ilovaning 2 va 3-bandlari;

O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining 2023-yil 5-iyundagi 2-mh-son “O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2684-4, 2023-yil 23-iyun) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 23.06.2023-y., 10/23/2684-4/0421-son) ilovaning 2-bandi “d” kichik bandi.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, Ichki ishlar vazirligi hamda Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/2684-6/0882-son
02.09.2026-y.

Vazir
2026-yil 17-avgust
44-mh-son

KARIMOVA E’ZOZXON
GAPIRJONOVNA

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 5-avgust

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 31-iyul

ADILOV ELDAR
ERKINOVICH

Vazir
2026-yil 30-iyul

SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH